ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4

ТОШКЕНТ-2020

**ЎТМИШГА НАЗАР / ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ / LOOK TO THE PAST**
№SI-4 (2020) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4

**Бош муҳаррир:**
**Главный редактор:**
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Заместитель главного редактора:**
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**
*тарих фанлари доктори,*
*профессор, академик,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Ўзбекистон жаҳон тиллари*
*университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*ЎзР ФА Тарих институти*

**Кебадзе Мадонна**
*тарих фанлари доктори, Телави*
*давлат университети, Грузия*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*ЎзР ФА Тарих институти*

**Бурдиашвили Майя**
*тарих фанлари доктори, Телави*
*давлат университети, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**
*тарих фанлари доктори, доцент,*
*Хотин-қизлар давлат педагогика*
*университети, Қозоғистон*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**
*тарих фанлари доктори,*
*Тошкент кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари номзоди, доцент.*
*Ўзбекистон давлат жаҳон*
*тиллари университети*

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**
*тарих фанлари номзоди, доцент*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Ғофforов Шокир Сафарович**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Самарқанд давлат тиббиёт институти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**
*Тарих фанлари доктори, профессор,*
*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт*
*институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**
*профессор, Телави давлат*
*университети, Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Тошкент давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**
*тарих фанлари доктори, доцент*
*Нукус давлат педагогика институти*

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари доктори*
*Ўзбекистон Республикаси*
*Фанлар академияси*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**
*тарих фанлари номзоди, профессор,*
*Дипломатия академияси,*
*Қозоғистон Республикаси*

**Ширванова Тарана Амирага кызы**
*тарих фанлари номзоди, доцент*
*Азербайджон давлат*
*иқтисодиёт университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**
*тарих фанлари доктори, доцент,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**
*тарих фанлари номзоди, доцент,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Наманган давлат университети*

**Ковалев Борис Николаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Россия ФА, Санкт-Петербург*
*Тарих институти*

**Кобзева Ольга Петровна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Ауанасова Алима Мусировна**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Давлат тарихи институти, Қозоғистон*

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**
*фалсафа фанлари доктори, профессор*
*Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон*
*Миллий университети, Қозоғистон*

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Ўзбекистон миллий университети*

**Алиева Лале**
*тарих фанлари доктори,*
*Озарбайжон давлат университети*

**Исмаилова Алмаз**
*тарих фанлари доктори,*
*Доғистон мустақил университети*

**Талапов Бахриддин Алижанович**
*тарих фанлари номзоди, доцент,*
*Наманган давлат университети*

**Одилов Аброр Анварович**
*тарих фанлари номзоди, доцент,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

**1. Доно Зияева**
ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР
АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА……………………………………………6

**2. Санобар Шадманова**
ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ
ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР)……………………………………….………13

**3. Надира Маҳкамова**
ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ
МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ……………………20

**4. Қаҳрамон Алманов**
ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ……………………………………………29

**5. Шахноза Абдураҳимова**
1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ…………………………………..…39

**6. Zebiniso Axmedova**
OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI…………….47

**7. Гулчеҳра Аҳмедова**
СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ……………………………………………………………..…54

**8. Komiljon Arziyev**
SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI
(eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga)…………………………………..…59

**9. Мансур Бойсариев**
ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ……………………………………...65

**10. Шерзод Бахранов**
РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН
ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида)………………..…...74

**11. Феруза Бобожонова**
БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ,
МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ…………………………………………………………....80

**12. Назокат Бозорова**
СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ……….…...94

**13. Шербек Ёдгоров**
МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ
ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ…………..100

**14. Беҳзод Исабеков**
СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР……………………………108

**15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев**
ХІХ АСР ОХИРИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН
ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН…………………………….113

**16. Фарҳоджон Исматуллаев**
ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН
ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН
БИРИ СИФАТИДА…………………………………………………………………....121

**17. Руфина Каюмова**
ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ
ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРЛАРИДА……………………………………………...…..129

**18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova**
SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI……………………..…135

**19. Хушнудбек Мамадалиев**
ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ
ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР………………………...……..141

**20. Erkinjon Maxmudov**
BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI……………....152

**21. Темур Мўминов**
ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР………………………………...…157

**22. Ғайратхон Мухтаров**
ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ……………………166

**23. Жамшид Перемқулов**
СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)…………..173

**24. Зафар Рахманов**
ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ
ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ……………………………….183

**25. Элёр Раҳмонов**
ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА
ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ…………………….....…...191

**26. Зокир Рустамов**
1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР………………...….199

**27. Azamat Sanakulov**
MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ
DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O'RNI………………………………..………205

**28. Нодир Сафаров**
РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ
ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ…………………………………………………….213

**29. Анора Тоғаева**
ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ:
АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар)……………………………………….219

**30. Фарҳод Усманов**
1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР
ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР……………………………………………….226

**31. Икромжон Умаров**
БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ
ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ…………………………………….……….…….238

**32. Гулнора Фарманова**
Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ
(АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА)…………245

**33. Madina Chorieva**
XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI
MANGIT AMIR SAYID OLIMXON………………………………………….…….….…...250

**34. Шаҳло Хусанова**
БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ……………………………….….……255

**35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова**
УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ……………………………….….…...261

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Доно Ҳамидовна Зияева,**
тарих фанлари доктори, профессор
ЎзР ФА тарих институти

## ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

**For citation:** Dono Kh.Ziyaeva, IRANIAN TRAVELOGUES AND MEMOIRS AS HISTORICAL SOURCES. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.6-12

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-1**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада XIX – XX аср бошларида Эрондан Хива хонлигига ташриф буюрган элчиларнинг сафарномаларида Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихига оид маълумотлар - уларнинг сафар ва йўл таассуротлари, ҳукмдор томонидан қабул қилиниши ва у билан музокара жараёнлари, ташриф буюрилган шаҳарлар, махаллий аҳолининг турмуш маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ҳукмдорлар шахси, элчиларни расмий қабул маросимлари, давлат бошқаруви, минтақадаги сиёсий вазият ва жараёнлар, ўзаро муносабатлар ва муҳим тарихий воқеалар ҳақида маълумотлар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, Эрон, Хоразм, Бухоро, элчилик, музокаралар, сафарнома.

---

**Доно Хамидовна Зияева,**
доктор исторических наук, профессор
Институт истории Академии наук Республики Узбекистан

## ПУТЕВЫЕ ЗАПИСИ И МЕМУАРЫ ИРАНСКИХ ПУТЕШЕСТВЕННИКОВ КАК ИСТОРИЧЕСКИЙ ИСТОЧНИК

**АННОТАЦИЯ**

В статье приводятся сведения из путевых записей иранских послов, посетивших Среднюю Азию в XIX веке. В них нашли своего отражения ценные сведения путевых записей о приёме и переговорах их правителями ханств, о городах и бытовой культуре местного населения, о государственном управлении и политической ситуации, а также, социально-экономическом положении и взаимоотношений в регионе.

**Ключевые слова:** Центральная Азия, Иран, Хорезм, Бухара, посольства, переговоры, путевые записи.

---

**Dono Kh.Ziyaeva,**
Doctor of Historical Sciences, Professor
Institute of History of the Academy of

Sciences of the Republic of Uzbekistan

## IRANIAN TRAVELOGUES AND MEMOIRS AS HISTORICAL SOURCES

**ABSTRACT**

The article describes the history of Central Asia, in particular Uzbekistan, and the analysis of the issues covered in the travelogues written in Iran in the XIX-early XX centuries. Works in this category depict information about travel impressions and negotiation processes, important historical data on the cities of the visited country, culture of lifestyle of the population, socio-economic life, personalities of rulers, official receptions of ambassadors, public administration, political situation and processes in the region, relations and important historical events.

**Index Terms:** Central Asia, Iran, Khorezm, Bukhara, ambassador, history, captive.

---

**1.Долзарблиги:**

Марказий Осиё халқлари, хусусан, Эрон ва Турон тарихи жуда қадимдан муштарак бўлиб, бу энг аввало, уларнинг ягона Марказий Осиё минтақасида жойлашганлиги, жуда қадимдан зардуштийликка, кейинчалик эса ягона ислом динига эътиқод қилганлиги, тили (форсий), мумтоз адабиёти ва маданияти ҳам муштарак ривожланганлиги, иқтисодий алоқалари ҳамиша фаол бўлганлиги, сиёсий тарихи эса айрим тарихий даврларда умумий давлатчилик (Ахамонийлар, Амир Темур салтанати ва бошқалар) доирасида кечганлиги, айрим даврларда ўзаро урушлар ёки иттифоқчилар бўлганлиги яхши маълум. Мавзунинг ўрганилиши Марказий Осиё халқларининг сўнгги ўрта асрлардаги маданий алоқалари тарихини ўрганишда долзарб аҳамият касб этади.

**2. Методлар:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда сўнгги ўрта асрлардаги Марказий Осиё халқларининг Эрон билан маданий алоқаларининг ўрганилишида эрон сафарномалари ва мемуар асарлари тарихий манба сифатидаги тарихий аҳамияти кўрсатилган.

**3.Тадқиқот натижалари:**

Эрон ва Турон халқларининг маданий алоқаларининг тарихий илдизлари энг қадимги зардуштийлик дини тарқалган даврлардан бошлаб, ислом маданияти даврида янада яқинлашди. Айниқса, мумтоз адабиётда Рудакий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навои, Умар Ҳайём ижоди, тарихий тадқиқотларда Захириддин Бобур, Мирхонд, Хондамир асарлари ҳар икки ҳудуд халқлари учун бирдек қадрли маданий дурдоналарга айланди. Ўрта асрлар тарихий-адабий ва диний манбаларида Эрон ва Турон тарихи ҳамда маданиятининг ўзаро алоқадорлиги ҳамиша яққол намоён бўлиб келди.

Сўнгги ўрта асрларда минтақада ҳаж зиёрати ва бошқа саёҳатлар билан боғлиқ холда сафарномаларнинг юзага келиши Эронда ҳам намоён бўлди. Сафарномалар нафақат йўл таассуротлари ва музокара жараёнлари, балки ташриф буюрилган мамлакатнинг шаҳарлари, аҳолисининг турмуш маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид муҳим тарихий маълумотларга эгалиги боис, ўзига хос тарихий манба сифатида тарихчилар эътиборини тортади. Шунингдек, сафарномаларда ҳукмдорлар шахси, элчиларни расмий қабул маросимлари, давлат бошқаруви, минтақадаги сиёсий вазият ва жараёнлар, ўзаро муносабатлар ва муҳим тарихий воқеалар ҳақида маълумотлар ҳам ўрин олганлиги боис, уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали минтақадаги геосиёсий вазият ҳамда ўзаро алоқаларга таъсир ўтказган ички ва ташқи омилларни аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Эрон сафарномаларини ўрганишда эроншунос олимлардан Б.С. Маннонов [4; 6: 69-73-бетлар.], сафарномаларни ўзбек тилига таржима қилиб, нашрга тайёрлаган Умид Бекмухаммад, Бекжон Исмоилов хизматларини, Эрон ва Хива хонлиги муносабатлари тарихини ўрганган тарихчилар мутахассис Н.Аллаева[8] каби мутахассисларни алоҳида эътироф этиш лозим.

Бевосита сафарномаларга тўхталиб, шуни қайд этиш лозимки, улар энг аввало асар муаллифларининг воқелар гувоҳи ва иштирокчиси сифатида ўзлари кўрган, билган, суриштириб, аниқлаган маълумотларга асосланганлиги билан қимматлидир.

Сафарномалардан бири Хоразмга 1842 йилда Эрон ҳукмдори Муҳаммадшоҳ қожор томонидан юборилган элчи Мухаммад Алихон Ғафурнинг қаламига мансуб бўлиб, “Рўзнома-йи сафар-и Хоразм” (“Хоразм сафари кундалиги”) деб номланади. Сафарномада Эрон элчисининг 1842 йилда Хива хонлигига дипломатик миссия билан ташрифи чоғида Хива хони Оллоқулихон (1825-1842) билан олиб борган дипломатик музокаралари ўз аксини топган бўлиб, унинг сўнг Эрон ташки ишлар вазирлигига ёзилган ҳисоботи асосида нашр қилинган бўлиб, 2009 йилда шарқшунос Бекжон Исмоилов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда чоп этилган [9].

Маълум бўлишича, Хоразмга Англия ва Россиянинг Теҳрондаги доимий элчихонаси вакиллари билан бирга жўнатилган Муҳаммад Алихон Ғафурга Эрон ва Хива хонликлари ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш, эронлик асирларни тутқунликдан қутқариш ҳамда қул савдосига чек қўйиш масаласини муҳокама қилиш топширилган эди. Унинг ташрифидан бир оз муддат аввал – 1841 йили ёзида Машҳад атрофида талончи туркманлар гуруҳи зиёратчилар карвонига ҳужум қилиб, кўплаб кишиларни асир олганлар ва Хивага олиб келиб сотиб юборганлар. Улар орасида Хуросон волийсининг акасини фарзанди – яқин атрофда ов қилиб юрган Вали Муҳаммадхон исмли шахс ҳам асирликка олиниб, Хива хонига топширилган. Хуросон волийси Эрон ҳукмдорига мурожаат қилиб, ўз жиянини озод қилишда ёрдам сўраши муносабати билан Хивага жўнатилган элчи Муҳаммад Алихон Ғофурга Вали Муҳаммадхонни ва бошқа эронлик тутқунларни озод қилишни сўраш вазифаси юклатилган эди.

Мазкур элчилик миссиясисига Эрондаги рус ва инглиз элчихоналарининг вакиллари ҳам қўшиб жўнатилган бўлиб, бу холат Хива хони Оллокулихоннинг ранжишига сабаб бўлади ва бу ҳақда ўз фикрини элчига ошкора билдиради. Гарчи Оллоқулихон элчи ва унинг ҳамроқхларини 4-5 марта қабул қилиб, иззат икром кўрсатса-да, Мухаммад Алихон тўра билан музокаралар давомида эронлик асирларнинг озод қилинишини “рус ва инглиз вакиллари ташрифи натижаси сифатида” баҳоланмаслиги учун бу ишни кейинги сафарга қолдиради. Хивадаги барча қулларни ёппасига озод қилиш эса раиъат ҳуқуқини бузилиши ва норозилигига олиб келишини, зеро, қулларни эгалари уларни катта пулга сотиб олинганлигини, уларни эгаларидан сотиб олиш учун катта маблағ зарурлигини, Хивадаги қулларни алмаштириш эвазига Эрондаги қуллар ҳам биттама-битта озод этилиши лозимлигини укдиради.

Манбаларда қайд этилишича, орадан кўп ўтмай, 1842 йилда Хива хони Оллоқулихон вафот этиб, тахтга келган янги ҳукмдор Муҳаммад Амин тўра Муҳаммад Валихон озод қилиб, Эрон билан дўстона муносабатларни далили сифатида Хива элчиларига қўшиб, Теҳронга жўнатилади.

Мухаммад Алихон Ғафурнинг сафар кундалиги Хива хонлиги тарихига оид қизиқарли маълумотлар ўрин олган бўлиб, улар энг аввало музокаралар жараёнларидаги расмий тартиблар ва маросимлар батафсил таърифланади.

Ушбу сафарномада Элчи Муҳаммад Алихон Ғофур Эрондан то Хоразмгача йўлдаги манзиллар, улар орасидаги масофаларни қайд этиб боради. Хива хонлигидаги ўзи кўрган шаҳарларга таъриф беради. Хусусан, Марв шаҳри ҳақида тўхталиб, хон ҳазратлари шаҳарни тиклаб, мудофаа мақсадларида ҳандақлар қазитганлиги, ҳандақлар сувга тўлдирилиб, шаҳар аҳолиси учун кўприк ташалганлигини қайд этади. Хива хонлигида ўғрилик содир бўлмаганлиги боис ҳовлилар, уйлар қулфланмаслиги, ҳатто озод қилинган айрим эронлик асирларнинг Хивадан кетгиси келмаганлиги, улар хон қўшинида сарбоз бўлиб хизмат қилиш истагида эканлиги ҳақидаги маълумотлар эътиборга лойиқдир. Амударёни таърифлаб эса унда йил бўйи лойқа сув оқиб туришини, қишда эса жуда қаттиқ музлаганлигидан унинг устидан отлиқлар бемалол ўтишини қайд этади. Муаллиф йулдаги серсув қудуқлар ҳақида ҳам маълумот беради.

Сафарномалардан яна бири Эрон Миллий Мажлис кутубхонасининг қўлёзмалар хазинасида сақланаётган, Ҳусайн Замонийнинг сўз бошиси билан 1953-54 йилда Теҳронда чоп этилган “**Сафарномаи Бухорий”** номли асаридир [3]. Асарни нашрга тайёрлаган, унга сўзбоши ёзган Ҳусайн Замонийнинг қайд этишича, сафарномада муаллифининг номи кўрсатилмаган бўлса-да, унинг мазмунидан элчилик миссияси билан Эрон шохи Муҳаммадшох томонидан Бухорога келган шахс қаламига мансублигини, бу тахминан 1844 йилга тўғри келишини таъкидлайди. Зеро, элчига шу даврда Бухорода тутқунликда бўлган инглиз фуқароси Жозеф Вульфни ҳамда эронлик асирларни озод қилиш топширилган эди [7: 147-155 бетлар.]. Бу даврда Эронда ўз элчилигига эга бўлган Англия мамлакат ҳукмдоридан ўз фуқаросини озод қилишда воситачилик қилишни сўраб, унга ўз вакилини ҳам қўшиб жўнатган.

Мазкур сафарномада Эрондан Бухоро амирлигига олиб борадиган йўллар, манзиллар, туркман қабилаларининг жойлашиши тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга мамлакатнинг ички ҳаёти, Хива хонлигида давлат тузуми, девонхона фаолияти, молиявий ва ҳарбий ишларга оид маълумотлар ҳам ўрин олган.

Муаллиф ўз шахсий кузатишлари асосида Бухоро амирлигида элчиларни расмий қабул қилиш маросимлари, турли мансаб ва лавозимлар, уларнинг расмий қабул маросимларидаги жойлашув тартиблари, шоҳ ёрлиғини топшириш, совғалар тақдим қилиш расм-русумлари, элчиларга муносабат, эътибор ва кўрсатилган илтифотларни таърифлайди. Шунингдек, давлат бошқарув фаолияти билан боғлиқ масалалар, хусусан, сарой девонхонасининг фаолияти, солиқларни турлари ва уларни ундириш тартибларига ҳам тўхталиб, 160 минг хўжаликдан йиғиладиган закот солиғи 350 минг сўмни ташкил этишини, Амударё ва Зарафшон дарёсида олтин маъданлари мавжудлигини қайд этади.

Мамлакатнинг ҳарбий кучлари ҳам элчининг эътиборидан четда қолмаган. Асарда уларнинг тузилиши, таъминоти ва мамлакат шаҳарлари, бекликлар бўйича бўйича тақсимотига тўхталиб, Бухорода 20 минг, Шаҳрисабз, Маймана, Денов бекликларида эса 1000 дан 2000 минггача қўшин сақланганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.

Сафарномада Бухоро шаҳридаги йирик тужжорларнинг Россия, Эрон ва Қобул билан йиллик савдо айланмаси, савдогарлардан олинадиган бож ва закот солиқлари, улардан ҳарбий қўшин учун олинадиган алоҳида тўловлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Эрон элчиси Бухоро амирлигининг ташқи алоқаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, унинг ўз қўшнилари – Қўқон ва Хива хонликлари билан муносабатлари, Хуросон ҳокимлари билан алоқалари, инглизларга нисбатан ишончсизлик кайфияти ҳамда Эрон-Бухоро муносабатлари, туркман қабилалари билан келишмовчиликлари ҳақида ҳам маълумотлар келтиради.

Бухоро амири Эрон ҳукмдорининг элчи орқали юборган илтимосини қондириб, ўз тасарруфида сақланаётган, жосусликда айбланган инглиз фуқаросини ва саройдаги 2000 эронлик асирларни озод қилиб, элчига қўшиб беради. Шунингдек, қолган эронлик қуллар бебош туркманлар томонидан ўзаро тўқнашувларда асир олиниб, ўз эгаларига пул эвазига сотилганлиги боис, уларни озод қилишга ҳаққи йўқлигини тушунтиради.

Эрон сафарномаларидан яна бири **«Сафоратнома-йи Хоразм»** [2: С. 280-309-бетлар] 1851 йилда Эрон ва Хива хонлиги ўртасида дипломатик музокаралар олиб бориш учун Хоразмга элчи сифатида ташриф буюрган Мирзо Ризокулихон Ҳидоят (1800—1871) қаламига мансубдир[10: 53–231-бетлар; 1]. Ризокулихон Ҳидоят ўз шеърлари билан назарга тушиб, саройда «Амир уш-шуаро» (шоирлар бошлиғи) деган унвонга сазовор бўлган, шахзодалар тарбиячиси, маслаҳатчи, туман (ноҳия) хокими лавозимида фаолият юритган давлат арбоби, 20 дан ортик тарихий асарлар яратган тарихнавис олим, сарой кутубхонасининг бошқарган маърифатпарвар, зиёли шахс эди. Ризокулихон Ҳидоят ўрта аср тарихчиси Мирхонд (1433-1498) нинг форс тилида энг мукаммал тарихий асарлардан бири сифатида тан олинган «Равзат ус-сафо фи сийрат ул-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи») асарини давом эттиради. Дунёнинг яратилишидан то 1523 йилга қадар Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта

Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган муҳим тарихий жараёнлар, ижтимоий-сиёсий воқеалар баён этилган, еттита жилддан иборат бу нодир асарнинг турли қисмлари француз, лотин, швед, немис, ўзбек ва бошқа бир қатор тилларга таржима қилинган бўлиб, европаликлар учун Шарқ тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳизмат қилган. Ризоқулихон Ҳидоят икки йирик тарихчи олим – Мирхонд ва Хондамир томонидан амалга оширилган бу муҳим асарни давоми сифатида яна уч жилдли асар яратиб, уни 10 жилдга етказади. Эрон, Хуросон, Моварооуннаҳр тарихини қамраб олган мазкур уч жилдли асар «Равзат-ус-сафои Носирий» деб номланган.

Ана шундай кенг тарихий билимларга эга бўлган Ризоқулихон 1851 йилда Эрон шохининг топшириғи билан Хива хони Муҳаммад Аминхон (1845—1855) ҳузурига элчи бўлиб келиб, Эрон-Хоразм муносабатларига ойдинлик киритиш юзасидан музокаралар олиб боради [7: 162-178 бетлар.]. «Сафоратнома-йи Хоразм» асарида Ризоқулихон Хоразм халқининг тарихи, маданияти, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, хусусан Хива хонлигида 19-аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий вазият ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Ризоқулихон Хоразмга ташриф буюрганда ўзининг «Равзат-ус-сафои Носирий» асарини ҳам олиб келади. Бу пайтда Мирхонднинг «Равзат-ус-сафо» асарини Мунис томонидан бошлаб қўйилган форс тилидан ўзбек тилига таржимасини давом эттираётган Огаҳий кейинчалик «Равзат-ус-сафои Носирий» асарини ҳам ўзбек тилига таржима қилади. Ризоқулихон Ҳидоятнинг ҳар икки асари ҳам Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг сўнгги ўрта асрлар тарихига оид муҳим манбалардан ҳисобланади.

Хива хонлигига бағишланган, эронлик муаллифлар қаламига мансуб бўлган асарлардан яна бири – бу 1854-1864 йилларда Хивада асирликда бўлган Эрон генерали Исмоилхон Мирпанжийнинг 1864 йилда ёзилган “Асирликдаги хотиралар” номли мемуар асаридир [5]. Эрон ва Хива хонликлари ўртасидаги чегарадош ҳудудлардаги ўзаро тўқнашувларда асирга олинган Эрон генерали Исмоил Мирпанжий 1854-1864 йилларда, яъни ўн йил давомида меҳтар назоратида асирликда сақланган. Исмоил Мирпанжийга асирликда алоҳида эътибор қаратилиб, ўз ўғли ва бир нечта яқинлари билан алоҳида уй, қўриқчилар, озиқ овқат ажратилган. Унинг ўзи қайд этишича, узлуксиз мурожаатларига қарамай, Эрон ҳукумати уни озод қилиш учун Хива хонига бирор марта мурожаат ҳам қилмаган.

Бу даврда Хива хонлигида тўртта ҳукмдор Муҳаммад Аминхон, Абдуллахон, Қутлимуродхон ва Саидмуҳаммадхон ҳукмронлик қилганлар. Унга асирликдан озод қилиш ҳақида фармон берилганда, ўз бошини олиб, мустақил кетишдан чўчиган Исмоил Мирпанжийга илтифот кўрсатилиб, хивалик аёлга уйлантириб қўйилади. Саидмуҳаммадхон хонлик тахтига ўтирганига олти йил тўлганда, 1864 йилда Исмоил Мирпанжий асирликдан қочишга муваффақ бўлган.

Асирликда И.Мирпанжий ўзи кўрган, суриштириб аниқлаган маълумотларни изчил ёзиб боради. Ҳар бир хоннинг ҳукмдорлик даврида олиб борилган сиёсат, мамлакатдаги аҳволга алоҳида тўхталиб ўтади. Шу асосда Хоразм ва унинг атрофларида кўрган ва эшитган воқеаларини қамраб олган ҳисобот тайёрлайди. Ҳарбий қўмондоннинг қожорлар сулоласи ҳумдорига тайёрланган бу ҳисобот кейинчалик «Асирликдаги хотиралар» номи билан чоп этилади. Асар мустақиллик йилларида Умид Бекмухаммад томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Унда И.Мирпанжий дастлаб асирликда кечган ҳаётини, Марв, Хивада бошидан кечирган саргузаштларини баён қилади. Асар мазмунидан маълум бўлишича, Исмоил Мирпанжий 10 йиллик кузатишлари давомида анча чуқур маълумотларга эга бўлади. Хусусан, хон саройидаги бош лавозимлар – меҳтар, қўшбеги ва девонбеги лавозимлари, уларнинг асосий функциялари, суд тизими, вилоятлардаги лавозимлар, раис, мулла лавозимлари, уларнинг функциялари ҳақида батафсил тўхталиб ўтади.

Исмоил Мирпанжий ҳукмдор шахсига алоҳида эътибор қаратиб, унга исталган шахс арз билан кира олиши, жуда оддий кийиниши, шариатга оид суд ишларига аралашмаслиги, аммо хеч кимни мурожаатини жавобсиз қолдирмаслигини қайд этаи.

И.Мирпанжий шунингдек, хонликдаги ҳарбий кучлар холати, тузилиши, сони ва қуролланиш даражасига ҳам эътибор қаратади. Шунингдек, солиқ тузуми, хирож ва закот, бож ва тўловларидан келадиган даромадлар, салғут тўлови, қазув мажбуриятлари каби масалаларда анча аниқ маълумотлар қайд этади.

Хонликнинг ташқи алоқалари, хусусан, инглиз-рус рақобати масалаларига тўхталиб, Россия империясининг хонлик шимолида қалъалар барпо этиб, ўз мавқеинин анча мустаҳкамлаб олганлигини таъкидлайди.

Муаллиф хонликдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, урф-одатлар, қўшни мамлакатлар – Эрон, Туркия, Афғонистон, Россия, Бухоро билан савдо, маданий алоқалари каби масалаларга тўхталиб ўтади. Ушбу маълумотлар Огаҳий, Баёний каби махаллий тарихчилар асарларида қайд этилган тарихий маълмуотларни тасдиқлаш билан бирга, уларни айрим масалаларда янада тўлдиради.

Исмоил Мирпанжий мамлакатнинг ички ва ташқи аҳволи, Хива хонлигининг ер майдони, тузилиши, географик жойлашуви, табиати, аҳолиси, шаҳар ва қалъалари, экинзорлари ҳақида аниқ маълумотлар тўплайди.

Хусусан, Хива хонлигидаги беклик марказлари ва уларнинг аҳолиси ҳақида маълумот бериб, Ҳазораспда 20 минг, Хонқада 15 минг, Янги Урганчда 30 минг, Хивада 40 минг, Гурланда 15 минг киши яшашини, Питнакда 1000 хонадон борлигини қайд этади. Шу билан бирга муаллиф асарда ўзаро элчилик алоқалари ҳамда ташриф буюрган элчилар ҳақида ҳам маълумотлар келтиради.

**4. Хулосалар:**

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, Эрон сафарномалари Хива ва Бухоро хонликларининг Эрон ва бошқа қўшни мамлакатлар билан ташқи алоқалари, савдо ва карвон йўллари, дипломатик муносабатлари, мамлакатнинг ички бошқаруви, элчиларни қабул қилиш маросимлари, айниқса, Хива хонлигининг ижтмиоий-иқтисодий аҳволи, бошқарув тизими ва тартиблари, аҳолиси ҳамда шаҳарлари тарихига оид муҳим тарихий манба сифатида ватанимиз тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**

1. Мирзо Ризокули. Сафарнома-йи Хоразм. Рук. ИВ АН РУз, инв. № 9129. – 41 л. (Mirzo Rizokuli. Safarnoma-yi Khorezm. Hands. IV AN RUz, inv. No. 9129. - 41 p).
2. Отчет о посольстве в Хорезм Риза-Кули-хана / Перевод и примеч. А.А. Ромаскевича // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI–XIX вв. Иранские, бухарские, хивинские источники (МИТТ) / Под ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. – М. – Л., 1938. Т. 2. (Report on the embassy in Khorezm of Riza-Kuli-khan / Translation and notes. A.A. Romaskevich // Materials on the history of the Turkmen and Turkmenia of the 16th – 19th centuries. Iranian, Bukhara, Khiva sources (MITT) / Ed. V.V. Struve, A.K. Borovkova, A.A. Romaskevich, P.P. Ivanova. - M. - L., 1938.Vol. 2.)
3. Сафарномайи Бухоро (асари Муҳаммадшоҳи қожор) (1259 1260ҳ). Ба эҳтимоми Ҳусайн Замоний. Теҳрон. 1373ҳ. /1953-1954. (Safarnomayi Bukhara (by Muhammadshahi Qojor) (1259 1260h). Probably Hussein Zamani. Tehran. 1373h. / 1953-1954)
4. Маннанов Б.С. Из истории русско-иранских отношений конца XIX начала XX века. - Ташкент: «Наука», 1964 (Mannanov B.S. Iz istorii russko-iranskix otnosheniy kontsa XIX nachala XX veka. -Tashkent: "Science", 1964).
5. Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар. Форс тилидан Набибулло Ҳасан таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: Комил Нуржон, Умид Бекмуҳаммад. -Урганч, 1997. (Ismail Mirpanjiy. Memories in captivity. Translated from Persian by Nabibullo Hasan. Prepared by: Kamil Nurjon, Umid Bekmuhammad. Urgench, 1997)
6. Маннанов Б.С. Лолабошининг Хоразм сафари // Шарқшунослик. – 1997. – № 8. (Mannanov B.S. Lolabashi's trip to Khorezm // Oriental studies. - 1997. - No. 8)

7. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тарихий очерклар ва лавҳалар. -Тошкент, 2003. (From the history of Uzbek diplomacy. Historical sketches and tablets. -Tashkent, 2003.)
8. Аллаева Н. «Взаимосвязи Хивинского ханства с Ираном в XVI – XVIII вв.». Автореферат дисс... к.и.н. -Ташкент, 2007. (Allaeva N. "The relationship of the Khiva Khanate with Iran in the 16th - 18th centuries." Abstract dissertation ... Ph.D. Tashkent, 2007.)
9. Муҳаммад Алихон Ғофур. Хоразм сафари кундалиги (Муҳаммадшоҳ Қожор ва Оллоҳқулихон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан. 1842 йил) // Форсчадан ўзбек тилига таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Тошкент, 2009. (Muhammad Alixon G'ofur. Diary of a trip to Khorezm (from the history of diplomatic relations between Muhammad Shah Qojor and Allahqulikhan. 1842) // Translation from Persian into Uzbek, author of introductory words and comments Ismail Bekjon. - Tashkent, 2009.)
10. Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм. (Носириддиншоҳ ва Муҳаммад Аминхон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан) 1851 йил. / Форс тилидан И. Бекжонов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. (Rizokulikhon Khidoyat. Embassy of Khorezm. (From the history of diplomatic relations between Nosiriddin Shah and Muhammad Aminkhan) 1851 / Persian I. Translation by Bekjanov. - Tashkent: Yangi asr avlodi, 2009.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Санобар Базарбаевна Шадманова,**
тарих фанлари доктори, профессор
Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети

## ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР)

**For citation:** Sanobar B. Shadmanova, CLASSIFICATION AND TYPOLOGY OF UZBEKISTAN CITIES (1917-1941). Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.13-19

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-2**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада Ўзбекистон шаҳарларининг 1917-1941 йиллардаги классификацияси ва типологиясига оид тарихий маълумотлар, шаҳарларнинг аҳоли сонига қараб кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарларга бўлинганлиги, 1918-1920 йиллардаги маъмурий ўзгаришларнинг республика шаҳарлари сонига кўрсатган таъсири, шаҳарлар аҳолисининг миллий таркиби каби масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, шаҳарлар сонидаги динамика ва унга таъсир кўрсатган омиллар ҳақидаги масалалар кенг қамровли илмий адабиётлар асосида ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Туркистон, Ўзбекистон, ХХСР, БХСР, вилоят, шаҳар, туман, марказ, маъмурий ҳудуд, чегараланиш, аҳоли, миллий таркиб.

---

**Санобар Базарбаевна Шадманова,**
доктор исторических наук, профессор
Ташкентский Государственный Университет Востоковедения

## КЛАССИФИКАЦИЯ И ТИПОЛОГИЯ ГОРОДОВ УЗБЕКИСТАНА (1917-1941гг.)

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются исторические сведения о классификации и типологии городов Узбекистана в 1917-1941 годах, делении городов на малые, средние, большие и крупные по численности населения, вопросы влияния административных изменений 1918-1920 годах на количество городов, национальный состав населения городов. Также, на основе обширной научной литературы освещаются вопросы о динамике количества городов и факторы, влияющие на нее.

**Ключевые слова:** Туркестан, Узбекистан, СССР, СССР, область, город, район, центр, административная территория, разграничение, население, национальный состав.

**Sanobar B. Shadmanova,**
Doctor of Historical Sciences, Professor
Tashkent State University of Oriental Studies

# CLASSIFICATION AND TYPOLOGY OF UZBEKISTAN CITIES (1917-1941)

**ABSTRACT**

The article presents historical information on the classification and typology of cities in Uzbekistan in 1917-1941, the division of cities into small, medium, large and large in terms of population, the impact of administrative changes in 1918-1920 on the number of cities, the ethnic composition of the population of cities, in the administrative and economic zoning of Soviet power. Also, on the basis of an extensive scientific literature, issues about the dynamics of the number of cities and the factors influencing it are highlighted.

**Index Terms:** Turkestan, Uzbekistan, USSR, USSR, region, city, district, center, administrative territory, demarcation, population, ethnic composition.

---

**1.Долзарблиги:**

Маълумки, Туркистон генерал-губернаторлиги дастлаб икки вилоятдан – Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан ташкил топган. Кейинги йилларда Россия империясининг Бухоро ва Хива хонликларга уюштирган ҳарбий тажовузи натижасида босиб олинган ҳудудлар анча кенгайди. 1868 йилда маркази Самарқанд шаҳри бўлган Зарафшон округи ташкил этилди. 1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилиб, Фарғона вилояти ташкил этилди. Туркистон генерал-губернаторлиги 1886 йилдан бошлаб 5 та вилоятга – Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув ва Каспийорти вилоятларига, вилоятлар эса уездларга бўлинди. Шу тариқа минтақада Россия империяси босиб олган ҳудудларда ўзбек давлатчилиги ва анъанавий маъмурий бошқарув тизимига барҳам берилди[1]. Мавзунинг ўрганилиши советлар томонидан 1918 йилда ТАССР ташкил этилиши, 1924 йилда маъмурий ҳудудий чегараланиш ҳамда 1926-1927 йилларда районлаштириш сиёсати амалга оширилиши натижасида республика маъмурий тузилишида бўлган ўзгаришларнинг ўрганилишида долзарб аҳамият касб этади.

**2.Методлар:**

Мақолада тарихийлик ва ҳаққонийлик тамойилларига асосланган ҳолда тарихий тадқиқот усулларидан қиёсий ва ретроспектив таҳлил ҳамда муаммовий-даврлаштириш усулларидан кенг фойдаланилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

1917 йилда ўлкада совет ҳокимиятининг зўравонлик билан ўрнатилишидан ва советларнинг шовинистик сиёсатидан норози бўлган маҳаллий аҳоли Туркистон мухториятини эълон қилди, лекин совет ҳокимияти уни тан олмасдан, уларга қарши аёвсиз кураш олиб борди.

1918 йил апрелида Туркистон АССР ташкил этилди[2], маъмурий жиҳатдан Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув, Каспийорти, кейинчалик Амударё (Туркман) вилоятларига бўлинган. 1920 йил августида ТССРнинг Еттисув вилояти, Сирдарё ва Закаспий вилоятларининг бир қисми янги ташкил қилинган Қозоғистон АССР таркибига киритилган. Ушбу маъмурий ўзгаришлар натижасида республика шаҳарлари сонида ўзгаришлар юз берди.

1925 йил бошларида маъмурий ҳудудий чегараланиш натижасида Ўзбекистон ССР ташкил этилиб, у маъмурий жиҳатдан 7 та вилоятдан иборат эди. Хусусан, Самарқанд вилоятининг маркази Самарқанд шаҳри, Тошкент вилоятининг маркази Тошкент, Фарғона вилоятининг маркази Қўқон, Зарафшон вилоятининг маркази Бухоро, Қашқадарё вилоятининг маркази Беҳбудий (Қарши), Сурхондарё вилоятининг маркази Шеробод, Хоразм вилоятининг маркази Хива шаҳри бўлган[3].

Ўзбекистон ССР ҳудудига Туркистон АССР, ХХСР ва БХСРдан киритилган шаҳарлар [4]:

| Республикалар | Шаҳарлар |
|---|---|
| Туркистон АССР: | |
| Самарқанд вилояти | Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон, Ургут |
| Сирдарё вилояти | Тошкент, Мирзачўл |
| Фарғона вилояти | Андижон, Наманган, Чуст, Фарғона, Марғилон, Қўқон |
| БХСР | Бухоро, Когон ("янги" Бухоро), Вобкент, Ғиждувон, Қоракўл, Бойсун, Беҳбудий, Ғузор, Кармана, Хатирчи, Нурота, Шаҳрисабз, Шеробод, Термез, Юрчи, Сариосиё |
| ХХСР | Хива, Урганч, Гурлан |

БХСРнинг Бухоро, Беҳбудий, Шерободдан ташқари барча вилоят шаҳарлари уезд шаҳарларига айлантирилди. Ўзбекистон республикасида жами 23 та уезд, 227 та волост ва туманлар ташкил этилди [5].

1926-1927 йилларда республикада районлаштириш сиёсати ўтказилиши натижасида янги маъмурий-ҳудудий тузилиш амалга оширилиб, вилоятлар ўрнига 10 та округ, яъни Тошкент, Самарқанд, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Андижон, Бухоро, Фарғона ва Хўжанд округлари ташкил этилди. Районлаштиришда майда миллатларни битта округга жамлаш, ирригация тизими, қишлоқ хўжалиги йўналиши, савдо муносабатлари аосий мезон сифатида олинди. Мазкур округларда округ марказларидан ташқари район марказлари бўлган 22 та шаҳар ҳамда 4 та шаҳар "поселение"лари ҳам мавжуд эди.

Округларда шаҳарларнинг умумий сони, округ ва уезд марказлари ҳамда шаҳар аҳолиси[6]:

| | Округлар номи | Шаҳар аҳолиси фоиз ҳисобида | Шаҳарлар сони | | | | шулардан | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Округ марказлари | Район марказлари | Бошқа шаҳарлар | жами | Собиқ вилоят марказлари | Собиқ уезд марказлари |
| 1. | Тошкент | 50,6% | 1 | 2 | 1 | 4 | 1 | 1 |
| 2. | Хўжанд | 32,4% | 1 | 1 | 2 | 4 | - | 1 |
| 3. | Самарқанд | 25,1% | 1 | 2 | - | 3 | 1 | 1 |
| 4. | Фарғона | 23,6% | 1 | 3 | - | 4 | 1 | 1 |
| 5. | Андижон | 23,0% | 1 | 3 | 1 | 5 | - | 2 |
| 6. | Бухоро | 15,6% | 1 | 2 | - | 3 | | 1 |
| 7. | Зарафшон | 12,4% | 1 | 2 | - | 3 | - | 3 |
| 8. | Қашқадарё | 11,4% | 1 | 2 | - | 3 | 1 | 2 |
| 9. | Хоразм | 9,3% | 1 | 3 | - | 4 | 1 | 2 |
| 10. | Сурхондарё | 8,1% | 1 | 2 | - | 3 | 1 | 1 |
| | жами | | 10 | 22 | 4 | 36 | 7 | 15 |

Шаҳар аҳолисининг сони бўйича Тошкент округи биринчи ўринда турганлиги Ўрта Осиёдаги энг йирик шаҳар – Тошкент шаҳри ушбу округда жойлашганлиги билан боғлиқ эди. Бундан ташқари, Хўжанд, Самарқанд, Фарғона ва Андижон округлари турган ва уларда республиканинг йирик шаҳарлари жойлашган. Бухоро ва Зарафшон округларида шаҳар аҳолиси анча кам бўлган. Қашқадарё, Хоразм ва Сурхондарё округлари шаҳар аҳолисининг

сони бўйича республикада охирги ўринларда эди. Шаҳарларнинг округ бўйича тақсимланишида катта фарқ йўқ эди, уларда шаҳарлар сони 3 тадан 5 тагача бўлган[7].

1930-йилларда Ўзбекистоннинг маъмурий тузилиши ўзгариб турди. 1930 йил 23 июлда СССР Марказий Ижроий комитети ва Халқ комиссарлари совети "Округларни тугатиш ҳақида" қонун қабул қилди. 1930 йил охирларида Ўзбекистонда ҳам округлар тугатилиб, 8 қишлоқ райони атрофдаги аҳолиси 50.000 нафардан ошиқ бўлган йирик шаҳарларга (Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Фарғона, Марғилон, Самарқанд, Когон, Бухоро) қўшиб юборилди, районларнинг чегаралари аниқланди ҳамда мазкур шаҳарлар советлари Ўзбекистон МИК президиумига бевосита бўйсундирилди. Республикадаги 10 та округ, 80 та район, 1751 та қишлоқ советлари ўрнига мустақил маъмурий-хўжалик бирликлари қилиб ажратилган 9 та шаҳар совети, 73 та район, 1696 та қишлоқ советлари тузилди[8]. 1938 йилда республика Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРдан иборат бўлди[9]. 1940 йил январида Фарғона ва Бухоро областлари кенгайтирилди. 1941 йил мартида Ўзбекистонда Андижон, Наманган ва Сурхондарё областлари ташкил этилди. Мазкур маъмурий ўзгаришлар натижасида вилоят марказлари бўлган шаҳарлар сони ҳамда вилоятлар бўйича шаҳарлар тақсимланиши ҳам ўзгариб турди.

Шаҳарлар аҳоли сонига қараб кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарларга бўлинган. XX асрнинг 20-30 йилларида 50 минг нафар аҳолиси бор шаҳарлар йирик шаҳарлар ҳисобланган, Ўзбекистонда 1926 йилда бундай шаҳарлар сони 5 тани ташкил этган.

Аҳолиси 50.000 нафардан ошиқ бўлган шаҳарларда 1926 ва 1937 йилларда аҳоли сони динамикаси [10]:

| Шаҳарлар номи | 1926 йилда аҳоли сони | 1937 йилда аҳоли сони | 1937 йилда 1926 йилга фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Тошкент | 316.077 | 545.024 | 172,4 |
| Самарқанд | 101.961 | 127.040 | 124,6 |
| Қўқон | 68.524 | 79.128 | 115,5 |
| Андижон | 72.565 | 76.945 | 106,0 |
| Наманган | 72.958 | 72.257 | 99,0 |
| | | | |

1939 йилга келиб республикадаги энг йирик шаҳар – пойтахт Тошкентнинг аҳолиси 550 минг нафарга етди [11].

1926 ва 1939 йилларда аҳолининг сони бўйича шаҳарлар ва шаҳарчалар [12]:

| | Шаҳарлар сони | | Уларда аҳолининг сони | |
|---|---|---|---|---|
| Аҳоли сони | 1926 йил | 1939 йил | 1926 йил | 1939 йил |
| Барча шаҳарлар | 46 | 47 | 1.012.679 | 1.469.847 |
| Шулардан аҳолининг сони бўйича: | | | | |
| 3.000 нафардан кам | 6 | 7 | 9.242 | 9.390 |
| 3.000-5.000 | 11 | 5 | 39.252 | 17.864 |
| 5.000-10.000 | 10 | 9 | 61.971 | 66.875 |
| 10.000-20.000 | 11 | 16 | 145.649 | 225.398 |
| 20.000-50.000 | 3 | 4 | 111.317 | 129.881 |
| 50.000-100.000 | 2 | 1 | 428.819 | 136.283 |
| 500.000 ва ундан ошиқ | - | 1 | - | 584.955 |

1926 йилда 40% шаҳар аҳолиси кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларда яшаган[13].

1926 ва 1939 йилларда шаҳарлар ва шаҳарчалар сони[13]:

| | 1926 йил | 1939 йил |
|---|---|---|
| Шаҳарлар ва уларнинг аҳолиси | 27 (916.289) | 25 (1.348.796) |
| Шаҳарчалар ва уларнинг аҳолиси | 19 (96.390) | 22 (121.051) |

Аҳоли пунктларига шаҳар мақоми берилиши учун аҳоли сонидан ташқари уларнинг бажарадиган функцияси - саноат ишлаб чиқариши, ташкилий-хўжалик, маданий-сиёсий, маъмурий функциялар бош мезон бўлиб хизмат қилган. Кичик шаҳарларга киритилган шаҳарлар аксарият ҳолларда битта функцияни бажарган, шунингдек, уларнинг шаҳар хўжалиги етарли ривожланмаган.

Шунингдек, бу йилларда шаҳар аҳолисининг миллий таркибига кўра ҳам типологияларга бўлинган. Хусусан, 1929 йил 2 февралида ЎзССР совети марказий ижроия комитети томонидан эълон қилинган шаҳарлар рўйхатида[15] шаҳарлар аҳолисининг миллий таркибига кўра “эски” ва “янги” шаҳарларга ажратилган. Бу рўйхатда Ургенч, Хива, Чуст, Эски Бухоро, Ургут, Беҳбудий, Қўқон, Шаҳрисабз, Марғилон шаҳарлари, Ғиждувон, Кармана, Асака, Китоб шаҳарлари “эски” шаҳарлар сифатида эътироф этилган. Россия империяси босқинидан кейин вужудга келган ва аксарият “европаликлар” жойлаштирилган “янги” Бухоро (Коган), Фарғона шаҳарлари, Мирзачўл шаҳар типидаги посёлкаси, Қовунчи, Урсатьевская, Чимён ишчи посёлкалари тўлиқ “янги” шаҳарлар сифатида қайд этилган. XIX аср охирида “эски” ва “янги” шаҳарларга бўлинган Самарқанд, Тошкент, Андижон, Наманган, Каттақурғон, Термиз, Жиззах шаҳарлари эса 1930-йиллар охирларигача шу қиёфасини сақлаган.

“Эски” ва “янги” шаҳарлар ўзининг қиёфаси, аҳолисининг ёш таркиби, машғулоти билан бир-биридан фарқ қилган. 1920-йилларда расмий ҳокимият вакиллари ҳам республиканинг “эски” шаҳарлари ривожланиши бўйича “янги” шаҳарлардан анча орқада қолганлигини ва улар аянчли аҳволда эканлигини қайд этишган. СССР марказий ижроия комитети тўртинчи сессиясида Ф.Хўжаев (1928 йил 3 декабрь) “эски” шаҳарларнинг бир ярим миллион аҳолиси жуда катта зичликда, антисанитар ҳолатда ва уй-жой ноқулайлиги шароитида яшаётганлигини, шаҳарларнинг ташқи қиёфаси ўзгармаганлигини таъкидлайди[16].

Маъмурий-иқтисодий районлаштиришда совет ҳокимияти “пролетар” марказларига таянганлиги сабабли шаҳарларнинг ҳокимият маъмурий-сиёсий ва иқтисодий маркази сифатидаги роли ошиб борди. Аммо, бу жараён жойларда маъмурий-ҳуқуқий хатоликларга олиб келди, яъни маҳаллий ҳокимият органлари қишлоқ “поселкалари”ни шаҳарларга айлантиришни тезлаштириб юборди.

Бу жиҳатдан ўтказилган ислоҳотлар, яъни вилоят - округ – районнинг ташкил этилиши, шаҳарлар иерархиясининг ўзгариши натижасида инфратузилмаси кучлироқ бўлган шаҳарларнинг аҳамияти ошиб борди.

Шаҳарлар маъмурий тизимдаги ўрнига кўра, пойтахт шаҳар, вилоят ва туман марказларига бўлинади. 1918-1930 йилларда республикада пойтахт шаҳарлар ҳам ўзгариб турди. Хусусан, Туркистон АССР ташкил этилиши билан Тошкент расмий равишда пойтахт деб эълон қилинди. Бу ерда партия ва совет аппарати, ҳарбий ва жамоат ташкилотлари марказлари жамланган эди. Таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳудудий чегараланишдан ва ЎзССР ташкил этилгандан сўнг 1930 йилгача қадимий Самарқанд пойтахт бўлган эди. 1925-1930 йилларда Тошкент республика пойтахти бўлмасада, у аввалгидек саноат, маданият ва илмий марказ вазифасини бажаришни давом эттирди. 1929 йилда Тошкентнинг “янги” ва “эски” шаҳар советлари ишчи, деҳқон ва қизил армиячи депутатларнинг ягона шаҳар советига бирлаштирилди. Шу билан биргаликда районларда янги маъмурий бўлиниш киритилди. Шу даврдан бошлаб, Тошкентнинг бутун ҳудуди 4 та районга, яъни Ленин, Октябрь, Пролетар (1935 йилда Куйбишев деб ўзгартирилди) ва Сталин районларига бўлинди. 1930-йилларда Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти бўлганидан сўнг ва бу ерда уй-

жой ҳамда саноат корхоналари қурилиши ривожлангандан сўнг районларни бошқариш мураккаблашди ва 1936 йил сентябрида Киров ва Фрунзе районлари ташкил этилди. 1939 йилда Тошкентни реконструкция қилиш лойиҳаси тасдиқланди, унда шаҳарнинг “эски” ва “янги” қисмини бирлаштириш кўзда тутилган эди.

1930-йиллардан бошлаб Ўзбекистонда илк саноат шаҳарларига асос солина бошлади. Жумладан, Чирчиқ электрохимия комбинати ва гидростанция ходимлари учун “социалистик” шаҳар қурилди. Дастлаб шаҳар 5000 нафар кишига мўлжалланган бўлса, 1934 йилда қурилиш бошланиши билан Чирчиқда 17.000 нафар киши яшай бошлади[17]. 1935 йилда Троицк посёлкаси, Ниёзбек қалъаси ҳамда Оққовоқ, Қипчоқ, Қирғизқулоқ қишлоқлари негизида Чирчиқ саноат шаҳри вужудга келди[18]. Шундай қилиб, совет ҳокимияти хом ашё базасини кенгайтириш мақсадида режали равишда қазилма бойликларига яқин жойда янги саноат шаҳарлари бунёд этилди. Бу ҳолат бутун собиқ иттифоқ районларида рўй берди.

**4. Хулосалар:**

Шундай қилиб, 1918 йилда ТАССР ташкил этилиши, 1924 йилда маъмурий ҳудудий чегараланиш ҳамда 1926-1927 йилларда районлаштириш сиёсати амалга оширилиши натижасида республика маъмурий тузилишида айрим ўзгаришлар содир бўлди. Бу эса шаҳарларнинг вилоятлар ёки округлар ичидаги тақсимотига ўз таъсирини кўрсатди. Бундан ташқари, 1920-1930 йилларда ҳам XIX охирларида шаҳарларнинг “эски” ва “янги” қисмларга ажратилиши сақланиб қолди.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. – Тошкент, 2013. – Б.13-14. (Ziyaeva D. Cities of Uzbekistan in the second half of the 19th - early 20th centuries. - Tashkent, 2013. - pp. 13-14.)
2. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000. – С. 115. (Turkestan at the beginning of the XX century: to the history of the origins of national independence. - Tashkent: Shark, 2000. - P. 115.)
3. Икрамов А. За один год (К годовщине завершения работ по нациоанльному размежеванию). Краткие сведения об Узбекской республике / Икрамов А. Избранные труды. Том I. – Ташкент: Узбекистан, 1972. – С. 468. (Ikramov A. For one year (On the anniversary of the completion of work on the national demarcation). Brief information about the Uzbek Republic / A. Ikramov. Selected Works. Volume I. - Tashkent: Uzbekistan, 1972. - P. 468.)
4. Жадвал муаллиф томонидан тузилган. Қ.: Территория, границы и административное деление Узбекской ССР и Таджикской АССР // Бюллетень ЦСУ Узбекистана. – 1925. - №1. – С. 4-6. (The table is compiled by the author. Q .: Territory, borders and administrative division of the Uzbek SSR and the Tajik ASSR // Bulletin of the Central Statistical Office of Uzbekistan. - 1925. - No. 1. - P. 4-6.)
5. Территория, границы и административное деление Узбекской ССР и Таджикской АССР // Бюллетень ЦСУ Узбекистана. – 1925. - №1. – С. 12. (Territory, borders and administrative division of the Uzbek SSR and the Tajik ASSR // Bulletin of the Central Statistical Office of Uzbekistan. - 1925. - No. 1. - P. 12.)
6. Материалы Всесоюзной переписи населения 1926 года в Узбекской ССР. Выпуск 1. Поселенные итоги. – Ташкент: Издание ЦСУ УзССР, 1927. – С. XII-XIV. (6. Materials of the All-Union Population Census of 1926 in the Uzbek SSR. Issue 1. Settled totals. - Tashkent: Publication of the Central Statistical Administration of the UzSSR, 1927. - P. XII-XIV.)
7. Материалы Всесоюзной переписи населения 1926 года в Узбекской ССР. Выпуск 1. Поселенные итоги. – Ташкент: Издание ЦСУ УзССР, 1927. – С. XII-XIV. (Materials of the All-Union Population Census of 1926 in the Uzbek SSR. Issue 1. Settled totals. -

Tashkent: Publication of the Central Statistical Administration of the UzSSR, 1927. - P. XII-XIV.)
8. Два года социалистического строительства в Узбекистане. Отчет правительства УзССР IV съезду советов Узбекистана. – Ташкент, 1931. – С. 149; Ўзбекистон ССР тарихи. III том. [Бош муҳаррир И.М.Мўминов]. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 560. (8. Two years of socialist construction in Uzbekistan. Report of the Uzbek SSR government to the IV Congress of Soviets of Uzbekistan. - Tashkent, 1931 .-- P. 149; History of the Uzbek SSR. Volume III. [Editor-in-Chief IM Muminov]. - Tashkent: Fan, 1971. - P. 560..)
9. КПСС и советское правительство об Узбекистане. Сборник документов (1925-1970). – Ташкент: Узбекистан, 1972. – С.44. (The CPSU and the Soviet government about Uzbekistan. Collection of documents (1925-1970). - Tashkent: Uzbekistan, 1972. - p. 44.)
10. Всесоюзная перепись населения 1937 года: общие итоги. Сборник документов и материалов. – М.: РОССПЭН, 2007. – С.66; Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. – Ташкент: Узбекистан, 1964. – С.15. (All-Union population census of 1937: general results. Collection of documents and materials. - M .: ROSSPEN, 2007. - P.66; Soviet Uzbekistan for 40 years. Statistical collection. - Tashkent: Uzbekistan, 1964 .-- p. 15.)
11. Мулляджанов И.Р. Народонаселение Узбекской ССР (социально-экономический очерк). – Ташкент: Узбекистан, 1967. – С.194. (Mullajanov I.R. Population of the Uzbek SSR (socio-economic essay). - Tashkent: Uzbekistan, 1967 .-- p. 194.)
12. Итоги Всесоюзной переписи населения 1959 года. Узбекская ССР. – Москва: Госиздат, 1962. – С.16. (Results of the 1959 All-Union Population Census. Uzbek SSR. - Moscow: Gosizdat, 1962 .-- p. 16.)
13. Мулляджанов И. Народонаселение Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1967. – С.196. (Mullajanov I. Population of the Uzbek SSR. - Tashkent: Uzbekistan, 1967. - p. 196.)
14. Итоги Всесоюзной переписи населения 1959 года. Узбекская ССР. – Москва: Госиздат, 1962. – С.16. (Results of the 1959 All-Union Population Census. Uzbek SSR. - Moscow: Gosizdat, 1962. - p. 16.)
15. 1929 йил рўйхатга олиш жараёнида шаҳар “поселение”ларига киритилган, аслида эса қишлоқ жойлари бўлган 15 аҳоли пунктлари рўйхатга олиш натижаларига киритилмаган. Мазкур пунктлар қуйидагилар: Гурлан, Ханқа (Хоразм округи), Нурота, Пайшамба, Хатирчи (Зарафшон), Пскент (Тошкент), Бешариқ, Қува, Риштон (Фарғона), Шаҳрихон (Андижон), Шеробод, Бойсун (Сурхондарё), Ғузор ва Косон (Қашқадарё).
16. Народное хозяйство Узбекистана. Итоги и перспективы / Ходжаев Ф. Избранные труды. Том II. – Ташкент: Фан, 1972. – С.257. (The national economy of Uzbekistan. Results and Prospects / F. Khodzhaev Selected Works. Volume II. - Tashkent: Fan, 1972 .-- p. 257.)
17. Зухритдинов Ш. Из истории возникновения социалистического города Чирчика / Труды государственного среднеазиатского университета им. В.И.Ленина. 1958. Вып.142. С. 139-151. (Zukhritdinov Sh. From the history of the emergence of the socialist city of Chirchik / Proceedings of the State Central Asian University. V.I. Lenin. 1958. Issue 142.-P. 139-151.)
18. История новых городов Узбекистана. Ташкентская область [Отв.редактор Г.Р.Рашидов]. – Ташкент: Фан, 1976. – С.45. (History of new cities of Uzbekistan. Tashkent region [Editor-in-chief G.R. Rashidov]. - Tashkent: Fan, 1976. - p. 45.)

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Надира Маҳкамова,**
Тарих фанлори доктори, профессор,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялар университети
mnadira2000@mail.ru

## ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ

**For citation:** Nadira Makhkamova, THE REFLECTION OF THE PROBLEM OF THE NATIONAL-TERRITORIAL DISTRIBUTION OF CENTRAL ASIA IN SOVIET LITERATURE. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.20-28

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-3

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада XX асрнинг 20-80-йилларида нашр этилган Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш масаласи, унинг сабаб ва оқибатларини ёритувчи ишларнинг тарихшунослик таҳлили амалга оширилган. Бунда асосий эътибор давр адабиётларига қаратилган, чунки ўша даврда яратилган ишларнинг муаллифлари воқеаларнинг гувоҳи ва бевосита иштирокчиси ҳисобланадилар. Шу билан бирга, янги совет давлатчилигининг бир неча жиҳатларидан бири сифатида миллий сиёсат асослари ҳам шаклланиб борган. Умуман олганда, 20-30-йилларнинг нашрлари воқеаларнинг тўлақонли тасвирини бера олмайди. 40-60-йилларда нашр қилинган ишларда, олдинги йиллардагидан фақрқли равишда, коммунистик партия ва совет ҳукуматининг Ўрта Осиёда амалга оширган миллий ва чегараланиш сиёсатининг салбий оқибатлари тўғрисидаги фикрлар мавжуд эмас. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида бажарилган тадқиқотлар эса, бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, уларда нафақат далиллар, балки матнларнинг ҳам қайтарилиши кўзга ташланади, яъни улардаги ҳар бир илгари сурилган фикр СССР миллий-давлат қурилиши жараёнларининг барча жиҳатлари бўйича мувофиқлаштирилган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнггина Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш муаммоларига объектив баҳо бериш имконияти юзага келди.

**Калит сўзлар:** Давлатчилик, совет ҳукумати, коммунистик партия, мафкура, тарихшунослик, давр адабиёти, ташвиқот, миллий сиёсат, синфий йўналганлик, миллий-ҳудудий чегараланиш, республика, нашрлар, танқидий ёндашув, объективлик.

---

**Надира Махкамова,**
Доктор исторических наук, профессор,
Ташкентский университет информационных технологий
им.Мухаммада аль-Хоразми,
mnadira2000@mail.ru

# ОТРАЖЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ НАЦИОНАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО РАЗМЕЖЕВАНИЯ СРЕДНЕЙ АЗИИ В СОВЕТСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье осуществлен историографический анализ литературы, изданной в 20-80-гг. XX в., освещающей проблему национально-территориального размежевания Средней Азии, его причин и последствий. Особый акцент сделан на литературе периода, так как авторы созданных тогда работ были свидетелями или непосредственными участниками событий, а также закладывались основы национальной политики, как одного из аспектов новой советской государственности. В целом, публикации 20-30-х гг. не дают целостной картины события. В литературе 40-60-х гг. наблюдается несколько иная, отличная от предыдущего периода, оценка национально-территориального размежевания, где практически отсутствует какая-либо критика в адрес компартии и советской национальной политики в Средней Азии. В ней нет ни слова о негативных последствиях политики размежевания. Что касается исследований 70-80-х гг. прошлого века, то в этот период было издано большое количество работ по тематике, однако, они были очень похожи друг на друга, в них повторялись и дублировались не только факты, но и тексты, таким образом, согласовались все позиций по различным аспектам национально-государственного строительства в СССР. Объективная же оценка национально-территориального размежевания Средней Азии стала возможна благодаря достижению Узбекистаном государственной независимости.

**Ключевые слова:** Государственность, советская власть, компартия, идеология, историография, литература периода, пропаганда, национальная политика, классовая направленность, национально-территориальное размежевание, территория, республика, публикации, критический подход, объективность.

---

**Nadira Makhkamova,**
Doctor of Sciences, Professor,
Tashkent University of Information technologies
named after Mukhammad al-Khwarazmy,
mnadira2000@mail.ru

# THE REFLECTION OF THE PROBLEM OF THE NATIONAL-TERRITORIAL DISTRIBUTION OF CENTRAL ASIA IN SOVIET LITERATURE

**ABSTRACT**

This article provides a historiographic analysis of the literature published in the 20-80 XX century, covering the problem of the national-territorial demarcation of Central Asia, its causes and consequences. Particular emphasis is placed on the literature of the period, since the authors of the works created then were witnesses or direct participants in the events, and the foundations of national policy were laid as one of the aspects of the new Soviet statehood. In general, publications of the 20-30 do not give a complete picture of the event. In the literature of the 40-60 there is a slightly different, different from the previous period, assessment of the national-territorial demarcation, where there is practically no criticism of the Communist Party and Soviet nationality policy in Central Asia. There is not a word in it about the negative consequences of the disengagement policy. As for the research of the 70-80 of the last century, then during this period a large number of works on the subject were published, however, they were very similar to each other, they repeated and duplicated not only facts, but also texts, thus, all positions on various aspects of the national-state construction in the USSR. An objective assessment of the national-territorial delimitation of Central Asia became possible thanks to the achievement of state independence by Uzbekistan.

**Index Terms:** Statehood, Soviet power, the Communist Party, ideology, historiography, the literature of the period, propaganda, national policy, class orientation, national-territorial delimitation, territory, republic, publications, critical approach, objectivity.

**1. Долзарблиги:**

Ўзбекистон давлатчилиги тарихидаги мураккаб ва зиддиятли даврлардан бири совет даври бўлиб, маҳаллий ва хорижлик тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилган ва баҳоланган. Хусусан, бу ҳолат маҳаллий аҳоли учун ёт ва бутунлай тушунарсиз бўлган ҳамда қарама-қаршиликларга тўла бошқарув усули асослари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган XX асрнинг 20-30-йилларида кечган жараёнларга баҳо беришда яққол кўринади. Қолаверса, тарихнинг айрим босқичларида бу талқинлар бир-биридан кескин фарқ қилган ва давлат сиёсатининг турли жиҳатларига боғлиқ тарзда ўзгариб борган. Қарашлардаги ушбу фарқлар совет даврида анча ёрқин намоён бўлган ва уларда мафкуравий қолипларнинг кескин таъсири кўзга ташланади. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти даврида эса, аксинча, тадқиқ этилаётган мавзунинг кўплаб муаммолари бўйича ватан тарихчилари ва чет эллик муаллифларнинг нуқтаи-назарларида муштараклик кузатилади.

Давлатчилик масалаларига оид совет даври адабиётлари тарихчи ва жамиятшуносларнинг нашр этилган ишларини ўз ичига олади. Марксча-ленинча синфийлик тамойили юқоридаги тадқиқотларнинг методологик асосини, совет тузумининг яққол намоён бўлган апологетикаси эса уларнинг фарқли жиҳатини ташкил этади. “Айнан совет даврида, - деб ёзади Д.А. Алимова, - тарих юқорида даражада сиёсат воситасига (қуроли) айланди... Тарих фани ва сиёсий ташвиқот ўртасидаги чегара бутунлай йўқотилди. Оқибатда, ташвиқотнинг таъсири ҳамда ўқув жараёни, айниқса мактабларда ундан фойдаланиш натижасида жамиятда сохта тарихий тафаккур шаклланди”[1].

Совет даври Ўзбекистон давлатчилигининг турли жиҳатларини тадқиқ этишда совет ҳукумати томонидан асосан 1924-1925 йилларда амалга оширилган, лекин, моҳиятига кўра, 30-йилларнинг иккинчи ярмида якунига етказилган Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш масаласи муҳим ўрин тутади. Ушбу масалага оид адабиётлар шарҳи тадқиқ этилаётган даврнинг яхши ўрганилмаганлигини кўрсатади. Бу эса кўп жиҳатдан ушбу масалани ёритишда далил сифатида келиши мумкин бўлган манбалар кўламининг чегараланганлиги ва чегараланишга оид архив ҳужжатларининг катта қисмидан фойдаланиш мақсадли тарзда чеклаб қўйилганлиги билан боғлиқ. Муаммо, албатта, тарих фанида ёритилган, аммо у совет миллий сиёсати ва коммунистик мафкура манфаатлари нуқтаи назаридан ўрганилган.

**2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Миллий – ҳудудий чегараланиш масаласига бағишланган адабиётларнинг таҳлилини амалга ошириш учун биринчи навбатда тарихшунослик фанида кенг қўлланиладиган муаммовий-хронологик ёндашув усулидан фойдаланилган. Мазкур ёндашувни қўллаш натижасида ушбу мақолада турли даврлар (XX асрнинг 20-30-йиллари, 40-60-йиллари, 70-80-йиллари каби) хусусиятларини инобатга олган ҳолда кўриб чиқилаётган масаланинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга муваффақ бўлинди. Шунингдек, мақолада тарихийлик, объективлик тамойиллари ва тизимли таҳлил усулидан ҳам фойдаланилган.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади миллий-ҳудудий чегараланиш мавзусининг тарихшунослигини тадқиқ этиш бўлганлиги сабабли масаланинг ўрганилганлик даражаси мақоланинг асосий қисмида ёритилди.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш Совет Иттифоқи таркибидаги миллий маъмурий-ҳудудий бирликларнинг (республикалар, мухтор (автоном) ССР, мухтор вилоятлар (автоном областлар) ва округлар шаклида) ажралиш жараёни ҳисобланади. Бу жараён мамлакат маъмурий-ҳудудий ўзгаришининг бир қисми ҳисобланган ва унда фақат миллий, маданий ва географик жиҳатлар эмас, балки ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолатлар ҳам эътиборга олинган.

Миллий-ҳудудий чегараланишни ўтказиш ғояси совет ҳукуматининг илк ҳужжатларидан бири бўлган “Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси” деб аталган ҳужжат билан боғлиқ. Ушбу ҳужжат 1917 йил 2 (15) ноябрда РСФСР Халқ комиссарлари кенгаши томонидан қабул қилинган. Декларацияда миллий сиёсатнинг тўрт асосий тамойили эълон қилинган бўлиб, булар – Россия халқлари тенглиги ва суверенлиги; Россия халқларининг алоҳида ажралиб чиқишдан тортиб, мустақил давлат ташкил этиш даражасидаги ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш ҳуқуқи; барча ва ҳар қандай миллий ва миллий-диний имтиёз ва чекловларни бекор қилиш; Россия ҳудудида яшовчи миллий озчилик ва этнографик гуруҳларни эркин ривожлантириш кабиларни ўз ичига олади. Ўрта Осиёнинг катта қисми Россия империяси таркибига кирган бўлиб, РСФСР империянинг меросхўрига айланганидан сўнг минтақа халқларининг келгуси тақдирини белгилашда ушбу ҳужжат муҳим рол ўйнади.

Чегараланиш мавзусига оид илк нашрлар XX асрнинг 20-30-йилларида пайдо бўлди. Улар илмий-тадқиқий йўналишда эмас, балки ахборот бериш мақсадида ёзилган. Бу ишларда кўпроқ чегараланишнинг деярли барча жиҳатларини қамраб олган тайёр қарорлар ёритилган. Бу қарорларни тайёрлаш бўйича тиғиз иш жараёни эса анча юзаки ёритилган. Яъни, чегараланиш жараёнида партия арбоблари ва олий даражадаги давлат амалдорлари ўртасида тез-тез бўлиб турган яширин курашлар масаласи очилмасдан қолган. Қолаверса, 20-30-йиллардаги нашрларда, айниқса минтақа аҳолисининг этник таркиби тўғрисидаги статистик маълумотларни таҳлил қилишда танқидий ёндашув мавжуд эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳудудий масалага оид икки хил: миллий-сиёсий (этносиёсий) ва иқтисодий тамойиллар мавжуд бўлган. Бу масала И. Ходоровнинг мақоласида ўрганилган ва ёритилган. У ҳудудий тамойиллар асосида миллий чегараланишни ўтказишда муаммолар мавжудлигини батафсил ёритган. Ҳудудларни бўлишда, муаллифнинг таъкидлашича, иштирокчилар томонидан “миллий-сиёсий ва иқтисодий тамойиллардан бирини танлашга тўғри келган” ва бунда “чегараланишни ўтказишда асос сифатида миллий-сиёсий омил олинган бўлса-да, фақат айрим ҳолатлардагина иқтисодий тамойиллар бош мезон вазифасини ўтаган”[2].

Машҳур шарқшунос-олимларнинг Ўрта Осиё халқлари тарихига бағишланган бир неча ишлари нашр этилди. Бу ишларда минтақанинг этник таркиби ва этник жойлашуви анча объектив ёритилган. Лекин, чегараланиш жараёнида ушбу муаллифларнинг фикрлари деярли эътиборга олинмади, уларнинг ишлари эса қабул қилинган қарорларга мос тарзда таҳрир қилинди, тўғриланди ва қайтадан нашр этилди. Бу ерда сўз И.И. Зарубин, А.А. Немченко, А.А. Семенов ва В.В. Бартольд[3]нинг ишлари тўғрисида бормоқда.

Бу даврда Ўрта Осиё миллий-ҳудудий чегараланиш жараёнига баҳо беришда Ф.Хўжаевнинг алоҳида ўрни бор. У ўзининг Бухоро инқилоби тарихи ва Ўрта Осиёда миллий чегараланиш жараёнига бағишланган ишида[4] муаммони ўз талқинида батафсил ёритган. Муаллифнинг таъкидлашича, “…ҳозирги вақтда (яъни чегараланиш ўтказилган вақтда – Н.М.) Ўрта Осиё республикалари (Туркистон, Бухоро ва бошқалар) ўртасидаги мавжуд сиёсий чегаралар сунъий хусусиятга эгадир. Бу чегаралар уларда яшовчи ҳар бир халқни мажбуран ажратиб ташлайди”.[5] Ф.Хўжаев, шунингдек, “ҳудудларнинг миллий, географик хусусиятлари, хўжалик фаолият тури, минтақа интеграциясидаги иштирокини эътиборга олган ҳолда миллий республикаларни ташкил этиш мазкур минтақа маъмурий-ҳудудий бўлиниши масаласини ҳал этишнинг энг тўғри йўли ҳисобланади”, - деган фикрларни қайд этган. Бунда “...халқ хўжалиги айрим элементларининг ўзаро нисбати аниқ намоён бўлади, қатор бошқа элементлар ҳам аниқланади, бу эса бутун Ўрта Осиё халқ хўжалиги ишини муайян тизим ва тартибга солиш имкониятини беради, натижада уни янада интенсив ривожлантириш йўлида мустаҳкам пойдевор яратилади”.[6]

Ф.Хўжаевнинг минтақа ўтмишига кичик тарихий экскурси анча қизиқ ҳисобланади. Туркий халқларнинг ягона давлатга бирлашуви ғоясига қарши чиққан ҳолда, у ўз фикрининг исботи сифатида Амир Темур ва Боязид ўртасида бўлиб ўтган уруш ҳаракатларини мисол сифатида келтириб ўтади: “... уларнинг икковлари туркий эканликлари” ҳам бир-бирлари билан жанг қилишларига халақит бермаган. “Тарихий далиллар ва туркий халқларнинг ўзаро

муносабатларини холислик билан ўрганганда, биз турли қабила-уруғларга мансуб туркий халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни учратмаймиз. Қисқасини айтганда, уруғ-қабилавий мансублик у пайтда ҳали тўлақонли миллий бирдамликни ифодаламас эди. Қабила бу – миллат эмас. Турли географик ва иқтисодий шароитларда яшайдиган бир халқнинг у ёки бу қабиласи албатта бир-биридан фарқли бўлган ҳаёт тарзида яшайди, бундай ҳолат эса уларнинг хўжалигига маълум бир жой ва муайян меҳнат турига хос бўлган хусусиятларни олиб киради", - деб ёзади Ф.Хўжаев. Бу ерда муаллифнинг фикрларини рад этиш қийин, чунки маълум бир ерда яшовчи халқлар ўзига хос меҳнат фаолияти шаклларига, хўжалик хусусиятига, менталитетга, психологияга, маданиятга ва бошқа шу каби бошқа нарсаларга эга бўлади. Умуман олганда, муаллифнинг қарашларида миллий-ҳудудий чегараланишни ёқлаш нуқтаи назари сезилади.

Айтиб ўтиш лозимки, 20-30-йилларнинг нашрлари ҳодисани тўлақонли тасаввур қилиш имкониятини бермайди. Масалан, уларда партия ва совет органлари томонидан ҳудудий чегаралар, аҳоли сони, совет социалистик республикалари, автоном республикалар ва вилоятларга (областлар) бирлаштирилиши керак бўлган аҳоли зич ҳудудларни аниқлаш бўйича партия ва совет органлари томонидан амалга оширилган тайёргарлик ишлари ёритилмаган. Шунингдек, бу ишларда у ёки бу аҳоли пунктлари янги тузилган республикалар таркибига қайси мезонлар асосида киритилганлиги, бунда ҳар бир миллатнинг иқтисодий, тарихий, миллий ва бошқа хусусиятлари ҳамда миллий манфаатлари қай даражада эътиборга олинганлиги аниқланмаган. Кейинчалик, 30-йилларнинг иккинчи ярмида миллий-ҳудудий чегараланиш бўйича ишларнинг бир қатор муаллифлари, шунингдек, миллий давлатчиликни бошқарган ва бу масалада анча принципиал мавқени эгаллаган Т.Рисқулов, К.Атабоев ва А.Раҳимбоев каби совет амалдорлари ва республиканинг партия етакчилари қатағонга учрадилар. Шу сабабли, бу даврда чегараланиш масаласига бағишланган бир неча мақолалар чоп этилган холос. [7]

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш масаласи 40-60-йилларнинг адабиётларида ҳам ўз аксини топди. Умуман олганда, бу давр нашрларида миллий-ҳудудий чегараланишга баҳо беришдаги ёндашувларда аввалги йиллардаги асарлардан фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Ушбу адабиётларда Ўрта Осиёда коммунистик партия ва совет миллий сиёсати шаънига нисбатан айтилган бирорта ҳам танқидий муносабат учрамайди. Уларда чегараланиш сиёсатининг салбий оқибатлари тўғрисида ҳеч қандай фикрлар келтирилмаган. Бу даврда минтақа республикаларида совет давлати барпо этилиши тарихига бағишланган қатор ишлар ёзилди. Уларда Ўрта Осиё миллий республикалар ташкил топиши ва ривожланиши масалалари ёмон ёритилмаган. Хусусан, бу даврда Х.Т.Турсунов, С.Р.Ражабов, А.А.Гордиенко[8] кабиларнинг монографиялари нашр этилди. Улар катта ҳажмдаги архив материаллари асосида ёзилган ва Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши тўғрисида бир қатор маълумотларни ёритган.

Х.Т.Турсунов янги ўзбек давлатини яратишнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини чуқур тадқиқ қилган ва бунда асосий эътиборини республика ташкил топишини чигаллаштирган қийинчиликларни ёритишга қаратган. Юқорида номлари кўрсатилган муаллифларнинг асарларида Туркистон АССРнинг ташкил топиши, уни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, уни юзага келишига сабаб бўлган ижтимоий-иқтисодий фундамент, хароб ҳолатга келиб қолган саноат соҳасини қайта тиклаш йўлидаги давлат сиёсати, қишлоқ хўжалигининг ҳолати, маданият соҳасига оид масалалар, шунингдек, большевиклар РКП МҚ Туркистон бюроси, Туркистон Республикаси миллатлари Халқ комиссарлиги каби янги давлат органларининг фаолияти ёритилган. Бу ишларнинг қимматли жиҳати сифатида улар синчковлик билан ўрганилганлигини, аммо барча совет даври адабиётларга хос бўлган тарзда ўша вақтда ҳукмронлик қилган маркcча-ленинча мафкура нуқтаи назаридан таҳлил қилинган катта ҳажмдаги фактик материал асосида ёзилганлигини кўрсатиш мумкин. Бизнинг фикримизча, ушбу тадқиқотларда кўриб чиқилаётган воқеа ва ҳодисалар, шунингдек, Ўрта Осиё миллий-ҳудудий чегараланиш масаласининг миллий хусусиятлари (спецификаси) етарли даражада чуқур ўрганилмаган.

А.А.Гордиенконинг “Совет давлатининг ижодий роли ва Туркистоннинг социалистик жиҳатдан ўзгаришидаги ҳақ-ҳуқуқлар” (“Творческая роль Советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана”) деб номланган монографиясида янги иқтисодий муносабатлар асослари ва янги мафкура асосларини яратиш жараёнини ёритишга ҳаракат қилинган. Лекин тадқиқотнинг катта қисми “Октябр инқилобининг ғалабаси” ва ТАССРни ташкил топиши билан боғлиқ масалалар, фуқаролик уруши ва “босмачилик ҳаракати” натижасида келиб чиққан ҳолатни тасвирлашга бағишланган. Қолаверса, ишда келтирилган катта ҳажмдаги янги давлатчилик асосларини яратиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили деярли мавжуд эмас.[9] Юқоридаги муаллифнинг Ўрта Осиёда совет давлатчилигини яратишга бағишланган яна бир монографиясида эса Ўрта Осиёни миллий-ҳудудий чегараланиш жараёни чуқур ўрганилган ва муаллиф ушбу мураккаб жараён асосларини ёритишга ҳаракат қилган. Бироқ, бизнинг фикримизча, чегараланишнинг аҳамияти муаллиф томонидан анча бўрттириб тасвирланган, шунингдек, юқорида кўрсатилган сабабларга кўра, бу жараённинг оқибатларига объектив баҳо берилмаган.[10]

Кейинги йилларда Ўрта Осиё халқлари миллий-ҳудудий чегараланишини ва минтақа иттифоқдош республикаларининг ташкил этилиши жараёнини ёритишга бағишланган бир қатор ишлар нашр қилинди. Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда советча миллий-давлат қурилиши масалалари бўйича махсус ишлар нашр қилинди. Совет тадқиқотчиларининг бир қатор коллектив монографиялари ҳам Ўрта Осиё халқлари миллий-давлат қурилиши масаласига бағишланди. Таъкидлаш жоизки, бу ишлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, уларда нафақат далиллар қайта-қайта берилди, балки матнлар ҳам такрорланди, шундай қилиб, СССРда миллий давлат қурилишининг турли жиҳатлари бўйича ҳамма мавқелар мувофиқлаштирилди.[11]

Бу борада Х.Т.Турсуновнинг коммунистик партиянинг Туркистондаги миллий сиёсатига оид монографиясини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Унда 20-30-йилларда Ўзбекистон давлатчилигининг алоҳида жиҳатлари, хусусан Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш муаммолари тўғрисида фикр юритилади. Муаллиф чегараланиш сиёсатини тўлиқ маъқуллаган ҳолда, шундай ёзади: “... Туркистон, Бухоро ва Хоразм совет республикалари инқилобгача бўлган чегаралар доирасида ташкил топган. Улар чор (подшо) ҳукумати сиёсатининг оқибати сифатида ўлка халқларининг на иқтисодий эҳтиёжларини қоплаган ва на миллий манфаатларига мос тушган”[12]. Муаллифнинг фикрларига кўра, миллий-ҳудудий чегараланиш совет ҳукуматининг минтақадаги мавқеини анча мустаҳкамлаши ва ўлка маҳаллий аҳолисини “социализм қуриш” жараёнига жалб этиши керак эди. Жумладан у шундай ёзади: “... совет миллий республикаларининг ташкил топиши Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий кучларини янада ривожлантиришга, уларнинг ҳақиқий тенгликка эришуви ва социалистик қурилишни тезлаштиришга ҳамда ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ социалистик миллатларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга йўналтирилган эди”.[13]

Бу даврда кам сонли муаллифларгина В.Коларз, О.Кероу, Р.Пайпс, Ч.Хостлер, Д.Уиллер каби “буржуа сохталаштирувчи” ишларига иқтибос беришга ботина олганликлари сабабли чегараланиш жараёнига баҳо беришдаги бироз мунозарали хусусият тадқиқотчилар учун анча қизиқ ҳисобланади. Уларнинг ишларига таянган ҳолда муаллиф қуйидагиларни таъкидлайди, “… бу масаланинг тарихи ўз илмий-тушунтирувчи хусусиятидан ташқари совет Шарқи халқларининг узоқ ўтмиш ва бугунги кун (совет даври – Н.М.) тарихида буржуа сохталаштирувчиларининг асл юзларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Одатда буржуа тарихчиларининг бу масала юзасидан фикрлари қуйидаги “мотивлар” (баҳона, важ-корсон) атрофида жамланган: биринчидан, гўёки миллий чегараланиш қонуниятлардан келиб чиқмаган, яъни у сунъий хатти-ҳаракат бўлиб, “Москва диктатураси”нинг намоён бўлиши деб баҳоланади, иккинчидан, Ўрта Осиёда янги республикаларнинг ташкил топиши гўёки “большевикча айёрлик” ҳисобланади ва у ўлка халқларининг ҳақиқий истакларини инобатга олмаган ҳолда амалга оширилган, қолаверса “туркийларнинг ягона ватанини майда бўлакларга бўлиб юбориш”га олиб келган “Ўрта Осиёда рус мустамлака сиёсати”нинг

амалга татбиқ этилиши деб баҳоланади".[14] Аслида эса, ўтган вақт бу фикрларнинг тўғрилигини кўрсатиб қўйди. Мақоланинг давомида эса муаллиф ушбу фикрларнинг хатолигини мисоллар ёрдамида исботлашга уринган. Лекин адолат юзасидан айтиб ўтиш керакки, унинг мақоласида тадқиқотчилар учун миллий чегараланишни тайёрлаш ва амалга оширишга оид катта ҳажмдаги фактик материал тақдим этилган, шунингдек, ҳар бир республикага, ҳаттоки Фарғона вилояти (области)га алоҳида эътибор қаратилган. Гап шундаки, 1924 йилда Туркистон АССР Советлари XII съезди делегатларининг Фарғона областидан келган бир гуруҳи томонидан РСФСРга тўғридан-тўғри бўйсунадиган Фарғона автоном вилояти (области) ташкил этилиши кераклиги тўғрисида масала кўтарилган.[15] Қолаверса, бугунги тарихчилар олдида монография муаллифи томонидан келтирилган миллий-ҳудудий чегараланишни тайёрлаш ва ўтказишга оид далилларни объектив таҳлил этиш вазифаси турибди, чунки ўзбек давлатчилиги тарихидаги ушбу аҳамиятли ҳодисага бир томонлама баҳо бериш мумкин эмас. Айнан шу жиҳати билан Х.Т.Турсуновнинг иши замонавий тадқиқотчилар учун аҳамиятлидир.

М.Х.Ҳакимовнинг "Ўзбекистонда миллий совет давлатчилигининг ривоожланиши" ("Развитие национальной советской государственности в Узбекистане") номли асарини давлатчилик тарихининг совет даври тарихшунослигига катта ҳисса сифатида баҳолаш мумкин[16]. Унда Ўзбекистоннинг ўтиш даври, яъни янги совет давлатчилигининг сиёсий-ҳуқуқий асослари шаклланаётган даврдаги ривожланишининг асосий муаммоларини тадқиқ этишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, ишда миллий-ҳудудий чегараланиш масаласига батафсил тўхталиб ўтилган. Муаллифнинг миллий чегараланиш соф миллий хусусиятни ифодалай олмаслиги, чунки уни амалга оширишда янги ташкил этиладиган маъмурий-ҳудудий бирликларнинг иқтисодий жиҳатлари ҳам эътиборга олинганлиги тўғрисидаги фикрлари эътиборга молик. Унинг таъкидлашича, "…Ўрта Осиёнинг совет республикалари ҳудудларни нафақат миллий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам ажратиб олган. Шундай қилиб, миллий-давлат чегараланишни ўтказишда миллий жиҳат ягона мақсад эмас, балки у асосий масалани ечиш йўлида, яъни социализм ва коммунизмни барпо этишда бир восита ҳисобланади".[17]

**4. Хулосалар:**

Шундай қилиб, Ўзбекистон давлатчилигининг у ёки бу жиҳатларини, хусусан Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш масаласини очиб берувчи совет даври адабиётлари таҳлили уларнинг информацион ва илмий аҳамияти баравар эмас, деб хулоса чиқаришга имкон беради. 20-30-йилларнинг нашрлари асосан ахборот хусусиятига эга бўлиб, кўп жиҳатдан чегараланишнинг барча жабҳалари бўйича тайёр қарорларни ёритганлар. Аммо 20-йилларда республикада ёзилган илмий ишларда фикрларнинг муайян плюрализми ва турли методологик ёндашувлар учраб турган. Улар айнан мана шу жиҳати билан қимматли ҳисобланади. 30-йилларнинг иккинчи ярмига келиб эса, совет тарихи фанида ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларга нисбатан синфий ёндашув асосидаги нохолис деформацион тарихшунослик шакллана бошлайди. Ифода ва ёндашувлардаги кичик ўзгаришларга учраб турган бундай тенденция бутун совет даври мобайнида сақланиб қолган, қолаверса, у нафақат Ўрта Осиё миллий-ҳудудий чегараланиши муаммоси ёритилган ишлар, балки бутун совет даври тарихий асарларида ўз аксини топган.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. 1. История и историческое сознание. – Ташкент: Узбекистан, 2008. – С. 97. (Alimova D.A. History as history, history as science. T. 1. History and historical consciousness. - Tashkent: Uzbekistan, 2008.- P. 97.)
2. Ходоров И. Национальное размежевание Средней Азии. // Новый Восток. - 1925. (Khodorov I. National demarcation of Central Asia. // New East. - 1925.)
3. Зарубин И.И. Список народностей Туркестанского края. Л., 1925; Немченко М. Национальное размежевание Средней Азии. М., 1925; Семенов А.А. К проблеме

национального размежевания Средней Азии (историко-этнографический очерк) // Народное хозяйство Средней Азии. Ташкент, 1924. № 2-3; Записка академика В.В. Бартольда по вопросу об исторических взаимоотношениях турецких и иранских народностей Средней Азии // РФ РФА Архиви (Архив РАН РФ), ф. 68. Бартольд Василий Владимирович, рўйхат.1, сақлаш бирлиги (ед. хр.) 85. (Zarubin I.I. List of nationalities of the Turkestan region. L., 1925; Nemchenko M. National demarcation of Central Asia. M., 1925; Semenov A.A. On the problem of the national demarcation of Central Asia (historical and ethnographic sketch) // National economy of Central Asia. Tashkent, 1924. No. 2-3; Note by Academician V.V. Bartold on the issue of the historical relationship of the Turkish and Iranian peoples of Central Asia // RF RFA Archives (Archives of the Russian Academy of Sciences), f. 68. Bartold Vasily Vladimirovich, 1, (item collection) 85.)

4. Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии. – Избр. труды. Т. I. Ташкент. 1970. СС.69-317. (Khodzhaev F. On the history of the revolution in Bukhara and the national demarcation of Central Asia. - Fav. works. T. I. Tashkent. 1970. -pp. 69-317.)
5. Ўша ерда. -С.269. (There. -P.269.)
6. Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии…. -С.272. (Khodzhaev F. On the history of the revolution in Bukhara and the national demarcation of Central Asia…. -P.272.)
7. Алкин И. Национально-государственное размежевание и VIII съезд Советов СССР // Революционный Восток. -1934. - № 6 ва бошқ.; Крыльцов И.И. Государственное размежевание Среднеазиатских Советских республик. // «Вестник юстиции Узбекистана». -Ташкент, 1925, №1; И.Д.Левин. Средняя Азия – пример консолидации наций в условиях диктатуры пролетариата (к десятилетию национального размежевания). // «Советское государство». -Москва, 1934, № 6. (Alkin I. National-state demarcation and the VIII Congress of Soviets of the USSR // Revolutionary East. -1934. - № 6 va boshқ .; Kryltsov I.I. State demarcation of the Central Asian Soviet republics. // "Bulletin of Justice of Uzbekistan". -Tashkent, 1925, No. 1; I.D. Levin. Central Asia is an example of the consolidation of nations under the dictatorship of the proletariat (by the decade of national demarcation). // "Soviet state". -Moscow, 1934, no. 6.)
8. Раджабов С.Р. Создание Узбекского социалистического государства. – Ташкент. 1950; Турсунов Х.Т. Национальное размежевание Средней Азии и образование Узбекской ССР. // «Вопросы истории». 1954, № 10; Ўша муаллиф. Образование Узбекской Советской Социалистической Республики. – Ташкент. 1957; Гордиенко А.А. Творческая роль советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана. – Ташкент. 1959; Ўша муаллиф. Создание советской национальной государственности в Средней Азии. – М. 1959. (Radjabov S.R. Creation of the Uzbek socialist state. - Tashkent. 1950; Tursunov Kh.T. National demarcation of Central Asia and the formation of the Uzbek SSR. // "Questions of history". 1954, No. 10; Ўsha muallif. Formation of the Uzbek Soviet Socialist Republic. - Tashkent. 1957; A.A. Gordienko The creative role of the Soviet state and law in the socialist transformation of Turkestan. - Tashkent. 1959; That author. Creation of Soviet national statehood in Central Asia. - M.: 1959)
9. Гордиенко А.А. Творческая роль Советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана. – Ташкент, 1959. (Gordienko A.A. The creative role of the Soviet state and law in the socialist transformation of Turkestan. – Tashkent, 1959)
10. Гордиенко А.А. Создание советской национальной государственности в Средней Азии. – М., 1959. (Gordienko A.A. Creation of Soviet national statehood in Central Asia. - M., 1959)
11. Жданко Т.А. Национально-государственное размежевание и процессы этнического развития у народов Средней Азии // Советская этнография. 1972, № 5; Губаева С.С. Расселение этнографической группы «тюрк» в Ферганской долине // Новое в

этнографических и антропологических исследованиях. Итоги полевых работ Института этнографии АН СССР в 1972 году. М., 1974; Снесарев Т.П. Объяснительная записка к «Карте расселения узбеков на территории Хорезмской области (конец XIX начало XX в.)» // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. М., 1975; Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983; История национально-государственного строительства в СССР. 1917-1978. М., 1979 ва бошқ. (Zhdanko T.A. National-state delimitation and processes of ethnic development among the peoples of Central Asia // Soviet Ethnography. 1972, No. 5; Gubaeva S.S. Settlement of the ethnographic group "Turk" in the Fergana Valley // New in ethnographic and anthropological research. Results of field work of the Institute of Ethnography of the Academy of Sciences of the USSR in 1972. M., 1974; Snesarev T.P. Explanatory note to the "Map of the settlement of Uzbeks in the territory of the Khorezm region (late 19th early 20th century)" // Economic and cultural traditions of the peoples of Central Asia and Kazakhstan. M., 1975; Bromley Yu.V. Essays on the theory of ethnos. M., 1983; The history of nation-building in the USSR. 1917-1978. M., 1979 other).

12. Турсунов Х.Т. Национальная политика коммунистической партии в Туркестане. – Ташкент, 1971. - С.315. (Tursunov Kh.T. National policy of the communist party in Turkestan. – Tashkent, 1971. - P.315.)
13. Ўша ерда. - С.318. (There. -P.318.)
14. Турсунов Х.Т. Национальная политика коммунистической партии в Туркестане…. - С. 319. (Tursunov Kh.T. The national policy of the communist party in Turkestan…. - P. 319).
15. Турсунов Х.Т. Ўша ерда. - С.324. (Tursunov Kh.T. There. - p. 324).
16. Хакимов М.Х. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. – Ташкент, 1965. (Khakimov M.Kh. Development of the national Soviet statehood in Uzbekistan. – Tashkent, 1965)
17. Хакимов М.Х. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. - С.237. (Khakimov M.Kh. Development of the national Soviet statehood in Uzbekistan. - P.237.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Қаҳрамон Алманов,**
Гулистон давлат университети
Тарих кафедраси ўқитувчиси
almanov20111988@gmail.com

## ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ

**For citation:** Qahramon Almanov. COINS OF EARLY MEDIEVAL DESTRUCTED. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp. 29-38

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-4

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада муаллиф Марказий Осиё ҳудудида шаклланган тарихий маданий ўлка – Уструшонанинг илк ўрта асрлардаги тангалари хусусида фикр мулоҳазаларини тарихий манбаларга асосланган холда ёритиб, баъзи хулосаларни бериб ўтган. Ушбу хулосаларга таяниб биз бу ўлканинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти тўғрисидаги муҳим маълумотларга эга бўлишмиз мумкин.

**Калит сўзлар:** Уструш она, танга, иконография, нумизматика, Чирдмиш, Раханч, Сатачари, идеограмма, Мингтепа, Ширинсой, ихшид.

---

**Қаҳрамон Алманов,**
преподаватель
Гулистанского государственного университета,
almanov20111988@gmail.com

## МОНЕТЫ РАННЕСРЕДНЕВЕКОВОЙ УСТРУШАНЫ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье автор делает некоторые выводы на основе исторических источников, комментируя виды первых средневековых монет Уструшны, историко-культурной страны, сформировавшейся в Средней Азии. Основываясь на этих выводах, мы можем получить важную информацию о политической, экономической и культурной жизни этой страны.

**Ключевые слова:** Уструшана, монета, иконография, нумизматика, Чирдмиш, Раханч, Сатачари, идеограмма, Мингтепа, Ширинсай, ихшид.

---

**Qahramon Almanov,**
Teacher, Gulistan state of university,
almanov20111988@gmail.com

## COINS OF EARLY MEDIEVAL DESTRUCTED

**ABSTRACT**

In this article, the author draws some conclusions based on historical sources, commenting on the types of the first medieval coins of Ustrushana, a historical and cultural country that formed in Central Asia. Based on these findings, we can obtain important information about the political, economic and cultural life of this country.

**Index Terms:** Ustrushana, coins, iconography, numismatics, Chirdmish, Rahanch, Satachari, ideogram, Mingteppa, Shirinsay, ikhshid.

**1. Долзарблиги:**

Илк ўрта асрларда Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга қўшни ҳудудлардаги Чоч, Ўтрор, Фарғона, Уструшона, Суғд (асосан Самарқанд, Панч, Кеш, Нахшаб), Тўхористон (Чағониён, Термиз, Хуттал, Кобадиён ва б.), Хоразм каби воҳа ҳукмдорликларининг қарийб барчасида танга зарбининг йўлга қўйилиши нафақат иқтисодий зарурият билангина боғлиқ бўлмай, балки ҳамма даврларда бўлгани каби пул зарб қилиш маълум маънода давлат мустақиллигини ҳам ифодалаган.

Илк ўрта асрларда ҳар бири алоҳида танга зарбига эга Чоч, Фарғона ва Суғднинг қўшниси сифатида Уструшона ўзининг маҳаллий танга-пул тизимини йўлга қўяди[1]. Уструшонада танга зарб қилдириш ҳам Суғд ва Чочдан анча кеч бошланган бўлиб, милодий VI–VII асрларга тўғри келади. Буни Уструшона тангалари топилган маданий қатламлар ҳамда тангаларнинг ясалиш техникаси ва иконографик хусусиятлари кўрсатиб турибди. Воҳа тангаларини биринчилардан бўлиб ўрганган нумизмат ва археолог олимлар шундай фикрга келишган. Ҳолбуки, Уструшонага жануб ва жануби-ғарбдан қўшни Суғд воҳасида, хусусан, Самарқандда танга зарби анъанаси милод бошларига бориб тақалса, воҳанинг шимолий қўшниси Чочда милодий III – IV асрларда танга бостириш йўлга қўйилган эди[2]. Шу жиҳати билан Уструшона яқин қўшниларидан бири Фарғонага ўхшаб кетади. Табиий-географик жойлашуви, табиати ва у билан боғлиқ хўжалик ҳаёти деярли бир хил бўлган Суғд, Чоч, Фарғона ва Уструшона орасида танга зарбидаги бундай фарқ бири неча омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар орасида сиёсий ва иқтисодий омиллар етакчилик қилади.

Суғднинг нисбатан аввалроқ танга-пул тизимига ўтиши аввало унинг Амударё – Сирдарё оралиғидаги тарихий-географик вилоятларга нисбатан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бирмунча устуворлик қилиши билан боғлиқ эди. Иккинчи томондан эса Суғднинг товар айирабошлаш воситаси ва ҳокимият тимсоли сифатида бошқа воҳа ҳукмдорликларига қараганда анча эртароқ бошлаган Юнон-Бақтрия давлати (м.олд. IV-II асрлар) билан яқин қўшничилиги ётарди. Ўз навбатида қадимги Бақтрия Ўрта Осиёнинг илк маҳаллий тангалари бостирилган ҳудуд сифатида билиниб, бу масалада унга жануби-шарқдан Ҳиндистон ва жануби-ғарбдан Эроннинг таъсири бор эди. Ҳиндистон ва Эрон эса анча қадимдан ўз тангаларини зарб қилдирган ва шу жиҳатдан ҳам яқин қўшниларига таъсир қилган қадимий маданий-иқтисодий марказлар эди. Демак, бир томондан юнон, иккинчи томондан ҳинд-эрон таъсирида ўз тангаларини бостирган Бақтрия таъсирида дастлаб Суғд (Самарқанд, Кеш) ва Бухоро, кейинчалик Хоразм, бирмунча кейин эса Чоч ўз тангаларини зарб қилдира бошлайди[3]. Ушбу ҳукмдорликлардан анча кеч ўз танга зарбини йўлган қўйган бир қатор воҳа ҳукмдорликлари каби Уструшона ҳам афтидан ушбу ҳукмдорликлар таъсирида ўз танга-пулларини зарб қилдиргунча товар айирбошлашни ё натурал шаклда, ё бўлмаса қўшни ҳукмдорликлар тангаларидан фойдаланган ҳолда олиб борган кўринади. Шунингдек, иқтисодий муносабатларда асосий воситачи бўлган танга зарб қилдиришнинг бирмунча кеч бошланишига Уструшона воҳасининг сиёсий жиҳатдан дастлабки пайтларда қўшниларига нисбатан анча тарқоқ ва асосан тоғлик ҳудудда жойлашганлиги ҳам ўз таъсирини ўтказган кўринади. Бу ҳолат унинг сиёсий ҳаётида ҳам кўзга ташланиб, илк ўрта асрлардан бирмунча асрлар олдин Чоч Қанғ давлатининг таянч ҳудуди бўлиши, Суғд, хусусан, Самарқанд 9 та тармоққа бўлинган Чжаову сулолалари ичида етакчи бўлиши ҳам танга зарбида муҳим рол ўйнаган кўринади. Қачонки, Уструшона сиёсий мавқеи юқорилаган пайтда ўз тангаларини зарб қилдира бошлаганини шу омил билан изоҳлаш мумкин.

**2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда илк ўрта асрлар давридаги Уструшона тангаларининг Марказий Осиё халқлари иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва тарихий аҳамияти кўрсатилган. Исломдан олдинги суғдий ёзувли Уструшона тангаларининг тескари томонида  кўринишидаги тамға ва унинг икки ёнида оромийча идеограмма MR'Y билан бирга "Чирдмиш", "Раханч", "Сатачари" каби 3 та ҳукмдор исми учраб[4], кўпчилик тадқиқотчилар ушбу идеограммани маҳаллий "афшин" унвони билан тенглаштирадилар. Ўша давр Суғд (Панч), Хоразм тангаларида ҳам MR'Y идеограммаси учраб, Панч ҳукмдорлигида у "афшин" унвонини, Хоразм ҳукмдорлигида эса "Хоразмшоҳ" унвонини ифодалаган, деб ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Хоразм тангаларида ушбу идеограмма MLK' идеограммаси билан бирга MR'Y MLK' шаклида келади. Шунингдек, айнан қайси ҳукмдорлик томонидан зарб қилингани тўлақонли аниқланмаган бир томонида ҳукмдор ва малика тасвири, орқа томонида эса "хотун" унвон ўрин олган қадимги турк тангаларида ҳам MR'Y унвони ўрин олган[5]. О.И. Смирнова томонидан ... MRWY βcs' γ'ttwnh "... подшо хотун"[6], Ғ. Бобоёров томонидан эса MR'Y pncy nn x'ttwnh "Панч ҳукмдори Нана Хотун" ва "Панч подшоси (ва) Нана Хотун" ўқилган ушбу тангалар асосан Самарқанд вилояти ва атрофларидаги шаҳар харобаларидаги VII – VIII асрларга оид маданий қатламлардан топилиб, айрим изланувчиларга кўра Самарқанд ҳукмдорларига, айримларга кўра эса Панч ҳукмдорлигига тегишлидир. "Хотун" унвонли ушбу тангаларда Самарқанд тангаларига хос  ва Панч тангаларига хос тамғалардан  (  ,  ) бутунлай фарқли  кўринишидаги тамғанинг ўрин олиши масалани чигаллаштиради. Шунингдек, бу турдаги тангалар Афросиёб, Кофирқалъа каби Самарқанд, Панжикент, Қулдортепа каби Панч ҳукмдорлиги билан боғлиқ шаҳар қолдиқларидан эмас, Самарқанд вилоятининг Жиззах вилоятига туташ шимолий ҳудудларидаги ёдгорликлар – Мингтепа (Булунғур) ва унга яқин жойлашган ёдгорликлардан кўпроқ топилаётгани "хотун" унвонли тангаларнинг айнан қайси ҳукмдорликка тегишли экани масаласини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Эҳтимол, бу тангалар Кабудон ҳукмдорлиги Уструшонага қўшиб олинган палла – VII асрнинг охири – VIII асрнинг бошларида Уструшона афшинлари томонидан бостирилган бўлиши ҳам мумкин.

Уструшона тангаларининг бошқа воҳа ҳукмдорликларникидан тафовут қиладиган жиҳати, уларда ўрин олган ҳукмдор тасвири ўзига хос қиёфада, фарқли бош кийимида (тож?) тасвирланишидир. Шунингдек, минтақанинг бу давр тангаларидан фақатгина Уструшона тангаларида фил тасвири учрайди. Гарчи, бу даврда зарб қилинган  шаклдаги тамғали тангаларда суғдий ёзувда Раханч, Чирдмиш, Сатачари каби ҳукмдор номлари учраса ҳам[7], улардан биронтаси ёзма манбаларда акс этган Уструшона ҳукмдорлари исмларига тўғри келмайди. Яъни, тангаларда жой олган мазкур исмлардан ҳеч қайсиси шу пайтгача ёзма манбаларда учратилмади.

Уструшона тангаларида ҳукмдор номи билан бирга оромийча гетерограммада MR'Y унвонининг учраши диққатга сазовордир. Чунончи, бу даврда ушбу унвон фақат Панч ва Хоразм тангаларида кўринади[8]. Кези келганда айтиб ўтиш зарур, бу тип тангаларда уларнинг зарб қилинган жойи ёки қайси ҳукмдорликка оид эканига доир бирор ишора учрамаса ҳам, тадқиқотчилар асосан тангаларнинг мазкур тарихий вилоят ҳудудида жойлашган қадимий шаҳар харобаларидан топилишидан келиб чиқиб уларни "Уструшона тангалари" деб атаб келардилар. Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар натижасида бу тангаларнинг янги бир типи аниқланиб, ундаги жумлалар нумизмат Ғ. Бобоёров томонидан sttcry 'wstwršnc MR'Y... – "Уструшона ҳукмдори... Сатачари" шаклида ўқилди (қаранг 4- танга)[9]. Бу эса ушбу тангалар гуруҳининг айнан Уструшона ҳукмдорлигига тегишли эканини кўрсатди. Кейинги йилларда олиб борилган археологик қазишмалар пайтида яна бир қатор янги нусхадаги Уструшона тангалари аниқланган бўлиб, уларнинг айримларидаги суғдий ёзувлар тўлақонли ўқилганича йўқ.

Уструшона тангаларида ўрин олган тамғалар асосан бир хил бўлиб (), кичик фарқлар тангани зарб қилдирган ҳукмдор билан боғлиқ равишда учрай бошлайди. Шу ўринда бошқа айрим ҳукмдорликлар тангаларида бўлгани каби Уструшона тангаларида ҳам асосий тамғага қўшимча белги улангани кўзга ташланади. Масалан, қуйида кўриниб турганидек Раханч номли ҳукмдор тангаларида айнан асосий тамға сақланган бўлса (қаранг 1- танга) Чирдмиш тангаларида тамғанинг тепа учлари чап томонга қайрилган ҳолатдаги кўринишни олади -  (қаранг 2- танга).



1



2



3



4

Раханч тангаларининг айрим типларида эса христианлик символи бўлмиш хоч ўрин олиши билан бирга асосий тамға шаклида ҳам ўзгаришлар бўлгани тамғанинг чапга қайрилган пастки қисмига яна шунга ўхшаш қўшимча белги бириктирилгани пайқалади -  (қаранг 3- танга)[10]. Бундай ҳолат Уструшонага қўшни Самарқанднинг Ихшидлар даври тангаларида ва Панч ҳукмдорлиги тангаларида яққол сезилади.

Сатачари тангаларида эса асосий тамға ва унинг тепа учлари ўнгга қайрилган варианти акс этган тамға ёнма-ён жой олганлиги кўзга ташланиб ()[11], бу эса ушбу тамғаларнинг алоҳида-алоҳида рамзий белгилар бўлганидан дарак беради. Қуйида улардан намуналар келтирамиз:



5



6

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, баъзан муайян бир ҳукмдорликда мавжуд сулола вакили ўзидан олдин ҳукмронлик қилган қариндоши (отаси, акаси ёки яқинларидан бири)дан ҳокимиятни мерос қилиб олар экан, анъанавий тамғага бирон бир қўшимча белги илова қилгани кўзга ташланади. Бу асосан Самарқанд ихшидлари, Панч ҳукмдорлари тангаларига хосдир[12].

Ҳар бир ҳукмдорликнинг ўзига хос белгиси – тамғалар акс этиши муайян бир давлатчилик анъанаси билан боғлиқ бўлган. Нафакат воҳа ҳукмдорликлари, ҳатто конфедератив шаклдаги ҳукмдорлик таркибидаги айрим майда ҳокимликлар ҳам ўз тамғаларига эга бўлиб, улар нафақат тангаларда, балки сопол ва металл буюмлар сиртида ҳам ўз аксини топган. Аслида муайян бир тамға бирор ҳукмдорликни ифодаловчи рамзий

белгига айланган бўлса-да, уларни бирон бир мамлакат ёки ўлканинг қадимдан ўзгармай келган анъанавий нишони (герби) деб бўлмайди. Бу ҳолат минтақадаги сиёсий вазият билан боғлиқ ҳолда ҳар бир даврда ўзига хос рамзий белгилар бўлиб, бир-биридан фарқ қилган. Хусусан, Кушон салтанати ва Қанғ давлати давридаги тамғалар билан илк ўрта асрлардаги тамғалар орасида анча фарқлар бор[13]. Илк ўрта асрларга келиб, воҳалардаги ҳар бир ҳукмдорлик ўзига хос тамғага эга бўлган. Бу даврга хос тамғаларни бирор бир мамлакатнинг эмас, у ерни бошқариб турган сулоланинг рамзий белгиси сифатида баҳолаш мантиқлироқ[14]. Масалан, VII–VIII асрларда Чоч воҳасида учта бошқарувчи сулола мавжуд бўлиб, улардан ҳар қайсисининг ўз тамғаси мавжуд эди[15]. Улардан қайси бири айнан Чоч ҳукмдорлигининг рамзий белгиси эканлигини аниқлаш қийин. Афтидан ушбу тамғалар сулолага асос солган уруғларга тегишли бўлган.

Уструшона тангаларидаги белги асосан тангаларда учраб, ўзига хослиги билан бошқа ҳукмдорликлар тамғасидан анча ажралиб туради. Маълумки, Турк хоқонлиги даврида Чоч, Фарғона, Панч ва Тўхористон тангаларидаги тамғалар орасида яқин ўхшашлик кўзга ташланса, Уструшона тангаларида эса бунинг тескариси. Таққослаш учун қуйидагича келтирамиз[16]:

1. **Чоч**: ; хвабу, тегин ,элтабар, тудун.
2. **Фарғона**:  (варинтлари; ); хоқон,тутуқ.
3. **Уструшона**: ; MR’Y.
4. **Суғд**:

   а) **Самарқанд**: ; хоқон,MLK’.

   б) **Панч**:  (вариантлари ); MR’Y, хотун.

   в) **Кеш**: ; ахурпат.

   г) **Нахшаб**: ; хвабу.

5. **Бухоро**: ; пухар хув кава.
6. **Тўхористон**:

   а) **Тўхористон ябғулиги**: , (?); ябғу.

   б) **Чағониён**: (?); хув.

   в) **Термиз**: .

7. **Хоразм**: , ; MR’Y MLK’.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг ёзишича, Уструшона ҳукмдорларининг номлари бугунгача ёзма манбаларда деярли етиб келмаган, уларни кўпроқ тангалар орқали билиш мумкин. Шунингдек, ноёб тангалар бизгача ҳукмдорларнинг иконаграфик образларини, ҳукмдор сулолалар тамғаларини етказишган. Дастлабки таниқли афшин ҳукмдорларидан бири Чирдмиш бўлиб, унинг номи “Митрадан тарқалган” маъносини билдирар эди. Ўзи зарб эттирган бронза тангаларда Чирдмиш худди бошқа ҳукмдорлар каби қанотли тож кийган шаклда акс эттирилган. Унинг тангасини ўзига хос жиҳати бошининг буддавий иконографикасига хос бурилганроқ шаклда акс эттирилганлигидир. Сатачари III тангаларида эса ҳукмдор боши ўрнига фил расми ва “Жаноб Сатачари” ёзуви акс эттирилган. Ҳиндистоннинг филсифат худоси Ганеша нафақат донишмандлик тимсоли, балки савдо-сотиқ ҳимоячиси бўлиб ҳисобланган. Уструшона тангалари ўзида учта дин–зардўштийлик, буддизм, христианлик динлари рамзларини акс эттиради[17].

Шу ўринда Уструшона билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган айрим тангаларга ҳам тўхталиб ўтсак. Уструшона ва Суғд чегараларида қўшалоқ портретли тангалар учраб, тангадаги ҳукмдор ва малика тасвирининг қадимги туркларга хос бўлиб, Чоч воҳасида бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари, Ўтрор, Чағониён (Тўхористон) ва

Бухоронинг қўшалоқ портретли тангалари билан яқин ўхшашликка эгалиги[18], “хотун” унвони эса хоқонлик бошқарув тизимига алоқадор равишда бир қатор воҳа ҳукмдорликлар бошқарувида учраши[19] каби омиллардан келиб чиқилса “хотун” унвонли тангалар Суғд ёки Уструшона, ё бўлмаса улар орасидаги бирор ҳукмдорликнинг туркий бошқарувчилари томонидан зарб қилинган бўлиб чиқади. Шу ўринда Уструшонада сулола алмашинуви бўлган пайтда танга зарбида ўзгариш бўлгани ёки аксинча экани ҳам ҳалигача аниқланмаганини айтиб ўтиш керак. Ҳолбуки, Турк хоқонлиги даврида Уструшона каби ўз тангаларини бостирган Чоч, Ўтрор, Фарғона, Тўхористон ва яна бир қатор ҳукмдорликлар тангаларида туркий унвон ва тамғалар ўрин олгани, Самарқанд, Нахшаб, Бухоро тангаларида ҳам иконографик жиҳатдан (тасвир, тамға ва б.) туркий элементлар учрай бошлагани маълум[20].

Уструшона тангаларида эса айрим истисноларни ҳисобга олмаганда на исм ва унвонларда, на иконографияси қадимги туркий элементлар учрамайди. Тангалардаги Чирдмиш, Раханч ва Сатачари исмларига ўхшаш исмлар ҳам бирор ёзма манба ёки исломдан олдинги Амударё – Сирдарё оралиғи воҳаларининг танга-пулларида деярли ўрин олмаган. Фақат улардан биттаси – Сатачари VII – VIII асрларда Чочда зарб қилинган Чоч тудунлари (640-750) сулоласи тангаларидан айрим типларида stcry шаклида учраб, тадқиқотчилар фикрича, “устоз, муаллим” маъносидаги санскритча sadācāriya сўзга алоқадор бўлиши мумкин[21]. Шу ўринда Уструшона ва Чоч тангаларининг иконографиясида ўхшашлик борлигини айтиб ўтиш керак. Биринчидан, ҳар иккала воҳа тангаларида тўғрига юзланган ҳукмдор икки қанотли бош кийими (тож?) кийган шаклда тасвирланган бўлиб[22], шу жиҳати билан Сосонийлар Эрони тангасидаги тасвирларга ўхшашликка эга бўлса, иккинчидан, айрим тангаларда шаклан бир-бирига ўхшаш, деярли бир хил безатилган тож кийган ҳукмдор тасвирларининг ўрин олишидир[23].

Уструшона ҳукмдорлари савдо соҳасига ҳомийлик қилган. Чунки Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу ҳудудда савдо-тижорат соҳаси мамлакат шаҳарларинининг кескин равнақ топишига туртки берди, маҳаллий савдогарлар бойишига сабаб бўлади. Шаҳарлардаги бозорлар ва савдо расталарига анча узоқ манзиллардан ҳам харидорлар келиб туришган. Афшинлар карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўшинлар салоҳиятига алоҳида эътибор беришган. Уструшона ҳукмдори Чирдмиш номини “... кучли, чин сўзлайдиган, шон-шавкатли, шарафли, яйловлари кенг мўл”[24] маъноларини ифодалайди деб қарайди. Мамлакатда ҳукмдорлар қудратини зарб эттирилган тангалар орқали билиш мумкин. Қадимги Уструшона тангалари ўзининг нафислиги, нозиклиги, заргарона безаклари билан алоҳида ажралиб туради. Зарб этилган тангаларда 3 та дин - буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик тимсоллари кўзга ташланади. Бу мамлакатда аҳолининг турли гуруҳлари шу динларга эътиқод қилишганидан дарак беради[25].

Бу вақт оралиғида Ўртаер денгизининг шарқий қирғоқларидан то Хитой ҳудудигача халқаро савдо назорати Суғдий савдогарлари қўлида бўлган ва шу сабабли бутун Ўрта Осиё воҳаларида бўлганидек Фарғона водийсида ҳам Суғд маданияти кенг тарқалган. Унинг таъсири сопол идишлардан тортиб, маҳобатли иншоотлар қурилишигача ва савдо-сотиқнинг пул бирлиги саналмиш жез тангаларнинг кенг муомалага киритилишида акс этган. Ҳолбуки, Уструшонада бўлгани каби Фарғона водийси ҳудудида деярли VI асргача пул муомалада бўлмаган[26] ва савдо-сотиқ мол айирбошлаш асосида амалга оширилган.

Бу давр пул муомаласидаги жез тангаларнинг Ўрта Осиё давлатларида кенг ёйилган нусхаси бевосита Хитой таъсири билан боғлиқ бўлган. Яъни савдо-сотиқ асосан ўртаси тўртбурчак шаклда тешилган жез (бронза) тангалар воситасида олиб борилган. Бу ҳолат асосан Фарғона, қисман Чоч тангаларида, Суғдда эса Самарқанд, Кешда, шунингдек, Бухоронинг айрим тангаларида кўзга ташланиб, улардан фарқли ўлароқ Уструшона тангаларида хитой таъсири кузатилмайди.

Дастлаб хитой тангаларига тақлид этиб тангалар зарб қилинган бўлса, кейинчалик уларда суғдий ёзувда қайси ҳукмдор томонидан қаерда ва қайси вақтда чиқарилгани ҳақида маълумот берилган. Бу ҳолат салкам икки аср мобайнида, то араблар босқини кейинги VIII

асрнинг ўрталарига қадар давом этган ва бутун Ўрта Осиё ҳудудида савдо-сотиқ баробарида ҳунармандчиликнинг барча соҳаларида ривожланиш юз берган[27].

**4. Хулосалар:**

• Уструшона ҳудуди қадимдан халқаро тижорат йўллари кесишган ҳудудда жойлашганлиги сабабли ҳам бу ерда узоқ ўлкаларга хос ашёлар топилиши ҳам бундан дарак беради. Айниқса, антик даврда Уструшона халқаро савдо-сотиқда муҳим ўрин тутган. Унинг ҳудудида топилган ажнабий танга пуллар Буюк ипак йўли тармоқларидан бири Уструшонадан ўтганлигидан далолат беради. Жумладан, Ширинсойдаги қабристонда олиб борилган қазиш ишлари давомида эрамизнинг I асрига оид хитой тангаси топилган. Ўратепа ҳудудида эса 300 Рим тангасидан иборат хазина аниқланган[28]. Булардан 19 таси сақланган бўлиб, улар эрамизнинг I-II асрларида Рим империясида зарб этилган (Веспасиан – 1 танга, Траяндан Коммонгача – 18 та танга).

• Хуллас, Уструшона тангалари ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий муҳити билан боғлиқ тарихий жараёнларни ўзида акс эттиради. Танга зарби бу ерда нисбатан кеч – илк ўрта асрларда бошланган ва турлари унчалик кўп бўлмаса-да, ўзига хос иконографияси ва бошқа жиҳатлари билан Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа ҳукмдорликлар тангаларидан бирмунча ажралиб туради. Бу ўзига хослик Уструшона тангаларида маҳаллий анъаналар билан бирга ҳинд маданияти белгиларининг учраши, шу жиҳати билан Чоч тангаларига ўхшашлик борлиги, хитой тангаларига тақлиднинг йўқлиги, тангаларнинг юксак дид билан ясалгани ва ҳоказоларда кўзга ташланади. Уструшона тангаларида ўрин олган тамғалар ҳам ўзига хос бўлиб, айрим ҳолатларни эътиборга олмаганда қўшни ҳукмдорликлар тамғаларидан катта фарқ қилади.

• Уструшона тангалари қўшни айрим жиҳатлари билан Чоч тангаларига ўхшашлик учраб, шу жиҳати билан Суғд ва Фарғона тангаларидан ажралиб туради. Айниқса, Чоч тудунлари сулоласи тангалари билан Уструшона тангалари иконографиясида маълум ўхшашликлар мавжуд. Ҳар иккала воҳа тангаларида тўғрига юзланган ҳукмдор икки қанотли бош кийими (тож?) кийган шаклда тасвирланган бўлиб, шу жиҳати билан Сосонийлар Эрони тангасидаги тасвирларга ўхшашликка эга бўлиши билан бирга айрим тангаларда шаклан бир-бирига ўхшаш, деярли бир хил безатилган тож кийган ҳукмдор тасвирларининг ўрин олгани кўзга ташланади.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


[1] Смирнова О. И. Первые монеты из Уструшаны // ЭВ, XX, 1972. – С. 59-64. (Smirnova OI First coins from Ustrushana // EV, XX, 1972. - pp. 59-64.)

[2] Ртвеладзе Э. В. Древние монеты Срденей Азии - Ўрта Осиёнинг қадимги тангалари. – Ташкент, 1987. – С. 192–206.( Rtveladze E. V. Ancient coins of Srednei Asia - Ўrta Osiyoning kadimgi tangalari. - Tashkent, 1987. - S. 192–206.)

[3] Ртвеладзе Э. В. Древние монеты Срденей Азии - Ўрта Осиёнинг қадимги тангалари ... Б. 10-19; Зеймаль Е. В. Монеты раннесредневековой Средней Азии // Археология. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. – М., 1999. – С. 192–206. (Rtveladze E. V. Ancient coins of Srednei Asia - Ўrta Osiyoning қadimgi tangalari ... B. 10-19; Zeimal E.V. Coins of early medieval Central Asia // Archeology. Central Asia and the Far East in the Middle Ages. - M., 1999. - P. 192–206.)

[4] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М.: Наука, 1981. – С. 32-35, 324-333. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins. Bronze. - M .: Nauka, 1981. - P. 32-35, 324-333.)

[5] Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 181. (Smirnova O.I. Essays from the history of Sogd. - Moscow: Nauka, 1970. - P. 181.)

[6] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет ... – С. 359-370.( Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins ... - pp. 359-370.)

[7] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза ... -С. 324-335. (Smirnova OI Consolidated catalog of Sogdian coins. Bronze ... –P. 324-335.)

[8] Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу об употреблении титула MR'Y в Средней Азии в эпоху раннего средневековья // Согдийский сборник. Вып. 2. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Под. ред. Ш. Камолиддин. – Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2015. – С. 89-92. (Babayarov G., Kubatin A. On the use of the title MR'Y in Central Asia in the early Middle Ages // Sogdian collection. Issue 2. The latest research on the history and history of culture of Sogd in Uzbekistan / Under. ed. Sh. Kamoliddin. - Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2015.- P. 89-92).

[9] Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. - Т., 2010. -Б. 18-40. (Boboyorov G '. Information about statehood on the territory of Uzbekistan on early medieval coins // Problems of source studies in the history of Uzbekistan. T., 2010. -B. 1840 g.)

[10] (Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М. 1970. – С. 181. (. (Smirnova O.I. Essays from the history of Sogd. - Moscow: Nauka, 1970. - P. 181.)

[11] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981. – С. 329-332. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins. Bronze. - M .: Nauka, 1981. - P. 32-35, 329-332.)

[12] Гойибов Б. К нумизматический истории Согда // Ilmiy axborotnoma. Научный вестник. – Samarqand, 2016. – №4 (98). – Б. 6-11. (Goyibov B. On the numismatic history of Sogd // Ilmiy axborotnoma. Scientific bulletin. - Samarqand, 2016. - No. 4 (98). - P. 6-11.)

[13] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет … С. 538-543; Бабаяров Г., Кубатин А. Некоторые аспекты взаимооотношений между кушанами и древними тюрками в свете нумизматических данных // "Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик". "Академик Карим Шониёзов ўқишлари" туркумида этнологларнинг V Республика илмий конференцияси материаллари. – Т., 2010. – Б. 64-74. (Smirnova OI Consolidated catalog of Sogdian coins ... S. 538-543; Babayarov G., Kubatin A. Some aspects of the relationship between the Kushans and the ancient Turks in the light of numismatic data // Ethnicity and Culture: Traditions and Modernity. Materials of the V Republican Scientific Conference of Ethnologists from the cycle "Readings of Academician Karim Shoniyozov".. - T., 2010.- P. 64-74.)

[14] Бабаяров Г. Тамги на монетах оазисов Средней Азии эпохи раннего средневековья – Babayarov G. Tamgas on early Medieval coins from Central Asian oases / Тамги доисламской Центральной Азии - Tamgas of Pre-Islamic Central Asia. Samarkand: IICAS, 2019. - С. 333-363. (Babayarov G. Tamgas on early Medieval coins from Central Asian oases / Tamgas of Pre-Islamic Central Asia - Tamgas of Pre-Islamic Central Asia. Samarkand: IICAS, 2019. - P. 333-363.

[15] Ртвеладзе Э. В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1982. – № 8. – С. 31–38. (Rtveladze E. V. Numismatic materials to the history of the early medieval Chach // Social sciences of Uzbekistan. - Tashkent, 1982. - No. 8. - P. 31–38.)

[16] Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар ... - Б. 18-40. (Boboyorov G '. Information about statehood on the territory of Uzbekistan on early medieval coins // Problems of source studies in the history of Uzbekistan. T., 2010. -P. 1840 g.))

[17] Қудратов З. Уструшона тангалари // "Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)" мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 250. (Qudratov Z. Ustrushona coins // Proceedings of the Republican scientific-practical conference "Ustrushona on the Great Silk Road, its role in the development of interregional political, economic and cultural relations (in antiquity and the Middle Ages)." - Guliston, 2016. - P. 250.)

[18] Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации доисламских монет Отрара // Ўзбекистон ва Шарқ мамлакатларининг ҳамкорлиги: тарих ва ҳозирги замон. Республика илмий конференцияси тезислари. ЎзР ФАШИ. – Тошкент, 2014. – Б. 98 – 100. // Babayarov G., Kubatin A. Towards a new interpretation of pre-Islamic coins of Otrar Cooperation between Uzbekistan and the East: history and modernity. Theses of the Republican scientific conference. Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2014. - P. 98 - 100.

[19] Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: ЎзР ФА ШИ, 2012. – 34-35, 42. (Boboyorov G'. The state system of the Western Turkic Khanate. Abstract of the doctoral dissertation for the degree of Doctor of Historical Sciences. - T .: Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 2012. –P. 34-35, 42.)

[20] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М.: Наука, 1981. – С. 7, 47-48, 50-53, 311-315, 330-341; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв. ). – Т.: Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2007. – С. 9-24, 40-45, 52-55. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins. Bronze. - M .: Nauka, 1981. - P. 7, 47-48, 50-53, 311-315, 330-341; Babayarov G. Ancient Türkic coins of the Chach oasis (VI-VIII centuries). - T .: Publishing house of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi, 2007. - P. 9-24, 40-45, 52-55.

[21] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет … – С. 33, 389-393.Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... – С. 52-55, 71. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins ... - pp. 33, 389-393. Babayarov G. Ancient Turkic coins of the Chach oasis ... - pp. 52-55, 71.)

[22] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет … – С. 474; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... – С. 65. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins ... - pp.474. Babayarov G. Ancient Turkic coins of the Chach oasis ... - pp. 65.)

[23] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет … – С. 474; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... – С. 52. (Smirnova O.I. Consolidated catalog of Sogdian coins ... - pp. 474. Babayarov G. Ancient Turkic coins of the Chach oasis ... - pp. 65.)

[24] Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Т.: Академ нашр, 2012. – Б. 6. (Toychiboev B., Kashkirli Q. Zaamin's language encyclopedia. - T .: Akadem edition, 2012. - P. 6.)

[25] Абдуллаев Т. Уструшона шаҳарсозлик маданияти ҳусусида мулоҳазалар // “Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 297. (Abdullaev T. Comments on Ustrushona urban planning culture // Proceedings of the Republican scientific-practical conference "Ustrushona on the Great Silk Road, its role in the development of interregional political, economic and cultural relations (in ancient and medieval times)." - Guliston, 2016. - Б. 297.)

[26] Горбунова Н.Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ. № 25. 1984. –С. 105. (Gorbunova N.G. Some features of the formation of ancient cultures of Fergana // ASGE. No. 25. 1984. –S. 105.)

[27] Абдуллаев Б. Фарғона водийси антик ва илк ўрта асрлар даврида урбанизация жараёнлари // “Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 62-63. (Abdullaev B. Urbanization processes in the ancient and early Middle Ages of the Fergana Valley // Proceedings of the Republican

scientific-practical conference "Ustrushona on the Great Silk Road, its role in the development of interregional political, economic and cultural relations (in ancient and medieval times)." - Guliston, 2016. - P. 62-63.)

[28] Гайдукевич В.Ф. Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг. Предварительное сообщение. – КСИИМК, 1947, XIV. С. 94; Гайдукевич В.Ф.Могильник близ Ширин-сая в Узбекистане // СА. 1952. IV, С. 334; Абдиахатов Х. Уструшонанинг антик давр манзилгоҳи - Мунчоқтепа хусусида // “Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 127. (Gaidukevich V.F. Works of the Farhad archaeological expedition of Uzbekistan in 1943-1944 Preliminary announcement. - KSIIMK, 1947, XIV. P. 94; Gaidukevich V.F. Burial ground near Shirin-say in Uzbekistan // SA. 1952. IV, p. 334; Abdiaxatov X. About the ancient place of Ustrushna - Munchoktepa // Materials of the Republican scientific-practical conference "Ustrushona on the Great Silk Road, its role in the development of interregional political, economic and cultural relations (in ancient and medieval times)." - Guliston, 2016. - P. 127.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Шахноза Асатуллаевна Абдураҳимова,**
ЎзР ФА Тарих институти,
таянч докторанти
Shahnozaabdurahimova373@g.mail.com

## 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ

**For citation:** Shakhnoza A.Abdurakhimova, REFLECTION OF THE HEALTH CARE SYSTEM OF THE UZBEK SSR IN THE APPEALS OF THE POPULATION IN 1985-1991. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.39-46

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-5

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада Ўзбекистон ССР фуқароларининг 1985-1991 йилларда республика газеталарига юборган мингга яқин мактублари тадқиқ этилган. Аҳоли хатларнинг асосий қисми яъни 650 га якинида соғлиқни сақлаш тизими фаолиятидан, аҳолининг сифатсиз тиббий хизматдан, шифохоналардаги оғир шароитлар, аҳолининг дори-дармон воситалари билан таъминланишидаги муаммолар акс этилган. Мактубларни ўрганиш жараёнида, уларнинг Ўзбекистон ССР ҳудуди бўйича тақсимотига, тиббиёт хизматидан аҳолининг норозилик сабаблари, она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш, тиббиёт муассасаларининг фаолияти ва уларнинг тиббиёт ускуналари билан таъминланганлик даражаси, дори-дармон билан таъминланиши ҳамда уларнинг ҳудудий тақсимоти, тиббиёт ходимларининг этика ва деонтологияси шунингдек, тиббиётдан шифо топмаганларнинг экстрасенсларга мурожаатлари каби масалаларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилди.

**Калит сўзлар:** хатлар, мурожаатлар, соғлиқни сақлаш тизими, шикоятлар, мактублар географияси, шифокорлар ва кичик тиббиёт ходимлари, болаларнинг ўлими, тиббиёт муассасалари, экстрасенслар фаолияти.

---

**Шахноза Абдурахимова Асатуллаевна,**
докторант Института Истории АН РУз

## СИСТЕМА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ УЗБЕКСКОЙ ССР В ОБРАЩЕНИЯХ НАСЕЛЕНИЯ В 1985-1991 гг.

**АННОТАЦИЯ**

В статье изучено около тысячи писем граждан Узбекской ССР, направленных в газеты республики в 1985-1991 годах. Основная часть писем населения, то есть по итогам 650, отражает деятельность системы здравоохранения, некачественное медицинское обслуживание населения, тяжелые условия в больницах, проблемы в обеспечении населения лекарствами. В процессе изучения писем особое внимание уделялось освещению таких вопросов, как их распространение на территории Узбекской ССР, причины

неудовлетворенности населения медицинской службой, охрана здоровья матери и ребенка, деятельность медицинских учреждений и уровень их обеспеченности медицинским оборудованием, обеспечение лекарствами и их территориальное распределение, этика и нравственность также особое внимание было уделено освещению таких вопросов, как обращения к экстрасенсам.

**Ключевые слова**: письма, обращения, система здравоохранения, жалобы, география писем, врачи и младший медперсонал, детская смертность, медицинские учреждения, деятельность экстрасенсов.

---

**Shakhnoza A. Abdurakhimova,**
PhD Researcher, Institute of History of the
Academy of Sciences of Uzbekistan

## REFLECTION OF THE HEALTH CARE SYSTEM OF THE UZBEK SSR IN THE APPEALS OF THE POPULATION IN 1985-1991.

**ABSTRACT**

This article examines about a thousand letters of citizens of the Uzbek SSR which sent to the newspapers of the republic in 1985-1991. The main part of the letters of the population, i.e. the results of 650 reflects the activity of the health care system, poor health services, difficult conditions in hospitals, problems in providing the population with medicines. In the process of studying the letters, special attention was paid to covering such issues as their distribution on the territory of the Uzbek SSR, the reasons for the population's dissatisfaction with the medical service, the protection of mother and child health, the activities of medical institutions and the level of their provision with medical equipment, the provision of medicines and their territorial distribution, ethics and morality.

**Index Terms:** letters, appeals, health care system, complaints, geography of letters, doctors and Junior medical staff, child mortality, medical institutions, activities of psychics.

---

### 1. Долзарблиги:

Фуқаро мурожаатлари (хатлар) ёҳуд архивлардаги шахсий келиб чиқиш ҳужжатлари асосида турли даврларда бўлиб ўтган ҳодисалар, воқеалар баёни ҳақида расмий манбаларда келтирилмаган маълумотларни ўрганиш имконини беради.[1]. Айнан шу сабабли, мақолада тадқиқот объекти сифатида фуқароларнинг хатлари танлаб олинди.

Мақоланинг даврий чегараси 1985-1991 йилларни қамраб олади. Ушбу йилларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар, қайта-қуриш, ошкоралик шиори остида ўзгаришлар содир бўлганлиги билан белгиланади. Жумладан, расмий маълумотларга кўра, 1986-1987 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Кенгашига фуқаролардан 50 мингга яқин ариза ва шикоят келиб тушган бўлса, 20 минг аҳоли раҳбарларнинг қабулида бўлганлар. 100 мингга яқин аҳоли пойтахтга келолмаганлиги сабабли, маҳаллий партия ва совет ҳокимияти аъзоларига шикоят билан мурожаат этишга мажбур бўлганлар. Ижтимоий ҳаётдаги қийинчиликлар туфайли, аёллар орасида кузатилган руҳий холат сабабли 270 нафар қиз-аёллар жонига қасд қилиб, норозилик ифодаси сифатида ўзини ёқиб юборган. Бугунги кунда мазкур давр тарихини ёритиш ва унга ҳолис баҳо беришда нафақат сиёсий балки ижтимоий ҳаёт, жумладан соғлиқни сақлаш тизими муаммоларини тадқиқ этиш ҳам долзарб саналади[3].

Хатларни таҳлил этишда бир қатор илмий услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Энг аввало, уларнинг муаллифлик ва ҳудудий мансублик нуқтаи назардан тадқиқ этишда микро тарих усулларидан фойдаландик. Мактубларнинг сони, мазмуни ва ёзилиш сабабларини ўрганишда статистик, қиёсий таҳлил усуллари ҳамда тарихийлик, холислик ва даврийлик тамойиллари асос қилиб олинди.

### 2.Ўрганилганлик даражаси:

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш тизими тарихига оид бир қанча илмий ишлар, тадқиқотлар олиб борилиб, кўплаб илмий мақолалар, диссертациялар ҳамда монографиялар чоп этилган.

Совет даврида чоп этилган И.М.Ҳайдаров[4], В.К.Хрипунов, М.Махмудов, Б.Х.Умирзоқов, Ю.Шодиметов[5]илмий ишларида соғлиқни сақлаш соҳасини “қайта қуриш” сиёсатига мувофиқ ислоҳ қилиш, соҳада кейинги ўн йилликларда йиғилган муаммолар, соғлиқни сақлаш тизимини режалаштириш ва молиялаштириш борасидаги муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича баъзи таклифлар ҳамда тиббиёт мактабларининг йўқолиб бораётганлиги, илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти қониқарсиз даражада эканлиги, уларнинг фақатгина “услубий кўрсатмалар” ишлаб чиқиш билан чегараланиб қолаётганлиги илгари сурилган[6].

Мустақиллик йилларида бевосита тадқиқ этган мавзуимизга боғлиқ бўлган ишлардан А.Хазратқуловва Г.Э.Мўминоваларнинг докторлик диссертациялари ҳамда монографияларини келтириб ўтиш мумкин.

А.Ҳазратқуловнинг докторлик диссертациясида советлар даврида ижтимоий соҳадаги муваффақиятлар билан бирга унинг салбий томонлари ва уларни келтириб чиқарган омилларни мустақиллик мафкураси талаблари асосида баён этишга ҳаракат қилган[7].

Г.Э.Мўминованинг докторлик диссертациясида 1917-1991 йилларга оид Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизими ҳолати тадқиқ этилиб, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги трансфармацион жараёнлар, соғлиқни сақлаш муассасалари ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган[8].

**3. Тадқиқот натижалари:**

Ўзбекистон Миллий архивида “Рўзномалар таҳририятига фуқаролардан келиб тушган мактублар тўплами” фонди ҳужжатларида аҳолининг турмуш тарзи, ҳохиш иродаси, жамият ҳаётида юз берган қайта қуриш жараёнларига бўлган муносабати, норозилик ёки аксинча миннатдорчилик муносабатлари акс этилган.

Мактубларнинг даврий чегараси 1985-1991 йилларга оид бўлиб, умумий ҳисобда соғлиқни сақлаш тизими фаолиятига оид бўлган мингга яқин хатлар таҳририятга келиб тушган. Ушбу хатларнинг 650 га якини соғлиқни сақлаш тизими фаолиятидан, аҳолининг сифатсиз тиббий хизматдан, шифохоналардаги оғир шароитлар, аҳолининг дори-дармон воситалари билан таъминланишидаги муаммолар билан боғлиқ бўлган. Шулардан 125 нафар муаллиф соғлиқни сақлаш тизими фаолияти юзасидан миннатдорчилик хати юборган бўлса, 20 дан ортиқ тиббиётдан даво топмаган шахслар ўша даврда кенг тарқала бошлаган “Экстрасенслар” хизматидан кенг фойдаланганликларини кўришимиз мумкин.

**1 жадвал**

**Мактубларнинг ҳудудий мансублиги**

<table>
<tr><th>№</th><th>Вилоят</th><th>Хатларнинг сони</th><th>Даврий нашрларнинг номи</th><th colspan="3">Тил ҳусусияти кўра</th></tr>
<tr><td>1.</td><td>Қашқадарё</td><td>229</td><td rowspan="2">“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”</td><td>ўзбек</td><td>Рус</td><td>Тожик</td></tr>
<tr><td>2.</td><td>Андижон</td><td>115</td><td rowspan="7">85%</td><td rowspan="7">10%</td><td rowspan="7">0,01%</td></tr>
<tr><td>3.</td><td>Фарғона</td><td>103</td><td rowspan="3">“Совет Ўзбекистони”</td></tr>
<tr><td>4.</td><td>Тошкент вилояти</td><td rowspan="2">79</td></tr>
<tr><td>5.</td><td>Тошкент шаҳридан</td></tr>
<tr><td>6.</td><td>Намангандан</td><td rowspan="2">60</td><td rowspan="3">“Ёш Ленинчи”</td></tr>
<tr><td>7.</td><td>Хоразмдан</td></tr>
<tr><td>8.</td><td>Самарқанд</td><td>53</td></tr>
</table>

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 9. | Сирдарё | | | | | |
| 10. | Сурхандарё | 30 | | | | |
| 11. | Бухоро | | | | | |
| 12. | Жиззах | | | | | |
| 13. | Навоий | 10 | “Авангард” | | | |
| 14. | Қорақалпоқистон Автоном Республикаси | | | | | |

Хатларни тадқиқ этиш жараёнида уларнинг Ўзбекистон ССР ҳудуди бўйича тақсимотига, тиббиёт хизматидан аҳолининг норозилик сабаблари, соғлиқни сақлаш тизимининг қайси тармоғидан норозилиги, она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш, тиббиёт муассасаларининг фаолияти ва уларнинг тиббиёт ускуналари билан таъминланганлик даражаси, дори-дармон билан таъминланиш, уларнинг ҳудудий тақсимоти, тиббиёт ходимларининг этика ва деонтологияси ҳамда тиббиётдан шифо топмаганларнинг экстрасенсларга мурожаатлари каби масалаларни ёритишга тўхталиб ўтилди.

Жумладан, Тошкент вилояти, Тошкент туманида яшовчи Қодирова Заҳродан келган мактубда эса – Тошкент вилояти марказий шифохонасида беморлар учун шарт-шароитларнинг мавжуд эмаслиги, иситиш тизимининг ишламаслиги, ичимлик сувининг йўқлиги, канализациянинг яхши ишламаслиги келтириб ўтилган.

**2 жадвал**

**1985-1991 йиллардаги аҳоли шикоятларининг миқдорий таҳлили**

| **№** | **Шикоятнинг тури** | **1985** | **1986** | **1987** | **1988** | **1989** | **1990** | **1991** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | Шифокорларнинг лоқайдлиги ва таъмагирлиги юзасидан | 5 та | 8 та | 17 та | 26 та | 20 та | 18 та | 20 та |
| **2** | Шифохоналарнинг шароити | 2 та | 5 та | 16 та | 22 та | 12 та | 10 та | 15 та |
| **3** | Олий ва ўрта маълумотли тиббиёт ходимларининг билим савияси ва малакасидан | 1 та | 4 та | 25 та | 28 та | 22 та | 28 та | 12 та |
| **4** | Шифокорларнинг этика ва деонтологиясидан | 3 та | 16 та | 33 та | 29 та | 29 та | 12 та | 18 та |
| **5** | Тез тиббий ёрдам фаолиятидан | 12 та | 25 та | 23 та | 15 та | 18 та | 22 та | 20 та |

Айрим ҳолларда касалхоналардаги оғир шароитлар беморларни нобуд бўлишига ҳам сабаб бўлган. Масалан, Андижон вилояти, Кунчи қишлоғида яшовчи Расулов Қодиржоннинг хатида 8 ойлик фарзанди сариқ касал (гепатит) ташҳиси билан Андижон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасига ётқизилади. Аммо куз фаслигининг сўнгги ойи бўлишига қарамай шифохонада иситиш тизими ёқилмаган, хоналар совуқ, ойналардан совуқ шамол кириб турган. Натижада фарзанди зотилжам касаллигига чалиниб, бир ҳафтадан сўнг вафот этганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган[14].

Даволаш профилактика ишларида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди. Самарқанд вилоятида бир ёшгача бўлган болаларнинг фақатгина 46% гина шифокорларнинг тизимли назоратида эди. Наманганда эса, 1000 аҳолисига 2,3 педиатр шифокор, туманда эса 1,4 га тўғри келиб, умумий ҳисобда 58% ташкил этарди. Айрим туманларда янги туғилган чақалоқларнинг патронаж назорати номиганина олиб борилган, уларнинг касаллик варақалари тарихида аёлда хомиладорликнинг қандай кечганлиги, туғруқ жараёнлари, боланинг асаб тизимининг ривожланиши каби ҳолатлар кўрсатилиб ўтилмаган, бу эса ўз навбатида болаларнинг соғломлаштирилишида рационал режаларни тузиш имконини камайтирарди.

Айрим туманларда хомиладор аёллар учун туғруқдан олдинги ёрдам ҳолати ҳам қониқарсиз бўлган. Самарқанд вилояти бўйича ушбу кўрсаткич 71% ни, Наманган вилояти бўйича эса таъминланганлик даражаси 65% ни ташкил этарди. Умумий олганда акушер-гинекологларнинг сони туманларда 1000 аҳолига 0,6ни, вилоятларда эса 1,2 ни ташкил қилибгина қолмай, уларнинг айримларида тиббий хизмат кўрсатиш сифати пастлиги, билим-савиясининг қониқарсиз бўлмаганлиги, ҳамда афсуски, тамагирликнинг авж олганлигини кўришимиз мумкин. Ҳусусан, бундай ҳолатлар Самарқанд вилояти Паст-Дарғом тумани Чарҳил туғруқхонаси, Кашқадарё вилояти Китоб шаҳри марказий туғруқхоналари, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманлари ҳамда Хоразм вилояти Урганч шаҳри марказий шифохонаси туғруқхона бўлинмасида кузатилган. Ушбу ҳудудлардан йўлланган мактублар муаллифларининг таъкидлашларича бу ҳудудларда айрим шифокорларнинг лоқайдлиги, таъмагирлик, тўғри муолажа олиб бормаслик каби иллатлар кенг тарқалган бўлиб беморларга ҳудди бир буюм сифатида қаралганлиги келтириб ўтилган[18].

Вилоятларда ёш болаларни ўз вақтида шифохонага олиб бормаслик ҳолатлари ҳам кўп кузатилган, аммо уйда даволаш учун қолдирилган болаларга ҳам сифатли тиббий ёрдам кўрсатилмаган. Ҳусусан, Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, У.Юсупов номли мактаб ўқитувчиси Хусан Худойназаровнинг хатида “эскилик сарқитлари билан овора одамлар энг сўнгги чора сифатида касалхонага боришган” дея таъкидлаб ўтган.

Айрим, қишлоқ врачлик пунктларининг аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудлардан узоқроқда жойлашганлиги, транспорт воситаситаларининг етишмаслиги ёки бўлмаса 25 минг аҳолига биргина тез ёрдам машинасининг хизмат қилиши (агарда ёқилғи бўлсагина, айрим ҳолларда ёқилғи йўқ дея чақириққа бормаслик ҳолатлари ҳам кузатилган) ҳамда деярли аҳолининг кўп қисми кўп болали оила ҳисобланиб фарзандларнинг ўртача ҳисоби 5 нафардан 12 нафаргача бўлганлиги, улар ўртасидаги ёш эса асосан 1 йилни ташкил этганлиги туфайли уйдаги фарзандларини қолдириш имкони бўлмай аксар аёллар касалхонага бормаганлар. Натижада вилоят бўйича ушбу ҳолатдан кўз юмган болалар 48% ташкил этган. Бу даврда ёш болалар асосан зотилжам (пневмония) ҳамда ўткир юқумли касалликлардан вафот этганликлари кузатилади[19].

Албатта буларнинг барчаси аҳоли ижтимоий турмуш даражасининг пастли, айрим тиббиёт ходимларининг, малакали кадрларнинг етишмаслигидан далолат берарди. Вилоятда 10 минг аҳолига ўртача 3,3 педиатр тўғри келиб, бу республика бўйича 4,1% ташкил этган.

Шунингдек аёллар шифокорлари акушер-гинекологларнинг етишмаслигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир, 10 минг аҳолига 1,6 мутаҳассис шифокор тўғри келган[20].

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар туфайли Самарқанд ва Сурхандарё вилоятларининг ўзидагина болаларнинг ўлим кўрсаткичи жуда юқори бўлган. Юқорида таъкидлаб ўтилган вилоятлар билан бир қаторда 1982-1985 йилларда Андижон, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари, Қорақалпоқистон АССР ҳамда Тошкент шаҳрида болаларнинг ўлими юқори бўлган. Тиббиёт муассасаларининг аксарият қисми етарлича тиббиёт ходимлари билан таъминланмаган.

Тиббиёт соҳасига янги техника воситаларини жорий этиш ва таъминлаш бўйича ҳам аҳоли томонидан газеталарга мурожаат йўлланган.

Биргина “Узи” аппаратининг ўзигина XX асрнинг 80 йиллари ўрталарида кириб келган бўлиб, у ҳам фақатгина Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида бўлган. Сурхандарё вилояти Ангор туманида истиқомат қилувчи Эшмурадов Урал – ўзининг мактубида тиббий текширув аппаратлари билан қишлоқ врачлик пунктлари, касалхоналарни таъминлашни йўлга қўйишда шанбалик ва хашарлар ташкил этилиб, улардан тушган пуллар эвазига ускуналарни ўрнатиш ва бутун республика бўйича ушбу ишларни амалга ошириш кераклиги тўғрисида таклифини киритган[24]. Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи Мадумарова Н.нинг мактубида 28 ёшли, икки фарзанднинг онаси бўлмиш қизининг 8 ойдан бери шифокорлар томонидан ўт пуфаги ёки жигарида тош борлигини аниқлаша

олмаётганлиги, беморнинг аҳволи оғирлашишига қарамай, уларнинг Тошкентга йўлланма бермаётганлиги айтиб ўтилган[25].

Олий ва ўрта маълумотли тиббиёт ходимларининг малакаси ва этика-деонтологияси масалалари юзасидан ҳам шикоятлар келиб тушган. Бунда асосан аҳолининг кичиқ қатлами бўлган болаларга амбулатор-поликлиникалар томонидан тиббий ёрдам кўрсатишда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд бўлган. Айниқса заиф-кучсиз бўлганлар гипотрофия, рахит ва бир ёшгача бўлган болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари етарли даражада амалга оширилмаган. Ёки бўлмаса болалар касаллиги паталогиясини яхши билмаган терапевт томонидан кўрикдан ўтказилган, бу эса кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига салбий таъсир этган. Вилоятнинг марказий шифохоналари айниқса қишлоқ шифохоналарида беморларни даволаш жуда ҳам паст даражада бўлиб, кўп ҳолларда асоссиз даво усуллари қўлланилган, аксарият шифокорлар етарли малака ва замонавий даволаш усулларини билмаганлар (Наманган вилояти Уйчи тумани,Тошкент вилояти Бўка тумани марказий шифохонаси). Айрим, шифокорлар томонидан дорилар айниқса бутун иттифоқ ҳудудида кам сонли ҳисобланган антибиотиклар нотўғри сарфланган.

Бемор А. Нишонов (Уйчи туман марказий шифохонаси терапия бўлими, касаллик тарихи варағи №1364) пневмания (ўпканинг чап қисми) касаллиги билан 34 кун давомида пиницилиннинг наф бермаётганлигига қарамай 3 млграмдан 3 маҳал инъекция юборилган, бундан ташқари 15 кун давомида керакли даволаш натижасига эришилмасада метицилин антибиотигидан даволашда фойдаланилган[26]. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўша вақтда болалар бўлинмасида антибиотиклар танқислиги кузатилган, натижада ота-оналарнинг ўзлари ушбу дориларни ташқаридан сотиб олганлар.

Шундай ҳолатлардан бири Уйчи тумани Машад қишлоқ шифохонасида даволанаётган бир ёшу бир ойлик Ибрагимова М.нинг фарзандида ҳам кузатилган. Унга ҳам пневмония ташҳиси қўйилиб, бир кунда 6 та томчи осма укол буюрилади, улардан 4 таси турли компанентли натрий хлор дори воситаси эди. Кетма-кет юборилган дориларнинг натижасида беморларда аналитический шок ҳолати кузатилади яъни дорилар реакция бериб юборади. Бундай ҳолатда кўпгина беморлар айниқса ёш болалар вафот этадилар.

Нотўғри даво қўллаш ва тиббиёт ходимларининг лоқайдлиги борасида ҳам танқидий мактублар мавжуддир. Хусусан, Андижон вилояти, Москва туманидан Ғуломқодированинг мактубида, 15 ёшли фарзандига осма укол қилиниб, ҳамшира назоратсиз қолдириб кетади. Натижада, беморда “аналитический шок” ҳолати кузатилиб, вафот этади[27]. Мана шундай ҳолатларнинг бири, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри марказий шифохонасида ҳам кузатилган. Хусусан, Тожиева Муҳтабарнинг хатига асосан жияни 7 ойлик Умиджон баланд иситма билан Олмалиқ шаҳар марказий шифохонага олиб борилади. Аммо шифокорлар томонидан ўз вақтида назоратга олинмайди, ҳамширалар эса боланинг томирини тополмай 22 жойидан укол қилишга ҳаракат қиладилар. Кечки соат 00.00га борганда болада иситма 40 даражага кўтарилада, ҳамшира томонидан яна инъекция юборилади ва болада аналитический шок ҳолати кузатилади. Муаллиф томонидан Олмалиқ шаҳар марказий шифохонасида бир ойнинг ўзида 14 нафар ёш бола вафот этганлиги таъкидланган. Фарғона вилояти, Ўзбекистон районы юқумли касалликлар шифохонасида ҳам бундай ҳолатлар афсуски кузатилган. Ўша ҳудудда истиқомат қилувчи Сиддиқова К. ўз хатида 8 ойлик фарзандининг сариқ касал ташҳиси билан касалҳонага ётқизилганлигини ҳамда ҳамшира томонидан осма укол қилиниб, назоратсиз ташаб кетганлиги, бунинг оқибатида эса беморнинг икки қўли кўкариб, шишиб кетади ҳамда болада аналитический шок ҳолати бўлади. Бемор вафот этади[28]. Таъкидлаб ўтиш жоизки, тадқиқ этилаётган даврда ёш болалар орасида ўткир юқумли касалликнинг кенг тарқалганлиги ва уларни даволаш чоралари юзасидан шикоят ортиб борганлиги кузатилади.

Ўша вақтда марказий шифохона бош шифокорининг ҳисоботига асосан, юқумли касалликлар шифохонасида сариқ касал билан касалланган беморлар сони ортиб кетади яъни битта даволовчи врачга 25 та беморнинг ўрнига 45та, ҳамширага эса 25 та беморнинг ўрнига 35 та бемор бириктирилганди. Беморларга шифокор томонидан буюрилган кўрсатмаларнинг

ўрта тиббиёт ходимлари томонидан тўлиқ бажарилмаганлик ҳолатлари ҳам кузатилган. Ҳусусан, Тўрақўрғон тумани марказий шифохонаси хирургия бўлинмасига 10 ойлик бола куйиш натижасида олиб келинади, аммо унга 8 кун давомида пеницилиндан ташқари хеч қандай муолажалар қилинмайди. Натижада, иккиламчи инфекцияга чалинади. Бундай ҳолатлар Заркент туманида ҳам кузатилган. Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани шаҳар болалар шифохонасида ҳам бундай ҳолатлар кузатилгандир. Ҳусусан, Қобилова Нодиранинг хатига асосан 8 ойлик фарзанди ич кетиш билан шифохонага ётқизилади. Шифокорлар бола бўлгандан кейин касал бўладида, йиғлайдида деб таъкидлашади. Ҳеч қандай таҳлил қилинмайди фақатгина иситма баландлашгандан сўнг ҳамширага ичаклар ювилиши буюрилади. Ҳамширанинг куч билан ичакни ювганлиги натижасида, аҳлат боланинг оғзидан чиқиб кетади. Боланинг аҳволи оғирлашиб, жонлантириш бўлимига ётқизилади. Муздек ҳонада, болани қаровсиз қолдиришади. Осма укол қилиб, назоратсиз ташлаб кетилади. Беморнинг таглари тозаланмайди. 3-4 кун шу аҳволда ётади. Сўнг аҳволи янада оғирлашиб, вафот этади.

Бир қатор иқтисодий муаммолар гирдобида қолган Ўзбекистон ССР тиббиёти заиф ҳолатга келиб қолганди. Бунинг натижасида беморларга руҳий далда бериш орқали даволаш усули- экстрасенслар хизмати кенг тарқалди.

Иттифоқ доирасида Анатолий Кашпировский, Алан Чумак, Джуна, Юрий Лонго исмлари кенг омма ичида таркалган бўлса, тадқиқ этган хатларимиз асосида Ўзбекистонда Тошкент шаҳридан Э.Холмуҳамедов, Халимхўжаев, Сурхандарё вилоятида фаолият юритган Юнус Кенжаевлар халқ табобати аълочиси, телепотия устаси, контактсиз катакли массаж мутаҳассиси дея эътироф этилган экстрасенслар машҳур бўлганлигини кўриш мумкин. Архив фондида биргина Ю.Кенжаевнинг номига юборилган 20 якин хатлар сақланиб, уларнинг бирида хаттоки, Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида яшовчи 70 нафар одамлар имзолаган миннатдорчилик хати шулар жумласидандир. Аммо маълум вақтдан сўнг аҳоли бундай даволаш усулининг самарасизлигини ҳамда алдов, ўз-ўзини ишонтиришга қаратилган фаолиятдан бошқа ҳеч нима эмаслигини тушуниб етди. Ҳаттоки ўша даврларда соҳта табиблар билан бир қаторда фолбинларнинг ҳам кўпайиб кетганлиги кузатилган.

**4. Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқ этилаётган даврда республикада кечаётган “Қайта қуриш” деб номланган иқтисодий, сиёсий инқироз туфайли соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муаммолар юзага келди.

Биринчидан соғлиқни сақлаш тизими, дунё тиббиётидан ҳар томонлама ортда қолган ва сифатсиз равишда фаолиятини олиб борган эди. Шунингдек тиббиёт таълим муассасаларининг 90% адабиёти ва таълим русс тилида олиб борилиши натижасида айрим кадрларнинг салоҳияти анча паст даражада бўлган. Чунки талабаларнинг аксар қисмида тил муаммоси мавжуд эди;

Иккинчидан шифохоналарнинг кўпайиши, даволаш жойлари, шифокорлар ҳамда кичик тиббиёт ходимлари сонининг ортиши, тизимнинг ривожланганлигидан эмас аксинча республикада турли касалликлар сонининг айниқса ўткир юқумли касалликларнинг ортиб борганлигидан далолатдир;

Учинчидан шифохоналарнинг кенг миқёсда қурилиши, шифокорлар сонининг ортиши беҳуда маблағларнинг сарфланишига олиб келди. Бундай ҳолат албатта тиббиёт сифатига салбий таъсир ўтказди. Чунки, бир қатор касалхоналар, айниқса, вилоят ва қишлоқлардагилари зарур тиббиёт асбоб-ускуна ва дори-дармонлар билан таъминланмаган ҳаттоки тўртдан бир қисми марказлаштирилган сув таъминотига ҳам эга эмасди;

Тўртинчидан тиббиёт обрўли касблардан ҳисобланмай қолди, соҳанинг 70%ни аёллар ташкил этарди. Шифокорларнинг иш ҳаққи ўртача ойлик маошининг 70% ташкил этарди. Иш ҳақининг камлиги айрим тиббиёт ходимларининг ўз касбига, меҳнатига нисбатан етарли мотивацияни таъминламади, уларнинг бефарқлиги, лоқайдлиги ҳамда айрим шифокорларнинг соҳани тарк этишига, айримларининг эса умуман ўз фаолиятини чет давлатларда давом эттиришига олиб келди.

Бешинчидан даволаш ўринларининг ортиши ҳамда у ерда беморларни узоқ муддатларга ушлаб турилиши (даволаш самарасиз бўлишига қарамай), касалхоналарга давлат томонидан кунлик маблағнинг ажратилиши билан боғлиқ бўлган;

Олтинчидан ҳудудий тамойилга асосланган хизмат кўрсатиш беморнинг шифокорни эркин танлаш имкониятидан маҳрум қилганди. Яъни йўлланма берилмагунича бемор бир вилоятдан иккинчи вилоятнинг шифохонасига келиб, даволана олмаган.

Умуман олганда республикадаги иқтисодий, экологик ва маънавий инкироз, мутахассис кадрларнинг етишмаслиги, таъмагирлик ва коррупцияни авж олиши, аҳоли орасида турли касаликлар, оналар ва болалар ўлими сонининг йилдан йилга ошиб боришига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. XX асрнинг 85-91 йиллардаги тиббиёт тизимидаги муаммолар кейинги чорак асрда ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


[1] Baranov A. A. Protection of mothers and children at the present stage: problems and ways to solve them // Soviet health care, 1989, No. 3.-P.3-6.

[2] Inatov M.N. Letters of Uzbeks to official organizations as a historical source (20-30s of the XX century). Candidate's dissertation abstract.T., 2003. -P.16.

[3] Khaidarov I.M., Khripunov V.K. The problems of restructuring medicine and healthcare. Ed. Prof. A.R. Rakhimdzhanova. -T.: Medicine, 1988. Page 9. [4] Khazratqulov A. Social problems of Uzbekistan and ways of their solution: specifics, experience, perspectives (1971-1991gg.). T., 1993. p-20-25.

[5] Makhmudov M., Umirzakov B.Kh. Healthcare of Uzbekistan.-T.: 1991. Pages 39-42.

[6] Muminova G.E. History of the healthcare system in Uzbekistan (1917-1991). Tashkent. “New edition” .- 2015. p181 .

[7] Shodimetov Y. Scientific and technical progress, lifestyle and health.-T., Uzbekistan, 1987. P15.

[8] Usmanov K., Sadikov M. History of Uzbekistan (1917-1991). Textbook. The main editorial office of the publishing and printing joint-stock company “Sharq” Tashkent - 2011.–P. 204.

[9] Vyalkov A.I, Mirsky M.B, Shchepin V.O. The main directions of development of treatment and preventive care for the population // Health of Russia XX century / Ed. Yu.P. Lisitsyna, M.E. Putin, I.M. Akhmetzyanov. Kazan: Ed. Center “Personnel of Russia XX century”, 2006. p- 66-150.

[10] www.meduza.ru. Everything was the best in the USSR. Not really. The main myths about the “golden age” of the late Soviet Union.

[11] Zaretskiy Yu. P. Strategies for understanding the past. Theory, history, historiography. M., 2011. p 242.

[12] National Archive of Uzbekistan. Fund 2806, list no. 1, collections no. 24,28,32,36,52,54,158, 102,103.

[13] National Archive of Uzbekistan. Fund 2454, list no. 6, collections no. 3945, 4252.

[14] National Archive of Uzbekistan. Fund 2582, list no. 1, collections no. 3945, 3946, 3947.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Zebiniso Azizovna Axmedova,**
Buxoro davlat tibbiyot instituti
Ijtimoiy fanlar kafedrasi mudiri,
f.f.n., dotcent
akhmedova_za@mail.ru

## OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI

**For citation:** Zebiniso A.Akhmedova, SCIENTISTS 'VIEWS ON THE CREATIVITY AND ACTIVITIES OF AHMAD DONISH. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.47-53

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-6

**ANNOTATSIYA**

Maqolada 18-asrning ikkinchi yarmi - 19-asrning birinchi yarmi Buxoro amirligi tarixiga oid O'rta Osiyo yozma manbalari haqida qisqacha ma'lumot berilgan. Ilm-fanda allaqachon ma'lum bo'lgan tarixiy asarlar bilan bir qatorda muallif yaqinda taqdim etilgan tarixiy risolalar, jumladan, 19-asr oxiri va 20-asr boshlarida taniqli o'qituvchi Ahmad Donishning "Mang'itlar sulolasi tarixi" asari haqida qisqacha ma'lumot beradi. Tarixchilar xolis, xolis va ijodiy ravishda tarixiy faktlarga, asosan birlamchi manbalarga murojaat qilib, siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotni yoritib, Markaziy Osiyo xonliklarining turli sulolalari siyosatining mohiyatini ochib berishdi, jamiyatning milliy va diniy qadriyatlarini umumlashtirdilar. O'rta Osiyo qo'lyozma omborlarida XVI-XIX asrlardagi Buxoro xonligi tarixiga bag'ishlangan tarixiy xronikalarning salmoqli qismi mavjud.

**Kalit so'zlar:** Qimmatbaho manba, qo'lda yozilgan omborlar, ish, mangyt sulolasi, bosma nashr

---

**Зебинисо Азизовна Ахмедова**
Заведующая кафедры «Социальные науки»,
Бухарский государственный медицинский институт

## ВЗГЛЯДЫ УЧЕНЫХ НА ТВОРЧЕСТВО И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ АХМАДА ДОНИША

**АННОТАЦИЯ**

В статье осуществлен краткий обзор среднеазиатских письменных источников по истории Бухарского эмирата второй половины XVIII -первой половины XIX вв. Наряду с уже известными в науке историческими сочинениями, автор даёт краткую характеристику недавно введенным в научный оборот историческим трактатам, в том числе труду известного просветителя конца XIX и начало XX веков Ахмада Дониша «История династии мангытов». Учёные-историки, беспристрастно, объективно и творчески обращаясь к историческим фактам, главным образом к первоисточникам, освещали политическую, социально-экономическую и культурную жизнь, раскрыли сущность политики различных династий

среднеазиатских ханств, обобщили национальные и религиозные ценности общества. В рукописных хранилищах Средней Азии имеется значительное количество исторических хроник, посвященных истории Бухарского ханства XVI—XIX вв.

**Ключевые слова:** Ценный источник, рукописные хранилища, произведение, династия мангытов, печатное издание

---

**Zebiniso A. Akhmedova,**
Head of the Department of Social Sciences,
Bukhara State Medical Institute

## SCIENTISTS 'VIEWS ON THE CREATIVITY AND ACTIVITIES OF AHMAD DONISH

**ABSTRACT**

The article dwells on a brief survey of Middle Asian written sources on the history of Bukhara emirate of the second half of the XVIII-th - the first half of the XIX-th centuries. Alongside with the compositions already known in science the author gives a brief characteristic of historical treatises introduced into science recently; here refer: the work of the famous enlightener of the end of the XIX- th- the beginning of the XX-th century Ahmad Donish “HISTORY OF THE MANGYT DYNASTY” Historians, impartially, objectively and creatively referring to historical facts, mainly to primary sources, illuminated political, socio-economic and cultural life, revealed the essence of the politics of various dynasties of Central Asian khanates, generalized the national and religious values of society. The handwritten depositories of Central Asia contain a significant number of historical chronicles dedicated to the history of the Bukhara Khanate of the 16th-19th centuries.

**Index Terms:** Valuable source, handwritten repositories, work, mangyt dynasty, printed edition

---

**1.Долзарблиги:**

XIX аср иккинчи ярмида Бухоро ижтимоий-фалсафий фикри тадқиқ этилар экан, ҳар бир тадқиқотчи даврга ва шу даврда яшаган мутафаккирлар ижодига турлича ёндашади, ўз нуқтаи назаридан таҳлил этади. Олимлар томонидан Бухоро тарихи, археологияси, савдо алоқалари, меъморчилиги, этнографияси, адабиёти, санъати, элчилик алоқалари, қишлоқ хўжалиги, табиати ўрганилган[25]. Бир қанча эсдалик асарлар ҳам Бухоронинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий муҳитини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади[24]. XIX аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган мутафаккир Аҳмад Дониш тўғрисида бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Садр Зиё «Наводири Зиёия» асарида Аҳмад Донишга юксак баҳо бериб: “барча ҳунарлардан бохабар”[24], деб ёзган эди. У Дониш асарларида мантиқийлик, соддалик борлиги, давлат бошқарув услуби, уни ислоҳ қилиш, ободлик ва озодлик ҳақида фикр юритилганлигини таъкидлайди.

Садриддин Айний тадқиқотлари ҳам ғоят муҳимдир[23]. У ўзининг барча асарларида Донишга алоҳида эътибор қаратган. Дониш шахсига бўлган қизиқишини у дастлаб “Қисқача таржимаи ҳол”ида намоён этиб, Донишнинг «Наводир ул-вақоеъ» асари ҳақида ўз фикрларини баён этади. “Эсдаликлар”ида эса Донишнинг одамлар билан муносабати, муомаласи очиб берилган. “Ажойиб одам”, “Аҳмад Маҳдумнинг ҳовлиси”да деган бобларда унинг шахси, ижоди ҳақида фикр юритади. Дониш шахси, ижодига қизиқиши туфайли кейинчалик “Аҳмад Маҳдум – Дониш(Аҳмад Калла)” адабий портретини яратади. Унда Донишнинг маънавий, руҳий ва ижодий жиҳатдан бир бутун қиёфасини яратишга ҳаракат қилган. Садриддин Айнийнинг “Ажойиб одам”, “Аҳмад Маҳдумнинг ҳовлисида”, “Латифжон Маҳдум ва унинг суҳбатдошлари”, “Аҳмад Маҳдумнинг кундалик ҳаёти”, “Ифлос сув ўрага тушади”, “Аҳмад Маҳдумнинг ҳажвий шеърлари”, “Аҳмад Маҳдумнинг ҳар йили қиладиган саёҳатлари” каби мақолалари Аҳмад Дониш шахсини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Тадқиқотчи Аҳмад Донишнинг асарлари билан таниш бўлиб, улардан

нусха кўчиришда иштирок этган. Дониш асарлари реал воқеалар ёрқин тасвирланган муҳим манбалар саналиб, Садриддин Айний фикрларининг ўзгаришига сабаб бўлган.

Академик И.Мўминов тадқиқотларида ҳам Аҳмад Дониш ижодига катта аҳамият берилган[9]. У Туркистон маърифатпарварлигини таҳлил этиб, Дониш, Фурқат, Муқимий, Бердақ ва бошқалар ижодига тўхталиб ўтган. И.Мўминов Донишнинг Бедил асарларини ўргангани, унинг фалсафий қарашларини, хусусан, коинотнинг абадийлиги, материя, руҳнинг жисмга муносабати ҳақидаги қарашларини таҳлил этганлиги ҳақида маълумот беради. У Аҳмад Донишнинг "Мажмуаи ҳикояти Аҳмади Калла" ("Аҳмад Калланинг ҳамма тарихий ва фалсафий асарлари"), "Ин рисолаист ислоҳ миёни шеъа ва сун" ("Шиалар ва суннийларни яраштириш тўғрисида насихат"), "Дафтари тақвим"("Тақвим дафтари"), "Наводир ул-вақоеъ" ("Нодир воқеалар"), "Таржимаи ҳоли амирони Бухорои шариф"("Бухоро амирларининг тарихи") асарлари, уларда ёритилган асосий ғоялар ҳақида фикр юритади. И.Мўминов Аҳмад Донишнинг табиат ҳодисаларига, динга муносабатини, унинг руҳ, жон, таносух, таваккул, нарса ва жисмлар, олам абадийлиги, тақдир ҳақидаги фикрларини ўрганган ва давр нуқтаи назаридан таҳлил этган. Академик И.Мўминов мутафаккирнинг ватанпарварлик, адолат, маърифат ҳақидаги ғояларини, жамиятдаги адолатсизлик, бойликка ҳирс қўйиш, зулм-зўравонлик ҳақидаги фикрларини ҳам очиб беришга ҳаракат қилган.

Академик А.Богоутдинов илмий ижодида ҳам Аҳмад Дониш ўзига хос ўрин тутади. У тожик халқининг ижтимоий-сиёсий фикрларини таҳлил этиш жараёнида Аҳмад Дониш сиймоси ва унинг ғояларига алоҳида эътибор қаратади[10].

Профессор Р.Ҳодизода ҳам кўпгина мақолаларида Аҳмад Дониш тўғрисидаги ўз фикрларини баён этди. У "маърифатпарварлик Аҳмад Дониш ғояларидан сизиб чиққан"[22], - деган ғояни илгари сурди. Расул Ҳодизода ўз асарларида Донишнинг ҳаёти, ижодини очиб беришга ҳаракат қилган. У Донишнинг энг катта асарлари "Наводир ул-вақоеъ" ("Нодир воқеалар"), "Таржимаи ҳоли амирони Бухорои шариф"("Бухоро амирларининг тарихи") ни адабиётшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этди, хусусан "Наводир ул-вақоеъ"("Нодир воқеалар") даги айрим бобларнинг мазмунини қисқа равишда изоҳлаб берган. Тадқиқотчи Дониш асарларининг даврга, ўша давр намоёндаларига таъсирини кўрсатиб, уларда бадиий тасвир ва фалсафий тафаккур уйғунлашиб кетганлигини таъкидлайди. Р.Ҳодизода Донишнинг Петербургга сафарларини тўла акс эттирган ва саёҳатларнинг аҳамиятига эътибор қаратиб, "унинг асарларида реалистик-фалсафий ҳикояларни кўриш мумкин", - дейди. У Аҳмад Дониш ҳақида "Зулматдан зиё" номли тарихий роман ёзган[21]. Р.Ҳодизода Аҳмад Донишнинг тил ўрганиш, маданиятни, санъатни ривожлантириш ҳақидаги фикрларига тўхталиб, "Аҳмад Дониш атоқли ёзувчи, шоир ва маърифатпарвар", деган хулосага келади.

И.С.Брагинский Аҳмад Донишни янги тожик адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар, сарой шоирларига қарши оқимнинг йўлбошчиси деб атайди. Унингча, "Дониш баъзи сарой мунажжимларига қарши чиқиб, ўз ғояларини устун қўяди. У маърифатпарварлик йўналишига асос солиб, ўзига хос мактаб яратди"[20].

Тадқиқотчи А.Юнусов Аҳмад Донишни қомусий олим деб атайди[19] ва унинг асарлари ҳақида маълумот беради, яъни уларнинг номлари, яратилиши, асосий ғоялари ҳақида фикр юритади. Бундан ташқари, унинг янги топилган астрономияга, адабиётшуносликка оид асарларига ҳам тўхталиб ўтади.

К.Айнийинг тадқиқотлари Аҳмад Дониш ва П.И.Пашино алоқаларига аниқлик киритди[18]. У Дониш ҳақиқатдан ҳам рус олими, шарқшунос, таржимон П.И.Пашино билан учрашганини илмий нуқтаи назардан асослаб берди.

З.Ш.Ражабов Аҳмад Донишнинг ҳаёти, ижоди, ижтимоий-сиёсий, маърифатпарварлик қарашларини тадқиқ этди[17]. З.Ражабов Донишнинг йилига бир маротаба Бухоро туманларига саёҳатини юқори баҳолаб, бу маълумотлар асосида уни ватанпарвар, халқпарвар инсон сифатида таърифлади. Унинг фикрича, бу саёҳатлар Донишнинг донишманд сифатида шаклланишида катта аҳамиятга эга. Тадқиқотчи Дониш қарашларини

ўрганар экан, амир унинг ғояларини қўллаб-қувватламагани, унинг «Манғит амирлари тарихи» рисоласи ижтимоий-сиёсий ҳарактердаги асар эканлигини таъкидлайди.

Ж.Тошқулов эса Донишнинг сиёсий-ҳуқуқий фикрларини ўрганди. Унинг фикрича, Донишнинг қонун устуворлигини ўрнатиш, давлат ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишини назорат қилиш каби ғоялари Бухоро шароитида янги бир йўналишнинг юзага келиши эди. Тадқиқотчи Донишнинг давлатга, динга муносабатини ҳам таҳлил қилди ва Ўрта Осиё сиёсий-ҳуқуқий фикри ривожида унинг хизматлари беқиёс[16], деган хулосага келди.

Н.Йўлдошев Бухорода демократик ҳаракат ривожини ўрганар экан, Аҳмад Дониш ижодининг Бухоро тарихидаги аҳамиятига, унинг маърифатпарварлик ғояларига эътибор қаратди. У Дониш издошлари икки қарама-қарши йўналиш: революцион-демократик ва жадидчиликка бўлиндилар, деган фикрни айтади[11].

Академик Б.Ғофуров Дониш ижодига юксак баҳо бериб, Ўрта Осиё маърифатпарварлик жараёнининг вужудга келишига асос солди ва XIX аср маърифатпарварларини ўз атрофига тўплади[8], деган эди.

С.Алиев «Бухорода битилган байтлар»[7] китобида Аҳмад Дониш кўп жиҳатдан Муқимий руҳиятига яқин, балким улар учрашган бўлиши мумкин, деган фикрни айтган, аммо асослаб беришга уринмаган. Бундан ташқари, тадқиқотчи Дониш ғояларининг замондошларига таъсири, уларнинг Донишга муносабатларини ўрганди ва ўз даврида Шоҳин, Возеҳ, Савдо Аҳмад Донишга юксак баҳо берган бўлсалар-да, Афзал Маҳдум унга қарши шеърлар ёзганлиги ҳақида маълумот беради.

Тарихчи олима Д.Алимова эса, жадидчилик ҳаракати даврида Бухоронинг ижтимоий-сиёсий вазиятини ўрганди[6]. Тадқиқотчи Аҳмад Донишнинг ҳаёти, ижоди ҳақида маълумот берди ва у жадидчилик ҳаракатига асос солди, деган фикрни илгари сурди.

Бундан ташқари, Е.Бертельс, С.Улуғ-зода, Н.Рахимов, Р.Одилов, Л.Оқулова, Х.Мирзозода ва бошқалар Аҳмад Дониш ҳаёти ва ижодига эътибор қаратганлар. Б.Самиев[5] илмий ишларида XIX аср охири XX аср бошларида тожик маърифатпарварларининг ижтимоий-тарихий ғоялари таҳлил этилган. Фотима Асад[4] Аҳмад Донишнинг “Наводир-ул-вақоеъ” асаридаги саноат атамаларининг семантик хусусиятларини ўрганган. А.Ҳайдаров [3] Аҳмад Донишнинг Бухоро амирлигидаги таълим тизимини янгилашдаги ислоҳотчилик қарашларини таҳлил этган. Н.Закиров [2] мутафаккирнинг диний қарашларини ёритиб берган.

Филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққулнинг “Аҳмад Калла” номли эссесида шундай сатрлар бор: “Ўн тўққизинчи асрдаги Бухоро шароитида Аҳмад Донишдек олим, адиб, мутафаккир ва давлат арбобининг камол топиши ҳайратланарли ҳол… Илм-фаннинг саёзлашуви, маърифат бўстонларининг қовжираши, ҳуррият нурларининг сўниши Бухоронинг тинка-мадорини қуритган эди. Давлат ва ҳокимият Бухорои шариф аҳли хоҳиш-иродасига зид бўлган ақида ва орзу-ҳавасларга тобе эди… Рост сўз, тўғри фикрнинг бир чақалик қиймати бўлмаган ана шундай қалтис шароит ва бадбўй муҳитда Аҳмад Дониш сарой хизматида юрган… Аҳмад Дониш ҳаётни севиб, ҳеч бир тўсиқ ва қаршиликни писанд этмай мардона кун кечирди. Шу боисдан ҳам унинг асарлари ростлик, матонат руҳи билан суғорилган”.

А.Пылев “Аҳмад Дониш фалсафаси” номли мақоласида Аҳмад Донишни Ўрта Осиё янги давр маърифий ҳаракатининг асосчиси сифатида эътироф этади.

Ж.Ниёзов “Аҳмад Дониш сабоқлари” номли мақоласида шундай ёзади: “Мутафаккир таълимотида умр мазмуни алоҳида ўрин тутади. Унинг таъкидлашича, ҳар бир инсон ҳаёти давомида эзгу ишлар қилмоғи, илми ва ҳунарини эл-юртига бахшида этмоғи лозим. У ҳар бир инсон “каттадан ҳам, кичикдан ҳам сабоқ олишга интилсин” дейди ва Афлотун, Арасту, Суқрот каби буюк устозларнинг баъзан дарс жараёнида айрим нарсаларни ўз шогирдларидан ўрганганини бунга мисол қилиб келтиради”.

Профессор Г.Наврўзова тадқиқотларида Аҳмад Донишнинг бағрикенглик ва озор бермаслик ғоялари акс этган.

И.Иброҳимов[1] "Аҳмад Дониш қандай қилиб Бухоронинг қадимий обидаларини сақлаб қолганди?" деб номланган мақоласида мутафаккирни ўз юртини севган, жондан азиз билган, фидойи, маърифатпарвар аждодларимиздан бири сифатида таърифлайди.

Аҳмад Дониш ижодининг кашф этилмаган томонларини, хусусан, унинг фалсафий меросини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Аҳмад Донишнинг ҳаёти ва асарларини ўрганган тарқиқотчи З.Ражабов «Аҳмад Дониш чуқур, жиддий ва ҳар томонлама ўрганишга муносиб бўлган буюк мутафаккир. Бир муаллиф бу масалани ҳал этолмайди. Шунинг учун ҳам Аҳмад Дониш ижодини ўрганиш келажакда олимлар тадқиқотларидан фахрли ўрин эгаллашига умид қиламиз", - деб ёзган эди.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


[1] Иброҳимов И. //"Халқ сўзи", 2019 йил 2 октябрь. (Ibrokhimov I. // "People's speech", October 2, 2019.)

[2] Закиров Н. Реформаторско-религиозные взгляды Ахмада Дониша.//авт.дисс.на соис. уч.степ. канд. филос. наук. – Душанбе, 2011. (Zakirov N. Reformist-religious views of Akhmad Donish. / / Author's dissertation on sois. uch.step. Cand. Philos. sciences. - Dushanbe, 2011.)

[3] Хайдаров А. Реформаторские взглядқ Ахмада Дониша в обновлении системы образования в Бухарском эмирате (XIX начало XX веков). авт.дисс. на соис.уч.степ. канд.педагог.наук. – Душанбе, 2012. (Khaidarov A. Reformist viewsқ of Ahmad Donish in updating the education system in the Bukhara Emirate (XIX early XX centuries). author's diss. on cois.acc.step. Candidate of Pedagogical Sciences. - Dushanbe, 2012.)

[4] Фатима Асад Семантические особенности отраслевқх терминов в "Наводир-ул-вакоеъ" Ахмада Дониша.// дисс. на соис. уч. степ. канд. филолог.наук. - Душанбе, 2011 ([4] Fatima Asad Semantic features of industry terms in "Navodir-ul-wakoe" by Ahmad Donish. // Diss. for the co-academic degree of Candidate of Philology - Dushanbe, 2011).

[5] Самиев Б.Дж. Социально-исторические идеи таджикских просветителей конца XIX начала XX в.// авт.дисс. на соис.уч. степ. докт.филос.наук. – Душанбе, 2009. (Samiev B.J. Socio-historical ideas of Tajik enlighteners of the late 19th and early 20th centuries // auth. Diss. on cois.uch. step. Doctor of Philosophy - Dushanbe, 2009.)

[6] Алимова Д. Жадидчилик: ислоҳот янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. - Т.: Университет, 1999. - 83 б. (Alimova D. Jadidism: the struggle for reform, renewal, independence and development. - T .: Universitet, 1999. - 83 p.)

[7] Алиев С. Бухорода битилган байтлар. –Т.: Ғ.Ғулом, 1992. (Aliyev S. Bytes were written in Bukhara. –T.: G'.Gulom, 1992.)

[8] Гафуров Б. История таджикского народа. - М.: Госполитиздат, 1955. Т.1 (Gafurov B. History of the Tajik people. - M .: Gospolitizdat, 1955. V.1)

[9] Муминов И.М. Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. -Ташкент: Фан, 1976; Выдающиеся мыслители Средней Азии. - М.: Знание, 1966; Танланган асарлар. 4 томлик. - Тошкент: Фан, 1969; Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане конца XIX и начала XX вв. Ташкент: Госиздат, 1957. (Muminov I.M. Materials on the history of progressive social and philosophical thought in Uzbekistan. - Tashkent: Fan, 1976; Outstanding thinkers of Central Asia. - M .: Knowledge, 1966; Tanlangan asarlar. 4 volume. - Toshkent: Fan, 1969; From the history of the development of social and philosophical thought in Uzbekistan in the late 19th and early 20th centuries. Tashkent: Gosizdat, 1957.)

[10] Богоутдинов А.М. Из истории общественно-политической мысли таджикского народа // Вопросы философии. – Москва, 1951. - № 3; Очерки по истории таджикской философии. - Сталинобод: Таджикиздат, 1961. (Bogoutdinov A.M. From the history of social and political thought of the Tajik people // Problems of Philosophy. - Moscow, 1951. - No. 3; Essays on the history of Tajik philosophy. - Stalinbod: Tajikizdat, 1961;)

[11] Юлдашев Н. Развитие демократического движения в Бухарском эмирате и предпосылки народной революции // Материалы научной сессии. 50 лет Бухарской народной революции. - Ташкент: Фан, 1972. – С. 105. (Yuldashev N. Development of the democratic movement in the Bukhara Emirate and the preconditions of the people's revolution // Materials of the scientific session. 50 years of the Bukhara people's revolution. - Tashkent: Fan, 1972 .-- P. 105.)

[12] Ахмедова З. А., Турсунов К. С. Интеграционный процесс в рамках европейского союза //Наука, техника и образование. – 2020. – №. 5 (69). (Akhmedova Z.A., Tursunov K.S. Integration process within the European Union // Science, technology and education. - 2020. - No. 5 (69).)

[13] Ахмедова З.А. Астрономические взгляды Ахмада Дониш //Вестник науки и образования. – 2018. – №. 11 (47). (Akhmedova Z.A. Astronomical views of Ahmad Donish // Bulletin of Science and Education. - 2018. - No. 11 (47).)

[14] Чориева М.А. Историография жизни и политической деятельности последнего мангытского эмира Сейида Алимхана. - Наука, техника и образование, 2018 (Chorieva M.A. Historiography of the life and political activities of the last Mangyt emir, Seyid Alimkhan. - Science, technology and education, 2018)

[15] Чориева М.А. Экономика и денежное обращение (монеты) в бухарском эмирате при мангытах (на рубеже 19-20 веков) //Наука, техника и образование. – 2020. – №. 5 (69). (Chorieva MA Economy and money circulation (coins) in the Bukhara emirate with mangyts (at the turn of the 19-20 centuries) // Science, technology and education. - 2020. - No. 5 (69).)

[16] Ташкулов Дж. Туси. Дониш. - М.: Наука, 1990. ([16] Tashkulov J. Tusi. Donish. - M .: Nauka, 1990.)

[17] Ражабов З.Ш. Выдаюшиеся просветитель таджикского народа Ахмад Дониш. - Сталинобод: Ирфон, 1961; Маърифатпарвар Аҳмади Дониш. - Душанбе: Ирфон, 1964; О “политическом трактате” Ахмада Дониша. - Душанбе: Дониш, 1976. ([17] Radjabov Z.Sh. Outstanding educator of the Tajik people Ahmad Donish. - Stalinobod: Irfon, 1961; Illuminator Ahmad Donish. - Dushanbe: Irfon, 1964; On the "political treatise" of Ahmad Donish. - Dushanbe: Donish, 1976.)

[18] : Айни К. Встречи Ахмада Дониша с П.И.Пашино // Гулистон, 1962. - № 3. (Aini K. Meetings of Ahmad Donish with PI Pashino // Guliston, 1962. - No. 3.)

[19] Юнусов А. Ахмади Дониш. - Сталинобод: Ирфон, 1960. ([19] Yunusov A. Ahmadi Donish. - Stalinobod: Irfon, 1960.)

[20] Брагинский И.С. Очерки из истории таджикской литературы. - Душанбе.: Ирфон, 1956. (Braginsky I.S. Essays from the history of Tajik literature. - Dushanbe .: Irfon, 1956.)

[21] Ҳомидий Ҳ. Дониш ҳақиқатлари // Қўхна Шарқ дарғалари. -Тошкент: Шарқ, 1999. - 335 б. (Khomidiy H. Facts of knowledge // leaders of the Ancient East. - Tashkent: Shark, 1999 .-- 335 p.)

[22] Ходизода Р. Ахмад Дониш - писатель и просветитель. - Душанбе: Ирфон, 1976; Аҳмад Дониш. Таржимаи ҳол ва мероси адабию илми. - Душанбе: Ирфон, 1976; Избранные четверостишия персидско-таджикских поэтов-классиков. - Душанбе: Ирфон, 1965; Ахмад Дониш // Литературный Таджикистан. – Душанбе, 1957. - № 11; Передовые тенденции в таджикской литературе II половины XIX века // Литературный Таджикистан. – Душанбе, 1955. - № 7. (Hodizoda R. Ahmad Donish is a writer and educator. - Dushanbe: Irfon, 1976; Aҳmad Donish. Tarjimai xol va merosi adabiyu ilmi. - Dushanbe: Irfon, 1976; Selected quatrains of the Persian-Tajik poets-classics. - Dushanbe: Irfon, 1965; Ahmad Donish // Literary Tajikistan. - Dushanbe, 1957. - No. 11; Advanced trends in Tajik literature of the second half of the 19th century // Literary Tajikistan. - Dushanbe, 1955. - No. 7.)

[23] Айний С. Асарлар. 8 жилдлик. - Тошкент: Ўз.ССР Давлат бадиий адабиёт, 1963-67; Танланган илмий асарлар. – Тошкент: Фан, 1978. (Ainiy S. Work. 8 volumes. - Tashkent: Fiction of the Uzbek SSR 1963-67; Selected scientific works. - Tashkent: Fan, 1978.)

[24] Садр Зиё. Наводири Зиёия. - Душанбе: Ирфон, 1991.- 42 с. (Sadr Ziyo. Navodiri Ziyoia. - Dushanbe: Irfon, 1991. - 42 p.)

[25] Хаников Н.В.Описание Бухарского ханства. - М.: СПб, 1843; Сухарева О.А. Х1Х аср охири ХХ аср бошларида сўнгги феодал шаҳри Бухоро. Ҳунармандчилик саноати. - Тошкент: Фан, 1962; Вохидов Х. Просветительская идеология в Туркистане. – Ташкент: Узбекистан, 1979; Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние.- СПб: В.Березовский, 1909. (Khanikov N.V. Description of the Bukhara Khanate. - M .: SPb, 1843. Sukhareva O. A.Bukhara, the last feudal city of the late 19th - early 20th centuries. Handicraft industry. - Tashkent: Fan, 1962; Vohidov H. Educational ideology in Turkistan. - Tashkent: Uzbekistan, 1979; D.N. Logofet A country of lawlessness. Bukhara Khanate and its current state. - St. Petersburg: V. Berezovsky, 1909).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Гулчехра Ўскиновна Аҳмедова,**
Термиз давлат университети
“Жаҳон тарихи” кафедраси ўқитувчиси
tursunovsafullo12@mail.ru

# СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ

**For citation:** Gulchehra Oskinovna Ahmedova, SURKHANDARYA BAKHSHIS. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.54-58

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-7

**АННОТАЦИЯ**

Сурхон воҳаси ўз достончилик мактаблари билан машҳур бўлиб, асрлар оша бахшилар ижоди билан замонамизга қадар етиб келди. Қадимги аждодларимизнинг тўй ва байрамлари бахшиларсиз ўтмаган. Бахшилар турли достонларни куйлашар, халқни эзгуликка чорлашар эди. Уларнинг ижоди миллий маънавиятнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Ушбу мақолада Сурхондарё достончилик мактаблари, ва машҳур бахшилари ҳақида маълумот берилади.

**Калит сўзлар**: бахши, шоир, анъана, достончилик мактаблари, Алпомиш, Гўрўғли, экспромт.

---

**Гулчехра Ускиновна Ахмедова,**
Преподаватель кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета
tursunovsafullo12@mail.ru

# СУРХАНДАРЬИНСКИЕ БАХШИ

**АННОТАЦИЯ**

Сурханский оазис известен своими эпическими школами, которые сохранились до наших дней благодаря творчеству бахши. Свадьбы и торжества наших древних предков не обходились без бахши. Бахши пели разные эпосы и призывали людей к добру. Их творчество сыграло важную роль в формировании национальной духовности. В данной статье представлена информация о Сурхандарьинских эпических школах и знаменитых бахши.

**Ключевые слова**: бахши, поэт, традиция, эпические школы,Алпамыш, Горогли, экспромт.

---

**Gulchehra Oskinovna Ahmedova,**
Lecturer at the Department of World History,
Termez State University
tursunovsafullo12@mail.ru

# SURKHANDARYA BAKHSHIS

**ABSTRACT**
The Surkhan oasis is known for its epic schools, which have survived to this day thanks to the work of the bakhshi. Weddings and celebrations of our ancient ancestors were not complete without bakhshi. Bakhshi sang different epics and called people for good. Their work played an important role in the formation of national spirituality. This article provides information about the Surkhandarya epic schools and famous bakhshi.

**Index Terms** bakhshi, poet, tradition, epic schools, Alpomish, Gorogly, improvization.

---

**1. Долзарблиги**:

Ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганар эканмиз, унинг асосини анъанавий достончилик ва бахшичилик санъати ташкил этганлигига гувоҳ бўламиз. Анъанавий достончилик тарихи халқнинг этник тарихи билан узвий ҳолда, анъанавий достончиликнинг ривожланиши оғзаки ижоднинг асрлар давомида шаклланиб келган чуқур ижтимоий тафаккур олами билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ оғзаки ижоди ниҳоятда бойлиги ва ҳамиша навқиронлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мустақиллик туфайли миллий қадриятларимиз қатори халқ оғзаки ижодининг тикланиши ва ривожланишига имконият яратилди. Натижада халқимизнинг асрий анъаналари янада бойиди. Бахшичилик санъати шундай хазинаки, у ёшларни ўз халқи, ватани ва миллий анъаналарига чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, бахшичилик ва миллий достончилик мактабларини ўрганиш ва уни келгуси авлодларга етказиб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мазкур мақола тарихийлик, қиёсий-таҳлил, ҳудудий ёндошув сингари методлардан фойдаланган ҳолда ёзилиб, унда Сурхондарёдаги достончилик мактабларининг бахшичилик санъатига қўшган ҳиссаси ёритилади.

Сурхондарё достончилик мактабларини ўрганиш ишлари машҳур тадқиқотчи Ҳ.Зарифов томонидан бошланди. У 1929 йилда Жанубий Ўзбекистон воҳасида ўтказилган этнолингвистик экспедиция аъзолари билан биргаликда қашқадарёлик Хидир, Бойсари, Ражаб шоир ва унинг шогирди Абдулла шоир Нурали ўғли, бойсунлик Холиёр Абдукарим ўғли каби халқ бахшиларини аниқлаб, уларнинг репертуарлари билан танишди ва айрим достонларни ёзиб олди. Бундай экспедициялар бир неча бор ўтказилган ва уларнинг натижалари Ҳ.Зарифов томонидан эълон қиинган [1; 2].

Воҳа достончилигига бўлган қизиқиш 1950-80 йилларда янада кучайган. Хусусан, Ҳ.Т.Зарифов, В.М.Жирмунский, И.Султонов, Б.Н.Путилов, Т.Мирзаев, М.Афзалов, М.Саидов, М.Муродов, М.Жўраев, Ш.Турдимов каби олимларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Мустақиллик йилларида ушбу мавзу янада ривожлантирилди. “Алпомиш” туркумига кирган бир қатор достонлар нашр қилинди. Олимларимиз томонидан халқ оғзаки ижодига бағишланган турли илмий асарлар ва монографиялар чоп этилди. Улардан С.Турсунов [3], М. Наимов [4], Ў.Тошматов, Ш.Турдимов[5], И.Умаров [6] ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин.

**3. Тадқиқот натижалари**.

Бахши – достон ва термалар куйлаб, бир вақтнинг ўзида ҳам актёрлик, ҳам шоирлик, ҳам созандалик маҳоратини намоён эта оладиган истеъдод эгасидир. Мана шундай истеъдод эгаларини етиштириб бераётган Сурхон воҳаси достончилик мактабининг ўрни беқиёсдир. Бу мактабда таниқли халқ бахшилари етишиб чиқиб, воҳа бўйлаб ўтадиган халқ байрамлари ва сайилларида, турли хил оилавий маросимларда иштирок этиб, ўз ижро услубларини сақлаб, давом эттирмоқдалар.

Сурхондарё воҳаси бахшичилигида учта достончилик мактаби, яъни Шеробод, Бешқўтон ва Бойсун бахшичилик марказлари мавжуд. Шеробод достончилик мактаби Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг бир неча туманлари, Тожикистон ва

Туркманистоннинг жанубий, қисман шимолий Афғонистондаги юзлаб бахшиларни бирлаштирган достончилик мактабидир. Шеробод достончилик мактаби туфайли Сурхондарё ва Қашқадарёда достончилик анъаналарининг изчил ривожланиши бугунги кунларда ҳам давом этмоқда. Шунинг учун ҳам Шеробод достончилик мактаби вакилларидан 1940-йилларида ёзиб олинган достонларда достончиликнинг нисбатан қуйи босқич унсурлари, бадиий тафаккурнинг унча ривожланмаган шакллари учрайди.

Шеробод бахшичилик мактабининг йирик вакилларидан бири **Шерназар бахши Бердиназар ўғли** (таваллуд ва вафоти саналари тахминан 1855–1915 ёки 1866–1920) дир. Шерна бахши Шеробод беклигининг Озон қишлоғида туғилган. Халқ ўртасида Шерна бахши номи билан шуҳрат қозонган. 7-8 ёшлигидан дўмбира чертиб, достон айта бошлаган. Унинг устози Қосим юзбоши 20 ёшлигидаёқ Бухоро амирлиги ҳамда Хоразм хонлигининг кўзга кўринган бахшилари билан айтишиб, уларни қойил қолдирган. Унинг устози Бобо шоир бўлиб, XIX асрнинг бошларида Шеробод беклигида яшаган. Қосим юзбоши Холмурод Қосим ўғли, Алим юзбоши ва Шерназар Бердиназар ўғли сингари бахшиларни тарбиялаб вояга етказган.

Шерна бахши 17 ёшида Шеробод беклигининг номдор бахшиси Ниёзали жебачи билан айтишувда ғолиб чиқади. Шерна бахши Ғузор, Бойсун, Шеробод, Денов, Ҳисор ва бошқа бекликларнинг бахшилари билан беллашади, беллашувлар ғолиби сифатида бахшилар сардорига айланади. Шерна бахши элликдан зиёд достонни ёддан билган ва ундан 20 дан ортиқ достон ёзиб олинган. У ўзидан кейинги авлодга мансуб кўплаб бахшиларнинг устози ҳисобланади, чунончи, Мардонақул бахши Авлиёқул ўғли, Мамарайим бахши Сафар ўғли, Бўрибой бахши Аҳмад ўғли унинг шогирдларидир. Шунингдек, озонлик Нормурод бахши Шерна ўғли, гиламбоплик Аҳмад бахши, Нурали бахши Боймат ўғли, оққўрғонлик Юсуф бахши Ўтаган ўғли, ғўринлик Жўра Эшмирза ўғли каби илғор бахшилар ҳам Шерна бахшининг севимли шогирдлари қаторига киради.

Шеробод достончилик мактабининг машҳур вакилларидан бири **Шотўра юзбоши Бойқул ўғли** (1887–1947)дир. Шотўра юзбоши Шеробод тумани, Калламозор қишлоғида таваллуд топган. Отаси Бойқул шоирдан бахшичилик сирларини ўрганган. Бойқул бахши бир неча марта Бухоро амири Музаффархон ҳузурида достон айтиб бахшичилик васиқасига соҳиб бўлади.

Шотўра бахши ота изидан бориб, элу улусга танилади, халқнинг тўю шодиёналарида хизмат қилади, ўз достонлари билан кишиларни хушнуд айлайди. Шотўра бахши "Алпомиш" ва "Гўрўғли" туркумига оид қирққа яқин достонларни юксак маҳорат билан куйлаган. Бундан ташқари "Ёдгор", "Шодмонбек", "Савдогар" номли бошқа қатор достонлар ҳам унинг ижод бисотидан ҳисобланади.

Шеробод бахшичилик мактабида унутилмас из қолдирган бахшилардан бўлган **Мардонақул бахши Авлиёқул ўғли** (1889–1975) алоҳида ажралиб туради. Мардонақул бахши Шерободдаги Озон қишлоғида таваллуд топади, икки ёшида онадан етим қолади ва тоғаси Шерна бахши қўлида тарбия топиб, вояга етади. Мардонақул бахши Шерна бахшига ҳам жиян, ҳам фарзанд, ҳам куёв, ҳам шогирд бўлиб, у Шерна бахшидан достончилик сирларидан таълим олади. Мардонақул бахши достончиликда ўз усулини ихтиро қила олган етук санъаткорлар сафида туради. Ундан ёзиб олинган "Алпомиш" достони намунаси шу мавзудаги бошқа достонлар ичида етакчи ўриндадир.

Мардонақул бахшининг достончиликдаги анъаналарини деновлик бахшилардан Тошмурод Тўра ўғли, Эшмурод Шердон ўғли, ангорлик Раҳим бахши, Қиём бахши Чори ўғли, бойсунлик Улаш бахши Ғози ўғли, шербодлик Али Саид Ҳайитназар ўғли, тожикистонлик Бўри бахши Аҳмад ўғли ва бошқалар юксак маҳорат билан давом эттирдилар.

**Холиёр Абдуназар Карим ўғли** 1897 йилда Паданг қишлоғида туғилган. 1929 йилда фольклоршунос олим Ҳоди Зариф Бойсунда бўлиб, Абдуназар бахшидан "Амир қочди" достонини ва бир қанча термаларни ёзиб олади.

Холиёр бахши ўз вақтида совет режимига қарши чиқиб, истиқлолчилар сафига қўшилган ва тўқсабо лавозимида фаолият кўрсатган эди. Анвар пошшонинг Бойсундаги мағлубиятидан сўнг Холиёр бахши ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида “Амир қочди” достонини яратган. Бу билан ўзини совет тузуми тарафдори этиб кўрсатишга уринган. Шунга қарамай, 1938 йилда отиб ташланган. Унинг шогирди Мулла Эрмамат Бадалов йирик достончи эди. Устози қатл этилганидан сўнг мутлақо достон айтмай қўйди [7].

**Чорша бахши** (1932–2002, Шеробод, Каттатут қишлоғи) ижоди олдинги бахшилари билан кейинги авлод бахшиларини боғлаб турувчи занжирдир. У болаликдан қўшиқ ва ашула айтишга қизиққан, қишлоғидаги Назар бахши, Эсон бахши, озонлик Мардонақул бахши, такиялик Жўра бахшилар даврасида кўп бўлган, улардан дуойи фотиҳа олиб, терма ва достонлар айтишни бошлаған. Чорша бахшининг юздан ортиқ термалари бор ва у элликдан ошиқ достонни ёддан билган. Чорша бахши ижодига тегишли “Тошбосар” (1998), “Ҳурсўна” (1999), “Ёдгор” (2000) достонлари нашр этилган, шундан, иккинчи ва учинчи достонлар Алпомишнинг қизи ва ўғли тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

**Шодмон бахши Холлиев** (1926–1984) Хатак қишлоғида туғилган. Шодмон бахши Холлиев кўзи ожиз бўлиб туғилди, аммо унинг қалб кўзи доимо очиқ эди. Унга Аллоҳ берган кувваи ҳофиза воситасида қирқдан зиёд достонни ёд билишига, мавжуд ички салоҳият санъаткорона ижро маҳоратига, қайноқ ижодий илҳом эса, янги достонлар, шеър ва термалар яратишига имкон берди.

Шодмон бахшининг устози Худойқул бахши бўлган. Худойқул бахши асли истаралик эди. Бир пайтлари унинг достон ва термалар айтиш маҳоратига Шеробод бегининг ўзи тан беришга мажбур бўлган. Совет даврида ҳам эл таниган ва тан олган довруқли санъаткор эди. Масалан, Худойқул бахши билан бирга Мардонақул Авлиёкул ўғли, самарқандлик Раҳматилла Юсуф ўғли ва Бекмурод Жўрабой ўғли кабилар иштирокида 1946 йили Тошкентда 17 кун давомида санъаткорлар кўриги бўлиб ўтади. Худойқул бахши биринчи ўрин ва биринчи даражали дипломга сазовор бўлган.

Худойқул бахши амир замонидан буён «Гулиқаҳқаҳ пари» достонини айтиб келган. 1943 йили шу одам Термиздаги бир тўйда достонни охирги маротаба ижро этади ва бундан буёғига уни айтиш ҳуқуқини Шодмонга беради [8].

Самарқанд шаҳрида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг юз йиллигига бағишлаб 1972 йилнинг июн ойида ўтказилган халқ бахшиларининг биринчи республика зонал кўригида иштирокчилар дастурга биноан бешта достондан парчалар ижро этишган, терма, лапар, шеърлар айтишган.

Эркин мавзуда ҳам чиқиш шарт бўлган. Шодмон шоир кўрикнинг барча талабларини аъло даражада бажаради. Айниқса, эркин мавзу жараёни унинг оғзаки ижод чўққиларини забт этишга чиндан ҳам қодирлигини кўрсатди. Масалан, саҳнага кўз тиккан юзлаб томошабин халқ санъаткорининг дўмбирани турли оҳангларда ўйнатиб чертиш монандида – ҳамиша нақлларда айтиб келинган эса-да, лекин кўпинча амалда кўрилмаган ҳолга, – яъни ҳозиржавоблик (экспромт) йўли билан тўқилиб ижро этилган қўшиққа гувоҳ бўлганлар.

Олти вилоят вакили қатнашган кўрикнинг 2-ўрини ва 2-даражали дипломи Шодмон шоирга насиб этди. Республика кўригига йўлланма олди. Шодмон шоир Холлиев Тошкентга борганида халқ оғзаки ижоди намуналари ва ўзи яратган термаларни янада авж пардаларда куйлаб, пойтахт маданият ва санъат аҳлининг ҳам дилига хушнудлик бағишлади. У республика бахшилари кўригининг ғолибига айланди.

Шодмон шоир Холлиев ҳозиржавоблиги билан ҳам, халқ достонларини маромига келтириб айтиши билан ҳам томошабинни ром эта олди. У «Алпомиш» «Гўрўғли» туркумига кирувчи қирқдан ошиқ достонни ёддан билган.

Шеробод достончилик мактабига бирлашган бахши шоирлар: “Алпомиш”, “Гўрўғли”, ”Кунтуғмуш”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Нурали”, “Юнус пари”, “Мисқол пари” каби достонларни алоҳида маҳорат билан ижро этишган. Шеробод достончилик мактаби вакиллари репуртуаридаги “Олтин қовоқ”, “Малла савдогар”, “Олланазар Олчинбек”,

"Тошбосар", "Хурсўна" достонлари бошқа жойлардаги бахшилар репертуарида учрамайди [9].

**4. Хулосалар:**

Янги асрда дунёнинг кўплаб халқлари ўз миллий қадриятлари, урф-одатлари ва маънавий-маданий маросимларига тобора қизиқиш билан қарамоқда. Зеро инсонни англаш учун у мансуб бўлган халқнинг урф-одат ва анъаналарини, бадиий тафаккур намунаси ҳисобланган халқ оғзаки ижодини ўрганиш лозим. Ўтмишни ўрганмай туриб ёруғ келажак яратиш бағоят мушкул, зотан ўтмишни тафтиш қилиб эмас, балки тадқиқ қилиб ўрганиш савоб ҳисобланади. Сирасини айтганда халқ оғзаки ижодини ўрганиш –халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъаналари, тарихи бугунги ва келажаги, ўй-фикр, андиша-кечинмалари ҳамда руҳиятини ўрганиш демак. Бундай ижод саҳнасини англаш эса бахшичилик санъати сирларини ўрганишдан бошланади. Бахшичилик неча-неча асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ғаройиб санъатдир. Ҳар бир бахши хотирасида ўтмиш анъаналарини сақлаб, уни авлодларга етказган ва бу эпик анъана ҳар гал ижро жараёнида янада бойиб, янгиланиб борган. Бахшилик ва бахшичиликнинг эътиборга молик яна бир хусусияти устоз ва шогирдлик анъаналаридир, аждодлар ва авлодлар, мерос ва ворислик, кеча билан бугуннинг, бугун билан эртанинг ўзаро алоқалари унда тажассумдир.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Зарипов Х. Узбекский народный героический эпос. – Москва, 1947. (Zaripov H. Uzbek folk heroic epos. –Moscow, 1947).
2. Зарипов Х. К изучения узбекского народного эпоса //Вопросы изучения эпоса народов СССР – Москва, 1958. (Zaripov H. To the study of the Uzbek folk epic // Questions of studying the epic of the peoples of the USSR. – Moscow, 1958.)
3. Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Турсунова Н.М., Муртазоев Б. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. –Тошкент, 2015. (Tursunov S.N., Pardaev T.R., Tursunova N.M., Murtazoev B. History of formation and development of baxshi art in Uzbekistan. –Tashkent, 2015.
4. Тошматов Ў. Фольклор қўшиқлари.–Тошкент, 2003. (Toshmatov O. Folk songs. – Tashkent, 2003.)
5. Турдимов Ш. "Гўрўғли" достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. –Тошкент: Фан, 2011. (Turdimov Sh. Genesis and evolutionary stages of Gorogly epics. –Tashkent: Fan, 2011.)
6. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. Тошкент, 2014. (Umarov I., Rakhmonov G., Khudoiberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis. –Tashkent, 2014).
7. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Иккинчи китоб. Қашқадарё талқини. – Тошкент: Меҳнат, 2000. –Б. 30, 70, 162, 171. (Murodov M., Ergashev A. Alpomishnoma. The second book. Interpretation of Kashkadarya. –Tashkent: Mehnat, 2000. –P. 30, 70, 162, 171).
8. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Боғлидара одамлари. Тошкент, 2014. –Б. 60-61. (Umarov I., Rakhmonov G., Khudoiberdiev E. Baghlydary people. Tashkent, 2014. –P. 60-61).
9. Турсунов С.Н., ва бошқалар. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. –Б. 45. (Tursunov S.N., and others. History of formation and development of baxshi art in Uzbekistan. –P. 45).

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Komiljon Doniyorovich Arziyev,**
O`zRFA Arxeologik tadqiqotlar instituti
II-bosqich doktaranti

## SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga)

**For citation:** Kamiljan D.Arziev, ON THE HISTORY OF THE STUDY OF THE TUMULUS OF NORTHERN BACTRIA (at the end of the iI century bc - III century ad). Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.59-64

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-8

**ANNOTASIYA**

Mustaqillik o`zbek xalqiga o`zining haqiqiy tarixidan voqif bo`lish, dunyoda hech bir xalqdan kam emasligini anglash imkonini berdi. Sug`d, Baqtriya, Xorazm, Shosh, Ustrushona, Farg`ona kabi o`lkamizning ko`plab tarixiy hududlarida minglab yillar davomida dunyo siyosati, madaniyati va dunyoqarashiga katta ta`sir ko`rsatgan jarayonlar amalga oshganki, buni nafaqat yurtimiz balki ko`plab mamlakatlarda olib borilayotgan tadqiqotlar va manbalar isbotlab turibdi. XX asrning oxirida Shimoliy Baqtriya hududida tadqiqotchilar M.M.Dyakonov, A.M.Mandelshtam, B.A.Litviniskiy kabi keng miqyosda tizimli ravishda mozor-qo`rg`onlar o`rganilmadi. Bishkent vodiysida aniqlangan mozor-qo`rg`onlari, jumladan To`pxona, Aruktov, Tulxar va Qashg`ar qabrlari bilan davriy o`xshashligi va qabrlardan chiqqan topilmalarning qiyosiy o`xshashligi bor.

**Kalit so`zlar:** M.M.Dyakonov, A.M.Mandelshtam, B.A.Litviniskiy, Shimoliy Baqtriya, mo`zor-qorg`onlar, chorvadorlar madaniyati, To`pxona, Aruktov, Tulxar, Rabot, qabrlar, daxmalar, nauslar.

---

**Камилжан Даниёрович Арзиев,**
Институт археологических исследований
Академии Наук Республики Узбекистан
II-курс доктарант

## К ИСТОРИЮ ИЗУЧЕНИЯ ПОГРЕБАЛЬНЫ-КУРГАНОВ СЕВЕРНОЙ БАКТРИИ (в конце II века до н.э - III век н.э)

**АННОТАЦИЯ**

Независимость позволила узбекам узнать свою истинную историю, понять, что они не меньше, чем любая другая нация в мире. Во многих исторических регионах нашей страны, таких как Согдийская, Бактрия, Хорезмская, Шошская, Уструшная, Ферганская, на протяжении тысячелетий происходили процессы, оказавшие огромное влияние на мировую политику, культуру и мировоззрение. исследования и источники в странах-участницах доказывают это. В конце XX века на территории Северной Бактрии такие исследователи, как М.М. Дьяконов, А.М. Мандельштам, Б.А. Литвинский, не изучали крупномасштабных

систематических курганов. Существуют периодические сходства с могилами, найденными в Бишкекской долине, включая гробницы Топханы, Аруктова, Тулхара и Кашгара, а также находки гробниц.

**Ключевые слова:** М.М.Дьяконов, А.М.Мандельштам, Б.А.Литвинский, Северная Бактрия, курганых, скотоводство, Тупхона, Аруктау, Тулхар, Рабат, грунтовых, могилых, наусов.

---

**Kamiljan D. Arziev**
Institute for Archaeological Research
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
II-year doctoral student

**ON THE HISTORY OF THE STUDY OF THE TUMULUS OF NORTHERN BACTRIA (at the end of the iI century bc - III century ad)**

**ABSTRACT**

Independence has allowed the Uzbek people to know their true history, to realize that they are no less than any other nation in the world. In many historical regions of our country, such as Sughd, Bactria, Khorezm, Shosh, Ustrushna, Fergana, for thousands of years there have been processes that have had a great impact on world politics, culture and worldview. research and sources in plab countries prove it. At the end of the XX century in the territory of Northern Bactria researchers such as MM Dyakonov, AM Mandelstam, BA Litvinsky did not study large-scale systematic burial mounds. There are periodic similarities with the tombs found in the Bishkek Valley, including the tombs of Topkhana, Aruktov, Tulkhar and Kashgar, and the findings of the tombs.

**Index Terms:** M.M.Dyakonov, A.M.Mandelstam, B.A. Litvinsky, Northern Bactria, Kurgan, cattle breeding, Tuphona, Aruktau, Tulkhar, Rabat, unpaved, grave, naous.

---

**1. Кириш ва долзарблиги:**

Tarixga bo`lgan e`tibor, ayniqsa yurtimiz tarixini yoritishga xolisona yondashuv bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biri bo`lib kelmoqda. Bu yana shunisi bilan muhimki, endilikda nafaqat yoshlar, balki katta avlod ham tarixni har qanday mafkuraviy tazyiqlardan xoli tarzda o`rganishi, erishilgan muvaffaqiyatlar qatori yo`l qo`yilgan kamchiliklar va xatolardan saboq chiqarishi uchun ham muhim ahamiyatga egadir.[1, C.3] Mustaqillik o`zbek xalqiga o`zining haqiqiy tarixidan voqif bo`lish, dunyoda hech bir xalqdan kam emasligini anglash imkonini berdi. Istiqloldan keyingi davr ichida xalqimizning azaliy milliy qadriyatlari tiklanib, ma`naviy yuksalish sari yuz tutdi, ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan noyob moddiy madaniyat namunalariga bo`lgan munosabat tubdan ijobiy tomonga o`zgardi.[2, C.3] Yurtimiz sarhadlari dunyoning ko`hna madaniyat markazlaridan biri hisoblanadi. Sug`d, Baqtriya, Xorazm, Shosh, Ustrushona, Farg`ona kabi o`lkamizning ko`plab tarixiy hududlarida minglab yillar davomida dunyo siyosati, madaniyati va dunyoqarashiga katta ta`sir ko`rsatgan jarayonlar amalga oshganki, buni nafaqat yurtimiz balki ko`plab mamlakatlarda olib borilayotgan tadqiqotlar va manbalar isbotlab turibdi. Jumladan, Zardushtiylik ta`limotining paydo bo`lishi, dunyo dini hisoblangan Buddaviylik dinining rivojlanishi va tarqalishida ajdodlarimiz muhim rol o`ynaganliklari rad etib bo`lmaydigan tarixiy haqiqatdir. Shu bilan birga o`rta asrlarda ajdodlarimiz islom dini va madaniyatini yuksak darajaga ko`targanliklari va ularning yaratgan bebaho asarlari hozirda ham islom dini va madaniyatini o`rganishda dasturamal bo`lib xizmat qilayotgani fikrimizni yana bir bor tasdiqlaydi. Ayni vaqtda vatanimiz hududlarida Qadimgi Xorazm, Qadimgi Baqtriya, Kushon, Qang`, Dovon, Somoniylar, Xorazmshohlar, Temuriylar kabi yirik davlatlar shakllangan va faoliyat yuritgan bo`lib, ularning dunyo sivilizatsiyasiga qo`shgan hissasi beqiyosdir. [3, C.6] Yurtimiz va dunyo sivilizatsiyasi rivojiga ulkan hissa qo`shgan, ko`plab tarixiy voqea-hodisalarga guvoh bo`lgan vatanimiz hududlaridan biri Baqtriyadir. Baqtriya o`lkasining tarixi faqatgina bir mamlakat yoki xalqning

tarixi bo`lmay, balki dunyo tarixining ajralmas bir bo`lagidir. Uning madaniyati jahon madaniyatining shakllanishiga katta hissa qo`shib, insoniyat tarixida o`chmas iz qoldirgan.

**2. Методлар ва ўрганилиш даражаси:**

Maqola tarix va boshqa ijtimoiy-gumanitar fanlarda qabul qilingan qiyosiy taxlil, obyektivlik, tarixiy ketma-ketlik, izchillik, qiyosiy taqqoslash tamoyillari asosida yoritilgan.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Qadimgi Baqtriya hududi hozirgi O`zbekiston va Tojikistonning janubiy hududlari, Turkmanistonning shimoli-sharqiy hududi va Afg`onistonning hududini o`z ichiga olib, u shimolda qadimgi Sug`diyona, janubda va janubi-sharqda Araxosiya va Panxara, g`arbda esa Marg`iyona hududlari bilan chagaradosh bo`lgan. Ilmiy adabiyotlarda Baqtriyaning O`rta Osiyo respublikalari hududiga kirgan qismiga "Shimoliy Baqtriya", Afg`onistonga qarashli qismiga nisbatan esa "Janubiy Baqtriya" iborasini ishlatish qabul qilingan. Baqtriya eroncha so`z bo`lib, boxtar zamini, yani sharqdagi o`lka ma`nosini bildiradi.

Baqtriya o`zining qulay geografik o`rni va tabiiy sharoiti bilan qadimdan odamlarni o`ziga jalb qilib kelgan. Tekshirishlar ilk bor bu o`lkada odamlar qadimgi tosh davrida yashaganliklarini ko`rsatmoqda. Hozirda bu yerdan kishilik jamiyati taraqqiyotining turli davrlariga oid Teshiktosh, Machay, To`da, Dalvarzintepa, Xolchayon kabi yodgorliklarning mavjudligi aniqlangan. [4, C.3] Xalqimiz o`tmishini chorvadorlar madaniyatidan alohida tasavvur etib bo`lmasa-da, chorvadorlar tarixini o`rganishga sobiq sho`rolar davrida, afsuski bazi hollarda hozirgi kunda ham ikkinchi darajali masala sifatida e`tibor qaratilgan. [5, C.3] Tarixiy manbalardan ma`lumki Baqtriya sarhadlarida o`troq xalqlar bilan bir qatorda chorvador qabilalar ham yashab kelganlar. Bu ko`chmanchi chorvador qabilalarning Baqtriyaga qilgan qilgan harbiy yurishlari tufayli bo`lgan. Ko`chmanchi chorvadorlar moddiy madaniyatini o`rganishda yani, (qabrshunoslik)ning shakllanishida mozor-qorg`onlar juda muhimdir. Mozor-qo`rg`onlarni tadqiq qilinishi xalqlarning madaniyati, tarixi, diniy qarashlari, etnogenezi, antrapologiyasi, etnologiyasini o`rganishda muhim ahamiyatga egadir. [6, C.213] Baqtriya tarixini o`rganishda ham mozor-qo`rg`onlarning o`rni muhimdir. Shimoliy Baqtriya hududi ham o`z bag`rida ko`plab tarixiy hodisalarga guvoh bo`lgan tarixiy va arxeologik topilmalarni saqlamoqda. O`rta Osiyoda ko`chmanchi chorvadorlar moddiy madaniyatini o`rganish dastlab XIX asrning 2-yarmidan boshlandi Turkiston havaskor arxeologlar to`garagi a`zolari tomonidan boshlangan. Bu izlanishlar natijasida chorvadolar tarixi bilan bog`liq ko`plab tarixiy manbalar o`rganilgan. Jumladan, ko`chmanchi chorvadorlar moddiy madaniyatini o`rganish dastlab M.I.Veselovskiy nomi bilan bog`liq, u 1884 yil Farg`ona vodiysiga yuboridi. Yuzga yaqin qabrlarni ko`zdan kechirdi, faqat 5 ta qabr o`g`irlanmagan ekan, ulardan qovunchi madaniyatiga xos sopol buyumlar, taqinchoqlar, tosh qurollar topilgan. [6,C.214] Shimoliy Baqtriya hududida esa mozor-qo`rg`onlarni tadqiq qilish ishlari 1946-1948-yillarda Sug`d-Tojik ekspeditsiyaning Kofirnigan bo`limi boshlig`i M.M. Dyakonovning Hisor tog` tizmasining janubi-sharqiy yonbag`irlari (Kobadiyon vohasi) Kofirnigan daryosining quyi havzasida joylashgan To`pxona mozor-qo`rg`onlari bilan bog`liqdir. M.M.Dyakonov To`pxonadan jami 96 ta qabrni ochib o`rgandi. Qabrlar turli davrlarga eneolit va bronza asosan kushon davriga oid edi. Shuningdek Bishkent vodiysida ham qazish va qidirish ishlarini olib bordi. [8, C.3] 1951 yilda S. S. Chernikov tomonidan bu yerda 7 ta mozor-qo`rg`on aniqlandi, ularning barchasi talon-taroj qilingan edi. To`g`ri Shimoliy Baqtriya hududida mozor-qo`rg`onlarni o`rganish ishlari XIX asrning 2-yarmidan emas, nisbatan kechroq ikkinchi jahon urushidan so`ng boshlangan. Jumladan Baqtriya tarixini o`rganish, uning arxeologik yodgorliklarini tadqiq qilish ishlariga ikki asr bo`lmoqda. [9, C.3] Ma`lumki, bu hududni turli maqsadlarda tadqiq qilish ishlari Sobolev 1873 y, Mayev 1876-1879 yy, Mushketov 1886 y, Neustruyev 1915 y, [10, C.6] va boshqalar bilan bog`liq. Shimoliy Baqtriya hududida Arxeologik qazishma ishlarini birinchi bo`lib, 1926-1928 yillarda Sharq madaniyati muzeyi prof. B.P. Denike Eski Termiz atrofidagi Zurmula buddaviylik stupasini ochish ishlari bilan amalga oshirgan. Shuningdek 30-yillarda M.E.Massonning va 1936-1938 yillardagi Termiz arxeologik kompleks ekspeditsiyasi (TAKE) muhim ahamiyatga molikdir. [11, C.6] Yuqorida eslab o`tganimizdek urushdan so`ng, yani o`tgan asrning 50-yillardan Shimoliy Baqtriya hududida turli arxeologik yodgorliklarni tadqiq qilish va yangilarini izlab topish tizimli tarzda davom ettirildi, shu

jumladan mozor-qo`rg`onlarni o`rganish ishlari ham. M.M. Dyakonov 1953 yilgacha Bishkent vodiysida yana uchta mozor-qo`rg`onlarni aniqladi, ularning eng kattasi Aruktov edi. 1955-1959 yillarda Tojikiston arxeologik ekspeditsiyasi, Kofirnigan bo`limi boshlig`i A.M. Mandelshtam Tulxar, Aruktov va Qoqqum mozor-qo`rg`onlardan 357 ta qabrlarni ochib o`rgandi. Bu qabrlarning katta qismining xronologiyasi kushon davriga to`g`ri kelar edi. 1960-1962 yillarda Shimoliy Baqtriyaning g`arbiy qismida joylashgan (Turkmanistonda) Boboshov mozor-qo`rg`oni o`rganildi. [12, C.3] Boboshov mozor-qo`rg`onlarini o`rganish natijasida uning Bishkent vodiysi shuningdek Shimoliy Baqtriya mozor-qo`rg`onlari bilan o`xshashlik xususiyatlari aniqlandi. 1960-1964 yillarda natijalar yaxshiligiga qaramay Shimoliy Baqtriyaning g`arbiy qismida tadqiqot ishlari davom ettirilmadi. [13, C.4] XX asrning 60-70 yillarida Shimoliy Baqtriyaning g`arbiy, yani O`zbekistonning janubiy hududi Surxondaryo viloyatida mozor-qo`rg`onlarini Pugachenkova G.A, Rtveladze, E.V, Turg`unov B.A, Albaum.L.I, Pidayev.Sh.P, Staviskiy B.Ya kabi tadqiqotchilarning, Xalchayon, Dalvarzintepa, Eski Termiz, Qoratepa, Ayritom, Kampirtepa va boshqa yodgorliklardan chiqqan qabrlar, daxmalar, sag`analar, nauslarni o`rganish ishlari muhim ahamiyatga egadir. Shimoliy Baqtriya mozor-qo`rg`onlarini o`rganishda B.A. Litviniskiyning xizmatlari kattadir, u shuningdek Farg`ona vodiysi mozor-qo`rg`onlarini o`rganishdagi faoliyati ham salmoqlidir. B.A. Litviniskiy Shimoliy Baqtriya mozor-qo`rg`onlarini 1953-1954 yillardan o`rganish ishlarini boshlagan, E.A. Davidovich bilan yuqori Vaxsh daryosi bo`yidagi Ko`xna-Qal`a yodgorligida bir qancha qabrlarni ochgan. 60-70 yillarda E.G.G`ulomov qo`l ostida Dushanbe mozor-qo`rg`onlardagi qabrlar o`rganilib, ilmiy jamoatchilikka taqdim etildi. Shu bilan birga 1960-1961 yy, 1969-1971 yillarda B.A. Litviniskiy boshchiligida To`pxona mozor-qo`rg`onlarida keng ko`lamda tizimli ravishda muvaqqiyatli ishlar olib borildi. Natijada 600 kv.m maydondan 146 ta qabrlar ochib o`rganildi. 1972-yilda Tojikiston arxeologik ekspeditsiyasi B.A. Litviniskiy boshchiligida Baqtriya hududida Kushon davriga iod birinchi marta nauslar o`rganildi. Shuningdek 1973-yilda Bishkent vodiysi yodgorliklarini o`rganish uchun muxsus alohida guruh tuzuldi. Bu guruh a`zolaridan I.N. Medvedskoy, T.I. Sedovlar tomonidan 160 ta qabrlar qazib tadqiq etildi. [14,C.4] 1979-1980 yillarda Surxodaryo viloyati o`lkashunoslik mueyi rahbari Kozlovskiy V.A. va San`atshunoslik institutining o`zbekiston San`atshunoslik eskpeditsiyasi rahbari Rtveladze, E.V rahbarligida Surxondaryo viloyati Uzun tumanida jami 7 ta Bittepa mozor-daxmalari qazib o`rganilgan. 70-80 yillarda A. Abdullayev Hisor vodiysida, E.P. Denisov Dangaring vodiysi va Ksirov daryosining quyi oqimida, X.Y. Muhitdinov quyi Qizilsu daryosidagi Parxar tumanida tadqiqot va qazishma ishlarini olib bordilar. [15, C.192-198 cc] XX asrning oxirida Shimoliy Baqtriya hududida tadqiqotchilar M.M. Dyakonov, A.M. Mandelshtam, B.A. Litviniskiy kabi keng miqyosda tizimli ravishda mozor-qo`rg`onlar o`rganilmadi. Ammo A.E. Berdimurodov va Vang Jianxin 2017-2018 yillarda Shimoliy Baqtriya bir qismi hisoblangan O`zbekistonning janubi Surxondaryo viloyati Boysun tumanidagi Rabot mozor-qo`rg`onlarini O`zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Arxeologik tadqiqotlar instituti va Xitoyning shimoliy-g`arbiy universiteti hamkorlikda O`zbekiston – Xitoy xalqaro qo`shma arxeologik ekspeditsiyasi tizimli ravishda muvaqqiyatli tadqiqot ishlarini olib borildi. Rabot mozor-qo`rg`onlari Shimoli-g`arbiy Baqtriya, yani O`zbekiston hududida keng ko`lamda va zamonaviy texnologiyalar asosida o`rganilgan birinchi yodgorlik hisoblanadi. Rabot mozor-qo`rg`onlari Hisor tog` tizmasining janubi-g`arbiy qismidagi Boysuntog` yonbarida Boysun shahridan 2 km janubi-g`arbida joylashgan bo`lib, qazishma ishlari natijasida 94 ta qabr ochib o`rganilib muhim ma`lumatlar qo`lga kiritildi. Rabot mozor-qo`rg`onlaridagi qabrlarning davri miloddan avvalgi II asr oxiri – milodiy I asr boshlariga to`g`ri kelib, Bishkent vodiysida aniqlangan mozor-qo`rg`onlari, jumladan To`pxona, Aruktov, Tulxar va Qashg`ar qabrlari bilan davriy o`xshashligi va qabrlardan chiqqan topilmalarning qiyosiy o`xshashligi bor. Shuningdek 2019 yilda zamonaviy texnologiyalar orqali fanga nomalum bo`lgan Surxondaryo viloyati Uzun tumanida Serharakat yodgorligidan 38 ta qabrlar, Dehqon mozor-qo`rg`onlaridan 4 ta qabrlar Chinortepadan 20 ga yaqin nauslar ochib o`rganildi. Bu qabrlarning davriy sanasi milodiy I - III asrlar to`g`ri kelib, topilmalar Xalchayon, Dalvarzintepa va Bishkent vodiysi yorgorliklari topilmalariga o`xshashdir. 2018 yilda Bishkent vodiysidagi Qashg`ar yodgorligida qazishmalar olib borildi. Qabrlardan chiqqan topilmalar Shimoliy Baqtriyaning boshqa

mozor-qo`rg`onlaridagi topilmalarga o`xshashligi aniqlandi. 2016 – 2019 yillarda O`zbekiston – Xitoy xalqaro qo`shma arxeologik ekspeditsiyasi arxeologiya sohasida yaratilgan an`anaviy usullar bilan birga so`ngi yillardagi zamonaviy texnologiyalar asosida O`zbekiston va Tojikistonning janubiy hududlari, Surxondaryo va Kofirnigan daryolari havzalarida bronza, yueji va kushon podsholigi davriga oid ko`plab mozor-qo`rg`onlar tadqiq etildi.

**4. Хулосалар:**

2016 – 2019 yillarda O`zbekiston – Xitoy xalqaro qo`shma arxeologik ekspeditsiyasi arxeologiya sohasida yaratilgan an`anaviy usullar bilan birga so`ngi yillardagi zamonaviy texnologiyalar asosida O`zbekiston va Tojikistonning janubiy hududlari, Surxondaryo va Kofirnigan daryolari havzalarida bronza, yueji va kushon podsholigi davriga oid ko`plab mozor-qo`rg`onlar tadqiq etildi. Maskur tadqiqotlar davomida Shimoliy Baqtriyaning bizga hali no`malum bo`lgan madaniy, iqtisodiy, siyosiy, diniy tarixi bilan bog`liq bir qator jahatlari aniqlandi. Bunda Shimoliy Baqtriya hududida qadim zamonlardan ko`chmanchi chorvadorlar va dehqonlar doimo o`zaro yaqin qo`shnichilik munosabatlarida bo`lib kelganligi qayd etildi. Shimoliy Baqtriya hududiga doimiy ravishda qo`shni hududlardan ko`chmanchi chorvador qabilalarning kirib kelganligi, Shuningdek Baqtriya aholisi esa qo`shni hududlar bilan yaqin madaniy aloqada bo`lib kelganligi ham isbotlandi.

Xulosa o`rnida shuni aytish mumkinki, o`tgan ikki asr mobaynida olib borilgan arxeologik tadqiqotlar Shimoliy Baqtriya tarixini o`rganishda muhim bosqich bo`ldi. Mozor-qo`rg`onlardan to`plangan qimmatli ma`lumotlar natijasida juda katta davr tarixini tiklashga muvaffaq bo`lindi. Bunda, albatta, M.I.Veselovskiy, M.M. Dyakonov, A.M. Mandelshtam, B.A. Litviniskiy kabi ilm ahli namoyondalarining xizmatlari beqiyosdir.

**Iqtiboslar/Сноски/References**


1. "Tarix tilga kirganda...(maqolalar to`plami)" davriy to`plamning №12. "Arjumand media"Namangan 2020 y. 3-bet. ( "When history speaks ... collection of articles" periodic set №12. –Namangan: "Arjumand media", 2020. 3-p.)
Заканчивая обзор чайной торговли Туркестанского края и России можно сказать, что в последней четверти XIX и в начале XX в.в. город Коканд сыграл значительную роль в чайной торговле России в Средней Азии, особенно в Ферганской области. В начале XX в. в Туркестан ежегодно ввозилось 200 000 пудов зеленого чая то 90 % из этого количества выпивалось населением Ферганской области, центром чайной торговли которой являлся город Коканд. Огромную роль в развитии чайной торговли России и в Фергане сыграло учреждение в Коканде таможни. Осевшие в Коканде российские фирмы, а также местные чаеторговцы получили возможность непосредственно получать чай, минуя Самарканд, и заняв лучшее чем Самаркандские чаеторговцы положение, успешно начали с ними конкурировать.

Так если в первый год существования таможни через нее было выпущено для внутреннего употребления всего 6,5 тыс. пудов чая, то в 1911 г. оно достигло 37,3 тыс. пудов. Годовое поступление пошлин в Кокандскую таможню за чай выразился в несколько сот тыс. руб. в год.

Говоря о соперничестве чайных фирм Самарканда и Коканда в Средней Азии один из авторов Ежегодника Ферганской области писал: Которая / Самарканд или Коканд- Ш.Б./ из этих групп выйдет победительницей – это вопрос времени, но во всяком случае шансы на стороне кокандской, так как она обосновалась в самом крупном центре потребления и ей не приходится нести лишних расходов, которое несет самаркандская группа на транспортировку в Фергану чаев, разсыпанных в мелкие помещения и на содержание двойной администрации по ведению дела в Самарканде и Коканде [11].

**4.Заключение:**

Таким образом в последней четверти XIX – начале XX в.в. торго-экономические отношения России с Туркестанским краем достигают значительного подъема. Главным предметом отправление из Туркестанского края в Россию в этот период являлись хлопок, хлопковое масло, фрукты, животные продукты, шелк и др., а из России в край поступали мануфактура, машины и механизмы, железные и стальные изделия, стройматериалы и нефтепродукты. В этот период в Туркестане сильно развивается чайная торговля. Появляются крупные чаеторговцы из числа местных предпринимателей. Одним из главных центров чайной торговли в Средней Азии становится г. Коканд.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. НА Уз, Ф.И-1, оп.16, д.1662, лл.145-146;д.203, лл. 12-18. (NA Uz, F.I-1, op.16, file 1662, ll.145-146; file 203, ll. 12-18).
2. НА Уз, Ф.И-1, оп. 16, д. 984, л. 22. (NA Uz, F.I-1, op. 16, d. 984, l. 22).
3. НА Уз, Ф.И-1, оп.1, д.1662, лл.145-146. (NA Uz, F.I-1, op.1, d.1662, ll.145-146).
4. НА Уз, Ф.И-1, оп.16, д.1839, л.10. (NA Uz, F.I-1, op.16, d.1839, l.10).
5. Там же, д.1672, лл.86-87 (и об). Ibid, 1672, ll.86-87 (and about).
6. Там же. Ibid.
7. НА Уз, Ф.И-1, оп.11, д.1311, лл.4( и об). (NA Uz, F.I-1, op.11, d.1311, ll.4 (and ob).
8. Ежегодник Ферганской области, Т: 1, выпуск 1902 года, с.63. (Yearbook of the Fergana region, T: 1, issue of 1902, p.63.)
9. Туркестанские ведомости, 1901, № 90. (Turkestanskie vedomosti, 1901, No. 90).
10. Отчет Кокандского биржевого комитета за 1914г, с 131-132. (Report of the Kokand Exchange Committee for 1914, pp. 131-132).
11. Ежегодник Ферганской области, Т: 1, выпуск 1902 года, с.62. (Yearbook of the Fergana region, T: 1, issue of 1902, p.62).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**УДК: 94(575.146)**

**Феруза Хаятовна Бобожонова,**
Бухоро давлат университети
Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди,доцент
bobojonova.feruza.71@mail.ru

# БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**For citation:** Feruza H. Bobodjonova, THE ISSUES OF CONSTRUCTION OF THE BUKHARAN MEDRESSES, THEIR MATERIAL AND ORGANIZATION OF THEIR ACTIVITY. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.80-93

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-11**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро мадрасалари фаолияти манбалар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, мадрасадаги талабаларнинг моддий аҳволи ва таъминоти масалалари ҳам кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** мадраса, хужра, кутубхона, вақф, тарих, дарс, дарсликлар, илк манбалар, ҳукмдор, архитектура

---

**Феруза Хаятовна Бабаджонова,**
Бухарский Государственный Университет
Преподаватель кафедры истории Бухары,
кандидат исторических наук, доцент
bobojonova.feruza.71@mail.ru

# ВОПРОСЫ СТРОИТЕЛЬСТВА БУХАРСКИХ МЕДРЕСЕ, ИХ МАТЕРИАЛЬНО-ХОЗЯЙСТВЕННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ И ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматриваются источники освещающие деятельность медресе в Бухаре, в конце XlX- начале XX вв., как основной формы учебных заведений. В статье, так же рассматривается материальное положение и обеспечение учащихся медресе.

**Ключевые слова:** Медресе, худжри, (кельи) библиотека, вакф, история, урок, учебники, первоисточники, правитель, архитектура.

**Feruza H. Bobodjonova,**
Bukhara State University
Lecturer at the Department of Bukhara History,
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
bobojonova.feruza.71@mail.ru

# THE ISSUES OF CONSTRUCTION OF THE BUKHARAN MEDRESSES, THEIR MATERIAL AND ORGANIZATION OF THEIR ACTIVITY

**ABSTRACT**

The article deals with the written sources on the activity of the madrassahs in Bukhara as the main form of the educational institutions in the late 19th – early 20th centuries.

**Index Terms:** Madrassah, hujra-cells, library, waqf – endowment, history, lesson, textbooks, written sources, ruler, architecture.

---

**1. Долзарблиги:**

Анъанавий таълим тизимининг юқори босқичи-мадрасалар ҳақидаги илк маълумот Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида берилиб, Бухоро шаҳридаги Форжак номидаги мадрасанинг 937 йилги ёнғин пайтида ёниб кетгани[1] айтиб ўтилади. “Мадраса” сўзи луғавий жиҳатдан “дарс берадиган жой”, “билимгоҳ”,[2] “ўқиш жойи”[3] деган маъноларни англатган. Ўрта асрларда Бухоро мадрасалари илм маскани сифатида нафақат Моварооуннаҳрда, балки Марказий Осиё, мусулмон шарқида ҳам машҳур эди[30;14]. Мадрасани муваффақиятли битирганлардан мамлакат бошқаруви, ҳуқуқ-тартибот ва таълим муассасалари учун кадрлар, уламолар етишиб чиққан[17].

**2. Методлар:**

Мавзуни ёритишда тарих фанининг тарихийлик холислик, муаммоли хронологик, кетма-кетлик, қиёсийлик, таққослаш, оддийдан мураккабга томон изчиллик сенгретика методларидан умумий фойдаланилди ҳамда унда Бухоро амирлигидаги мадрасаларнинг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти ва фаолиятини ташкил қилиш масалалари илмий ёритилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб Бухоро мадрасаларида нафақат Туркистон, балки Россия империясининг турли ўлкаларидан келган мусулмон аҳолиси вакиллари ҳам таълим олар эдилар[51;88]. Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний ва бошқаларнинг маълумотларига қараганда, Бухоро мадрасаларида 1920 йилнинг охиригача четдан келган талабалар ўқишни давом эттирганлар. Амирликнинг чекка ва яқин атрофдаги туманларидан, қўшни ва бошқа мусулмон мамлакатларидан мадрасага ўқишга келганлар ҳам ўқишга қабул қилинганлар.

Энг йирик мадрасалар амирликнинг маркази Бухоро шаҳрида ҳамда Қарши, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Шеробод шаҳарларида, Шарқий Бухоро бекликлари марказларида фаолият кўрсатган. Умуман, Бухоро амирлигида юзлаб мадрасалар мавжуд эди. Мадрасалар кичик, ўрта ва йирик мадрасалардан иборат бўлган.

Садриддин Айнийнинг қайд этишича, Бухоро мадрасаларининг ислом оламидаги нуфузи жуда юқори бўлиб, уларда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги сўзлари Миср ва Ҳижозда ўқиганларнинг сўзларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган[25;165].

Ҳар бир мадрасалар уларнинг асосчилари номи билан аталган[4]. Ким мадрасани қурдирган бўлса, ушбу мадрасага унинг исми, қишлоқ жойларда мадраса қайси қишлоқда жойлашган бўлса ўша қишлоқнинг номи берилган[4].

Мадрасалар қурилишига ҳукмдорлар катта эътибор қаратсалар-да, улар хусусий хайр-эҳсон эвазига фаолият кўрсатган. Мадрасалар холис хусусий мулк ҳисобидан қурилиши шарт бўлиб, хон ва амирлар, йирик амалдорлар томонидан бундай иншоотларни давлат мулкидан бунёд этилиши шариатга хилоф ҳисобланган[4].

Бухоро мадрасаларининг бинолари асосан пишиқ ғиштдан, икки қаватли[3] ёки бир қаватли қилиб қурилган[3]. Одатда мадрасалар ички ва ташқи саҳнга, баланд ва мустаҳкам деворга, ҳашаматли тоқ ва равоқларга эга бўлиб, баъзиларининг пештоқлари, гумбазлари ва деворлари ранг-баранг кошинлар билан безатилган. Мадрасалар ички ва ташқи майдонига эга бўлган[18]. Анъанавий тарзда унинг биринчи қаватида дарсхоналар, кутубхона, масжид, таҳоратхона, иккинчи қаватида эса талабалар яшайдиган ҳужралар бўлган[3].

Мадрасалар қуриш иши Бухоро амирлигида ўзига хос тарзда амалга оширилган. Асрлар оша бу иш билан шуғулланилганлиги боис, бу борада бой тажриба ҳам шаклланиб бўлган эди. Шунинг учун Бухоро мадрасалари нафақат ўқув юрти, балки ўзига хос меъморий иншоот ҳам эди. Бухородаги Улуғбек, Мир Араб, Нодир Девонбеги, Кўкалдош, Абдуллахон ва Абдулазизхон мадрасалари бебаҳо ва нодир меъморий ёдгорлик сифатида ҳозирги кунда ҳам машҳурдир.

Бухоро амирлигида энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бу Мир Араб мадрасаси бўлган. Мадрасанинг номи ҳам уни қурдирган шайх номи билан боғлиқ бўлиб, унинг тўлиқ исми Мир Араб Абдуллоҳ ал-Яманий бўлган[16]. 1530 йилда бунёд этилган бу мадраса шаҳарнинг марказий қисмида қурилган, унинг баланд пештоқлари ва гумбазлари бўлиб,[14] шимолий гумбази ярим кошин билан қопланган, жанубий гумбази эса безатилмаган. Мадрасага ҳашаматли баланд пештоқдан кирилган. Мадрасанинг ғарбий томони Масжиди Калон номи билан аталган масжидга туташган[14]. Мадрасанинг режаси ва ундаги бинолар худди Улуғбек мадрасасидагидек жойлаштирилган. Мадрасада шайх Абдуллоҳ ва унинг қариндошлари дафн қилинган, шунингдек гўрхона ҳам мавжуд бўлиб, дабдабали қилиб безатилган. Мадраса билан масжид орасида шаҳар аҳолиси юрадиган йўл бўлган[14]. Мадраса ҳовлисининг чор атрофи икки қаватли ҳужралар билан ўралган. Мир Араб мадрасасининг вақфномасида қайд этилишича, бу ердан жуда ҳам кўп олим ва уламолар етишиб чиққан[14].

Бухорода ҳукмдор бўлган хон ва амирлар томонидан ҳам кўплаб ҳашаматли мадрасалар бино этилган. Масалан, шайбонийлардан Абдуллахон II ва манғитлардан Амир Ҳайдар Бухоро аркида мактаб, масжид, хонақоҳ, мадраса қурилишини қўллаб-қувватлаган[28;403].

Фақатгина XIX асрда 60 дан ортиқ мадраса қурилган[43;4] бўлиб, уларнинг орасида амир Насруллоҳ мадрасаси (1860 йилда), амир Музаффар мадрасаси (1868 йилда), амир Олимхон мадрасаси ҳукмдорлар томонидан барпо этилган. Ўзи қурдирган мадраса тўғрисида амир Олимхон шундай деб ёзган: “Бухоро минорасининг паст томонида ўз номимдан Дорил-улум – билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим, ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. Мазкур мадрасада истиқомат қиладиган талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийим-кечак ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказардим”[26;8]. Бундан шуни англаш мумкинки, бу мадраса қурилган вақтда амир Олимхон вақф мулки ҳақида гапирмаяпти. Анъанага мувофиқ вақф мулкидан эмас, балки давлат таъминотидан фойдаланганлиги ҳақида гап бормоқда. Демак, XX аср бошида мадраса таъминотига муносабат ўзгара бошлаган.

Мадрасаларнинг айримлари аёллар томонидан ҳам қурдирилган. 1700 йилда қурилган Биби Халифа мадрасасининг вақф ҳужжатида шундай жумла мавжуд: “Иффатпаноҳ, исматдастгоҳ, зайн ул-машварат, аёллар шарафлиси, афифа, солиҳа, сожида, ҳарамайн ул-шарифайнни ҳаж қилишга муяссар бўлган Ҳожи Биби Халифа бинти марҳуми мағфури ғариқ ур-раҳмат ва ризвон Мулла Муҳаммад Саъид Бухорода ҳазрат қутб ул-ақтоб (мир Таҳур девон) масжид ва хонақоҳи гузарида мадраса қуришга киришди”[10]. Мадраса тош, пишиқ ғишт ва ёғочдан қурилиб, унинг 30 та ҳужраси, 4 та гумбази, дарсхона, ички ва ташқи ҳовлиси бор эди. Айрим манбаларда айтилишича, ушбу мадрасада фақат қизлар ўқитилган экан[10].

Болойи Ҳовуз мадрасасини ҳам аёл киши қурдирган. Ушбу мадрасани Бухоро хони Субҳонқулихоннинг Подшоҳбиби исмли хотини 1703-1704 йилда қурдирган[15].

Подшоҳбибининг иккинчи номи Ситорайи Моҳ хоним бўлган. Мадрасанинг вақф ҳужжатига айнан “Ситорайи Моҳи Хосса мадрасаси вақфи” деб ёзилган. Тарихдан маълумки, амир Саид Олимхон ҳам 1911-1915 йилларда худди шундай ном билан шаҳарнинг четроғида сарой қурдирган. Шу сабабли Ситорайи Моҳи Хосса деганда, амир Олимхон қурдирган сарой ҳам англашилади.

Бухоро қалъасидан ташқарида, Жўйбор мавзесининг ғарбида жойлашган мадрасани 1790 йилда Муҳаммадхон Элбарсхон қизи Ойшабиби қурдирган. Мадрасанинг ичи, ҳовлиси ва ҳужраларининг ҳаммаси пишиқ ғиштдан бўлган. Бу мадраса Нафас қишлоғидаги энг машҳур мадрасалардан бири ҳисобланган. Ойшабиби Мудин қишлоғидаги тўртбурчакли, 150 таноб (бир таноб-3600 кв. га эга) ерини ҳам мадраса хизмати учун берган[11].

Бухоронинг охирги қози калонларидан бири бўлган Садри Зиё ўз асарларида Бухоро шаҳридаги 204 та мадрасани тадқиқ этган. Унинг ёзишича, Бухорода қуйидаги мадрасалар аёллар номи билан аталган: Сарой Ойим мадрасаси, Зубайда Ойим мадрасаси, Манғит Ойим мадрасаси, Биби Халифа мадрасаси, Модарихон мадрасаси, Шарофатбону мадрасаси, Қалмоқжон Ойим мадрасаси, Чучук Ойимнинг Сангин мадрасаси[34;86].

1900-1920 йилларда Бухоро шаҳрининг нуфузли кишилари ҳам бир қанча мадрасалар қурдирганлар ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун вақф мулкини васият қилиб қолдирганлар. Масалан, Обиравон маҳалласи ва Масжиди Баланд маҳалласида номаълум бой томонидан саккиз ҳужрадан иборат мадрасалар, Кемухтгарон маҳалласида чоржўйли бой, Авлиёйи ғариб маҳалласида Домла Рўзи, Тўпахон маҳалласида Бақобой, Хўжа Рофе маҳалласида йирик бой Жўра чанглоқ (32 ҳужралик), Замуча маҳалласида тошкентлик Мулло Султон (2 ҳужралик), Дилкушойи дарун маҳалласида номаълум кексайган аёл, Мир Тахури девон маҳалласида Хўжа Қурбон исмли гўрков, Кокида маҳалласида Абдужафар бой, Косагарон маҳалласида шаҳрисабзлик Йўлдошбой ва бозор оқсоқоли Иброҳим оқсоқол ҳаммаси бўлиб 12 та мадрасани қурдирганлар[41;75].

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро мадрасаларининг энг машҳурлари сифатида Кўкалдош, Мири Араб, Абдуллахон ва Заргарон мадрасалари кўрсатилади[27;77]. Абдуллахон мадрасаси икки қаватли бўлиб, тўртта фонус билан ёритилган. Биринчи ва иккинчи қаватларда саккизта фонус бўлиб, ҳар бир фонусда 16 мураббаъ ҳужра қурилган. Пештоқининг баландлиги 45 аршин (71,12 см х 45 = 32 м) келади.

Бухоро шаҳридаги кўп мадрасалар ёнида масжидлар бўлиб, XX асрнинг бошларида бу ерда 360 та беш вақт намозлик ва 18 та жомеъ масжиди ишлаб турган[34;78]. Айрим мадраса ва масжидлар ўртасида девор тортилган. Мадраса талабалари масжидга осон кириб чиқишларини таъминлаш мақсадида кичкина дарча – эшик очилган[39;304].

XIX асрнинг охирларида Бухоро амирлигининг ягона рус божхона тизимига киритилганидан кейин Россия империяси ҳукумати амирлик чегараларини “қўриқлаш” баҳонаси билан Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой (Қашқар)дан, Россия ҳудудидан (хусусан, Қрим, Татаристон, Шимолий Кавказдан) келадиган мусулмон талабаларининг ўқишига турли йўллар билан тўсқинлик қилишга астойдил ҳаракат қилади. Сиёсий агентликка Россиядан Бухоро мадрасаларига ўқишга келадиган ёшларнинг сонини анча камайтириш тўғрисида махсус кўрсатма берилади. Натижада мадраса талабаларининг сони йилдан-йилга камайиб борган. Агар Шоҳмурод амирлиги (1785-1800 й.) даврида мадрасаларда 30 минг талаба таҳсил олган бўлса, XX аср бошига келиб, уларнинг умумий сони 10 минг муллаваччани ташкил этган[43;4]. Аммо амирлик ҳукумати Бухоро мадрасаларида Россия фуқароларининг келиб ўқишини таъқиқлаб қўйиш мусулмон халқларининг норозилигига сабаб бўлиб, тартибсизликлар келиб чиқишидан хавфсираб, бу жараённи бутунлай тўхтата олмаган[2].

Бу даврда Бухоро мадрасаларининг сони ҳақида турли манбаларда ва асарларда турлича маълумот қайд этилади[32;191]. Н.Хаников мадрасалар сонини 180-200 та, талабалар сонини эса 15-16 минг нафар деб кўрсатган[50;223].

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги мадрасалар сонини ўша даврда яшаган Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний 200 та, Садр Зиё 204 та,

Муҳаммад Али Балжувоний эса 400 та деб кўрсатади. Хуллас, турли маълумотлар умулаштирилганда Бухоро амирлигида 200 дан 400 тагача мадраса мавжуд бўлган. Бухоро амирлигига қўшни, илгари мамлакат таркибида бўлган Самарқанд вилоятида 217 та мадраса бўлганлиги назарда тутилса, амирликда 400 тага яқин мадраса мавжудлиги ҳақиқатга анча яқинлиги маълум бўлади[5]. Туркистон генерал-губернаторлиги ҳисоботи билан боғлиқ архив ҳужжатлардан бирида 1914 йилда Бухоро амирлигида 350 та мадраса фаолият кўрсатаётгани қайд этилган[16].

Шунингдек, О.А.Сухареванинг фикрича, биргина Бухоро шаҳрининг ўзида 133 мадраса бўлган[40;57]. Яна бир тадқиқотчи Л.И.Ремпель XX аср бошларида Оренбургда чиқадиган "Шўро" журналининг маълумотларига асосланган ҳолда Бухорода олий даражадаги мадрасалар - 34 та, ўрталари – 35 та, қуйилари эса - 100 тадан ортиқ бўлганлигини кўрсатиб ўтади. Демак, фақат Бухоро шаҳрининг ўзида 170 тадан ортиқ мадраса бўлган.[43;97]

Мадрасалар катта ва кичик ҳужралардан иборат бўлган[12]. Архив маълумотларига қараганда, Бухоро мадрасаларида ҳужра олган талаба қуйидагича шартномани имзолаган: "1917 йилда Мулло Шоди валади Сўфиназар Бухорои Шариф дорул қозисига келиб, Абдушукур мадрасасининг жанубий томонидаги пастки ҳужрани шариатда саҳиҳ бўлганини иқрор қилганини ва ҳужра ичида бўлган эшик, асбоблар ва бошқа хўжалик нарсалари борлигини, яшайдиган одамлари ҳам борлигини, уларга, ҳеч қандай нуқсон ва қусур етказилмаганини бир қанча гувоҳлар олдида иқрор қиламан."[20]

Хуллас, Бухоро мадрасалари бир вақтнинг ўзида талабалар учун ётоқхона вазифасини ҳам ўтарди.[17] Ҳужраларда одатда иккитадан,[10] айрим мадрасаларнинг ҳужрасида биттадан талаба яшаган. Масалан, Абдураҳмонбой мадрасасида 9 та ҳужра бўлиб, уларда 9 нафар талаба таҳсил олган[7]. Бухоро мадрасалари ўзининг ҳужралари сони билан бир-биридан фарқ қилган. Бизнинг замонамизгача етиб келган ва вақф ҳужжатларида сақланиб қолган маълумотларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, мадрасаларнинг ҳужралари сони турлича миқдорда бўлиб, ягона меъёр бўлмаган.[13]

Бухоро шаҳридаги айрим мадрасалар рўйхати:[13]

| № | Мадрасанинг номи | Ҳужралари сони |
|---|---|---|
| 1 | Кўкалдош | 150 |
| 2 | Абдуллахон | 141 |
| 3 | Абдуллоҳхон | 140 |
| 4 | Аскарбий | 121 |
| 5 | Мир Араб | 111 |
| 6 | Аҳмаджон пўстиндўз | 110 |
| 7 | Абдулло Баҳодурхон | 64 |
| 8 | Амир Насрулло ибн амир Ҳайдар | 40 |
| 9 | Амир Насрулло ибн амир Ҳайдар | 30 |
| 10 | Раҳматқули Қоракўлбек | 37 |
| 11 | Қози Латиф | 25 |
| 12 | Муҳаммад Жаъфар Хўжа Ноқиб ибн Муҳаммад Қамархўжа Ноқиб | 19 |
| 13 | Дору-ш-шифо | 18 |
| 14 | Саид амир Насрулло ибн амир Ҳайдар | 13 |
| 15 | Хожи Абдулло ўғли Ҳожи Муҳаммад Ниҳол | 12 |
| 16 | Мирзо Убайдулло ибн Мирзо Неъмат | 11 |
| 17 | Сайид Амир Ҳайдар ибн Амир Маъсумхон | 10 |

| | | |
|---|---|---|
| 18 | Ҳожи Муҳаммад Қосим Қошғари ибн Муҳаммадёрбой | 8 |
| 19 | Қори Абдусалом | 7 |
| 20 | Ҳожи Раҳматуллоҳ | 6 |
| 21 | Абдулмўминбой | 5 |
| 22 | Бобожонбой | 4 |
| 23 | Искандархон Аталмиш | 3 |
| 24 | Аминжон Жонқут | 2 |

Мадраса фаолиятининг асосий манбаини вақф мулки ташкил этган. Одатда вақф мулкининг катта қисмини ер мулклари (экин ерлари) ташкил этган. Масалан, Бозори Гўсфанд мадрасасига Нурато (Нурота), Шаҳрисабз ва Бухоронинг 20дан ортиқ қишлоқларининг экин ерлари вақф қилиб берилган эди.[35]

Мадрасалар қурилгач, у мадраса бошқарувчиси (мутавалли)га топширилган ва уни қурдирган шахснинг тасарруфидан чиқарилиб, вақф мулкига айлантирилган. Чунки шариатга мувофиқ вақф моли мулк бўлмайди, биров уни эгаллаб, мулк қилиб туролмайди[19]. Вақфдан келган фойдани вақфга тегишли ерларни таъмирлаш, тузатишга сарф қилинади[33;24].

Мадрасалар кичик, ўрта ва олий мадрасалардан иборат бўлиб[6], йирик мадрасаларда вақфдан тушадиган йиллик даромад 40.000-250.000 тангани ташкил этган[36;167]. Ўрта мадрасаларда эса вақфдан тушадиган йиллик даромад 120 тангадан 3500 тангагача бўлган[37;14]. Вақфдан тушадиган йиллик даромад кичик мадрасаларда 500 танга атрофида бўлган. Абдурауф Фитрат эса мадрасаларнинг вақф мулкидан оладиган жами даромади ҳақида қуйидаги маълумотни қайд этади: "Бухоро мадрасаларидаги олий табақадаги мадрасаларнинг вақф миқдори 2.815.000 тангага, ўрта тоифадаги мадрасаларнинг жами вақф миқдори 961.000 тангага ва ниҳоят, қуйи тоифага мансуб мадрасалар нинг вақф миқдори 500.000 тангагача етган"[47;14].

Кўпинча вақфномалар ҳар ўн йилда янгиланиб борилган. Мир Араб мадрасасининг бир вақфномасида: "Ҳар ўн йилда мутавалли катта-катта олим ва фузалоларни мадрасада йиғиб, мажлис қилиб, вақфномада ёзилган нарсаларни мажлис аҳлига тақдим қилсин. Ва эълон қилсинки, ўша шаҳарнинг ислом қозисининг амри бажарилади. Ўша мажлисда қозининг ҳукми билан вақфнома қайта янгилансин. Ёзувчи ва қоғозларнинг ҳақини мадраса ёки вақфлардан ҳосил бўлган маблағдан берсин. Янгиланган ҳужжат қозининг дафтарида қайд қилинсин,"[14] - деб ёзиб қолдирилган. Вақф қилувчидан бошқа ҳеч бир кишининг вақфни ўзгартиришга ҳақи бўлмаган.[14]

Бухородаги мадрасаларнинг вақф ҳужжатларида қайд этилган тартиб-қоидалардан айримларини мисол сифатида келтирамиз. Абдуллахон мадрасасининг вақф маблағини Фитрат 50 минг танга деб таъкидлайди[47;15]. Вақф мулкидан тушган маблағ қуйидагича тақсимланган. Энг аввало, маблағ мадраса биносини доимий равишда таъмирлаб боришга сарфланган. Қолган маблағнинг бешдан бир қисми (хумс) икки нафар мударрисга иш ҳақи сифатида берилган. Вақф мулкини бошқарувчига (мутаваллига) қолган маблағнинг 20 дан бир қисми (нисфи ушр) ажратилган. Шунингдек, мадрасада имомга йилига 200 кумуш танга, муаззинга 100 танга, навбат билан хизмат қилган уч нафар фаррошнинг ҳар бирига 60 танга, масжидни ёритишга (шам, чироқ учун) 24 танга, намат ва бўйра сотиб олиш учун 60 танга сарфланган. Ниҳоят, юқоридагилардан қолган маблағ мадраса талабалари ўртасида тақсимланган[8].

Йирик мадрасалардан бири ҳисобланган Мир Араб мадрасасининг вақф маблағи эса қуйидагича тақсимланган: мутаваллига бериладиган маош вақфлардан ҳосил бўладиган маблағларнинг ўндан бирини ташкил этган. Қолган маблағни мадраса биносига, агар зарурат бўлса ва маблағ ортиб қолса, учдан бири мадрасанинг ходимларига (мадрасани доим муҳофазасида қоим бўлган, сув билан таъминлаб берган кишиларга) берилиши керак бўлган[14]. Муфтийлар, муаззинлар, имомлар ва мадрасада шаръий илмлардан дарс

берадиган мударрисларга вақфдан йил давомида тушган маблағнинг учдан биридан ҳосил бўладиган олтидан бир улуши берилган. Муфтийларга бир йилда (уч муфтийнинг ҳар бирига) бир мисқол, 100 нуқра тангаси берилган[14]. Шунингдек, вақф маблағидан имом, мутавалли ва муаззинга маош ажратилган. Шулардан ортиб қолган маблағ мадрасада таълим олувчи толиби илмларга берилиши кўрсатилган. [14]

Мадрасалар ҳисобига вақф ажратилган вақтда харажатлар ҳам назарда тутилган. Масалан, Бухоро музейида сақланаётган вақфга доир ҳужжатда мадрасани таъмирлашдан ортиб қолган даромаддан китоблар сотиб олиш учун йилига 150 танга, кутубхона китобларини таъмирлаш ва янги китоблар сотиб олиш учун йилига 80 танга ажратилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари дарсхона ва масжидга бўйра, шам олиш учун ҳам муайян миқдорда маблағлар ажратилган. Вақф эгасининг шарти бўйича шу даромаддан мадраса талабалари мударрис томонидан белгиланган миқдорда ғалла билан таъминланиш, мударриснинг ўзи эса даромаднинг тўртдан бир қисми ҳажмида маош олиши белгилаб берилган[22].

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, вақф қилувчи вақфномада ўзининг ўғил-қизлари ва қариндошлари манфаатини ҳам ўйлаган. Масалан, Мир Араб мадрасасининг бир вақфномасида: “Ана шундан ортиб қолган маблағнинг учдан иккисини вақф қилувчи ҳазратларининг ўғил ва қиз фарзандларига, ҳар бир ўғил ҳақини икки қиз ҳақи бараварида тақсимлаш, вақф қилувчининг авлодларидан бирортаси ўлса, унинг ҳақини фарзандларига берилиши, вақф қилувчининг авлодларидан бирортаси фақирлик ҳолига тушса, мутавалли барчасига ҳақларини бергандан кейин ортиб қолган пуллардан фақирларнинг ҳақига риоя қилиб яна қўшиб бериши ҳақида ёзиб қолдирилган[14].

Айрим ҳолатда мадрасаларда вақф маблағини суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учраб турган. Абдурауф Фитратнинг ёзишича, айрим мадрасаларда (масалан, Говкушон мадрасаси) мударрислик қилувчилар муллабаччаларга вақф маблағини улашиш жараёнида суистеъмолчиликка йўл қўйиган, яъни муллабаччалар сардорига шерикларидан бир нечтасининг исмларини ортиқроқ ёзишни буюрган ва уларга тақсимланган пулни қайтариб олган[48;112].

Айрим мадрасалар учун мансабдор шахслар, бозорлар ва карвонсаройлар томонидан маълум миқдорда маблағ ўтказиб турилган. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида йирик мадрасалардан бири ҳисобланган Кўкалдош мадрасасига Нўғай карвонсаройи томонидан йилига 240 тилла ҳажмидаги маблағ ўтказиб турилган[50;223].

Мадрасаларнинг молиявий таъминоти учун турли кўринишдаги вақф мулклари ажратилган. Масалан, Бухоронинг ўз даврида энг машҳур ва бой бўлган мадрасаларидан бири Абдуллахон (ғарбий) мадрасасининг вақфномасида унга ажратилган вақф мулклари ҳақида шундай маълумот кўрсатилган: Муҳаммад Султон масжиди ёнида 7 та, анорфурушлар бозори олдида 6 та, бошқа тарафида 9 та, Ислом дарвозаси олдида 4 та, Муҳаммад Султон масжидининг бошқа тарафида 6 та, Амир Жанолибий масжиди кўчасида 6 та, Регистон ҳаммоми ёнида 8 та ва улардан ташқари яна 56 та турли дўкон; Оҳани бозори яқинидаги, Говкушон ҳамда Ғозиён ҳаммомлари ва яна 32 та ҳар хил дўкон вақф қилинган эди. Булардан ташқари, Ғиждувон тумани ва Насаф вилоятида ҳам ер ва дўконлар Абдуллахон мадрасасига вақф мулки қилинади[10]. Мадрасанинг йиллик даромади 50 минг тилла тангадан иборат эди[47;14].

“Вақт” журналига қўшимча қилиб чиқарилган “Шўро” журналининг берган батафсил маълумотларига қараганда, Биринчи жаҳон уруши арафасида Бухоро мадрасаларининг вақфларидан келган даромадлар катта маблағни – 4.742.000 тангани ташкил этган.[42;145] Бундан ташқари, энг улкан ҳисобланган Кўкалдош билан Мир Араб мадрасаларининг йиллик даромади 150 минг танга, Гавкушонники 190 минг танга бўлса, Жаъфархўжа мадрасасиники эса 350 минг тангага етган[43;4]. Шунинг учун ҳам домлалар шу даргоҳларда таълим беришга, талабалар эса таҳсил олишга интилганлар.

Ўқув жараёнини ташкил этиш одатда, мударрисларнинг зиммасида бўлиб,[6] улар қуйидаги уч тоифага бўлинган:

Биринчи тоифа – аъло даражали мударрислар деб аталган ва уларга қози ул-қуззот, раиси калон, шайх ул-ислом, охун, аълам, муфти аскар кирган.

Иккинчи тоифа – ўрта даражали мударрислар деб аталган. Бу тоифадаги мударрисларни кийган кийимларига қараб банораспўш ва беқасабапўш деб аташган. Билим жиҳатидан эса ушбу тоифадан чиққан мударрислар муфтий даражасига эришганлар. Мазкур тоифадаги мударрислар тахминан 200 нафар бўлиб, уларни яна авсата тадрисий - ўрта мударрислар деб ҳам атаганлар.

Учинчи тоифа – қуйи даражадаги мударрислар ҳисобланиб, уларни асфол тадриси деб аташган. Ушбу тоифадаги мударрислар, имом мударрислар, баъзан беқасабапўш деб ҳам аталган. Имом мударрисларнинг сони 300 дан ортиқроқ бўлган[34;33]. Мадрасаларда мударрислар (мадрасада таҳсил олувчи талабаларга дарс берган, маъруза қилган) сони уларда таълим олувчилар сонига қараб белгиланган. Бухоро мадрасаларида дарс берувчи мударрисларнинг сони ХХ аср бошларида тахминан 800 нафар деб кўрсатилади[34;34].

Мударрис мадрасада дарс бериши учун ушбу лавозимга тайинланиш тартибига кўра, кичик мадрасаларнинг мударриси қозикалон томонидан, йирик мадрасаларнинг мударриси эса, амир томонидан тайинланган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Абдурауф Фитратнинг қайд этишича, “Бухорода муохоз (вазифалик, мояна) яъни, охунлик, уламолик, муфтилик, мударрислик мартабалари жаноб олий ҳазрати Амир томонидан қозикалон воситаси-ла берилур”[ 48;122].

Қоида тариқасида мадрасаларга тайинланадиган мударрислар қозикалоннинг тақдими билан амир томонидан тасдиқланган.[6] Аммо кейинги йилларда бу вазифани қўшбеги ўз тасарруфига олган. Масалан, Амир Олимхон даврида мадрасанинг мударриси Насрулло қўшбеги томонидан тайинланган[46;23].

Қўшбеги архивида амир тасдиғидан ўтган 327 нафар мударрисларнинг рўйхати келтирилган.[7] Демак, мадрасалардаги мударрислар қозикалон томонидан амирга тавсия этилиб, тавсия этилган номзодни эса амирнинг шахсан ўзи тасдиқлаган. Бундан ташқари айрим мадраса мударрислари вақф мулки даромадларидан ташқари, имконияти бўлган айрим талабаларнинг ихтиёрий келтирган инъомлари ҳисобидан ҳам моддий таъминланиб турган. Бундай ҳолатларда мударрислар талабалари келтирган инъом билан қаноатланганлар ва ўзларини ортиқча таъмагирликдан тийганлар.[1]

Бухоро амирлигида мударрис лавозими ўнга яқин мансаблар поғонасида иккинчи поғонанинг тўртинчи даражасида турган. Бу лавозим бир умрга берилиб, унинг эгаси таълим билан машғул бўлишга имконияти бўлмай қолганда ҳам хазинадан маош олиб турган.[31;26]

Аҳмад Дониш мударрислик касбининг машаққатлари ҳақида “кундуз куни муаллим ўз ўқувчилари билан машғулотда банд бўлади, кечқурун эса эртанги кунги машғулотларга тайёрланади, хуллас у умр бўйи ўқийди ва ўз касби билан муттасил, танаффуссиз шуғулланади”, деган фикрларни баён қилган.[29;225]

Тарихда айрим ҳукмдорларнинг ўзи ҳам мадрасада мударрислик қилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Мирзо Улуғбек Самарқандда, Амир Ҳайдар Бухорода мударрислик қилган. Ўша давр тарихчиларининг асарларида Амир Ҳайдарнинг мадрасада таълим олувчи 400-500 нафар талаба шогирдлари ҳам бўлганлиги қайд этилган. Амир Ҳайдар талабалар учун Истанбул (Усмонли турк султонлиги)дан китоблар келтиришга шахсан ўзи ҳаракат қилган[28;107].

Ўша давр матбуотида “шаҳардаги олим-уламолар мадрасаларда дарс бериб, талабаларга кўп фойда келтириб, залолатда юрганларни илм чироғи билан ҳидоят топишларига сабаб бўлишади, улар холис Аллоҳ учун хизмат қиладилар”, деб мударрисларга юқори баҳо берилган.[53]

Нуфузли мударрислар вафот этса, шаҳардаги эътиборли диний уламолар мадраса мударрислари, талабалари ва маҳалла оқсоқолларини чақириб, эҳсон қилганлар, мадраса талабаларига кийим-кечак бериб, савобини марҳум ҳақига бағишлаганлар.[53]

Ўша давр матбуотида қайд этилишича, Бухорода мударрислик ва муфтийлик мартабаси амир томонидан “уларга тахти қалам учун эмас, балки мулла болаларни ва аҳли

толибни таълим ва тарбиясига қараш учун берилган. Муфтий ва мударрислар турли мансабларга тайинланиб, уларга унвонлар берилган"[53]. Демак, Бухоро мадрасаларида мударрислик ҳам шарафли, ҳам масъулиятли касб эди.

Юқорида қайд этилганидек, мударрисларнинг таъминоти вақфномада кўрсатилган вақф маблағининг мадраса таъмири учун кетган сарф-харажатдан қолган қисмидан ажратилган, унинг улуш миқдори вақф ҳужжатида аниқ қилиб белгиланган бўлган. XIX асрнинг ўрталарида Бухоро мадрасаларида мударрисларнинг оладиган маошлари қуйидагича бўлган: Ҳалимжон мадрасасида йилига 80 тилла, Жўйбори Хурд мадрасасида 100 тилла, Хиёбон мадрасасида 180 тилла, Муҳаммад Шариф савдогар мадрасасида 199 тилла, Кўкалдош мадрасасида 360 тилла, Хўжа Жўйбори Калон мадрасасида 500 тилла, Дорулшифо мадрасасида 700 тилла, Говкушон мадрасасида 700 тилла. Бундан ташқари Жаъфархўжа мадрасасининг 40 га яқин мударрисларининг ҳар бири йилига икки минг танга маош олганлар.[53] Мир Араб мадрасасидаги мударрисларга йилига 150 тангадан берилган, яъни вақф маблағининг учдан бир қисми маош учун ажратилган.[14] Шунинг билан бирга, юқоридагиларга нисбатан анча кам маош оладиган мударрислар ҳам бўлган. Масалан, нисбатан кичик Мулла Назар мадрасасида мударрисга 8-10 тилла, Абдуллабой мадрасасида 12 тилла, Аҳмад доруға мадрасасида 16 тилла, Азизон мадрасасида эса 30 тилла маош берилган[7]. Мударрислар сони ҳам мадрасадаги вақф маблағига қараб белгиланган. Масалан, Абдураҳмонбой мадрасасида битта мударрис бўлгани ҳолда, Жаъфархўжа мадрасасида 40 нафар мударрис дарс берган[53]. Бундан ташқари Абдулазизхон, Модарихон мадрасаларида икки нафардан, Улуғбек мадрасасида бир нафар домла бўлган бўлса, ташқи кўриниши ва ҳужраларининг сони бўйича Кўкалдош, Мир Араб ва Гавкушон мадрасаларига тенг келолмайдиган Жаьфархўжа мадрасасида 40 нафар домла талабаларга таълим берган, яъни бу жиҳатдан ҳаммасидан устун турган, чунки у жуда кўп даромад келтирадиган вақфларга эга бўлган.[40;93]

Хуллас, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Бухоро амири томонидан мадрасалар ва уларнинг мударрис ва ўқитувчилари учун йилига 100 минг рубль ажратилган[38;5].

Мадрасада хўжалик ишларини ташкил этиш ваколати қоида тариқасида мутавалли (бошқарувчи) зиммасига юклатилган. Барча вақф ҳужжатларида бошқарув иши, ишни юритиш ва назорат қилиш мутавалли ихтиёрида бўлишлиги кўрсатилган. Барча вақф мулкларида вақф қолдирувчининг ўзи ёки унинг ўғил ворислари, ўғилларидан ворис эркак бўлмаса ака-укаларнинг ўғиллари мутаввали бўлишган. Борди-ю вақт ва замон ўтиши билан агар эркак ворис ушбу авлодда қолмаса, шу авлоднинг қизларидан қолган ўғил болаларга қолдирилган[12]. Агар эгалик қилувчилар илмда, салоҳиятда ва тасарруф (бошқарув салоҳияти)да тенг бўлсалар қариндошликда яқинроғи, қариндошликда ҳам тенг бўлса, уларнинг энг ёши каттароғи тайинланган. [12] Мутаваллиликка эгалик қилувчи авлод вакилларидан ҳеч ким қолмаса, Бухоро шаҳрининг ишончли қозиси мутавалли бўлиши мумкин бўлган. [12] Қозининг маоши эса вақфлардан ҳосил бўладиган фойданинг ўндан бирининг ярмига тенг қилиб белгиланган. Масалан, Биби Халифа мадрасасининг вақф ҳужжатида кўрсатилишича, мутавалли (воқиф) вақфчининг ўзи бўлган. Вақф ҳужжатларига мувофиқ "Мутавалли агар воқиф (вақф қилувчи)нинг айтганларига зид иш қилса, қолган авлодлар уни маън қилади (қилаётган ишидан тўхтатади). Агар у яна қайтмаса уч маротаба ман қилинади. Шунда ҳам қайтмаса, бошқа валийликка лойиқ авлодлари мутавалли бўлади. Ишдан олинган мутавалли даврида вақфлардан ҳосил бўлган маблағ қолган бўлса, ундан талаб қилиб олинади ва ўз ўрнига сарфланади. Воқиф томонидан қилинган шартларни амалга оширмаганлиги учун ундан ҳисобот талаб қилинади[12].

Ўз навбатида мутаваллига ҳам маълум ваколат берилган: Хусусан, "Мазкур вақфларнинг бирор-бир ходими шариатда катта гуноҳ деб ҳисобланган ишни қилса, мутавалли уни уч мартагача огоҳлантиради, агар қайтмаса, унинг ўрнига бошқа бир кишини тайинлайди". Бундан ташқари, агар мутавалли янги ходимни ишга олмоқчи бўлса, юқоридаги шартларни маълум қилиши ва ҳар йили мазкур шартларни бошқа ходимларга ҳам

эслатиб туриши лозим бўлган. Мир Араб мадрасасининг вақфномасида: "Мутаваллига бериладиган маош вақфлардан ҳосил бўладиган маблағларнинг ўндан бирини ташкил этиши" кўрсатилган[12].

Мадраса талабалари асосан икки гуруҳга бўлинган: дарсга мунтазам қатнашадиган, мадраса ҳужрасида яшаб ўқийдиган талабалар ва дарсларга эркин қатнашадиган талабалар. Мадрасаларнинг сони хусусида бўлгани каби, уларда таҳсил олувчи талабаларнинг сони ҳақида ҳам турли маълумотлар мавжуд. Манбаларда ва адабиётларда Бухоро мадрасаларида XIX асрнинг 40-йилларида 9-10 минг нафар[50;88], XIX асрнинг охирида 10 минг нафар[43;4], XX асрнинг бошида эса 20 минг нафар[52;16] талаба таҳсил олганлиги қайд этилади.

Мадрасада таҳсил олувчиларнинг таъминоти ҳам мадрасага тегишли бўлган вақф мулкининг миқдорига қараб ҳар хил бўлган. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида Эрназар мадрасасида (уни Эрназар элчи қурдирган) талабанинг йиллик таъминоти 2,5 тиллани ташкил этса, Хўжа Жўйбори Калон мадрасасида 20 тиллани ташкил этган[50;86]. Кўкалдош мадрасасининг бир йиллик даромади 150 минг танга бўлиб, бу маблағдан 74 минг тангаси 148 ҳужрага, яъни муллабачаларга тақсимланган, мударрисга 28 минг танга, имомга 10 минг танга ажратилган[40;8]. Ҳар бир талаба мадраса ҳужраларидан бирини, яъни ўзи яшайдиган хонани сарф-харажати ва меҳнати билан обод қилиб, мабодо талаба ушбу ҳужрани тарк этишига тўғри келса, у ҳолда ҳужрани тузатиш учун сарф қилинган маблағни бошқа талабадан олиши ва шундан кейингина ҳужрани унинг номига ўтказиши лозим бўлган. Талабаларга иссиқ овқат кўпчилик мадрасаларда бир марта–тушликда берилган. Мадрасаларда моддий таъминот 3 хил кўринишда амалга оширилган: пул, ғалла, пул ва ғалла (қўшма ҳолда). Талабаларга бериладиган таъминот (нафақа) миқдори эса мадрасанинг вақф мулки даромадининг миқдорига боғлиқ эди, бу миқдор эса ҳар хил бўлган. Талабаларга ўқиш учун маълум даражада минимал шароит яратилган: ҳужраларда ўқиш ва ёзиш учун шам, ерга тўшаш учун бўйра, қиш кунларида таҳорат қилиш учун ҳаммомлардан иссиқ сув келтириб берилган, ҳайит байрамларида катта зиёфат берилган, рамазон ойида эса кучли калорияли овқатлар бериб турилган. Мадраса талабалари ўзларининг сарф-харажатлари учун мадрасага бириктирилган вақф мулки даромадларидан ишлатиши мумкин эди. Албатта, бу тўғрида вақфномада қайд этилган бўлиши шарт эди[53]. Моддий жиҳатдан таъминланган оилаларнинг фарзандлари четдан маблағ олмасдан таҳсил олган. Мадрасанинг баъзи талабалари эса амир ҳукумати стипендияси билан ҳам таъминланган[39;304]. Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон ўзи қурдирган мадраса талабаларини моддий жиҳатдан таъминлаб турган[44;50].

Бухоро мадрасаларида таҳсил олган талабалар тўрт манба асосида кун кечирган: 1)вақф даромади ҳисобидан; 2)ўзининг ўқитувчилик фаолияти ҳисобидан (ёз ойларида); 3)отасининг мол-мулки ҳисобидан; 4)давлат таъминотидан (нафақа–стипендия). Мадрасада ўқитиладиган фанларни ўзлаштиришда, шунингдек таълим-тарбияда ўзини кўрсатган талабалар давлат стипендиясини олишган. Бу стипендия даҳ-як, яъни ўндан бир деб аталган. Унинг соҳибини даҳякхўр деб аташган. Стипендияга даъвогарлар махсус имтиҳондан ўтказилиб, унинг натижалари шахсан амирга тақдим этилган[44;50]. Мадраса талабалари ўқиш учун, ҳужраларда яшаш учун, кутубхона китобларидан фойдаланиш учун пул тўлашмаган, булар текин бўлиб, вақф ҳисобидан эди.

Мадраса талабаларининг яшаш тартиблари, шарт-шароитлари ҳақида Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат каби маърифатпарвар кишилар анча кескин, танқидий фикрлар билдирадилар. Хусусан, Абдурауф Фитратнинг ёзишича, мадрасада таҳсил олувчи муллабаччалар 6 ой ўқиб, қолган 6 ой мобайнида қишлоқларга бориб, имомлик қилишиб, пул тўплашган. Муллабаччалар таҳсилнинг биринчи йилида, иккинчи таҳсил йилида ўқилиши лозим бўлган китоблардан дарс бошламоқ учун ҳар ким қурби етганича, масалан, 20 тангадан 500 тангагача маблағ тўплаб, устозларига беришган[49;122].

Архив материаллари ва мавжуд тарихий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, амирликда ҳокимиятдаги ўз мавқеи бўйича учинчи ўринни эгаллаган қозикалон халқ

таълимининг аҳволи, тарбиявий ишлар, исломий ақидаларни амалга ошириш вазифаларига масъул ҳисобланган[17]. Амирликнинг барча вилоятлари ва шаҳарларида унинг вакиллари бўлиб, юқоридан келган топшириқларни амалга оширган. Демак, таълим тизими ҳокимиятнинг назаридан четда бўлмай. ўз олдига қўйилган вазифаларни мамлакатнинг тараққиёт даражасидан келиб чиқиб бажариб турган.

**4.Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро мадрасалари таълим тизимининг энг юқори босқичи бўлиб, илм маскани сифатида нафақат Туркистон минтақасида, балки барча мусулмон мамлакатларида маданият ўчоқлари вазифасини ўтаб, маърифат маркази бўлганлигидан далолат беради. Бухоро мадрасалари ислом оламидаги энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бўлиб, уларда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги фикрлари Миср ва Ҳижозда ўқиганларнинг фикрларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган. XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро мадрасаларининг ислом дунёсидаги мавқеи ва нуфузи маълум даражада сақланиб, жамият тараққиёти даражасидан келиб чиқиб, ўша вақтда давлатнинг ҳукмрон сиёсати ва ислом таълимотига хизмат қилган.

Бухоро мадрасалари нафақат ўқув юрти, балки ўзига хос меъморий ёдгорлик обидалари ҳам эди. Мадрасалар қурилишига ҳукмдорлар катта эътибор қаратган. Мадрасаларнинг аксарияти холис хусусий мулк ҳисобидан барпо этилиши шарт бўлиб, ҳукмдор бўлган хон ва амирлар томонидан кўплаб ҳашаматли мадрасалар бино этилган. Бундан ташқари йирик амалдорлар, нуфузли кишилар, сармоядор кишиларнинг ташаббуси билан мадрасаларни қуриш ва таъмирлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Бухоро мадрасалари ўз ҳашамати, пишиқ ва пухта қурилганлиги билан меъморий жиҳатидан ўрта аср архитектурасининг энг нодир намуналари сифатида ҳозиргача сақланиб қолган. Мадрасалар қуриш иши билан асрлар оша шуғулланилганлиги боис, бу борада бой тажриба ҳам шаклланган.

Бухоро амирлигида таълим тизими ҳокимиятнинг назаридан четда бўлмай, ўз олдига қўйилган вазифаларни мамлакатнинг тараққиёт даражасига мос равишда бажариб келган. Қозикалон халқ таълимининг аҳволи, тарбиявий ишлар, исломий ақидаларни амалга ошириш вазифаларига масъул ҳисобланиб, бу ҳолат таълимга эътибор қаратилганидан далолат беради. Мадрасалар кўламининг кенгайиши ва моддий базасини мустаҳкамлаш масаласи хусусий шахсларга боғлиқ бўлганига қарамай, мамлакат ижтимоий маданий ҳаётида муҳим ўрин тутиб, давр талабига жавоб берган. Мадраса бир вақтнинг ўзида талабалар учун ётоқхона вазифасини ўтаб, уларнинг таъминоти ҳам мадрасага тегишли бўлган вақф мулкининг миқдорига қараб белгиланган. Нафақат маъсул шахслар, балки ҳукмдор амирлар ҳам мадрасадаги моддий таъминот масалаларини эътиборда тутган. Аммо, мадрасаларнинг молиявий-хўжалик таъминоти асосан вақф мулкчилигига асосланган. Бухоро амирлиги мадрасалаларининг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти масалалари давр талабига қай даражада жавоб беришидан қатъий назар, муайян фаолиятга эга бўлган. Аммо юқоридаги хулосалардан мадрасаларнинг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти ва фаолиятини ташкил қилиш масалаларида камчилик йўқ деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Кўпчилик мадрасаларда ҳужраларнинг етишмаслиги, дарсхоналар ва дарсликлар камлиги, уларда замонавий шарт-шароитлар етишмаслиги, қурилиш ишлари лойиҳалар асосида эмас, балки ўзбошимчалик билан бажарилганлиги, хоналарда ёруғликка эътибор қаратилмаганлиги, қатор муаммолар ва ноқулайликларга сабаб бўлган.

Мадрасалар, уларнинг хизматчилари ва мударрислар хизмат ҳақи вақф даромадларига боғлиқлиги мадрасалардаги таълим жараёнида ҳам ўз аксини топган, уларнинг нуфузини белгилаб берган. Натижада қишлоқлар, шаҳар четларидаги мадрасалар пойтахт Бухородаги мадрасалардан катта фарқ қилган. Бу ҳолат талабаларни ўтилган сабоқларни ўзлаштиришида ҳам маълум даражада роль ўйнаган.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. 1.ЎзМА, 1-фонд, 12-рўйхат, 1-иш, 90-варақ (UzMA, 1st fund, 12th list, 1st work, 90th sheet).
2. 2.ЎзМА, 3-фонд, 1-рўйхат, 361-иш, 21-варақ (UzMA, 3rd fund, 1st list, 361th case, 21st sheet).
3. 3.ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333а-иш, 10-варақ (UzMA, fund 47, list 1, case 333a, sheet 10).
4. 4.ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333а-иш, 14-15-варақ (UzMA, fund 47, list 1, case 333a, pages 14-15).
5. 5.ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 955-иш, 257-варақ (UzMA, fund 47, list 1, case 955, sheet 257).
6. ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333а-иш,20-21- 31-варақ (UzMA, fund 47, list 1, case 333a, pages 20-21-31)
7. ЎзМА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1990-иш, 4-5-6-варақ (UzMA, fund 126, list 1, case 1990, pages 4-5-6).
8. ЎзМА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1995-иш, 3-варақ (UzMA, fund 126, list 1, case 1995, page 3).
9. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 1, sheet 1).
10. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55/18-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 55/18, sheet 1).
11. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 5, sheet 1).
12. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55/16-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 55/16, sheet 1).
13. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 2, sheet 1).
14. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16а-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 16a, sheet 1).
15. ЎзМА, 323-фонд, 2-рўйхат, 113-иш, 4-варақ (UzMA, fund 323, list 2, case 113, sheet 4).
16. ЎзМА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 76-варақ (UzMA, fund 461, list 1, case 1720, sheet 76).
17. ЎзМА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 34-варақ (UzMA, fund 1010, list 1, case 66, sheet 34).
18. ЎзМА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 55- иш, 1-варақ (UzMA, fund 1010, list 1, case 55, sheet 1).
19. ЎзМА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 23-27-варақ (UzMA, fund 1010, list 1, case 66, pages 23-27).
20. ЎзМА, 2678-фонд, 2-рўйхат, 33-иш, 1-варақ (UzMA, fund 2678, list 2, case 33, sheet 1).
21. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 2, 19, 32, 37, 43, 44, 50, 52, 55/2, 55/12, 5/17, 60, 104, 105, 106-ишлар (UzMA, Fund 323, List 1, 2, 19, 32, 37, 43, 44, 50, 52, 55/2, 55/12, 5/17, 60, 104, 105, 106 works).
22. 22.Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. N11006/11 инвентар. (The manuscript fund of the Bukhara State Architecture and Art Museum-Reserve. N11006 / 11 inventory).
23. 23.Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Форс-тожик тилидан 24А.Расулов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 84. (Abu Bakr Muhammad ibn Jafar Narshahi. Bukhara history. Translated from Persian-Tajik 24 A. Rasulov. - Tashkent: Fan, 1966. - P. 84).
24. 25.Айний С. Эсдаликлар // Асарлар, 5-жилд. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 167. (Ainiy S. Memories // Works, 5 vols. - Tashkent: Fiction, 1965. -P. 167).
25. 26.Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 8. (Amir Sayyid Olimkhan. The history of the grief of the Bukharans. - Tashkent: Fan, 1991.- P. 8).
26. 27.Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим / Асарлар. I-том. – Б.77. (Ainiy S. Brief biography / Works. I am. - P.77).
27. 28.Анке Фон Кюгелген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. (XVIII-XIXв.в). – Алматы. Изд.:Дайк-Пресс, 2004. – С.

403. (Anke Von Kügelgen. Legitimation of the Central Asian dynasty of Mangits in the works of their historians. (XVIII-XIX centuries). - Almaty. Publishing house: Dyk-Press, 2004. - P. 403)/

28. 29.Ахмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. – Сталинабад. 1960. – С. 224-225. (Ahmad Donish. Travel from Bukhara to Petersburg. - Stalinabad. 1960. -P. 224-225.)

29. 30.Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). – М.: Наука, 1960. – С. 14.(Bendrikov K.E. Essays on the history of public education in Turkestan (1865-1924). - Moscow: Nauka, 1960. - P. 14).

30. 31.Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент: 1996. – Б. 26. (Vokhidov Sh. Titles and positions in the Kokand Khanate and the Bukhara Emirate. - Toshkent: 1996. - P. 26).

31. 32.Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 191. (Mirzo Olim Maksdum Khoja. History of Turkestan. - Tashkent: Yangi asr avlodi, 2008. - P. 191).

32. 33.Мухтасар. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 24. (Summary. - Tashkent: Cholpon, 1994. -P. 24).

33. 34.Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий // Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. – Тошкент: Академия, 2001. – Б. 86-102. (Muhammad Ali Baljuvani. History of Nofei // Translated from Tajik, foreword and commentary by Shodmon Vohidov, Zoir Choriev. - Tashkent: Academy, 2001. - P. 86-102).

34. 35.Мусо Саиджон. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи. 1927. – №6. (Muso Saidjon. Bukhara city and old buildings // Education and teacher. 1927. - No. 6).

35. 36.Остроумов Н П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. – Ташкент. 1914. – С.167. (Ostroumov N. P. Islamic studies. Introduction to the course of Islamic studies. - Tashkent. 1914. - p. 167.)

36. 37.Саййид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги. Форс тилидан Ҳ.Тўраев таржимаси. – Бухоро, 2004. – Б. 14. (Sayyid Mansur Olim. Bukhara-Turkestan cradle. Translated from Persian by H. Turaev. - Buxoro, 2004 . - P. 14.)

37. 38.Семенов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени // Материалы по истории таджиков и узбеков Средний Азии. II. ч. – С.5.( Semenov A.A. Essay on the structure of the central administrative management of the Buksar Khanate of the later time // Materials on the history of Tajiks and Uzbeks of Central Asia. II. ch. - P.5)

38. 39.Сухарева О.А. Бухара XIX – начала XX в. – Москва: Наука, 1966. – С. 304. (Suxareva O.A. Bukhara XIX - early XX century - M .: Nauka, 1966 .-- S. 304)

39. 40.Сухарева О. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Изд. Академии наук Уз ССР, 1958. – С. 57. (Suxareva O.A. To the history of the cities of the Bukhara Khanate. - Tashkent: Ed. Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1958. - P. 57.)

40. 41.Сухарева О.А. Квартальная община раннефеодального города Бухары. – М.: 1975. – С. 75-98. (Suxareva O.A. Quarter community of the early feudal city of Bukhara. - M .: 1975.- p. 75-98)

41. 42.Сухарева О.А. Истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Изд. Академии наук Уз ССР, 1958. – С.145.( Suxareva O.A. History of the cities of the Bukhara Khanate. - Tashkent: Ed. Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1958. - P. 145).

42. 43.Ремпель Л И. Далекое и близкое. Бухарские записи. – Ташкент: Литературы и искусства, 1981. – С. 4. (Rempel L. I. Far and close. Tug records. - Tashkent: Literature and Art, 1981. - p. 4).

43. 44.Каримов Р Ҳ. XIX аср охири-XX аср бошлари Бухорода маънавий ҳаёт – Б.50. (Karimov R. Kh. Spiritual life of Bukhara in the late XIX - early XX centuries - P.50).

44. 45.Керенский О.М. Медресе Туркестанского края. – СПб., 1892. – С.3. (Kerensky OM Madrasah of Turkestan Territory. - SPb., 1892. - P.3.)

45. 46.Фитрат А. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. – Тошкент: Минҳож, 1992. – Б.23. (Fitrat A. Board of Amir Alimkhan. - Tashkent: Minhoy, 1992. - p. 23).
46. 47.Фитрат А. Ҳинд сайёҳи қиссаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – № 8. – Б.14. (Fitrat A. The history of the Indian traveler // Shark yulduzi. - Tashkent, 1991. - No. 8. - P.14).
47. 48.Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1997. – №1. – Б.122. (Fitrat A. A conversation between a Bukhara teacher and a farang in India about the Jadid schools // Shark yulduzi. - Tashkent, 1997. - No. 1. - V. 122).
48. 49.Фитрат А. Мунозара. – Б. 122. (Fitrat A. Discussion. - P.122).
49. 50.Ханыков Н В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.223. (Khanykov N. V. Description of the Buksar Khanate. - SPb., 1843. - P.223).
50. 51.Хўжаев Ф. Танланган асарлар.– Тошкент: Фан, 1976. I-том. – Б. 88. (Khodzhaev F. Selected works. - Tashkent: Fan, 1976. Volume I. - P. 88).
51. 52.Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. – Ташкент: Фан, 1991. – С.16. (Ergashev B. Ideology of the national liberation movement in the Buksar Emirate. - Tashkent: Fan, 1991. - p. 16).
52. 53.Маев Н. Туземная школа // Туркестанские ведомости, 1884. – 30 октября. (Maev N. Native school // Turkestanskie vedomosti, 1884. - October 30).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Назокат Мамасоатовна Бозорова,**
Термиз давлат университети
мустақил тадқиқотчиси

## СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ

**For citation:** Nazokat M. Bozorova, COURAGE OF THE PEOPLE OF SURKHANDARYA IN AND BEHIND THE FRONTLINE. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.94-99

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-12

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада архив материаллари асосида Сурхондарё вилояти аҳлининг Иккинчи жаҳон урушидаги шижоатли фаолияти, кўрсатган жасорати ва фронтга юборган моддий ёрдами ҳамда ватанпарварлиги билан боғлиқ жиҳатларни таҳлил қилиш орқали кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** уруш, фронт, фронтга ёрдам, иссиқ кийим, озиқ-овқат, жасорат, мудафаа, тарғибот ишлари, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат.

---

**Назокат Мамасоатовна Бозорова,**
независимый исследователь
Термезского государственного университета

## МУЖЕСТВО СУРХАНДАРЬИНЦЕВ НА ФРОНТЕ И В ТЫЛУ

**АННОТАЦИЯ**

Статья основана на архивных материалах и анализирует героизм жителей Сурхандарьинской области во Второй мировой войне, их мужество и финансовую поддержку фронту, а также их патриотизм.

**Ключевые слова:** война, фронт, помощь фронту, теплая одежда, еда, храбрость, защита, пропаганда, героизм, патриотизм, доброта.

---

**Nazokat M. Bozorova,**
Termez State University independent researcher

## COURAGE OF THE PEOPLE OF SURKHANDARYA IN AND BEHIND THE FRONTLINE

**ABSTRACT**

The article is based on archival materials and analyzes the heroism of the people of Surkhandarya region in World War II, their courage and financial support to the front, as well as their patriotism.

**Index Terms** war, front, aid to the front, warm clothing, food, courage, defense, propaganda, heroism, patriotism, kindness.

---

**1.Долзарблиги:**

Инсоният бошидан кечирган урушлар орасида Иккинчи жаҳон уруши ўзининг даҳшати билан алоҳида ажралиб туради. Уруш тугаганига 75 йил бўлган бўлса-да, урушнинг кишилар қалбига солган жароҳати, жабру ситамлари ҳали-ҳануз унутилгани йўқ. Бизга маълимки, Иккинчи жаҳон урушида шу даврдаги 73 давлатдан 62 давлат уруш домига тортилди, натижада ер шари аҳолисининг 80 фоизи урушга бевосита қатнашди. Қолган 11 та давлат ҳам манфаатларидан келиб чиқиб у ёки бу тарафга ён босишга мажбур бўлдилар. Бу уруш 40 та давлат, уч қитъа ва тўрт океанда олиб борилган. 110 миллион қуролли аскар иштирок этган бу урушда тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 60 миллион киши қурбон бўлган.

Сўнгги маълумотларга кўра республикамиздан 1,5 миллион киши фронтда қатнашди, Урушга кетган мард ўғлонлардан 500 минг ватандошимиз машъум уруш олови ёнган нуқталарга жон берган. Тахминан 130 минг киши бедарак кетган. Булар халқимиз учун жуда катта йўқотиш эди. Бу қонли жангларда ватан озодлиги йўлида минглаб сурхондарёликлар шаҳид бўлган бўлса, минглаб сурхондарёлик азаматлар эса ғалаба баҳорини қаршилаш бахтига муяссар бўлиб, ўз юртларига ғалаба нашидасини сурган ҳолда қайтдилар. Уруш йилларида барча тинчликсевар халқлар қаторида Сурхон воҳаси аҳолиси ҳам фашизмга қарши курашда алоҳида жасорат намунасини кўрсатди. Ўзбекистон халқларининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, уларнинг фашизм устидан қозонган ғалабага қўшган ҳиссасини холисона ўрганиш тарихий хотира учун ҳам, келажак авлод учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Иккинчи жаҳон уруши даврида миллион-милионлаб бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди. Бу ғалаба жаҳон халқлари тарихида ҳеч шубҳасиз, абадий сақланиб қоладиган улуғ санадир. Бу сана Халқаро миқёсда ҳам эътироф этилганлиги сабабли, Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотираси учун 2004 йил ноябр БМТ Бош Ассамблеяси резолюсиясида 8 ва 9 май кунларининг Хотира ва Яраш куни сифатида эълон қилиниши бу борадаги муҳим тадбирлардан саналади. Чунки айнан шу ғалаба инсониятни беҳисоб бало-қазолардан сақлаб қолди. Шу боис иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг аҳамияти ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайди ҳамда бу мавзу долзарблигича қолади.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мавзуни ёритишда тарих фанининг тарихийлик холислик, муаммоли хронологик, кетма-кетлик, қиёсийлик, таққослаш, оддийдан мураккабга томон изчиллик сенгретика методларидан умумий фойдаланилди ҳамда унда Иккинчи жаҳон уруши йилларида Сурхон воҳаси аҳлининг фронтда ва фронт ортидаги жасоратлари тарихий манбалар асосида кўрсатилади. Мақолада кўтарилган масала тарихнавислик фанида нисбатан кам ўрганилган соҳа саналади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек “2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади. Бизнинг мард, енгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари бу қонли урушда тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки ҳар доим эъзозлаб ардоқлашимиз, уларнинг соғлиги ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим”.[1] Шуни унутмаслик керакки, бугунги тинч, фаровон ҳаёт учун ота-боболаримиз мисли кўрилмаган азоб-укубатлар ва талофатлар керак бўлса ўз жонларидан кечиб, бутун инсоният бошига тушган фашизм балосини бартараф этишда мислсиз мардлик, жасурлик кўрсатиб ўз ҳиссаларини қўшиб, жаҳон тарихида мангу ўчмас из қолдиришдилар.

Сурхондарёликларнинг уруш йилларида фронтда ва фронт ортидаги жасоратлари тўғрисида кўпгина асарлар яратилди. Бироқ Ш.Каримовнинг “Ғалабага қўшилган ҳисса” – Тошкент, 1992. асарида ўзбек халқининг фронтга қўшган ҳиссаси ёритилган бўлса, С.Турсунов ва Т.Пардаевларнинг “Иккинчи жаҳон уруши йилларида Шерободликларнинг жасорати”-Термиз,1998, ўша муаллифларнинг “Унитилмас жасорат”–Термиз, 1995, С.Турсунов, О.Соатов, Х.Жўраевларнинг “Хотира барҳаёт-қадрлаш мангу”-Тошкент, Янги нашр-2009, О.Соатов, С.Турсунов ва К.Тошовларнинг “Фронтдан келган хатлар”-Тошкент, Тафаккур-2020. китобларида Сурхон воҳаси аҳлига жигаргўшаларидан келган хатларида ватанпарварлик туйғулари ва кўрсатган жасурлиги ёритилган бўлса, О.Соатов, С.Турсунов ва К.Тошовларнинг “Ватан йўлида фидоий жонлар”-Тошкент, Наврўз-2020. асарида ватанимиз йўлида ўз жонини фидо этган жафокаш халқимизнинг метин иродали вакиллари ҳақида баён этилган. Аммо ушбу мавзу тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилган эмас.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Немис-фашист босқинчиларининг хиёнаткорона ҳужуми оқибатида ниҳоятда кўплаб ҳудудлар аҳолиси жуда қийин аҳволда қолди. Гитлерчилар Латвияни, Белоруссиянинг бир қисмини ва Украинанинг ўнг соҳил қисмини босиб олиб, РСФСРнинг ғарбий вилоятлари чегараларига яқинлашиб қолганди. Душман Ленинград, Москва ва Киевга хавф сола бошлади, 1941 йилнинг ёз ва куз фаслларида уч томонда: шимоли-ғарб, ғарб ва жануби-ғарб томонларда оғир қонли жанглар бўлди. Шимоли-ғарб томондан душманнинг «Шимол» группировкаси ҳужум қилиб, 1941 йил сентябрь ойи бошларида Ленинградга яқинлашиб бориб, шаҳарни қуруқлик томондан қамал қилди. Душман зўр бериб шаҳарга киришга уринди, лекин шаҳарни жангчилар билан бирга маҳаллий аҳоли ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилди. 1941 йил октябрида душман Тихвин оролига чиқиб олди ва Ленинградни моддий ёрдам билан таъминлаш ишини янада оғирлаштирди. Ленинградликларга моддий ёрдам фақатгина Ладога кўли ва самолётлар орқали етказиб бериб турилди. 1942 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Ленинградда кунлик нон нормаси ишчилар учун 250 грамм, бошқалар учун 125 грамм қилиб белгиланди. Ёқилғи ва электр қуввати етишмаслиги сабабли кўплаб корхоналар тўхтаб қолди, душман қамали натижасида шаҳарда 600 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлди. Урушнинг дастлабки ойларида нафақат Ленинградда, балки собиқ СССРнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларда аҳвол ачинарли даражада оғирлашганди. Душман эса қутуриб ҳужум қилиб, СССР таркибидаги Одесса, Харьков, Киев, Севастополь, Минск ва бошқа шунга ўхшаш шаҳар ва қишлоқларни эгаллаб олган эди. Душман билан бўлаётган ҳаёт-мамот жангларида барча халқ ва элатлар бирлашиб ҳаракат қилмаса душман қаршилигини синдириш амри маҳол эди. Ватаннинг бир қарич ерини муқаддас билган ҳар бир инсон ўзининг бор имкониятини ишга солиб ўзи емаса-да, ўзи юпун бўлсада, душман билан аёвсиз жанг олиб бораётган жангчиларга моддий ва маънавий жиҳатдан мададкор бўлиб турди.

Жумладан, Сурхон элининг фронт орқасида меҳнат қилаётган азамат халқи душман асоратига тушган жабр-дийдаларга имкон қадар ғамхўрлик қилиб турдилар. Воҳа аҳолиси меҳнаткашлари умумий душман бўлган фашизмга қарши курашда ўзларининг фаол иштирок этиши лозим эканлигини қалбан ҳис этиб турди. Чунки Киевни олган ёв, Минскни талаган босқинчи, Ленинградни топтаган душман, Москвани эгаллаган ёвуз куч эртага Термизни олиши, Шерободни талаши, Деновни эгаллаши, қолаверса, бутун Ўзбекистонни топташи мумкин эди. Негаки, фашизм иблислари ўз олдиларига дунё халқларини қул қилишдек жирканч бир мақсадни қўйган ҳамда бу қонхўр ёвдан ҳар нарсани кутиш мумкин эди. Ўша даврда СССР таркибидаги, қолаверса, жаҳондаги ҳар бир тинликсевар халқнинг бош мақсади манфур ёвнинг бошини ўз уясида мажақлаб, халқларнинг озодлигини, авлодларнинг ёрқин келажагини асраб қолиш вазифаси турарди.

Шунинг учун сурхондарёликлар ўзларининг фашизм галаларига қарши курашаётган шаҳар ва қишлоқларининг аҳолиси билан бирга эканликларини ҳис этиб, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан мададкор бўлиб турдилар. Жумладан, 1941 йил 28 октябрда бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилиши иштирокчилари Ленинград ва Москва шаҳарларини ҳимоя қилаётган жанчиларга ва меҳнаткашларга хат билан мурожаат қилишди. Ленинградликларга

қарата ёзилган мактубдан қуйидаги оташин сатрлар ўрин олган эди: "...Ленинград бўсағасини ҳимоя қилишда сизлар томонингиздан кўрсатилаётган жасорат ва қаҳрамонлик бизни фидокорона меҳнат қилишга ундамоқда... Қимматли ленинградликлар !!! Биз ҳар доим сиз билан биргамиз ва ҳар бир дақиқада қўлимизга қурол олиб сиз-ленинградлик қаҳрамон қўриқчилар билан ёнма-ён туриб қонхўр фашизмга қарши жанг қилишга тайёрмиз"[2].

Вилоят фаолларининг йиғилишида ленинградликларга қарата ёзилган мактубдан келиб чиқиб, Термиз темирйўл станциясининг ишчилари Ленинград шаҳри ҳимоячиларига ёрдам сифатида 35 та ҳар хил турдаги иссиқ кийимлар ва 950 сўм пул топширди. Станция ишчиси Никитин 2 та қўй териси ва 1 кг жунни ленинградликларнинг иссиқ кийимлар жамғармасига топширган бўлса, ишчилардан Бориский ва Ледишевлар 2 жуфт кигиз этик ҳамда 5 жуфт қўлқоп билан шаҳар ҳимоячиларига ёрдам берди [3].

Деновдаги М. Тўрахўжаев номидаги жамоа хўжалиги аъзолари эса ленинградликларга ёрдам сифатида 55060 сўм пул, 5 бош қора мол, 30 бош қўй-эчки ва 45 центнер гуруч тўплаб жўнатдилар. 1942 йилнинг апрель ва май ойларида Ленинград ҳимоячилари ҳузурига биринчи ўзбек делегацияси борди. Ушбу делегация аъзолари ўзлари билан шаҳар ҳимоячилари эҳтиёжи учун 15 вагон озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бордилар. Ленинград ҳимоячиларига юборилган моддий ёрдамда вилоят меҳнат аҳлининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор эди. Жумладан, вилоят меҳнаткашлари Ленинград ҳимоячилари эҳтиёжи учун 43360 сўм пул, 852 бош қора мол, 703414 кг гўшт, 8500 литр вино ва 5 центнер шакар юборди. Вилоят аҳли Ленинград ҳимоячиларига ёрдам уюштириш ҳаракатини кундан-кунга қизитиб юбориб, шаҳарнинг душман асоратига тушиб қолишидан сақлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб бордилар. Жумладан, Денов туманининг Тортувли қишлоқ кенгашига қарашли Ворошилов номли жамоа хўжалиги аъзоси А.Турдиев қамалда қолиб азоб чекаётган оч ва юпун ленинградликларга ёрдам сифатида бир сигир, бир ярим минг сўм пул билан ёрдам берган бўлса, Денов қишлоқ кенгашига қарашли "Агроном" жамоа хўжалиги раиси Ш.Муродова бир сигир, 1000 сўм пулини ленинградликларга ёрдам жамғармасига ўтказди. Деновлик ўқитувчи Шойназаров эса бир бош қўй, бир бош эчки ва 500 сўм пул билан кўмаклашди. Умуман, деновликлар қисқа вақт давомида ленинградликликларга 178771 сўм пул, 1700 центнер ғалла, 3469 кг гўшт, 62 кг қуруқ мева, 180 кг хўл мева, 87 кг асал, 102 кг картошка ва 122 дона тухум билан ёрдам уюштирдилар [4].

Денов туман меҳнаткашларидан ўрнак олган шерободлик сахий инсонлар Ленинград шаҳри ҳимоячиларига 50293 сўм пул, 21334 центнер ғалла, 3373 кг гўшт, 55,5 кг ёғ ва 33 кг бринзани совға қилиб жўнатдилар [5, б-32]. Қамалда қолиб очлик ва изғирин совуқлардан азоб чекаётган ленинградликларга ёрдам уюштириш ҳаракати ҳар бир меҳр-оқибатли инсоннинг олдига қўйган асосий вазифасига айланиб борди. Агар 1942 йил 10 июнгача бўлган вақтда вилоят меҳнаткашлари ленинградликларга 745598 сўм пул, 173487 центнер асал, 67-68 центнер гўшт, 328,6 литр ёғ ва 33 кг миқдордаги бринза билан ёрдам уюштирган бўлса [6], шу йилнинг 18 июлига келиб эса ажратилган ёрдам миқдорини 880087 сўм пул, 8487 центнер гўшт, 267 кг хўл мева, 410 кг куруқ мева, 749,5 литр ёғ, 764 кг асал, 30000 дона тухум ва 127 кг картошка билан бойитдилар [7].

Ленинградликларга ёрдам уюштиришда вилоят ёшларининг ҳам хизматлари беқиёсдир. Жумладан, 1942 йилнинг 19 мартида шерободлик ёшлар ташаббуси билан Ленинград шаҳрининг ҳимоячиларига совға жўнатилди, ушбу совғалар орасида 4360 сўм пул, 15 кг ёнғоқ, 16 кг асал, 3 жуфт қўлқоп, 8 дона пўстин, 23 кг ўрик, ва 65 кг гуруч бор эди. Ленинградликларга ёрдам кўрсатиш айниқса, Тошкент шаҳридаги А.С. Пушкин номли 115 ўрта мактаб ўқувчиларининг 1942 йил 10 май куни Ўзбекистон ёшларига қарата "Ленинграднинг жасур ҳимоячиларига совғалар ва пул йиғиб жўнатиш ҳаракатини янада авж олдиришга чорловчи мурожаатномаси" эълон қилингандан кейин Сурхон воҳаси ўқувчи ёшлари бу борадаги ҳаракатларни янада қиздириб юбордилар. Тошкентлик мактаб ўқувчиларининг чақириғига қўшилган Термиз шаҳридаги мактаб ўқувчилари Ленинград шаҳрининг болаларига 8900 сўм пул, 80 жуфт оёқ кийим ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлар тўплаб жўнатдилар. Умуман, республика ўқувчилари тўплаган нарсалар 13

вагон бўлди ва бу жўнатилган совғалар орасида 1,5 минг сўм пул, 80 бош қора мол, 620 тонна турли маҳсулотлар бор эди. Ўзбекистонлик ёшлар томонидан тўпланган совғалар эшелони 1942 йилнинг август ойида Ленинград шаҳрига қараб йўл олди. Ленинградликларга ажратилган совғаларни шаҳарнинг ёш ҳимоячиларига олиб боришдек шарафли вазифа Сурхон воҳаси ёшларининг сардори Ғофуржон Юсуповнинг зиммасига юклатилди. Ғофурхон Юсупов бошчилигида олиб борилган совғалар 1942 йилнинг 21 сентябрида Ленинград шаҳрининг ёш ҳимоячилари ҳузурига етиб келди ва шаҳар фаолларининг йиғилишида Ғофуржон Юсупов ленинградлик ёшларга Ўзбекистон томонидан юборилган эсдалик совғаларни топширди. 1943 йилда ҳам ленинградликларга юборилган моддий ёрдамлар миқдори ошиб борди. Жумладан, Шўрчиликлар ҳам ҳимоячиларга совға сифатида 9349 кг тариқ, 3 тонна арпа, 132 кг гуруч, 468 литр мой, 9 кг тамаки, 75 жуфт жун пайпоқ, 8 дона қулоқчин, 33 жуфт қўлқоп, 25 дона устара, иккита телефон ва 43 пластинка жўнатдилар [8].

1943 йил январь ойида Ладога кўлининг жанубий соҳили бўйлаб тор участкада душман қамали ёриб ўтилди. Шу муносабат билан вилоятнинг кўпгина туманлари, саноат корхоналари ва жамоа хўжаликларида митинглар бўлиб ўта бошлади. Жумладан, ана шундай митинглардан бири Денов туманидаги Й. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида бўлиб ўтди. Бўлиб ўтган митингдан сўнг жамоа хўжалигининг раиси Алматов ўз ҳисобидан ленинградликлар учун 2 бош қўй, 50 кг ғалла, 100 сўм пул ажратди. Жамоа хўжалигининг бошқа аъзолари саъй-ҳаракати билан ленинградликларга 5 бош қора мол, 56 бош қўй, 18 кг жун, 76 та қоракўл тери, 465 кг гуруч ва 365 кг қуруқ мева жўнатилди. Мамлакат миқёсида Ленинград шаҳрининг ҳимоячиларига юборилган моддий ёрдамлар ҳимоячиларнинг кучларига-куч, ғайратларига-ғайрат қўшиб, фашизмни улоқтириб ташлаш жараёнини тезлатди. Душманга нисбатан тенгсиз нафрат туйғуси билан қуролланган Ленинград шаҳрининг ҳимоячилари 1944 йилнинг 27 январида душманни анча узоққа улоқтириб ташладилар. Албатта, Ленинград қамалининг тугатилиши сурхондарёликлар қалбига ҳам олам-олам қувонч бахш этди. Чунки воҳа халқи ҳам Ленинград ҳимоячиларига қамал кунларида моддий ва маънавий томондан мададкор бўлган эди. Бу билан эса Ленинград ёнида душман қўшинлари устидан қозонилган ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган эди. Шу сабабли, Ўзбекистонлик жангчилардан “Москва мудофаси учун” медали билан 1753 нафари[9,б-469], “Сталинград мудофаси учун” медали билан 2733 киши[9,б-472], «Кавказ мудофааси учун» медали билан 2974 нафар[10] тақдирланган бўлса, “Ленинград мудофааси учун” медали билан 1382 нафар ўзбекистонлик ҳарбийларнинг мукофотланганлиги ҳам уларнинг мардонавор курашганлигидан далолат эди. Собиқ иттифоқ қўшинларининг шиддатли хужумлари натижасида 1945 йил 8 майда фашистлар Германияси сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақидаги хужжатни имзолади. Фашизм устидан қозонилган ғалаба оламшумул воқеа бўлди. Жанговар ҳаракатларда Ўзбекистондан 1706 нафар киши «Берлинни олгани учун», 109208 нафар ҳарбий[10] «Германия устидан ғалаба қозонилганлиги учун» медали билан мукофотландилар.

Бундан ташқари Япония милитаристларига қарши 1945 йил 9 августдан 1945 йил 2 сентябрга қадар олиб борилган жанглар ҳам ғалаба билан якунланди. Япон милитаристларига қарши жанглардаги жасоратлари учун ўзбекистонликлардан 6770 нафар ҳарбийлар мукофотландилар. Уруш йилларида 120 минг ўзбекистонлик жангчи орден ва медаллар билан мукофотланди. Ўзбекистонликлардан 280 киши уруш Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Улардан 75 нафари ўзбеклар эди. Ўзбекистон жангчиларидан 82 киши “Шухрат” орденининг учала даражаси билан мукофотланди[9,б-485]. Жумладан Сурхондарёлик 3769 нафар жангчилар мамлакатнинг орден ва медаллари билан мукофотланган бўлса, 6 нафар сурхондарёлик азаматлар (Колодий Иван Михайлович, Любимов Алексей Ильич, Мурашкин Михаил Фёдорович, Проценко Степан Федосеев, Чернишев Сергей Иванович ва Акрам Беляевич Шамкаевлар) Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 3 нафар Сурхон элининг баҳодирлари эса Шуҳрат орденининг нишондори бўлдилар. Мустақиллик йилларида Иккинчи жаҳон урушига муносабат ва урушда иштирок этганларга

кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳам тубдан ўзгарди. 1999 йилдан 9 майни «Хотира ва қадрлаш куни» сифатида нишонланиши ҳам ҳукуматимизнинг бу кунга бўлган юксак эътиборининг далилидир. Бугунги кунда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига, уруш йилларида ғалаба йўлида машаққатли меҳнат қилган фронт ортидаги минглаб фахрийларга эътибор анча кучайди. Жумладан 1994 йил 6 майда биринчи маротаба 108281 нафар уруш қатнашчилари, 1994 йил 5 майда таъсис этилган «Жасорат» медали билан фронт ортининг қатнашчилари эса «Шуҳрат» ордени билан мукофотландилар. Бугунги кунда 22514 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар ҳам ушбу мукофотланганлар орасидан ўрин олди. Кейинги йилларда Иккинчи жаҳон урушида фронтда ва фронт ортида меҳнат қилганлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида вилоятнинг ҳар бир туманида «Хотира» майдонлари ташкил этилди.

**4.Хулосалар:**

Тадқиқот натижасига кўра, хулоса тарзида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Сурхон воҳаси аҳолиси ҳам жасорат кўрсатган ва бу бугунги кунда ҳам дунёда тинчликни сақламоқ учун минтақавий ва миллий хавфсизликни таъминлаш билан бевосита боғлиқдир;

2. Ўзбекистонга эвакуация қилинган, уларга бошпана ва моддий кўмаклашишда ўзбек халқининг менталитетига хос бўлган меҳр-мурувват ва саховат каби фазилатлар ўзининг яна бир бор тасдиғини топган;

3. Улуғ ватан урушида беҳисоб йўқотишларга сабаб бўлди, ниҳоятда катта сабоқларга бой бўлди, ушбу урушдан чиқарилган энг катта сабоқ сифатида урушнинг олдини олиш, шу жумладан Сурхон воҳасининг аҳолиси ўзининг моддий ёрдамини фронтдан аямаган;

4. Иккинчи жаҳон урушида Сурхон воҳасининг аҳли ҳам фронтга иссиқ кийимлар, озиқ-овқат етказиб бериш, шунингдек жанговор техникалар қурилиши, мудофа фондларини бойитишга ўзининг муносиб улушини қўшган ва бу билан фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшган.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январь сони. (Issue of the newpaper “People’s word ” January 25, 2020)
2. “Илғор Сурхон учун” газетаси. 1941 йил 19 октябрь сони. (Issue of the newspaper "Surkhon for advanced". October 19, 1941)
3. “Илғор Сурхон учун” газетаси. 1941 йил 5 ноябрь сони. (Issue of the newspaper "Surkhon for advanced". November 5, 1941)
4. Вилоят давлат архиви. 45- фонд, 1- ёзув, 48- иш, 4-бет. (Surkhandarya regional state archive. 45 Fund 1, Issue 48, page 4)
5. Турсунов С., Пардаев Т. Шеробод меҳнаткашларининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати.-Термиз: “Сурхон”, 1993 й. (S.Tursunov, T.Pardaev. "The Courage of Sherabad Workers during the Great Patriotic War." Termez, 1993, pp. 36-37.)
6. Вилоят давлат архив. 45- фонд, 1- ёзув, 93- иш, 342-бет. (Surkhandarya regional state archive. 45 Fund 1, Issue 93, page 342)
7. Вилоят давлат архив. 45- фонд, 1- ёзув, 48-иш, 1-5 бетлар. (Surkhandarya regional state archive. 45 Fund 1, Issue 48, page 1-5)
8. “Илғор Сурхон учун” газетаси. 1943 йил 12 февраль сони. (Issue of the newspaper "Surkhan for advanced". February 12 1943)
9. 9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - Т., 2000. (The latest history of Uzbekistan. Second book. Uzbekistan during the Soviet era. T 2000)
10. Узбекистан в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.) -Т., 1966. -С.34. (Uzbekistan in the year of the Great Patriotic War .1941-1945 yy)

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Шербек Мейлижонович Ёдгоров,**
Тошкент давлат шарқшунослик университети
таянч докторанти, sherbek_90@mail.ru

## МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ

**For citation:** Sherbek M. Yodgorov, IMPACT OF SOCIO-ECONOMIC PROBLEMS IN EGYPT ON THE SPREAD OF RELIGIOUS EXTREMISM AND RADICALISM. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.100-107

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-13**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада асосий ижтимоий-иқтисодий муаммолар жамиятда тарангликнинг вужудга келишига, мухолифат, айниқса, экстремистик оқимлар фаолиятининг кучайишига, радикал кайфиятдаги ёшларнинг сафи кенгайиб боришига сабаб бўлиши Миср Араб Республикаси мисолида ёритиб берилади. XX аср охири – XXI аср бошларида Мисрдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ислом мухолифати ва ҳукумат ўртасидаги қарама-қаршиликларни келтириб чиқарганлиги, жамиятда ўз ўрни ва мавқеини аниқ белгилаб ололмаган ёшларнинг диний экстремистик ташкилотлар таъсирига тушиб, мавжуд режимга қарши қуролли ҳаракатларни амалга оширганлиги тадқиқ қилинади. Мисрдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг сабаблари ва оқибатлари таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** "Инфитаҳ", "Кэмп-Дэвид" шартномаси, "Араб баҳори", "Мусулмон биродарлар", ижтимоий табақаланиш, иқтисодий турғунлик, камтаъминланганлик, коррупция, ишсизлик.

---

**Шербек Мейлижонович Ёдгоров,**
базовый докторант,
Ташкентский государственный
университет востоковедения,
sherbek_90@mail.ru

## ВЛИЯНИЕ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ ЕГИПТА НА РАСПРОСТРАНЕНИЕ РЕЛИГИОЗНОГО ЭКСТРЕМИЗМА И РАДИКАЛИЗМА

**АННОТАЦИЯ**

В статье освещаются основные социально-экономические проблемы, которые приводят к напряженности в обществе, активизации деятельности оппозиционных, особенно экстремистских движений, расширению кругов радикальной молодежи на примере Арабской Республики Египет. В этом исследовании изучается, как соционально-экономические

проблемы в Египте в конце двадцатого и начале двадцать первого веков привели к напряженности между исламской оппозицией и правительством, также как молодые люди, которые не могли четко определить свое место и статус в обществе, подвергались воздействию религиозных экстремистских организаций и проводили вооруженные акции против существующего режима. Анализируются причины и последствия социально-экономических проблем в Египте.

**Ключевые слова:** "Инфитах", "Кэмп-Дэвидское" соглашение, "Арабская весна", "Братья-мусульмане", социальное расслоение, экономическая стагнация, бедность, коррупция, безработица.

---

**Sherbek M. Yodgorov,**
PhD researcher, Tashkent State
University of Oriental Studies,
sherbek_90@mail.ru

## IMPACT OF SOCIO-ECONOMIC PROBLEMS IN EGYPT ON THE SPREAD OF RELIGIOUS EXTREMISM AND RADICALISM

**ABSTRACT**

The article highlights the main socio-economic problems that lead to tension in society, the intensification of the activities of opposition, especially extremist movements, the expansion of the audience of radical youth on the example of the Arab Republic of Egypt. This study highlights how socioeconomic problems in Egypt in the late twentieth and early twenty-first centuries led to tensions between the Islamic opposition and the government, as well as how young people who could not clearly define their place and status in society were exposed to religious extremist organizations, as a result, they carried out armed actions against the existing regime. The causes and consequences of socio-economic problems in Egypt are analyzed.

**Index Terms:** "Infitah", "Camp David" Agreement, "Arab Spring", "Muslim Brotherhood", social stratification, economic stagnation, poverty, corruption, unemployment.

---

### 1. Долзарблиги:

Дин ниқоби остида экстремизм, радикализм, терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугунгидек таҳдид солмаган. Дунёнинг турли бурчакларида диний экстремизм ва радикализмнинг кенг ёйилиши мамлакатлар тинчлиги, минтақалар хавфсизлигига катта раҳна солмоқда. Бундай хавф-хатарларни олдини олиш, уни озиқлантираётган омилларни бартараф этиш ҳамда унга қарши курашиш ҳар бир мамлакат учун устувор масалага айланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу каби хавф-хатарлар ва уларга қарши олиб борилиши лозим бўлган кураш ҳақида шундай дейди: "Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафкурасига қарши кураш борасида ҳамиша принципиал позицияга эга бўлиб келган. Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки биринчи навбатда, айниқса, ёшлар ўртасида, зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим" [1].

Диний экстремизм, радикализм ва терроризмга қарши курашнинг хориж тажрибасини ўрганиш, ибратли жиҳатларини ўзлаштириш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш мавжуд давлатларнинг барчаси учун бир хилда зарур ва фойдали. Шу маънода, араб-ислом оламида диний экстремизм ва терроризм муаммосига биринчилардан бўлиб дуч келган Мисрнинг бу борадаги узоқ йиллик тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мақолада ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг диний экстремизм ва радикализмнинг ёйилишига таъсири Миср Араб Республикаси мисолида таҳлил қилинади.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умумқабул қилинган тарихий методлар - тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, даврий изчиллик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда ижтимоий-

иқтисодий муаммоларнинг диний экстремизм ва радикализмнинг ёйилишига таъсири, аҳолининг қашшоқлашуви, ишсизлик ва бошқа жамиятдаги муаммолар экстремизм ва терроризмни озиқлантирувчи ҳамда уни келтириб чиқарувчи омиллардан эканлиги Миср Араб Республикасининг замонавий тарихида содир бўлган воқеалар мисолида таҳлил қилинади.

Р.Г.Ланда, А.А.Игнатенко, М.З.Ражбадинов, Ю.Б.Щегловин, Я.Е.Камлевская, В.П.Юрченко, Б.В.Долгов, А.В.Коротаев, С.Э.Бабкин, В.Е.Донцов, Н.В.Жданов, А.В.Малашенко, С.А.Модестов, О.Г.Пересыпкин, Д.Сюкияйнен, С.А.Семедов, М.С.Зинченколарнинг ишларида мусулмон дунёсида исломнинг сиёсийлашуви ва “ислом омили”нинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари ички ва ташқи сиёсатига таъсири, диний экстремизм, радикализм ва терроризмнинг араб мамлакатлари хавфсизлигига таъсири масалалари ёритилган.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган шарқшунос ва сиёсатшунос олимлардан А.А.Ҳасанов, А.А.Ҳайдаров, З.Мунавваров, Ш.Ёвқочев, М.М.Муҳаммадсиддиқов, С.Ғафуров, М.Ражабова, О.Юсупов, М.Нуритдинов, З.Ҳусниддинов, Ў.Ҳасанбоев, А.Тулепов, А.Абдисатторов, Ф.Каримовлар томонидан амалга оширилган ишларда араб давлатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари ўрганилган.

**3.Тадқиқот натижалари:**

Миср тажрибаси шуни кўрсатадики, асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги, мамлакат ҳаётида амалга ошаётган мураккаб ва қарама-қарши жараёнлар – жамиятда тарангликнинг вужудга келишига, мухолифат, айниқса, экстремистик оқимлар фаолиятининг кучайишига, радикал кайфиятдаги ёшларнинг сафи кенгайиб боришига сабаб бўлади. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш олиб боришда комплекс ва тизимли, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий чора-тадбирларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Миср тарихини тадқиқ этарканмиз, бунга яна бир карра амин бўламиз.

Британия ҳукмронлиги даври (1882-1952-йиллар)да Миср британиялик саноатчилари учун “пахта плантацияси” бўлиб хизмат қилган эди. Маҳаллий саноат мустамлакачилар қўлида эди, мисрлик ишчилар ҳеч қандай ҳуқуққа эмас эди. Йирик ер эгалари аҳолининг 0,5% ни ташкил этар, лекин ернинг 50% дан ортиқ қисми уларга тегишли эди. Деҳқонларни ер билан бирга сотишар ва сотиб олишар эди. Саводсизлик 85% ни ташкил қилар эди [2]. Фақатгина бой кишилар олий маълумотга эга бўла олар эди. Британиялик ҳукмдорларнинг бошбошдоқлиги ва порахўрлик халқнинг диний ақидаларини поймол қилмоқда эди. Аҳоли динга эргашиш аҳволни яхшилаши, ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликларни ҳал қилиши мумкин, деб ҳисоблар эди. 1928 йилда асос солинган “Мусулмон биродарлар” диний ташкилоти ва унинг етакчиси Ҳасан ал-Банно айнан шу ғояларни илгари сурар эди. Куч ишлатиш ўз-ўзини ҳимоя қилиш воситаси сифатида қаралар эди. Дин эса муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўли, деб ҳисобланар эди [3].

1952 йилда “Озод зобитлар” инқилоби Мисрга кескин ўзгаришлар олиб келди: қишлоқ хўжалиги ислоҳоти, саноатлаштириш, бепул таълим, давлат секторининг яратилиши, Сувайш каналидан инглиз қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши, ишчиларга ҳуқуқ берилиши, араб бирдамлигининг мустаҳкамланиши ва ҳоказо. Жамол Абдул Носир томонидан ўтказилган ушбу ислоҳотларга қарамай, Миср жамияти янгиланмади, одамларнинг яшаш тарзи сезиларли ўзгармади, қотиб қолган қарашлар сақланиб қолди. Сиёсий элитанинг бойлиги ва ҳақиқий аҳвол орасида катта жарлик ҳосил бўлди. 1967 йилги Араб-Исроил урушидаги мағлубият Миср халқи учун қаттиқ зарба бўлди [4].

1970 йилда ҳукумат тепасига келган президент Анвар Садат Жамол Абдул Носир тамойилларини бекор қилишни бошлади. Иқтисодиётда давлат секторининг ўрнига “инфитаҳ” – очиқ эшиклар сиёсатининг олиб борилиши Миср жамиятининг табақаланишига, жамиятнинг пастки қатламлари турмуш даражасининг янада пасайишига, мисли кўрилмаган коррупциянинг кучайишига, бюрократия ва буржуа бюрократиясининг авж олишига олиб

келади [5]. Носирчилар билан курашиш, “инфитаҳ”ни оқлаш, тузумга расмийлик тусини бериш учун Анвар Садат ислом динига мурожаат қила бошлади.

“Инфитаҳ” даврида Мисрда инфляция йилига 40 %ни ташкил этарди, ойлик маош икки бараварга пасайиб, аҳолининг фақатгина 40-50%и ўз ишлаб чиқариши ҳисобидан озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондира оларди. Ижтимоий табақаланиш мислсиз даражада ўткирлашган эди: 5% мисрликлар миллий фойданинг 25%ини ўзлаштирар, 37% аҳоли эса камбағалликнинг охирги чизиғидан пастга тушиб кетган эди [6].

Иш ва яхши ҳаёт излаб 4 миллион мисрлик ватанини тарк этганди. Лекин бу ҳам аҳволни яхшиламади: хонавайрон бўлган қишлоқ аҳолиси шаҳарга оқиб келишни давом эттираётган эди. Одатда, улар шаҳарда ўз ўрнини тополмай, ҳукумат тепасидагиларнинг ўғрилиги, қариндош-уруғчилиги, фирибгарлиги, текинхўрлигидан нолир эдилар. Аҳолининг моддий аҳволи ёмонлашгани сари (айниқса, 1977 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кўтарилиши натижасида содир бўлган “нон ғалаёнлари”дан кейин) зўравонликка бўлган майллари ҳам кучайиб борарди. Миср ёшлари буларнинг барчасидан халос бўлиш йўлини илк ислом тузумига, бой мусулмонларнинг камбағал диндошларига ёрдам беришини кўзлайдиган шариат қонунчилигига қайтишда, деб билардилар.

Мисрнинг замонавий тарихини тадқиқ этиш асносида яна шунга гувоҳ бўлиш мумкинки, аҳоли, асосан, ёшлар давлат бера олмайдиган ҳимоя ва ёрдамни диний тузилмалардан излаган. Масалан, диний ташкилотлар ижтимоий эҳтиёжлар хусусида қайғуришади, бу нарса улар фаолиятининг бир кўриниши ҳисобланади. Исломий гуруҳлар машҳурлигининг асосий сабабларидан бири ҳам уларнинг арзон ва сифатли хизмат кўрсатиши, деб айтиш мумкин. Ислом фаоллари кўп ҳолларда муқобил ижтимоий таъминот тизимини таклиф қилардилар, бу нарса эса ҳукуматни танқид қилиш имкониятини ҳам яратиб берарди. Чунки амалда кўринган устунликлари орқали улар ҳукуматнинг фуқаролар эҳтиёжини ўз вақтида қондира олмаслигини намоён этишга уринар эдилар [7]. Буни XX асрнинг 70-йилларида содир бўлган воқеалар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айни шу даврда талабалар жамоаси орасида пайдо бўлган “ислом жамоатлари” (“жамаат исломия”) (XX асрнинг 70-йилларида Мисрдаги ушбу атама турли хил исломий талабалар ҳаракатларига нисбатан қўлланилган) ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали сезиларли таъсирга эга бўла бошлайди. Уларнинг муваффақияти, биринчи навбатда, ўша пайтда Миср университетлари бошидан кечирган ижтимоий инқирозга “исломий ечим”ни моҳирона тарғиб қилиш билан боғлиқ эди. Бу пайтга келиб, мамлакатда талабалар сони икки баравар кўпайиб, 500 мингга етган, инфратузилманинг ривожланиши эса бу ўсишдан орқада қоларди. Натижада, билим олиш, меҳнат бозорига кириш учун умумий шароитлар ёмонлашди, ушбу ёш авлоднинг маданий эҳтиёжлари ўртасида тафовут вужудга келди - одатда бу ҳол биринчи бўлиб университетга кирган ёшлар оилаларида содир бўла бошлади. “Ислом жамоатлари” томонидан таълимнинг замонавий ва дунёвий қадриятлари шубҳа остига қўйилди: улар дунёвий қадриятларни ижтимоий ҳақиқатни акс эттирмайдиган, деб тан олди. Уни ўрнига улар дунёни тушунтиришга ва энг муҳими уни ўзгартиришга мўлжалланган “яхлит ва кенг қамровли тизим” сифатида Исломга ўз қарашларини тақдим этишди [8].

Бевосита талабалар ҳаётига келсак, “ислом жамоатлари” маиший хизмат кўрсатишни ахлоқий меъёрларни сингдириш билан мохирона бирлаштириб, ижтимоий лойиҳани “исломий тартиб”нинг маданий талабларига бўйсундирди. Шу йўл билан улар транспортда ёки гавжум аудиторияларда эркак ва аёл аралашиб кетганлигидан нафратланадиганларга ва камтарона даромади сабабли замонавий кийина олмайдиганларга ёрдам беришга ҳаракат қилишди. Қоҳира исломий бирлашмалари саҳий ҳомийларнинг маблағлари эвазига жамоат транспорт етишмовчилигини талаба қизлар учун мўлжалланган мини-автобуслар билан қоплашди. Ушбу хизматга талаб тез суръатларда ошиб кетди ва мини-автобуслар фақатгина қизларни таший бошладилар. Шундай қилиб, автотранспорт воситаларини хусусийлаштириш ижтимоий муаммони “исломий” йўл билан ҳал қилиш учун хизмат қилди.

Ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга "исломий ечим" излаётган мисрлик ёшлар Анвар Садатнинг Исроил билан тинчлик ўрнатиш борасидаги ташқи сиёсатидан сўнг янада радикаллашдилар. 1977 йилда Анвар Садат Исроил билан тинчлик шартномасини тузиш учун Қуддусга борди, бу эса ўз навбатида унинг режими билан исломий зиёлилар ва диний буржуазия ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига олиб келди.

1978 йилда Анвар Садатнинг Исроил билан "Кэмп-Дэвид" шартномасини имзолаши Мисрни нафақат араб давлатлари ўртасида яккаланиб қолишига сабаб бўлди, балки мамлакат ичкарисида ҳам қалтис вазият юзага келишига олиб келди. Исломчилар Анвар Садатнинг бу ишини исломга хиёнат, дея баҳолашди. Миср президенти исломчилар томонидан "яҳудийлар билан шармандали тинчлик", деб баҳоланган сиёсатини шубҳа остига қўйилишига йўл қўя олмас эди. Шу сабаб, талабалар уюшмаси тарқатиб юборилди, "ислом жамоатлари" мулклари мусодара қилинди, уларнинг ёзги таътилгоҳлари полиция томонидан ёпиб ташланди. Бироқ ушбу чоралар мамлакатдаги ёшларнинг радикаллашувига тўсқинлик қилолмади. Исломий ҳаракатдан кескин радикал қатламлар чиқиб, очиқ-ойдин исломий давлат ташкил этиш ҳақида баралла гапира бошладилар. Махсус хизматлар бундай бурилишга ҳали тайёр эмасдилар [9].

1977 йилдан кейин исломий мухолифатнинг радикаллашуви асосан "ислом жамоатлари"нинг ташкилий асосларини қайта кўриб чиқишда ўз аксини топди: эндиликда талабалар шахарчаларидаги даъвадлар Мисрнинг энг камбағал худудларида (Қоҳира, Искандария, Мисрнинг юқори шаҳарлари - Асют ва Минеда) яширин фаолият билан алмаштирилди. Энг сиёсийлашган ёшлар "ал-Жиҳод" ташкилотига мансуб гуруҳларга бирлашдилар. Ташкилотнинг назариётчиси ёш электр муҳандиси Абдуссалам ал-Фарраж ва унинг шериклари ҳарбий ҳаракатларга киришдилар - 1981 йил 6 октябрда ҳарбий парад пайтида Анвар Садатга суиқасд қилдилар. Бироқ, экстремистларнинг давлат раҳбари ўлимидан фойдаланиб, ҳокимиятни эгаллаш мақсадида ҳукуматга қарши оммавий қуролли намойиш ўтказиш ва сиёсий тўнтаришни амалга ошириш бўйича уринишлари қуролли кучларнинг мустаҳкам позицияда туриб, қатъий чоралар кўриши натижасида йўққа чиқарилди [10].

Анвар Садатдан кейин ҳокимият тепасига келган президент Ҳусни Мубарак даврида ҳам ижтимоий-иқтисодий муаммолар маҳаллий аҳолининг радикаллашувининг асосий сабабларидан бўлиб хизмат қилди. Хусусан, 1991 йил охирида мисрлик экстремистлар фаолиятида кескин кучайиш кузатилди. Муайян даражада бу Судан, Жазоир, Кувайт, Иордания, Тунисдаги маҳаллий радикаллар фаоллашувига акс-садо бўлган эди. Лекин барибир, Мисрдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги ислом мухолифати ва ҳукумат ўртасидаги навбатдаги қарама-қаршиликлар сабабчиси бўлиб қолаверди. Ўтган асрнинг 90-йилларида МАРдаги ижтимоий ҳолатни мураккаблаштирган ва уни таназзул ҳолатига келтирган омиллар сирасига аҳоли ўртасидаги мол-мулк тенгсизлиги, ишсизлик, камбағал аҳоли ҳаётининг яна ҳам оғирлашуви, уларнинг ночорликка бўлган таъсирчанлигининг ошиши кабиларни киритиш мумкин. Миср иқтисодиётида таназзул ҳолати хомашё базасининг қашшоқлашиши, аҳоли сонининг тезлик билан ўсиши, ташқи қарздорликнинг ошиши билан боғлиқ.

Ҳусни Муборак ҳукмронлиги даврида ҳам диний ташкилотлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминот борасида самарали фаолият олиб боришди. Яққол мисол сифатида 1992 йил 12 октябрь санасида содир бўлган "Қоҳира зилзиласи"дан кейинги воқеаларни эслаш кифоя. 500 дан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган ва 50.000 кишини уй-жойсиз қолдирган "Қоҳира зилзиласи"дан сўнг, "Мусулмон биродарлар" қурбонларга ёрдам беришни ташкиллаштиришни ўз зиммаларига олдилар ва бу борада сусткашлик билан ҳаракат қилаётган давлат бюрократиясидан эпчилроқ харакат қилдилар [11].

90-йиллардаги исломий жангарилар ўзларидан олдингилардан ёшроқ бўлиб, улар маълумотга эга эмасдилар, уларнинг кўпчилиги Юқори Мисрнинг қолоқ ҳудудларидан, кичик шаҳарчалардан келиб чиққан эди. Масалан, 1970 йилда ҳибсга олинган жангариларнинг ўртача ёши 27 ёшни ташкил этса, 90-йилларда 21 ёшни ташкил этди.

Олдинги ўн йиллик билан таққослaнганда, экстремистлар орасида мактаб ва коллежни энди тугатганлар сони ошиб (80-йилларда 36% ва 90-йилларгача 71%), олий таълим битирувчилари сони камайган (59% дан 21% гача). Экстремистлар қаторида қашшоқ ҳудудлар аҳолиси 36% ни (илгари 16%), қишлоқ аҳолиси 18% (7%), майда ва ўрта шаҳарлар аҳолиси – 31% (43%), йирик шаҳарлар аҳолиси 15% (34%) ни ташкил қилади [12].

Таъкидлаш жоизки, Анвар Садат режимини қулатишда катта рол ўйнаган мисрлик ёшлар Ҳусни Мубораkнинг 30 йиллик ҳукмронлигига ниҳоя ясаган “Араб баҳори” воқеаларида ҳам сиёсий фаоллик кўрсатдилар. Жаҳон матбуоти аксарият ҳолларда, Мисрда “Араб баҳори” воқеаларининг юз беришига иқтисодий турғунлик, тенгсизлик, камтаъминланганлик, коррупция, ишсизлик, озиқ-овқат танқислиги муаммоси ва бошқа омиллар туфайли юзага келгани таъкидланади [13].

“Араб баҳори”дан олдин Мисрда ишсизлик даражаси 9% ни ташкил этгани ҳолда, камбағаллик ҳолати бўйича, 40% мисрликлар кунига 2 АҚШ долларидан оз маблағга яшардилар. Аммо халқаро меъзонда аҳолининг кунига 1.25 АҚШ долларга яшайдиган қисми энг кам таъминланган ҳисобланади. Бу борада Миср кўрсаткичи юқори эди. Айтиш мумкинки, Ҳ.Муборак бу муаммони ҳал қилган эди [14].

Шунингдек, ижтимоий соҳадаги эришилган баъзи ижобий ютуқлар ҳам салбий роль ўйнаши мумкинлиги ўз исботини топди. Масалан, Ҳусни Муборак даврида Мисрда ўлим, айниқса, болалар ўлими кескин пасайди. Мисрда 1985-1990-йилларда туғилиш суръатларининг ортиши ва революциялар даврига келиб аҳоли демографик структурасида ёшлар улушининг кўпайиши бу оммавий ҳаракатларда ёшларнинг кенг жалб этилишини таъминлади. Айтиш мумкинки, 1990 йилдан бошлаб ишсизлик даражаси ўзгармай қолган бўлса, улар орасида ёшларнинг нисбати икки баробар ортди, хусусан, 20-24 ёшликлар ва улар умумий 2.5 млн. ишсизнинг 1 млн. дан ортиғини ташкил қилди. Яна бир маълумот: ишсиз ёшларнинг 43% олий маълумотликлар эди. Демак, революциянинг асосий кучини олий маълумотли ишсиз ёшлар ташкил қилган [15].

Дунёда кетаётган демократлашув ва либераллашув жараёнларини кузатган Миср ёшларида ўз атроф-муҳитидан норозилик вужудга келди. Мамлакатда янги информацион ва коммуникацион технологиялар кенг омма томонидан фойдаланишнинг бошланиши бу тармоқнинг ҳокимият назоратидан чиқиб кетишига олиб келди. Youtube ва Facebook сайтларида мисрлик ёшлар мамлакат сиёсий келажагига бефарқ бўлмаслик ва янги ҳокимият шаклланишида актив иштирок этишга чиқирдилар [16]. “Мусулмон биродарлар” ёшлар қанотининг уюшган ташкиллаштирувлари орқали амалга ошди. Мисрда бўлиб ўтган революциянинг биринчи кунларидан бошлаб унинг яқин келажакдаги сиёсий истиқболи аён бўла бошлади, яъни ҳокимиятга “Мусулмон биродарлар”нинг тўғридан-тўғри даъволари мавжуд эди. Кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, дунёвий режимдаги 30 йиллик Муборак режими қулаб ўрнига фундаменталистик қарашли “Мусулмон биродарлар” ҳокимият тепасига келди.

**4. Хулосалар:**

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, экстремистик ва террорчи ташкилотлар аъзоларининг мутлақ кўпчилигини жамиятдаги ўрнини аниқлаб белгилаб ололмаган 16-30 яшар ёшлар ташкил қилмоқда. Шунинг учун ҳам, дунёнинг деярли барча мамлакатларида аҳолининг қашшоқлашувига экстремизм ва терроризмни озиқлантирувчи омиллардан бири сифатида қаралмоқда, уни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Экстремистик ғоялар ёйилишининг олдини олишга қаратилган махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, Миср ҳукумати ва раҳбарияти ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлигини пасайтиришга ва 70 фоизи қашшоқликда яшаётган аҳолининг аҳволини яхшилашга қаратилган бир қатор дастурлар ва тадбирларни амалга оширмоқда.

Миср мисолида кўриш мумкинки, аҳоли ўртасидаги мол-мулк тенгсизлиги, ишсизлик, камбағал аҳоли ҳаётининг яна ҳам оғирлашуви каби омиллар исломпарастлар фаолиятини кучайтирган ҳамда ижтимоий ҳолатни мураккаблаштириб, уни таназзул ҳолатига келтирган.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


[1] Мирзиёев Ш.М. Тинчлик жараёни, хавсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик// Афғонистон бўйича халқаро конференцияда нутқи. // http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?SECTION_ID=221&ELEMENT_ID=53959. (Mirziyoyev Sh.M. Speech at the International Conference on Afghanistan: Peace Process, Security Cooperation, and Regional Connectivity).

[2] Islam in the Modern World. Tradition, Revolution and Culture by Hassan Hanafi. – Dar Kebaa Bookshop, 2000. -P. 22.

[3] Brynjar Lia. The Society of the Muslim Brothers in Egypt. The Rise of an Islamic Mass Movement 1928–1948. ITHACA PRESS, 1998. –P. 39.

[4] Камлевская Я.Е. Борьба с терроризмом в Египте на рубеже XX-XXI веков. Ближний Восток и современность. Сборник статей (выпуск девятнадцатый). М., 2003. –С. 57. (Kamlevskaya Y.E. The fight against terrorism in Egypt at the turn of the XX-XXI centuries. Middle East and Modernity. Collection of articles (nineteenth edition). M., 2003. -P. 57.)

[5] Ланда Р.Г. Политический ислам - предварительные итоги. М., 2005. –С. 104-105. (Landa R.G. Political Islam - preliminary results. M., 2005. –P. 104-105.).

[6] Ланда Р.Г. Политический ислам - предварительные итоги. М., 2005. –С.107. (Landa R.G. Political Islam - preliminary results. M., 2005. –P. 107.).

[7] Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). М., 2003. –С. 252-253. (Yurchenko V.P. Egypt national security problems (1952-2002). M., 2003. -P. 252-253).

[8] Кепель Ж. Джихад: Экспансия и закат исламизма / Пер. с фр. В.Ф. Денисова. –М.: Ладомир, 2004. – С. 80. (Kepel J. Jihad: Expansion and Decline of Islamism. –M.: Ladomir, 2004 . -P. 80).

[9] Щегловин Ю.Б. Размышления о борьбе с терроризмом. –М., 2015. – С. 169. (Shcheglovin Y.B. Reflections on the fight against terrorism. –M., 2015. - P. 169).

[10] Юрченко В.П. Армия и власть в Египте. Армия и власть на Ближнем Востоке: От авторитаризма к демократии (сборник статей). // Ин.-т изуч. Израиля и Бл. Востока, М.: 2002. – С. 12. (Yurchenko V.P. Army and Power in Egypt. Army and Power in the Middle East: From Authoritarianism to Democracy (collection of articles). // Institute of studies. Israel and the Middle East, Moscow: 2002. -P. 12).

[11] Кепель Ж. Джихад: Экспансия и закат исламизма / Пер. с фр. В.Ф. Денисова. М: Ладомир, 2004. – С. 267. (Kepel J. Jihad: Expansion and Decline of Islamism. –M.: Ladomir, 2004 . -P. 267).

[12] Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). М., 2003. –С. 256. (Yurchenko V.P. Egypt national security problems (1952-2002). M., 2003. -P. 256).

[13] Муҳаммадсидиқов М.М. Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири: сиё. фан. док. (DSc) дисс. –Тошкент, ТДШИ, 2018. –Б. 158. (Muhammadsidiqov M.M. The politicization of religion in African Arab states and its impact on political processes. –T., TSIOS, 2018. –P. 158).

[14] Коротаев А.В., Зинькина Ю.В. Египетская революция 2011г. Структурно-демографический анализ. «Полис». Экстратект. 2011. Выпуск 1. (Korotayev A.V., Zinkina Y.V. Egyptian Revolution 2011: Structural and demographic analysis. "Policy". Extract. 2011. Issue 1).

[15] Ҳасанов А. Мисрда "Ихвон муслимин"нинг ҳокимият тепасига келиши ва қулаши // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: ТошДШИ, 2015. - Б. 10-11. (Hasanov A. The rise and fall of the Muslim Brotherhood in Egypt // Historical processes in the countries of the Far East and the current problems of their study. Proceedings of the scientific-practical conference. - T.: TSIOS, 2015. - P. 10-11).

[16] Муҳаммадсидиқов М.М. Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири: сиё. фан. док. (DSc) дисс. –Тошкент, ТДШИ, 2018. –Б. 159. ((Muhammadsidiqov M.M. The politicization of religion in African Arab states and its impact on political processes. –T., TSIOS, 2018. –P. 159).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Беҳзод Исабеков,**
Миллий археология маркази
кичик илмий ходими

## СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

**For citation:** Behzod Isabekov, COMMENTS ON THE MONUMENT TO SUYURLITEPA. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.108-112

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-14

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида янги топилган шаҳар ёдгорлиги–Суюрлитепада олиб борилган археологик тадқиқотлар, шаҳарнинг пайдо бўлиши масаласи, ички тузилиши ҳамда унинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни қазишмалар жараёнида олинган бой ашёвий материаллар асосида таҳлил қилинади. Суюрлитепа ёдгорлигини ўрганиш натижасида Шаҳарнинг шимолий-шарқ томонида жойлаган диний-ибодат маркази – Вағнзе мулки ўрганилди. Ёдгорликнинг тарихий топографиясига кўра сўнгги антик ва илк ўрта асрлар даврида қадимги Илоқ воҳаси аҳолисининг бутун Ўрта Осиё ва қадимги Шарқ минтақаси ижтимоий-маданий ҳаётида ўзига хос ўрин тутганлигини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** Чоч, Илоқ, Суюрлитепа, арк, шаҳристон, вағнзе, Буюк Ипак йўли, Тошкент археология экспедицияси, тарихий топография, стратиграфия.

---

**Бехзод Исабеков,**
младший научный сотрудник
Национального археологического центра

## КОММЕНТАРИИ К ПАМЯТНИКУ СУЮРЛИТЕПА

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье даётся оценка и проводится анализ археологических исследований в Суюрлитепе, новом найденном городском памятнике, в Ахангаронском районе Ташкентской области, происхождении города, его внутренней структуре и его роли в социально-экономической жизни региона на основе богатого материала, полученного при раскопках. В результате изучения памятника Суюрлитепа было изучено имущество Вагнзе, религиозно-культового центра, расположенного на северо-востоке города. Согласно исторической топографии памятника, он показывает, что в период последней античности и раннего средневековья население древнего оазиса Илак играло особую роль в социокультурной жизни всей Средней Азии и Древнего Востока.

**Ключевые слова:** Чач, Илак, Суюрлитепе, арк, шахристан, храм, Великий Шелковый путь, Ташкентская археологическая экспедиция, историческая топография, стратиграфия.

---

**Behzod Isabekov,**
National Archaeological Center
junior researcher

**COMMENTS ON THE MONUMENT TO SUYURLITEPA**

**ABSTRACT**

This article discusses archaeological research in Suyurlitepe, a new urban monument found in the Akhangaron district of Tashkent region, the origin of the city, its internal structure and its role in the socio-economic life of the region based on the rich material obtained during excavations. As a result of the study of the Suyurlitepa monument, the property of Vagnze, a religious and cult center located in the north-east of the city, was studied. According to the historical topography of the monument, it shows that in the period of late antiquity and the early Middle Ages, the population of the ancient Ilak oasis played a special role in the socio-cultural life of all of Central Asia and the Ancient East.

**Index Terms:** Chach, Ilak, Suyurlitepe, ark, shahristan, temple, Great Silk Road, Tashkent archaeological expedition, historical topography, stratigraphy.

---

**1.Долзарблиги:**

Бугунги кунда давлатимиз тамонидан маънавиятимиз илдизларини ўрганиш ва уни илмий жиҳатдан тадқиқ этишга давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралмоқда. Ижтимоий ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар илм-фан хусусан, тарих ва археология йўналишларида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Бир неча йилдан бери Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида мавсумий археологик экспедициялар ўтказиб келинмоқда. Ушбу экспедициялар ТДПУ Тарих факультети археологик дала амалиёти режасига кўра ташкил этилиб унда талабалар ва турдош олий ўқув юртларининг соҳага оид мутахассислари яқиндан ҳамкорлик қиладилар. Ўтган давр мобайнида дала тадқиқотлари жараёнида Ўзбекистон тарихининг турли даврларига оид бой археологик материаллар тўпланди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Тарих факультети қошида республикамиздаги олий ўқув юртларида ягона бўлган археологик ўқув музейи ташкил қилинди. Музей йилдан йилга ноёб тарихий артефактлар билан бойитиб борилмоқда.

**2.Методлар ва ўрганилган даражаси:**

2018 йилда Тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган ва бажарилиши 2019-2020 йилларга мўлжалланган мақсадли инновацион тадқиқотлар танловига 2 та илмий лойиҳа таклиф этди. Улардан бири “Археологик объект – “Эртош Дўлана” ёдгорлигини тадқиқ этиш ўзбек халқининг этногенез тарихини ўрганишда бирламчи манба” мавзусидаги инновацион лойиҳа эди.

Танловга тақдим этилган мазкур инновацион лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ғолиб деб топилиб тегишли сертификатлар тақдим этилди ва лойиҳани амалга ошириш учун зарурий молиявий маблағлар ажратилди.

Лойиҳа доирасида 2020 йилнинг июл-август ойларида академик Аҳмадали Асқаров илмий раҳбарлигида Низомий номидаги ТДПУ, ЎзФА Тарих институти ва Ўзбекистон Республикаси Археология миллий маркази ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида жойлашган Суюрлитепа ёдгорлигида стационар археологик дала тадқиқот ишлари ўтказилди.

Суюрлитепа ёдгорлиги Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида, Қурама тоғларининг шимолий этагида, бугунги Санам қишлоғидан 2 км шарқда Олмалиқ шаҳрини Ангрен шаҳри билан боғловчи автомобил йўли ёқасида жойлашган.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ўтган асрнинг 60-йиллари охирида академик Я.Ғ.Ғуломов ташаббуси билан Тошкент воҳасини илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадида Тошкент археология экспедицияси ташкил қилинган эди. Ўтган давр мобайнида экспедиция ходимлари томонидан Чоч ва Илоқ воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даврига оид бой материаллар тўпланди, элликга яқин катта-кичик шаҳар ёдгорликлари очиб ўрганилди. Қанқа (Шарқия), Тункат, Кавардон, Мингўрик, Хонободтепа, Қовунчитепа, Киндиктепа, Банокат (Шохруҳия), Югайтепа, Улкан Тўйтепа, Оқотатепа, Имлоқ, Бинкат, Тўрткултепа, Кулота, Қирқжангчи, Қулоқлитепа, Чинозтепа, Шаматепа, Нўғойтепа, Ошхонатепа, Тўғайтепа, Майтепа, Оққўрғон, Тошкент Юнусобод Оқтепаси, Шаушукумтепа, Мозортепа 2 шулар жумласидандир [1]. Аммо Суюрлитепа ёдгорлиги йиллар давомида тадқиқотчилар эътиборидан четдаги сирли ёдгорик сифатида қолиб келди. Ушбу ёдгорлик ҳақида тўлиқроқ маълумотни на Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ва на Тошкент вилоятининг қадимги ва ўрта асрлар даврини ўрганган тадқиқотчиларнинг асарларидан топасиз. Тошкент воҳасини археологик жиҳатдан ўрганиш ишига энг кўп хисса қўшган машҳур археолог, академик Ю.Ф.Буряков асарларида ҳам Суюрлитепа ўрта аср шаҳар ёдгорликлари қаторида санаб ўтиб кетилган холос [2].

Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳри ва вилоятининг тарихий-археологик харитаси ва туристик зиёратгоҳлари каталог-албомларида ҳам ушбу ёдгорлик ҳақида тўлиқ бўлмаган чалкаш маълумотлар берилган [3]. Шаҳарнинг номи ҳам турли адабиётларда турлича (Мунчоқтепа, Савилтепа, Суйритепа, Суяртепа) ёзилган.

Илмий жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаган ушбу шаҳар ёдгорлигининг ёши, ўзлаштириш босқичлари, шаҳарда ҳаётнинг равнақи ва таназзули сабабларини аниқлаш ушбу экспедициянинг асосий мақсади этиб белгиланди.

**3.Татқиқот натижалари:**

Ёдгорликга визуал назар ташласангиз, бир қарашдан шаҳарнинг нақадар улкан ва маҳобатли эканлигига гувох бўлишингиз мумкин. Таъкидлаш лозимки, Тошкент воҳасидан топилган шаҳар типидаги ёдгорликларининг умумий майдони асосан ўртача 10-20 гектарни ташкил этади [4]. Суюрлитепа шаҳрининг умумий майдони 100 гектардан ошиқ бўлиб, ҳудудининг катталиги жиҳатидан Тошкент воҳасининг Қанқа (Харашкет, Шарқия) (160 га) ва Тункат (120 га) шаҳарларидан кейинги учинчи ёдгорлигидир.

Экспедициянинг олдига қўйиган биринчи асосий вазифа ёдгорликнинг тарихий топографиясини аниқлаш бўлса, иккинчиси шаҳарнинг стратигирафиясини ўрганиш бўлди. Тарихий топография деганда, ёдгорликнинг қайси қисмида нима жойлашган ва улар қайси объектлардан иборатлиги тушунилади. Одатда археология фанида шаҳар ҳақида сўз юритилганда асосан учта омил эътиборга олинади. Биринчиси, арк (арки аъло, цитадель, қўхандиз) – шаҳарнинг ҳукмдор турган марказий қисми, иккинчиси, арк атрофини ўраб олувчи хунармандлар маҳалласи – шаҳристон, учинчиси шаҳарнинг ташқи қисми – работ. Биз ўрганаётган Суюрлитепа ёдгорлигида қадимги ва ўрта аср шаҳарларига хос бўлган мана шу учта бош омил жой рельефида яққол намоён бўлади.

Ёдгорликнинг стратиграфияси деганда ушбу ёдгорлик аждодларимиз томонидан қачондан ўзлаштирила бошланди, яъни аҳоли қачондан шу ҳудудга келиб жойлашди ва нима мақсадда ўзлаштирила бошланган деган масалаларга аниқлик киритиш тушунилади.

Биз ўрганаётган объектнинг марказий қисмида шаҳарнинг арки жойлашган. Унинг майдони 2,5 гектардан иборат. Аркнинг атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Мудофаа деворларининг қолдиқлари бугунги кунда шаҳристондан яққол ажралиб турувчи тепалик шаклида сақланиб қолган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги аркнинг хар тўртта томонида мустаҳкам квадрат шаклдаги буржларнинг қўриқлаш миноралари ўрни янада баландроқ тепалик шаклида ажралиб туради. Цатадел (қўхандиз) атрофларини тўрт томондан ўраб олган хунармандлар маҳаллаларини биз шартли равишда тўртга бўлиб қуйидагича номладик: Аркнинг Оҳангарон дарёсининг водийси томонидаги шимолий қисмини шаҳристон-1, кун чиқиш – шарқ томонини шаҳристон-2, Қурама тоғлари адирларига туташувчи жанубий томонини шаҳристон-3 ва кунботар – ғарб томонини шаҳристон-4 деб

белгиладик. Шаҳарнинг шимолий-шарқ томонидаги бурчагида шаҳарнинг диний-ибодат маркази – Вағнзе жойлашган бўлиб, унинг қолдиқлари бугунги кунда ён атрофдан сезиларли даражада баланд тепалик кўринишида сақланиб қолган. Ибодатхонанинг барпо этилган даври ҳақида хозирча аниқ хулоса бериш қийин. Чунки унинг қуйи маданий қатламларигача қазиб очиб ўрганилмаган. 2012-2013 йилларда академик А.Асқаров илмий раҳбарлигида ибодатхонанинг энг юқори қисмида археологик тадқиқотлар олиб борилган. Қазишмалар жараёнида олинган материаллар ибодатхонанинг юқори маданий қатламлари милодий VII-VIII асрларга оидлигини кўрсатган. 2020 йилги мавсумдаги тадқиқот ишлари шаҳарнинг кўхандиз қисмида олиб борилди. Шаҳарнинг ёшини аниқлаш мақсадида кўхандизнинг шимолий-ғарбий бурчагида кенглиги 5 метр, узунлиги 50 метрлик стратиграфик шурф – траншея қазилди. Қазишмалар жараёни шуни кўрсатдики, шаҳарнинг цитадель қисми баландлиги 6 метрлик табиий тепалик устига қурилган бўлиб, бу арки-аълонинг аввал бошдан мудофаа тизими пухта ўйланган режа асосида барпо этилганлигини кўрсатади. Қазишмалар юқоридан пастга томон қатлам-қатлам очиб ўрганиш услубида олиб борилди. Топилган материаллар ёдгорликнинг кўп қатламли эканлигини кўрсатиб, унинг юқори маданий қатламлари XI-XII асрларга, энг қуйи маданий қатламлари эса илк ўрта асрлар даври (III-IV асрлар)га оидлигини кўрсатди. 300 дан ортиқ намунадаги сопол идишлар ишланиш услуби ва техникаси жаҳатидан рангбаранг бўлиб, ушбу артефактлар ўз навбатида шаҳар аҳолисининг моддий хўжалик тарзи ва маданий ҳаёти ҳақида батафсил маълумотлар беради. Арки-аълонинг бутун шимолий-ғарбий бурчаги тўлиқ очиб ўрганилди. Ғарбдан шарққа томон 15 метр, шимолдан жанубга томон 18 метр ўлчамдаги ҳудудда олиб борилган стационар қазишмалар жуда бой археологик материалларни юзага чиқарди. Биз очиб ўрганган майдон шаҳар ҳаётининг сўнгги даврига оид курилишларнинг излари эканлигини кўрсатди. Қазишмалар жараёнида аркнинг ҳимоя буржи (минораси) ва унга тегишли кенглиги 1,5 метрлик мудофаа деворлари ва йўлаклар, ҳарбий-мудофаа характеридаги бир неча хоналар, қурол аслаҳа хоналари (каземат), ҳарбий казарма, қоравулхона ва хўжалик мақсадларида фойдаланилган хоналар, ошхона ўчоқларининг қолдиқлари очиб ўрганилди. Мудофаачилар учун мўлжалланган катта ҳажмдаги ғалла ва озиқ-овқат махсулотлари сақланадиган бир неча ўраларнинг топилиши биз ўрганаётган пунктнинг мудофаа характеридаги қурилишлар қолдиғи эканлигини яққол намоён этади. Ушбу қатламдан, нақшли турли хил рангдаги сирланган сопол идишлар ва нозик шиша буюмлари намуналарининг топилиши, шаҳар аҳолисининг юксак моддий маданиятидан далолат беради.

**4.Хулосалар:**

Тадқиқотлар жараёни шуни кўрсатмоқдаки, Суюрлитепа шаҳар ёдгорлиги Тошкент воҳасидан топиб ўрганилган ёдгорликлар ичида ўз тарихий аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда ноёб ёдгорликдир. Шаҳарнинг тарихий топографияси сўнгги антик ва илк ўрта асрлар даврида қадимги Илоқ воҳаси аҳолисининг бутун Ўрта Осиё ва қадимги Шарқ минтақаси ижтимоий-маданий ҳаётида ўзига хос ўрин тутганлигини кўрсатади.

Суюрлитепа шаҳри қадимда шарқ билан ғарбни ўзаро боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг Фарғона водийсидан Тошкент воҳасига ўтиш учун энг қулай ва яқин йўл ҳисобланган Кандир довонидан кейинги биринчи шаҳар ҳисобланади. Хитой, Шарқий Туркистон ва Фарғона водийсидан келган савдо карвонларининг биринчи дам олиш, савдо айирбошлаш манзили сифатида Суюрлитепа ўз мавқеи жиҳатидан муҳим стратегик ҳамда сиёсий-иқтисодий аҳамиятга молик шаҳар вазифасини ўтаган. Бундан ташқари қадимдан фойдали қазилмаларга бой Қурама тоғлари Илоқ воҳасида тоғ-кон металлургияси ва ҳунармандчилиги тараққий қилган минтақалардан бири бўлган. Бу эса Суюрлитепанинг ушбу ҳududнинг муҳим ҳарбий-сиёсий ва маъмурий, савдо-хунармандчилик маркази бўлишига замин асос бўлган.

Суюрлитепа ёдгорлигида 2020 йилги мавсумда олиб борилган қазишмалар бамисоли денгиздан бир томчи. Шаҳарнинг юқорида биз тилга олган вағнзе (бош ибодатхона), 4 та шаҳристон ва кўхандиз қисмининг қолган ҳудудлари очиб ўрганилишини кутмоқда. Бундан

ташқари шаҳристоннинг турли қисмларида тарихий функцияси ҳали тўлиқ аниқланмаган ўнлаб тепаликлар мавжуд. Шу жиҳатдан олиб қараганда Суюрлитепа ўтмиш тарихимизнинг бизга ҳали номаълум бўлган юзлаб сир-синоатларини ўз бағрида сақлаб келаётган, тарихий-илмий аҳамияти жиҳатидан қадимги Бухоро, Афросиёб ва Ахсикент сингари юртимиздаги ноёб ёдгорликлардан биридир.

**Иқтибослар/ Сноски/ References:**


[1] Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкенткого оазиса. –Т.: “Фан”. 1975. С. 13. Рис.1. (Buryakov Yu.F. Historical topography of the ancient cities of the Tashkent oasis. –T.: "Fan". 1975, p. 13 Fig. 1.)

[2] Буряков Ю.Ф и др. Археологические памятники Ташкентской области. –Т.: “Фан”. 1973. С. 90., Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкенткого оазиса. –Т.: “Фан”. 1975. С. 114-115. (Buryakov Yu.F. and other Archaeological sites of the Tashkent region. –T.: "Fan". 1973.S. 90., Buryakov Yu.F. Historical topography of the ancient cities of the Tashkent oasis. –T.: "Fan". 1975.-P. 114-115.)

[3] Атрофлари Тошкент бўйлаб. Тошкент бош плани лойиҳалаш ва илмий тадқиқот институти. –Т.: 2012. 49 б. (Around Tashkent. Tashkent Design and Research Institute of the Master Plan. –T.: 2012. 49 p.)

[4] Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры ташкентского оазиса. –Т.: “Фан”. 1982. С. 60. Таблица 2. (Buryakov Yu.F. Genesis and stages of development of the urban culture of the Tashkent oasis. –T.: "Fan". 1982.S. 60.Table 2.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Дилфуза Исмоилова,**
тарих фанлари номзоди, доцент
Навоий давлат кончилик институти,
dilfuzaismoilova72@mail.ru.
**Нор Бердиев,**
катта ўқитувчи,
Навоий давлат кончилик институти.
berdiyev@mail.ru

# XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН

**For citation:** Dilfuza Ismoilova, Nor Berdiyev, FROM THE HISTORY OF MINING AND METALLURGY OF THE TURKESTAN REGION AT THE END OF XIX - BEGINNING OF XX CENTURIES. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.113-120

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-15

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида кончилик ва металлургия соҳасида амалга оширилган ишлар ёритилган. Бу даврда ўлкамизнинг Россия империяси протекторатига айлантирилиши оқибатида империядан турли тоифадаги фуқаролар, олимлар, саноатчилар, тадбиркорларнинг кириб келиши ва улар томонидан ер ости ва усти қазилма бойликларини ўрганиш масалалари, Марказий Осиё қазилма бойликларидан саноат усулида фойдаланиш учун амалга оширган фаолиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, Туркистон, кончилик, металлургия, Россия империяси, протекторат, империя, қазилма бойликлар.

---

**Дилфуза Исмоилова,**
Кандидат исторических наук, доцент,
Навоийский государственный горный институт,
dilfuzaismoilova72@mail.ru
**Нор Бердиев,**
Старший преподаватель,
Навоийский государственный горный институт
berdiyev@mail.ru

# ИЗ ИСТОРИИ ГОРНОГО ДЕЛА И МЕТАЛЛУРГИИ ТУРКЕСТАНСКОГО КРАЯ В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX вв.

**АННОТАЦИЯ**

В статье описываются работы, проделанные в горно-металлургической сфере Туркестана в конце XIX - начале XX веков. В этот период, в результате превращения нашего края протекторатом России, из Российской империи прибыли разные категории людей, ученые, промышленники, предприниматели, которые изучали природные богатство края.

**Ключевые слова:** Средняя Азия, Туркестан, горное дело, металлургия, Российская империя, протекторат, империя, полезные ископаемые.

---

**Dilfuza Ismoilova,**
Candidate of historical sciences,
associate professor**,**
Navoi State Mining Institute,
dilfuzaismoilova72@mail.ru
**Nor Berdiyev.**
Navoi State Mining Institute,
senior teacher. berdiyev@mail.ru

## FROM THE HISTORY OF MINING AND METALLURGY OF THE TURKESTAN REGION AT THE END OF XIX - BEGINNING OF XX CENTURIES

**ABSTRACT**

The article describes the work done in the field of mining and metallurgy in Turkestan in the late XIX - early XX centuries.During this period, as a result of the transformation of our country into a Russian protectorate, various types of citizens, scientists, industrialists, entrepreneurs came from the Russian Empire and studied their underground and surface mineral resources.

**Index Terms:** Central Asia, Turkestan, mining, metallurgy, Russian Empire, protectorate, empire, mineral resources.

---

### 1. Долзарблиги:

Бухоро амирлиги ҳудудларида фойдали қазилма бойликларини шу жумладан, қимматбаҳо металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ўзининг қадимий тарихига эга бўлиб ҳисобланади. Бухоро амирлигидаXVII асрдан бошлаб ва XX аср бошларигача бўлган даврда кончилик ишлари, амалий ва бадиий ҳунармандчиликнинг тараққиётининг турли босқичларида қазилма бойликларини кавлаб олиш ва уларни қайта ишлаш соҳасига оид тарихий манбалар таҳлил қилинганда ушбу мавзунинг кам ўрганилганлигини кўрамиз. Ватан тарихидаги ушбу бўшлиқ қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади. Кончилик ишлари ва қимматбаҳо металлар, бошқа қазилма бойликларини қайта ишлаш тўғрисидаги маълумотлар илмий адабиётларда етарли даражада батафсил ёритилмаган. Тадқиқотлар кам сонли манбалар, асосан ўрта асрларга доир бўлган баъзи ёзма манбаларининг ва археология қидирувлари натижасида олинган маълумотлари билан чекланилишини кўриш мумкин. Нумизматика, филология, география йўналишларидаги ва бошқа манбаларнинг катта ҳажмдаги маълумотлари тадқиқотчиларнинг диққат марказидан четда қолди. Бизнинг қарашимизча, Бухоро амирлиги ҳудудларида кончилик ишлари, фойдали қазилма бойликларини қайта ишланиши тарихи Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг ўлкадаги фойдали минерал қазилма бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш уч йўналишда: фойдали қазилмаларни саноат усулида қазиб олишни йўлга қўйишга ҳаракат қилаётган расмий доиралар, саноатчилар ва муҳандисларнинг манфаатларига мос статистик ўрганиш йўли билан, олим-

тарихчилар, этнографлар, геологлар ва ўлкашунослар томонидан олиб борилган тадқиқиқотлар орқали амалга оширилди.

Октябрь тўнтаришига қадар бўлган даврада Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларидаги аҳоли манзилларида олтин, кумуш конлари ва бошқа қазилма бойликлари, уларни қазиб олиш технологияси ҳамда қайта ишлаш соҳасидаги ҳунармандлар тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплашда рус амалдорлари, офицерлари, ўлкашунослар ва билимга қизиқувчи кишилар томонидан олиб борилди. Масалан, чор амалдори Салиҳ Бекчурин 1866 йилда Хўжанд шаҳрида бўлганида ушбу ҳудуда мавжуд бўлган темир, олтин, кумуш, феруза ва тошкўмир каби қазилма бойликлар тўғрисида ёзади.[1]

1867-1875 йилларда Хўжанд уезди бошлиғи бўлган А.А. Кушакевич фойдали қазилмаларнинг бой конлари жумладан қайд қилиб олтин, кумушни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган дўконлар, устахоналар, ҳунармандчилик тармоқлари ва корхоналари тўғрисида статистик маълумотлар беради.[2]

Капитан Гребенкин А.Д. Самарқанд ва Зарафшон округи аҳолисининг ҳунармандчилиги ва корхоналарини таърифлар экан, темирчилик, заргарлик, кумуш ва мисгарлик устахоналари тўғрисида маълумотларни келтиради.[3]

Рус муаллифлари И.П. Минаев, А.Ф. Костенко, Д.Н. Логофет ва А.П. Шишовнинг Ўрта Осиёнинг олтин конлари ва бошқа фойдали қазилма конларининг жойлашув ўринлари тавсифлаб берилган китоблари чоп этилди.[4] Полковник Д.Н. Логофет Бухоро амирлиги ҳудудларида илгари олтин, кумуш, темир, ва мис қазиб олинган кўплаб жойларни қайд қилиб, Россия протекторатлиги даврида эса аҳоли кончилик соҳасидаги ишларни камайтириб, фойдали қазилма конларини кам миқдорда ўзлаштириш билан чекланганини кўрсатиб ўтади. Аср бошларида Ўрта Осиёда фойдали қазилмалар қазиб олишни ўрганишнинг тарихий-геологик аспектлари А.Ф. Губаревич-Радобилский, муҳандислар Л.Михайлов, Д.В. Наливкин[5] асарларида ёритиб берилди.Шу даврда ўлкамизнинг фойдали қазилмаларни қазиб олинишини ўрганиш жараёнига геолог-олимлар қўшилдилар. Ўрта Осиёда кончилик ишларининг тадқиқотчиси И.В. Мушкетов 1886 йилда, муҳандис В.И. Вебер 1913 йилда фойдали қазилма конларининг, шу жумладан, қадимги кончилик излари ҳақида маълумот берадилар.[6] XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг даврий нашрларида ҳудудлардаги фойдали қазилма бойликлари тўғрисида мақолалар ва ёзишмалар пайдо бўлди.

Туркистон ўлкасида фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг тарихий-археологик жиҳатдан ўрганишда октябрь тўнтаришидан кейинги даврда олимлардан М.Е. Массон, П.П. Иванов шунингдек, М.И. Бубнова, академик археолог, шарқшунос Ю.Ф. Буряков, геолог О.И. Исломов ва бошқалар жуда катта ҳисса қўшдилар. Улар фойдали қазилма конларининг кашф қилиниши, ўзлаштирилиши ва қазиб олиниши тарихи масалаларини ўз асарларида ёритиб ўтдилар. М.Е. Массон ёзма манбаларга асосланиб XVI -XIX асрларда олтин, кумуш, қўрғошин, мис, темир ва симоб қазиб олишдаги кончилик ишлаб чиқаришини, Илоқ тоғларидаги Қорамозорнинг олтин ва кумуш конлари билан машҳур эканлигини қайд қилиб ўтади.[7] М.Е. Массон Ўрта Осиёда кончилик тарихини ўрганишда олимлар учун зарур бўлган ёзма манбалар мавжуд эмаслигини таъкидлайди.[8]

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги даврда кончилик ишлаб чиқариши соҳасининг ривожланиши турли босқичларининг тарихини ўрганишга бағишланган салмоқли ишлар амалга оширилиб, кўплаб илмий ишлар, китоблар, мақолалар чоп этилди. Бугунги кунда ҳам ўлкамизнинг фойдали қазилма бойликларининг ўзлаштирилиши тарихини ўрганиш доирасида ҳам илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

**3. Тадқиқот натижалари:**

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида кон-металлургия саноати ўзига хос, мураккаб ва зиддиятли, тўлқинсимон ўзгаришлардан иборат жараёнлардан ўтди.

Архив материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, XIX аср охири- XX аср бошларида нафақат Россия фуқаролари, балки чет эл мутахассислари ҳам Туркистон ўлкасидаги табиий бойликларни ўрганиш ва ўзлаштиришга қизиқиш билдириб Россия ҳукуматига мурожаат қилганлар. Шулардан Э.И.Миллер (нефт), кумуш ва қўрғошин П.Ф.Фосс, симоб М.А. Грец, олтин П.А.Шошш, темир А.А.Пандер, оҳактош ва озекерит К.Р. Парлаумер, кварцқум Н.Д.День, олтингугурт М.Ф.Лацинг, феруза И.Шпенист, маъданли шифобахш сувлар Г.Терех, С.Шмидт каби немис мутахассислари томонидан ўрганилган.[9] Масалан, В.Н. Вебер ва И. Краузелар XIX аср 90-йилларида Фарғона водийсидаги тошкўмир, нефть, ош тузи, тоғ муми - озекерит конларини аниқлаш ва ўрганиш билан шуғулланган.

Туркистонда 1908 йил ош тузи қазиб олиш 3 млн пуд, 1911 йилда 3,8 млн пуд, 1915 йилда 4,7 млн пудни ташкил этган бўлса, бу соҳада 1915 йида 2,5 мингта доимий ишчи, 60 га яқин ходимлар, 5,2 минг мавсумий ишчилар ишлаганлар. Фарғона вилоятининг Андижон, Наманган уездларида "Люборот" ширкати ташкил қилиниб, озекерит қазиб олиш билан шуғулланган. "Люборот" ширкатининг 150 та акцияси Германия фуқароси Г.Г. Раупертга тегишли эди.[10]

Фарғона водийси иқтисодий ҳаётида XIX аср охири-XX аср бошларида нефть конлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Водийда Чимён, Андижон, Полвонтош, Жанубий Оламушук, Мойлисув, Чанғиртош, Чим, Нефтобод нефть конлари асосан XIX аср охири- XX аср бошларида шаклланиб ишга туширилган. Бу ҳақда "Туркистон тўплами"да Фарғона водийси нефть конларининг очилиши билан боғлиқ юзлаб материаллар чоп қилинган. Нефтдан маҳаллий аҳоли ёнилғи, ҳар хил яраларга суркаладиган малҳам ва ҳарбий мақсадларда фойдаланган.

Чимён, Мойбулоқ нефть конларидан келтирилган нефтдан керосин олишга эътибор қаратилган бўлиб, тўқувчилар томонидан Марғилонда

"Нафти бекасам", "Қора нафти", "Чимён нафти" каби матолар тўқилиб, улар сарой аъёнлари олдида ҳам машҳур бўлган. Нефтни ер остига зинапоя қилиб қазиш услуби кенг тарқалган. Россия тадбиркорлари келгандан кейин эса буғ энергияси ёрдамида қудуқ ковлаш йўли билан қазиб олинган. 1904 йилда Чимён нефть конидан буғ энергияси ёрдамида 278 метрлик қудуқ ковланган. Шу қудуқдан кунига 130 тонна нефть олинган.[11]

Фарғона водийсидаги Қизилқия, Сулукта, Шўроб, Тошкўмир, Кўкёнғоқ каби конлардан қўнғир кўмир, рангли металлар қазиб олинган бўлса, уни қайта ишлаш Андижон, Қўқон, Фарғона, Қувасойдаги корхоналарда амалга оширилган.

Муҳаммад Солиҳ "Тарихи жадидайи Тошканд" асарида (XIX аср) Тошкент воҳасидаги Хўжа Муродбахш, Жата ва Мўғул, Идрис тоғлари, Кабутари кумуш тоғлари, Қурама тоғ тизмаларида туз, темир, қўрғошин, мис, олтингугурт, нефть, олтин, кумуш, ёқутнинг бир неча хили, қимматбаҳо тошлар, қора мармар ва бошқа конлар борлиги ҳамда баъзи конлардан фойдаланилаётганлигини ёзган. "Фойдали қазилмаларнинг конларида илгари металл эритадиган ўчоқлар ва устахоналар бўлган. Уларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам сақланиб қолган... Фаррак (Чирчиқ) дарёси бўйлаб, ҳар ер-ҳар ерда олтин қидирувчилар қумни ювиб олтин оладилар... Зарталош деган жойда заргарлик устахоналарининг харобалари ҳозир ҳам бор[12] - деб ёзганди М. Солиҳ.

Англия тоғ-кон синдикати вакили А. Нобель Туркистонга мис конлари ҳақида маълумот тўплаш, имкони бўлса, бир неча рухсатномани қўлга киритиш мақсадида келган. У "Туркестанские ведомости" газетаси мухбири билан ўзаро мулоқотда: "Ўлкада мис конлари яхши тадқиқ этилмаганлиги ва руслар инглизларнинг ўлкадаги барча табиий бойликларни қўлга киритишидан қалтирашини" алоҳида таъкидлайди.[13] А. Нобель синдикат даромадининг 80 фоизини Россия империясида ишчиларга сарфлаган.

1901 йилда кон инженери Журавко-Покорскийнинг олтин ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Помир олтин саноатчилари жамияти» ташкил этилди. Аср бошларида рус саноатчиларининг "Помир олтин саноатчилари жамияти" олтин қазиб олишни саноат усулида йўлга қўйишга ҳаракат қилгани, Дарвоз ва Кўлоб бекликларида 15 дан ошиқ истиқболли конларни шу жумладан олтинга бой кварцли конларни кашф этишгани, ҳар юз

пуд рудада 4 мисқолдан 34 мисқолгача олтин мавжудлиги аниқлангани Туркистон кончилик округининг Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатларида акс этган. [14] Аммо, “Помир олтин саноатчилари жамияти”нинг олтин саноатини замонавий асосда ташкил этиш ишларида анча қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиб, кўзга кўринарли натижаларни қўлга кирита олмаган. Унга сабаб ушбу ҳудудда жамиятга дастлабки ажратилган кредит миқдори кўзда тутилган ишларни тез йўлга қўйишга имконият бермаган. 1915 йилда Туркистон кончилик округи кон инженери С. Леонов Туркистон генерал- губернатори номига тайёрлаган “Россиянинг Туркистондаги мулкларида олтин харид қилиш тўғрисида” ҳисоботида бу соҳадаги фаолиятни ривожлантиришнинг асосий муаммоларига тўхталиб ўтган. Туркистонда, жумладан, Бухоро амирлигида йилига юз пудлаб олтин қазиб олиниши, унинг асосий қисми Россия хазинасини четлаб, Қошғар, Афғонистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга яширинча сотилишини, бунинг олдини олиш ва Россиянинг ғазнасига қўшимча даромад тушиши учун Туркистонда хуфиёна олтин ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганларнинг фаолиятини қонуний қилиш ҳамда улар қазиб олаётган олтинни адолатли нархларда ҳукумат томонидан сотиб олинишини йўлга қўйишни таклиф этади.

Ўлка табиий заҳира бойликларини ўрганиш анча олдин XVIII- XIX асрларда бошланган бўлса-да, 1867 йилда Туркистон генерал – губернаторлиги ташкил этилиб, ўлкамиз Россия империясига бўйсундирилгандан сўнг, бу соҳадаги ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузурида Туркистон кон округи ва унинг раҳбари-кон инженери лавозими таъсис этилган. Бу органнинг ва унинг раҳбарининг асосий вазифаси Туркистон ўлкасида ва Россия империясига қарам бўлган ҳудудларда геологик – қидирув ишларини ташкил этиш, назорат қилиш, қазилма кон бойликларининг ўзлаштирилиши учун империя доирасида фаолият кўрсатувчи саноатчиларга хусусий тартибда иш олиб боришлари учун тегишли хулосалар бериш ва бошқа ваколатлар берилган эди. Кон ишлари округи ва унинг турли даврлардаги раҳбарлари ўлкадаги ер ости қазилма бойликларини қидириб топиш ва ўзлаштиришга раҳбарлик қилдилар. Ўлкада қазилма кон бойликларининг ўзлаштиришга қизиқиш 1899 йилдан кейин кучайганлигини кон инженери номига ариза билан мурожаат қилувчилар сони кўпайганлигини қуйидаги рақамларда кўриш мумкин:

- 1899 йилда 112 киши мурожаат қилган, улардан 40 кишига рухсат гувоҳномалари берилган;
- 1900 йилда 160 киши мурожаат қилган, 97 кишига рухсат гувоҳномалари берилган;
- 1901 йилда 192 киши мурожаат қилган, 88 кишига рухсат гувоҳномалари берилган;
- 1904 йилда 200 киши мурожаат қилган, 26 кишига рухсат гувоҳномалари берилган.[15]

Мустамлакачилар томонидан ўлкадаги ер ости бойликларининг тезроқ ўзлаштириш мақсадида, бу иш билан шуғулланаётган шахсларга давлат банклари орқали маблағлар ҳам ажратилган. Масалан, кончилик инженери Д. К. Мишенков ер ости бойликларини қазиб олиш учун зарур бўлган ускуналар учун давлат банкидан олган ссудани кафолатлаш учун ўзига тегишли бўлган Тошкент уезди Ҳожикент қишлоғи яқинидаги мис ва тошкўмир конларини, шунингдек, Бурчмулла қишлоғи яқинидаги мис – қалай конларига тегишли ҳужжатларни банкка топширади. Давлат банки бўлими, Туркистон кон округи кон инженерига ушбу ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва Д. К. Мишенковнинг олиб бораётган кон саноати ишларининг аҳволи ҳақида сўров киритган.[16]

Туркистонда темир йўлнинг ўтказилиши натижасида ўлкада кон – қидирув ишларига янада катта эътибор қаратилиб, транспорт, саноат эҳтиёжларини қондириш учун тошкўмир, нефть конлари кенг ҳудудлар бўйлаб ўрганилиб, ўзлаштирила бошланади. Туркистондаги қазилма бойликлар конларининг ўзлаштирилишига, ҳатто Россия империясининг Зироатчилик ва давлат мулклари вазирлиги ҳам аралашиб, ўзларига яқин кишиларга конларни ажратиш учун Туркистон генерал – губернаторига маълум бир тавсиялар берадилар. Масалан, 1898 йил савдогар Петровга тегишли Навката қишлоғи яқинидаги тошкўмир конлари Антон Глазга, 1900 йил 4 августда Хўжанд яқинидаги Кўкинасой тошкўмир кони князь Лобанов – Ростовскийга ҳеч қандай савдосиз ва шартларсиз

берилишини шахсан империя Зироатчилик ва давлат мулклари вазири Ермолов номидан сўралган.[17] Кон эгалари қазилма бойликлар конларининг қай даражада фойда келтиришини ҳамда унинг аҳоли пунктларига яқин жойларда жойлашганлиги, ишчи кучининг етарли даражада бўлиши, транспорт турларининг конларга кириб борадиган манзилларга яқин жойларда эканлигига алоҳида эътибор қилинган. Улар томонидан олиб борилган ишлар натижасида Туркистон ўлкасида кончилик ишларининг саноат даражасида йўлга қўйишга ҳаракат қилинган, бу эса империянинг олтин, нефть, кўмир бошқа шу каби қазилма бойликларга ўсиб келаётган эҳтиёжларини қондириши керак эди. Бу эса ўлкамиздаги қазилма бойликларни империя давлат ғазнасини тўлдиришга, ўлка бойликларини аёвсиз талашига олиб келди.

1917 йилда Туркистонда 1428 та саноат корхонаси бўлиб, улардан 483 таси Фарғонада, 323 таси Сирдарёда, 253 таси Каспийортида, 175 та Самарқандда, 92 таси Бухоро амирлигида, 89 таси Еттисув вилоятида, 13 таси Хива хонлигига қарашли эди.[18] Мавжуд саноат корхонасидан 25 таси нефть ва кўмир конлари, 15 таси металл қуйиш устахоналари бўлган.

## 3. Хулосалар:

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистонда сўнгги йилларда геология ва кончилик саноати соҳасида амалга оширилаётган ишлардан асосий мақсад иқтисодий қудратимизни янада мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир. Шу жиҳатдан кончилик соҳасининг ўтмишини илмий ўрганиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш келажак учун фойдали деб ҳисоблаймиз.
- XIX аср ўрталарида хонликлардаги ички низолар, сиёсий тарқоқлик илм-фан ривожига салбий таъсир кўрсатиб кончилик ишлаб чиқариши соҳасининг ривожланишни таъминлай олмади. Ўлкамизда XIX аср охири - XX аср бошлари мустамлакачилик тузумида кон-геология, фойдали қазилма бойликларини ўрганиш ва қайта ишлаш соҳасида муаййян ишлар амалга оширилган бўлсада, ўша даврда ривожланган мамлакатларда бўлгани каби даражага олиб чиқилмади:
- Ўрганиладиган даврда фойдали қазилма конларини қидириш, ўзлаштириш ва қайта ишлаш асосан метрополия манфаатлари, мустамлака маъмурияти манфаатлари йўлида амалга оширилди;
- Туркистонда кончилик сохасининг ривожланиши маҳаллий аҳолининг иқтисодий – ижтимоий ва маданий тараққиёти учун хизмат килди деб бўлмайди.
- Ўзбекистонда геология, кончилик ишлаб чиқарилиши сохасини рвожлантириш масаласига катта аҳамият берилаётган бир вактда унинг тарихий тараққиёт босқичларини ўрганиш, тегишли хулосалар чиқариш мақсадга мувофиқдир.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Бекчурин М. Наши завования 1866 года в Средней Азии//Записки Ооренбурского отдела Имп. Русского географ. Общ-ва.- Выпуск второй.-Казань. 1871.- С.205. (Bekchurin M. Our bequests of 1866 in Central Asia // Notes of the Oorenbur department of the Imp. Russian geographer. Society-va.- Second edition.-Kazan. 1871.- p. 205.)
2. Кушакевич А.А. Сведения о Ходжентском уезде// Записки Имп. Рус.географ общ-ва.- Т.4.- Спб., 1871.-С.225, 230, 256, 258. (Kushakevich A.A. Information about the Khojent district // Notes of the Imp. Russian geographer society. - T.4.- SPb., 1871.-P.225, 230, 256, 258.)
3. Гребенкин Д.А. Таджики//Русский Туркестан.- Вып.2.- М., 1872.-С.21-28. (Grebenkin D.A. Tajiks // Russian Turkestan .- Issue 2.- M., 1872.-P.21-28.)
4. Золотопромышленность в Туркестанском крае//Русский Туркестан. – Вып. 2. М.,-1872.- С. 183-193; Минаев И.П. Сведения о странах по верховьям Аму-Дарьи. – Спб., 1879. – С. 53; Логофет Д.Н. Страна бесправия. Спб., 1909. –С. 78-82; Костенко Л.Ф.

Туркестанский край. – Спб., 1880.-Т.,3.- С. 182, 183. (Gold mining in the Turkestan region // Russian Turkestan. - Issue. 2.M., - 1872.-S. 183-193; Minaev I.P. Information about the countries along the headwaters of the Amu-Darya. - SPb., 1879 .-- P. 53; D.N. Logofet A country of lawlessness. SPb., 1909. -S. 78-82; Kostenko L.F. Turkestan region. - SPb., 1880.- T., 3.- S. 182, 183.)

5. Губаревич-Радобылский А.Ф. Экономический очерк Бухары и Туниса: Опыт сравнительного исследования двух систем протектората.- Спб., 1905.-С.76; Михайлов Л. Золопромышленность в Бухарском ханстве// Туркестанские ведемости.- 1897. № 49; Наливкин Д.В. Золото Горной Бухары и Памира// Геологический вестник.- 1911.-Т.2.-Вып.1. (Gubarevich-Radobylsky A.F. Economic essay of Bukhara and Tunisia: Experience of a comparative study of two systems of protectorate.- SPb., 1905.-P.76; Mikhailov L. Gold industry in the Bukhara Khanate // Turkestan news. - 1897. No. 49; D.V. Nalivkin Gold of Gornaya Bukhara and Pamir // Geological Bulletin. - 1911.-T.2.-Issue 1.)
6. Мушкетов И.В. Туркестан.-Т.,2.-Спб, 1886; Вебер В.Н., Полезные ископаемые Туркестана.- Спб, 1913; Вебер В.Н. О золотопромышленности в Средней Азии// Рудный вестник.- П., 1916.- №2. (Mushketov I.V. Turkestan.-T., 2.-SPb, 1886; Weber V.N., Mineral resources of Turkestan.- SPb, 1913; Weber V.N. About gold mining in Central Asia // Ore Bulletin.- P., 1916.- №2.)
7. Семенов А.А. История феодальных узбекских ханств с конца 15 до середины 19 вв.// История народов Узбекистана.- Т.2.- Ташкент; АН Уз ССР,1947.- С.97; Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана.- Ташкент: Изд. АН Уз ССР, 1953.-С.28. (Semenov A.A. History of the feudal Uzbek khanates from the late 15th to the middle of the 19th centuries // History of the peoples of Uzbekistan.- Vol. 2.- Tashkent; AN Uz SSR, 1947.- P.97; Masson M.E. To the history of mining on the territory of Uzbekistan.- Tashkent: Publishing house. AN Uz SSR, 1953.-P.28.)
8. Массон М.Е. Из истории горной промышленности Таджикистана. Былая разработка полезных ископаемых. Л., 1934.-С.6. ( Материалы Таджикско-Памирской экспедеции 1933 г.- Вып. 201.) (Masson M.E. From the history of the mining industry of Tajikistan. Former mining. L., 1934.-P.6. (Materials of the Tajik-Pamir expedition of 1933 - Issue 201.)
9. Раҳматиллоев И. Чотқол ва Қурама тоғ конлари.-Т.: VEKTOR-PRESS; 2011.- Б.18. (Rahmatilloev I. Chatkal and Qurama mines.-T .: VECTOR-PRESS; 2011.- P.18.)
10. Собиров Н., Эгамназаров А. Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида немис ишбилармонларининг ҳиссаси (XIX аср охири-XX аср бошлари).-Т., 2011.-Б. 94. (Sobirov N., Egamnazarov A. The contribution of German businessmen in the socio-economic and cultural development of the Fergana Valley (late XIX-early XX centuries) .- T., 2011.-P. 94)
11. Собиров Н., Эгамназаров А. Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида немис ишбилармонларининг ҳиссаси (XIX аср охири-XX аср бошлари).-Т., 2011.-Б.102. (Sobirov N., Egamnazarov A. The contribution of German businessmen in the socio-economic and cultural development of the Fergana Valley (late XIX-early XX centuries) .- T., 2011.-P.102)
12. Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида.-Т.: Фан; 1983.-Б. 54. (Urinbaev A., Buriev O. Tashkent in the description of Muhammad Salih.-T .: Science; 1983.-P. 54.)
13. Иванович С. Англичане в Туркестане// Туркестанские ведомости// ; 1912.-№41; 1914.-№101) (Ivanovich S. Englishmen in Turkestan // Turkestanskie vedomosti //; 1912.-No.41; 1914.-No.101))
14. Қудратов Ш.Ё. Бухоро амирлигида олтин конларини излаб топиш ва уни қазиб олиш тарихидан / “Кўҳна ва боқий Бухоро тарихи ҳамда маданий мероси-комил инсон тарбиясида муҳим манба”. Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Бухоро-2012.-Б.207. (Qudratov Sh.Yo. From the history of prospecting and mining of gold deposits in the Emirate of Bukhara / "Ancient and eternal history of Bukhara and its cultural

heritage - an important source in the education of a perfect man." Materials of the Republican scientific-practical conference.-Bukhara-2012.-P.207.)
15. ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 84 - ҳужжат, 313 - варақ. (National Archive of Uzbekistan, fund 41, list 1, document 84, page 313.)
16. ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 75 - ҳужжат, 152 - варақ. . (National Archive of Uzbekistan, fund 41, list 1, document 75, page 152.)
17. ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 84 - ҳужжат, 69 - варақ. (National Archive of Uzbekistan, fund 41, list 1, document 84, page 69.)
18. ЎзР МДА, 105-йиғма жилд, 1-рўйхат, 3-ҳужжат, 139 варақ (National Archive of Uzbekistan, collection 105, list 1, document 3, 139 pages)

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Фарҳоджон Одилжонович Исматуллаев,**
Тошкент давлат педагогика университети,
тарих фанлари номзоди, доцент
farhod.ismatullayev@mail.ru

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

**For citation:** Farhodjon Ismatullayev, COOPERATION WITH THE EUROPEAN UNION AS ONE OF THE PRIORITIES OF UZBEKISTAN'S FOREIGN POLICY. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.121-128

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-16

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари таҳлил қилинган. Мақола муаллифи кенг кўламдаги материаллардан фойдаланган ҳолда ушбу ўзаро ҳамкорликнинг нафақат сиёсий ва иқтисодий соҳаларда, балки яхлит Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни сақлаш ва барқарорликни таъминлашдаги стратегик аҳамиятини кўрсатиб беришга харакат қилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси, Европа Иттифоқи, интеграция жараёнлари, илмий-техникавий ҳамкорлик, Марказий Осиё, ҳавфсизлик ва барқарорлик, глобаллашув жараёни, Темпус, Иногейт, Трасека, Ҳаракатлар стратегияси, мемарандум, демографик ҳолат.

---

**Фарҳоджон Одилжонович Исматуллаев,**
ТГПУ имени Низами,
кандидат исторических наук, доцент
farhod.ismatullayev@mail.ru

## СОТРУДНИЧЕСТВО С ЕВРОПЕЙСКИМ СОЮЗОМ КАК ОДИН ИЗ ПРИОРИТЕТОВ ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье даётся всесторонний анализ процесса становления и развития взаимосотрудничества Республики Узбекистан и Евросоюза. Используя обширный фактический материал автор статьи подчёркивает стратегическую важность данного взаимосотрудничества не только в политической и экономической сферах, но, в главным образом в деле сохранения безопасности и поддержания стабильности в Центральноазиатском регионе в целом.

**Ключевые слова:** Республика Узбекистан, Европейский Союз, интеграционные процессы, научно-техническое сотрудничество, Центральная Азия, безопасность и

стабильность, процесс глобализации, Темпус, Иногейт, Трасека, Стратегия действий, Меморандум, Демографическая ситуация.

---

**Farhodjon Ismatullayev,**
TSPU named after Nizami,
Doctor of Philosophy (PhD), dotsent
ismatullayev2209@gmail.com

## COOPERATION WITH THE EUROPEAN UNION AS ONE OF THE PRIORITIES OF UZBEKISTAN'S FOREIGN POLICY

**ABSTRACT**

This article provides a comprehensive analysis of the process of formation and development of mutual cooperation between the Republic of Uzbekistan and the European Union. Using extensive factual material, the author of the article emphasizes the strategic importance of this mutual cooperation not only in the political and economic spheres, but mainly in preserving security and maintaining stability in the Central Asian region as a whole.

**Index Terms:**Republic of Uzbekistan, European Union, integration process, scientific and technical cooperation, Central Asia, security and stability, the process of globalization, Tempus, Inogeit, Traseka, Strategy of action, Memorandum, Demographic situation.

---

**1. Долзарблиги:**

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида жаҳонда туб сиёсий ва ижтимоий- иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Бунинг натижасида дунё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар тубдан ўзгарди, демократик тамойилларга асосланган халқаро муносабатларнинг янги тизими шаклланишига кенг имкониятлар очилди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми сифатида халқаро муносабатларнинг янги тизимини шакллантириш жараёнида ўзининг фаол иштироки билан алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда. Бу борада, аввало, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон ташқи сиёсатининг аниқ белгиланган стратегияси, тамойиллари ва устувор йўналишларига асосланган ҳолда иш қилинмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида, жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш белгиланган.

Шу билан бир қаторда, Европа мамлакатлари билан ўзаро алоқалар йўналиши республика ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Юксак тараққий этган Европа давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва илмий-техникавий соҳалардаги мулоқот билан боғлиқ бўлиб, сиёсий, иқтисодий ва молиявий тузилмалар билан алоқаларни йўлга қўйиш мазкур йўналишнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

**2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, анализ, синтез, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда 1991-2020 йилларда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигини ўрнатилиши ва ривожланишининг айрим жиҳатлари ёритилган.

Мақолани тайёрлашда Ўзбекистон Марказий Архиви фондларидаги ҳужжатлардаги маълумотлар, Ташқи ишлар вазирлиги расмий сайти материаллари, даврий матбуот нашрлари, илмий асарлар, турли илмий журналлардаги мақолалардан фойдаланилди.

Сўнги йилларда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ва унинг истиқболлари ҳақида махаллий ва ҳорижий экспертлар, иқтисодчи ва тарихчи олимлар кўплаб илмий мақола ва монографиялар нашр эттириб келмоқдалар. Улар ўз асарларида асосан учта жиҳатга яъни сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар масаласига кўпроқ эътибор қаратишганини кўриш мумкин.

Бевосита, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик устувор йўналишлардан бири эканлиги, Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатлар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожланиш жараёнлари каби масалалар махаллий тарихчи олимлар Э.Нуриддинов[1], Г. Мўминова[2], Л. Ҳудойқулова[3], ва Қ. Турсунов[4]лар томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ва монографияларда ўз аксини топган.

Тарихчи олим Э.Нуриддинов ўзининг монографиясида икки томонлама ҳамкорликнинг шаклланиши, тарихий илдизларига тўхталган бўлса, Г. Муминованинг илмий тадқиқотларида асосан ҳамкорлик муносабатларининг сиёсий жиҳатларига кўпроқ урғу берган. Европа Иттифоқининг Ўзбекистонда амалга оширган лойиҳалари ва уларнинг самаралари ҳақида тадқиқотчи Л. Ҳудойқулова ўзининг туркум мақолаларида баён этиб ўтганлиги билан аҳамиятлидир. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсати ва унинг устувор йўналишлари масаласига Қ. Турсунов ўз тадқиқотларида кенг тўхталиб, алоқаларнинг истиқболлари ҳақида ўзининг нуқтаи назарини бериб ўтганлигини кўриш мумкин.

Ушбу масалага ҳорижлик олимлар, жумладан Б. Роберсон, Н. Любин, Д. Дикер, С. Пистоун ва Э. Уинстрич ўз асарларида фикр-мулоҳазалар юритганлар[5]. Жумладан**,** ўзларининг китобларида Европа мамлакатлари XX асрнинг сўнгги чорагида Европа Иттифоқи доирасида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан интеграцияни жадал амалга ошириш йўлларини излаш ва ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда бошқа давлатлар билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш жараёнлари илмий нуқтаи назардан очиб берилган[6].

**3. Тадқиқот натижалари:**

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги муҳим йўналиш бу – Европа Иттифоқи билан яқин, ўзаро манфаатли алоқанинг ўрнатилиши ва унинг ривожланишидир.

Бугунги кунга келиб, Европа Иттифоқи 27 давлатни бирлаштирган интеграцион ташкилот ҳисобланади. Унинг асосий мақсади Европада барқарорлик ва тинчликни таъминлаш ҳамда аъзо мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий интеграциялашувини ҳамкорликда ривожлантиришдан иборатдир[7].

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамда унга аъзо мамлакатлар учун ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, икки томон учун ҳам бугунги кунда катта сиёсий ва иқтисодий аҳамият касб этади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси учун ушбу ташкилот билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мамлакат ташқи сиёсат стратегиясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланиб, миллий манфаатларга тўлиқ мос тушади[8].

Ўзбекистон Республикаси мамлакатда бозор муносабатларига асосланган кенг инфратузилмага эга бўлган иқтисодиётни юзага келтириш ҳамда дунёвий демократик давлатни барпо этиш йўлида, жаҳондаги йирик ривожланган давлатлар билан яқин алоқаларни олиб бориши давр талабига айланиб бормоқда. Жумладан, бундай давлатлар қаторига Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар киради. Шу боис ҳам Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдорлиги қўйидаги омиллар билан изоҳланади:

биринчидан, бугунги кунда Европа Иттифоқи унга аъзо мамлакатлар ўртасида сиёсий ва ижтимоий– иқтисодий жиҳатдан интеграцион жараённи амалга ошириб келаётган жаҳондаги нуфузли ташкилот ҳисобланмоқда. Бундай ҳолат эса, ўз навбатида, бошқа минтақа давлатлари ва, жумладан, Марказий Осиё республикалари учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Собиқ иттифоқ давлати парчаланганидан сўнг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларининг эксперт ва сиёсатчилари Европа Иттифоқи доирасида амалга оширилаётган интеграция тажрибасини, унинг босиб ўтган тарихий йўлини таҳлил қилишга дастлабки қадамлар ташлаган эди. Таҳлиллар Европа Иттифоқи тараққиётини назарий-методологик нуқтайи назардан ўрганиш ҳамда унинг интеграция йўлидаги тажрибасидан кенг фойдаланиш лозимлигини кўрсатди[9];

иккинчидан, Европа Иттифоқида Франция, Германия, Италия ва Испания каби ривожланган давлатларнинг мавжудлиги, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон учун энг илғор замонавий техника ва технология манбаи сифатида қаралмоқда;

учинчидан, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатда ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш йўлида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг сармояларидан унумли фойдаланишдан манфаатдор;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасида дунёвий демократик давлатни барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш йўлида Европа Иттифоқи доирасида демократик тамойилларга асосланган ҳолда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнидаги бой тажрибаси катта аҳамиятга эга;

бешинчидан, жаҳон ҳамжамиятининг глобаллашув жараёнида Марказий Осиёда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик муҳитини сақлашда ҳамда ушбу минтақада мавжуд бўлган ташқи хавфнинг олдини олишда Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатларнинг дунёдаги сиёсий салоҳиятидан унумли фойдаланиш Ўзбекистон томонидан юқори баҳоланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқи томонидан Ўзбекистон Республикасига нисбатан Марказий Осиёдаги муҳим стратегик ҳамкор сифатида қаралмоқда. Ушбу ташкилот томонидан бундай баҳоланиш қўйидаги омиллар билан белгиланади:

1)Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакат ички тараққиёт йўли ва ташқи сиёсий фаолиятининг аниқ стратегияси ҳамда тамойиллари ишлаб чиқилиб, унга тўла амал қилиб келинаётганлиги Европа Иттифоқида ҳамкорлик алоқаларини олиб боришда катта ишонч уйғотди;

2) Европа Иттифоқи Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёдаги геосиёсий ва геостратегик мавқеини юқори баҳолаб, у билан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли алоқалар олиб боришга катта эътибор қаратди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёдаги геосиёсий ва геостратегик мавқеи қуйидаги омиллар билан белгиланади:

– географик нуқтайи назардан келиб чиқилса, Марказий Осиё давлатлари ичида фақат Ўзбекистон минтақадаги давлатлар билан чегарадош бўлиб қолмай, балки Афғонистон билан ҳам қўшнидир;

– иқтисодий нуқтайи назардан Ўзбекистон ривожланаётган индустриал – аграр давлат, бундан ташқари, Ўзбекистон улкан табиий захира ресурсларга ҳамда минтақадаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, кучли иқтисодий имконият ва улкан интеллектуал потенциалга эга давлатдир;

– демографик нуқтайи назардан Ўзбекистон минтақадаги энг кўп аҳолига эга. Масалан, Марказий Осиё минтақасининг жами аҳолиси 73 млн.кишини ташкил этса, шундан Ўзбекистон – 34 млн. киши, Қозоғистон – 18 млн. киши, Тожикистон – 9 млн. киши, Туркманистон – 5,8 млн. киши, Қирғизистон – 6,3 млн. кишини ташкил этади[10];

– Европа Иттифоқи Ўзбекистон Республикасини энг асосий табиий хомашё ресурслари захираси сифатида кўради, бу эса, Европа давлатлари саноати соҳасининг ривожланишида унумли фойдаланиш имконини беради;

Qarorgohning hozirgi shaklidagi asosiy binolari mang'itlar sulolasining so'nggi vakili Mir Sayyid Olimxon hukmronligi (1911-1920-yillar) davrida bunyod etilgan. Shuning uchun qarorgoh tuzilishi eski va yangi saroylarga bo'linib, eski deganda Olimxon hukmronligi davridan ilgari

bunyod etilgan inshootlar nazarda tutilgan. Buxoro amirligining Rossiya vassaliga aylangani saroy qurilishi uslubida ham o'z ifodasini topgan. Olimxon qurilishlarni loyihalashtirishda rus muhandislari Sakovich va Morgules xizmatidan foydalangani tufayli ko'pchilik binolarning tashqi ko'rinishi yevropacha bo'lib, ichki bezaklar esa milliy uslubda bajarilgan. Rus muhandislari Abdulahadxon saroyini tashqarida qoldirib, uning sharq tomonida mahobatli bir me'moriy majmuani loyihalashtirganlar va buxorolik ustalar ishtirokida uni amalga oshirganlar. Saroy ichkarisiga hashamatli qilib qurilgan koshinkor peshtoqli darvozaxonadan kiriladi. [4]

Darvozaxona peshtoqi rang-barang koshinlar va shisha bezaklar bilan qoplangan bo'lib, ikki burchagida koshinli guldastalar qo'yilgan. Bu yerda ham yevropacha uslub ustunlik qilib, darvoza ustidagi ravoq, guldasta va peshtoq Buxoro me'morchilik uslubiga xos bo'lmagan to'q qizil, ko'k-binafsha va havorang sang-sopol koshinlar bilan qoplangan. Darvozaning peshtoqi tepasiga ganchdan ishlangan ko'zalar saroydagi ma'murchilik belgisidir. Yarimoy shaklidagi bezaklar esa saroyning husni jamolini oyga tenglashtirish nishonasidir. Darvozaxonaning tepasida qorovulxona barpo etilgan bo'lib, pastki qavatining yon tomonlarida soqchilar sergak turadigan hujralar mavjud. Darvozaxona qurilishidagi eng qimmatli ashyo qayrag'och daraxtidan yuksak mahorat bilan yasalga o'ymakor darvozadir. Unda g'ijduvonlik mohir harrotlar Usta Jo'ra va Qori Cho'bin hafsala bilan yog'och o'ymakorligi uslubida go'zal Sharq milliy naqshlarini solishgan. Darvozaning yuqori va pastki qismiga nozik mis plastinkalari naqshsolingan qubbali ma'dan mixlar bilan yopishtirilgan hamda birinjidan quyma nafis gular bilan bezatilgan zulfin-halqalar osilgan.

Darvozaxonadan saroyga kirib kelgan mehmon tashqari hovliga qadam bosadi. Uning uch tomonida yog'ochdan yengil qilib qurilgan "chorkunj" usunli, ganchkor naqshlar bilan bezatilgan ayvonlar joylashgan. Ularga amir hazratlari qabuliga kelgan mehmonlarning otlari bog'lab qo'yilgan. Hovlining to'rtinchi tomonida hunarmandlarning ustaxonalari mavjud bo'lib, ular mehmonlar nazdida turli-tuman buyumlarni yasashgan. Darvozaxonadan kiraverishda o'ng qo'lda mo'jazgina hovlichadan iborat yana bir bino bor. U ichkaridan yangi saroy bilan tutashgan. Bu binoda amir xonadoni a'zolarining liboslari, ko'rpa-to'shaklar hamda xazina boyliklari saqlangan. Binoga qarshi tomonning chap burchagida esa yana bir eshik bo'lib, uning qayrilma yo'lagidan eshik og'asining xonasiga kirilgan. Tashqi hovlining janubiga yangi saroyning 1912-1914-yillarda barpo etilgan qabulxonasi tutashib ketgan. Ammo qabulxonaga kirish uchun tashqi va ichki hovlini bog'lab turgan dolondan o'tmoq lozim. Uning darvozasi nisbatan oddiyroq qilib bezatilgan gujum daraxtidan yasalgan. Dolonning usti Samarqand teragidan tayyorlangan yo'g'on to'sinlar va toldan yasalgan vassalar bilan yopilgan. Dolon orqali salqin shabada ichkari hovliga, maxsus uslubda ko'tarilgan baland ayvonning shimol tomon devoriga urilgan. Salqin shabada yo'l qidirib dolon darvozasidan ichkariga harakat qilgan. Qabulxona binosi "П" harfi shaklida qurilgan bo'lib, uni janub va g'arb tomonidan uylar, shimol tomonidan hashamatli ayvon o'rab turadi. [6]

Ayvonni mayin o'ymakorlik naqshlari bilan bezatilgan ingichka ustunlar ko'tarib turibdi. Uning tomi to'rtta yarim yoy shaklidagi hovuzlarga bo'linib, peshtoqiga o'ymakorlik uslubida qoshsimon hoshiya chiqarilgan. Naqshinkor ustunlar va geometrik girix shaklida sayqal berilgan yog'och devorlar feruza rang, bezaklar esa tilla rangida bo'yalgani ayvonga alohida tantanavorlik ruhini bag'ishlaydi. Shuning uchundir bu yerni "Salomxona" deb atashgan. Uning qarshisidagi supa olti burchakli g'ishtlar bilan qoplangan bo'lib, o'rtasida kichik favvora bor. Ayvonning bog'ga tutash tomonidan tashqari hovliga o'tish yo'lagi arkasimon shaklda boshlanib, ganchkorlik naqshlari bilan bezatilgan hamda arabiy yozuvlar bitilgan va peshtoqining yuqori qismida ganchdan yasalgan guldonlar o'rnatilgan.

Yangi saroyning asosiy xonalari qolgan ikki tomonni egallaydi: g'arb tomonda "Oq uy" va yotoqxona, dahliz va kutish zallari, janub tomonda esa oynavand choyxona mirzaxona, ziyofatxona va shaxmat zali o'rin olgan. Ularning barchasi tashqi tomondan yevropacha uslubda, ichkari tomondan esa milliy uslubda bezatilgan. Janub tomondagi xonalar mehmonlarni yakka tarzda qabul qilishga mo'ljallangan. Bu yerda hukmdor ko'pincha eng yaqin amaldorlari bilan muloqot qilgan. Saroyning asosiy binosi qurib bitkazilgach, bog' ichida ko'shk va shiyponlar barpo qilingan. 1915-yilda bunyod etilgan "Xonai Hasht" – sakkiz xonalik ko'shki loyihasiga ko'ra haqiqiy yevropacha ko'rinishi bilan diqqatni tortadi. Uning mehmonxonasi tomi mayda oq tunuka bilan gumbazsimon

qilib yopilgan. [7] Arka shaklidagi derzalarga tashqaridan nazar tashlaganda, bino yevropalik boylarning uylarini eslatadi. Ammo ko'shkka kiraverishdagi ayvonchaning qarama-qarshi devorlari va shifti yuqoriga qarab tarvaqaylab ketgan ajoyib guldastalar bilan bezatilgan bo'lib, chinakam sharqona uslubdagi san'at namunasidir.

**4. Xulosalar:**

Buxoro amirlarining Sitorai Moxi Xosa yozgi qarorgohi XIX-XX asrlar Sharq nafis me'morchilik san'ati va xalq badiiy hunarmandchiligi mahoratini o'zida uyg'unlashtirgan ajoyib majmuadir. Markaziy Osiyoda biror-bir me'moriy majmuada uni yaratgan ustalar naqshu namosi koshona ichidagi go'zal buyumlar jilosi bilan bunchalik darajasi hamohang tushmagan, desak, yanglishmaymiz. Sitorai Moxi Xosa qarorgohi shoh saroylarining Sharqdagi eng noyob tarixiy-me'moriy obidalaridan biridir, zeroki, Tehrondagi XIX asr shohlari Dehlidagi Boburiylar saroyi va dunyoga mashhur hukumdorlar qarorgohlari ham bunchalik yaxlit me'moriy majmua shaklida davrimizgacha eson-omon yetib kelmagan. Shuning uchun mazkur osori atiqa ahamiyati jihatidan jahon madaniyatida Parijdagi Luvr qirollar qarorgohi, Versaldagi knyazlar, Sankt-Peterburgdagi Yekaterina va Nikolay saroylari Krimdagi Livada saroyi bilan bir qatorda turadi.

XX asr boshlarida Buxoro atrofida bunday saroylar bir nechta bo'lgan. Karmanadagi Abdulahadxon, Shirbuddindagi Muzaffarxon yozgi saroylari shular jumlasiga kirgan. Biroq, mamlakat poytaxtidan nisbatan yiroqda joylashgan bu qarorgohlar urushlar davrida talanib, keyinchalik yer yuzidan yo'q bo'lib ketgan. Faqatgina Sitorai Moxi Xosa saroyi inqilob to'fonlariga bardosh berib zamonamizga husni jamolini saqlagan holda yetib keldi. Bir tomondan bu, uning shahar markaziga yaqinligi, ikkinchi tomondan Fayzulla Xo'jayev, Abdurauf Fitrat, Musa Saidjonov singari yurt farzandlarining yuksak madaniyatimiz nishonasi bo'lgan bu bebaho osori atiqani dahilsiz holda kelgusi avlodlarga yetkazish sohasidagi say-harakatlari natijasidir. Saroyning ahamiyati amirlar qarorgohi bo'lgan bilangina emas, balki XIX-XX asrdagi me'morchilik san'atining yuksak namunasi ekanligi, xalq badiiy hunarmandchiligining eng nodir buyumlari bu yerda jamuljam qilingan maskan ekanligi bilan belgilanadi.

Sitorai Moxi Xosa me'moriy majmuasi hamda u yerdagi eksponatlar so'nggi amirlar turmush tarzi, ijtimoiy hayoti, ijodini yaqqol namoyon etgan.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Jumayev Q. Sitorai moxi – xossa. – Toshkent. 2010 y.
2. Kryukov K. S. Sitorai Moxi Xosa. – Toshkent: O'zbekiston, 1980. -13 b.
3. Xamroyev M. "Yodgorliklar yoddan chiqmasin" – Qishloq haqiqati. 1989. -B.4.
4. Axmad qizi X. Xos saroyning noxos ahvoli/ X. Axmad qizi //Buxoro haqiqati. - 1997. - 1 noyabr. - B.2.
5. Jo'rayev O. Sitorai Moxi Xosaning yangi jamoli/ O. Jo'rayev //Buxoro haqiqati. - 1974. - 24 oktabr. - B.3.
6. Jumayev K. Oymonand yulduzlar qasri/ Q. Jumayev //Buxoro haqiqati. - 1997. – 5-mart. - B.6.
7. Jumayev Q. Oymonand yulduzlar qasri/ Q. Jumayev //Qalb ko'zi. - 1997. – 14-may. - B.2.
8. Saydaliyev S. Sitorai Moxi Xosa/ S. Saydaliyev //Me'morchilik tarixidan. - 1977. 8 dekabr. - B.2.

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Хушнудбек Мамадалиев,**
Ўзбекистон тарихи давлат
музейи илмий ходими,
Saidakbar201209@mail.ru

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА "ЯНГИ ШАҲАР" ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**For citation:** Khushnudbek Mamadaliev, THE EMERGENCE OF "NEW CITIES" IN THE FERGANA VALLEY AND CHANGES IN THEM. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.141-151

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-19**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада муаллиф Қўқон хонлиги Россия империси томонидан тугатилгач Фарғона водийсида янги бошқарув тизимига эга бўлган "Янги шаҳар"лар, руслар яшайдиган қишлоқлар ва рус манзилгоҳларини ташкил этилиш масаласининг тарихий аспектини ёритган. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** "Янги шаҳар", "Эски шаҳар", ўрда, мудофа девори, уезд, волост, урбанизация, рус манзилгоҳлари

---

**Хушнудбек Мамадалиев,**
Государственный музей история
Узбекистана, Исследователь
Saidakbar201209@mail.ru

## ВОЗНИКНОВЕНИЕ «НОВЫХ ГОРОДОВ» В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ И ИЗМЕНЕНИЯ В НИХ

**АННОТАЦИЯ**

В статье автор исследует исторические аспекты возникновения «новых городов», русских деревень и русских поселений в Ферганской долине, возникших после отмены Кокандского ханства Российской империей. Этот аспект номера служит дополнительным материалом для работ, публикуемых на международной арене

**Ключевые слова:** «Новый город», «Старый город», орда, оборонительная стена, уезд, волость, урбанизация, русские поселения.

---

**Khushnudbek Mamadaliev,**
Researcher, State Museum
of History of Uzbekistan,
Saidakbar201209@mail.ru

# THE EMERGENCE OF "NEW CITIES" IN THE FERGANA VALLEY AND CHANGES IN THEM

**ANNOTATION**

In the article, the author examines the historical aspects of the emergence of "new cities", Russian villages and Russian settlements in the Fergana Valley, which arose after the abolition of the Kokand Khanate by the Russian Empire. This aspect of the issue serves as an additional material for works entering the international arena.

**Key words:** «New city», «Old city», horde, defensive wall, district, volost, urbanization, Russian settlements.

---

**1. Долзарблиги:** Мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарлари тараққиётида янги босқич бошланди. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар доирасида шаҳарлар тараққиётига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда илк бор «Шаҳарсозлик кодекси» қабул қилинди, деярли ҳар бир йирик шаҳарнинг қурилиш режаси ишлаб чиқилди. Шаҳарларнинг ривожланиш истиқболини белгилашда уларнинг ўтмишини чуқур ўрганиш, ривожланиш анъаналарини тиклаш, мавжуд муаммоларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим вазифага айланди. Шу ўринда Ўзбекистоннинг шаҳарсозлик маданияти ривожида сўнгги ўрта асрлар, ундан кейинги XIX-XX аср бошларидаги даври муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда бу давр шаҳарсозлик маданияти тарихига янгича илмий қарашларни ишлаб чиқиш, шаҳарларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда илм-фан ва маданият марказлари сифатидаги аҳамиятини кўрсатиш, бугунги давр шаҳарсозлик маданияти ривожига таъсирини очиб бериш тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Таъкидлаш лозимки, бу даврдаги шаҳарларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функциялари, уларнинг бир-бирига таъсири ва алоқадорлиги ҳақида ёритилган маълумотларни маълум ҳудудлар ва вилоятлар бўйича умумлаштириш ҳолати ҳам махсус таҳлилга муҳтож. Мавжуд манбалар ва маълумотлар Фарғона водийсининг XIX-XX аср бошларидаги шаҳарларни ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари марказлари, иқтисодий ва технологик янгиликлар масканлари сифатида янада чуқурроқ ўрганилишига имкон беради.

**2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Қўқон хонлигини Россия империяси томонидан босиб олингач, водий шаҳарлари хаётидаги ўзгаришлар, янги шаҳарлар, рус қишлоқлари, рус манзилгоҳларининг вужудга келиши, масаланинг тарихий аспекти кўрсатилган. Фарғона водийси шаҳарларининг XIX-XX асрнинг бошларидаги тарихи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир манбалар, архив материаллари, илмий адабиёт ва тадқиқотларни даврига қараб туркумлаштирган ҳолда кўриб чиқиб, қуйидаги гуруҳларга бўлинди: 1.XIX асрда Қўқон хонлиги тарихи бўйича маҳаллий муаррихларнинг асарлари[1], 2.Россия империяси ҳукмронлиги даврига оид тадқиқотлар ва архив маълумотлари[2], 3.Совет даврида амалга оширилган тадқиқотлар ва нашр этилган асарлар [3], 4.Мустақиллик йилларида мавзуга доир нашр этилган тадқиқотлар [4], 5.Хорижлик муаллифларнинг асарлари[5].

**3. Тадқиқот натижалари:**

XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарғона водийси шаҳарлари радиал-концентристик (радиус бўйлаб битта марказга эга бўлган) тузилишга эга бўлган. Шаҳарлар хом ғишт ёки пахсадан бино қилинган доирасимон мудофаа деворлар билан ўраб олинган бўлиб, бир нечта дарвозалардан ўтган асосий кўчалар орқали шаҳарнинг марказига борилган. Марказда эса ҳашаматли ва маҳобатли бинолардан ҳукмдорнинг ўрдаси, катта мадрасалар, хонақоҳ ва масжидлар бўлган. Бу бинолар бир ёки икки қаватли, аксар ҳоларда пишиқ ғиштдан барпо этилган бўлиб, улар ҳовли ва унинг атрофида қурилган уйлардан иборат бўлган. Бу бинолар

ўзларининг катта ҳажмлари, меъморий маҳобати, пештоқларининг ёрқин безаклари билан атрофидаги бир қаватли лойдан қилинган уйлардан ажралиб турган.

Маҳаллий аҳоли яшайдиган маҳаллалар катта йўллардан ажралиб чиққан майда ва тор кўчалардан иборат бўлган. Маҳаллаларнинг энг гавжум жойи маҳалла ҳовузи атрофи ва масжиди бўлган.

1876 йили хонликка барҳам берилгандан сўнг водий шаҳарлари, яъни Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш, Чимиён, Намангон ва Чуст уездларга бўлинди[7]. Бу шаҳарларнинг аксариятида "янги" қисмларнинг қурилиши бошланиб кетди. Янги рус маъмурияти ва ҳарбий гарнизон бу шаҳарлардаги хон ёки бекларнинг қаср ва истеҳкомларида жойлашган эди. Ҳукуматдан четлаштирилган маҳаллий ҳукмдорларнинг мулклари Россия давлати мулкига айлантирилди. Бироқ, маҳаллий аҳолининг мулк ва бинолари дахлсиз бўлган. Рус маъмурияти зарур бўлган ҳолда уларни ижарага олган ёки сотиб олган.

Руслар босқинидан кейин рус ҳарбий муҳандислари руслар яшайдиган манзилгоҳларни шаҳарларнинг эски қисмида лойиҳалаштириб, жойлаштирганлар. Бу манзилгоҳлар "рус" ёки "янги шаҳар" деб аталган. "Эски" ва "янги" қисмдан иборат шаҳарларни "икки структурали" ёки "икки қисмли" шаҳар дейиш мумкин[8]. Фарғона водийсидаги барча шаҳарлар Янги ва Эски Марғилондан ташқари шундай "икки қисмли" бўлган.Рус муҳандислари европалик аҳоли учун жойларни махсус ҳайъат ва танланган жойнинг санитария-иқлим шароитини текшириб берган мутахассис иштирокида белгилаганлар.

Ўрганилаётган даврда водий шаҳарсозлигидаги ўзгаришлар Ўрта Осиё темир йўлининг ишга туширилиши билан узвий боғлиқ. Самарқанд- Тошкент-Андижон йўналишидаги темир йўлининг ишга тушиши натижасида водий минтақанинг шиддатли махсулот айрибошлаш жараёнига тортилди ва бу ерга арзон қурилиш материалларининг олиб келинишига ҳам сабаб бўлди. Минтақа товар ва пул айрибошлашига асосланган капиталистик муносабатларига тортилди. Бу даврда Фарғона водийсидаги шаҳарларнинг "янги" қисмларида савдо-саноат ва уй-жой қурилиш ишлари анча ривожланди[9].

Мутахассислар ўлкадаги темир йўл қурилиши билан боғлиқ ҳолда водийдаги шаҳарсозликни икки даврга бўлганлар. Биринчи давр, XIX асрнинг охирги чорагини ўз ичига олиб, бу даврдаги рус шаҳарлари асосан маҳаллий қурилиш материаллари асосида барпо этилган. Иккинчи давр эса, XX асрнинг 20-йилигача бўлган даврни қамраб олади. Бу даврда темир йўл орқали олиб келинган арзон қурилиш материаллари асосида шаҳарлар бино этилган, баъзи қурилиш молларини шу ерда ҳам ишлаб чиқариши йўлга қўйилган.

Фарғонанинг еттита асосий шаҳарлари Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон, Чуст, Янги Марғилон, Риштон умумий бўлган тамойиллардан ташқари, шаклланиши ва ривожланиши бўйича ўзига хос бўлган тузилишга ҳам эга бўлган.

Фарғона водийсида энг катта шаҳарлардан бири бу Қўқон (манбалардаги Хавоқанди латиф – латиф Хўқанд[10]) бўлган. Унинг шаҳристони 19 км.лик хандақ ва мудофаа девори билан ўраб олинган бўлиб, 12 дарвозаси бўлган[11]. Шаҳарнинг иккита маркази - бири ҳукмдор Ўрдаси атрофида, иккинчиси Чорсу бозорининг майдонида бўлган шу марказларда мадраса ва Жоме масжиди жойлашган эди.

Қўқон шаҳри 1876 йилдан Фарғона вилоятининг мамурий марказига айланди. Босқинчиларнинг ҳарбий бошқаруви, гарнизони ва маъмурияти шаҳарнинг энг обод жойи Худоёрхоннинг 1870 йили бино қилган Ўрдасида жойлаштирилди. Кейинроқ хон ўрдасининг жануби-ғарбий қисмидаги ҳудида русларнинг истеҳкоми барпо этилди. Ўрданинг мудофаа девори Генерал Скобелев фармони билан "ерли аҳолини қўрқитиш учун" бутунлай портлатиб юборилди[12].

1876 йилнинг охирларида Қўқоннинг иқлими, шароити ва санитария ҳолатининг ёмонлигидан (албатта руслар нуқтаи-назаридан) ҳарбий бошқарув Янги Марғилонга кўчирилди. Қўқонда кичик бир гарнизон қолдирилиб, у уезд марказига айлантирилди. Бироқ, Қўқон аҳолисининг сони, савдонинг ривожи ва ишлаб чиқариш бўйича водийда етакчи

ўринни эгаллаган. 1883-1884 йилларда шаҳар янги қисмининг бош лойиҳасини ишлаб чиқариш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш учун эски шаҳарга яқин жой танланди. Тиббиёт ходимлари бундай маъқул жой учун шаҳарнинг жанубида жойлашган Авғонбоғни танладилар. Лекин, маъмурият шаҳарнинг эски қисмидаги хон Ўрдаси атрофини маъқуллади. Баъзи олимлар рус маъмуриятининг бу қарорини хато, тез иқтисодий фойдани кўзлаб қилинган иш деб, хулоса қилганлар. Бу қарор шаҳарнинг кейинчалик “эркин” ривожланишига монеълик қилган[13].

Шаҳарнинг ривожланишига шаҳар “эски” қисмидаги ер нархининг ошиб бориши тўсқинлик қилган. Фикрмизча, бунинг асосий сабаби босқинчиларнинг шаҳар марказини эгаллаб худди шу жойда эски ҳукмдор ҳукумати биносида янги маъмуриятини барпо этиб, маҳаллий аҳолига куч-қудратини кўз-кўз қилишдан иборат эди. Босқинчилар Ўрдадаги жой етарли бўлганидан у ерда ҳарбийларни, маъмуриятини жойлаштириб, черков (қабулхона ва тахт турган хонада), эркаклар ва аёллар учун гимназия, телеграф, почта ва бошқа хизматларни ташкил этди[14]. Водийнинг бошқа шаҳарларида русларнинг “янги шаҳар” қисмлари шаҳарнинг четкасида барпо этилиб, алоҳида истеҳкомлар ва турар-жойларнинг кўпроқ қурилишига олиб келди.

XX асрнинг бошларига келиб Қўқон шаҳрининг “янги қисми” (рус қисми) тўғрибурчакли кўчалардан иборат бўлиб, улар ғарбга қараб Розенбах шоҳкўчаси бўйлаб ёйилган эди. Розенбах кўчасининг ўртасидан жанубга қараб темир йўли вокзали томон Скобелев проспекти бўлган. Шаҳарнинг маъмурий ва жамоат маркази Ўрда атрофида, икки шоҳкўча бурилиши жойида эса шаҳарнинг савдо маркази жойлашганди.

XX асрнинг 10-йилларида шаҳар меъмори М.Мауэр шаҳарнинг асосий планини тузади. Унинг таклифига биноан Розенбах кўчасининг икки тарафи тўғри бурчакларга бўлиниб, уни кесиб ўтадиган кўчалар ўтказилиши керак эди. Шаҳарнинг “эски” қисми эса тўртта доира шаклида Ўрдадан Чуст, Риштон, Сўх ва Авғон дарвозаларига олиб борадиган кўчалар билан кесилиши лозим эди. Шунда Ўрда маркази яна Пиён бозор, Гўшт бозор орқали Чорсуга уланиб қоларди. Марказ тез ва қулай ҳолатда шаҳарнинг четкалари билан алоқа ўрнатиши осон эди. Бироқ М.Мауэрнинг бу режаси молиявий сабабларга кўра амалга ошмай қолди[15].

Фарғона водийсида руслар тарафидан алоҳида махсус режа билан барпо этилган шаҳарлардан бири Янги Марғилон (бугунги Фарғона) шаҳридир. Рус ҳарбий маъмурияти Қўқон шаҳри иқлимини соғлиқ учун зарарли, водийнинг жуғрофий марказидан узоқ деб топди. Фарғона губернатори қарори билан махсус комиссия вилоятнинг янги маркази учун санитар ва ҳудудий жиҳатлардан мос келадиган жойни танлаши лозим эди. Губернатор Скобелевнинг талабига биноан Эски Марғилоннинг ёнидан бир майдон танлаб олинди[16].

Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман бу қарорни маъқуллаб, комиссиянинг баённомасига “Вилоят шаҳари Марғилонда барпо этилсин ва у ерда имкони борича каттароқ захирамиз жойлаштирилсин... ” деган резолюция қўйди. 1876 йил 13 апрелдаги Олий буйруққа биноан вилоят маркази Қўқондан Марғилонга кўчирилди.

Қайд этиш керакки, Рус маъмуриятининг вилоят янги марказини танлаш ва уни барпо этишда архив маълумотлари қизиқарли маълумот беради. Марғилон 1875 йили сентябрь ойида босқинчилар томонидан эгалангач, кейинги йили баҳоридан унинг жанубий деворлари яқинида янги шаҳарнинг қурилишини бошладилар. Аввал Янгиқўрғон (Тупроққўрғон)да шаҳар деворидан 170 сажен (357м.) узоқликда, Жилмон ва Ёйилма дарвозалари яқинида русларниг дастлабки ҳарбий истеҳкоми қурилди.

Янги Марғилоннинг маъмурий ва жамоа марказини Тошкент шоҳкўчасида жойлашган 83 минг кв.метр ҳажмдаги катта майдон ташкил қиларди. Шу майдон атрофида парк, губернатор уйи, губернатор ёрдамчисининг уйи ва бошқа бинолар жойлашган эди. Шу ердан Губернатор кўчаси орқали бозор майдонига ва катта оммавий паркка олиб борувчи йўл ўтган.

Янги Марғилон Тошкент ва Самарқанддан фарқли равишда катта ва кенг майдонда жойлаштирилди. Шахсий уй-жойларнинг кенглигидан уларда боғ ва ҳовузлар қуриш тавсия этилди. Яхши ва шинам бинолар қурадиганларга энг яхши ҳовли берилди. Уларнинг эгалари

икки йил ўтмасдан қурилишни тугатиб, боғ барпо этишга киришишлари керак эди. Хом ғиштдан уй қурилиши учун фақат тошли ёки пишиқ ғиштдан фундаменти бўлсагина ижозат берилди. Режа ва биноларнинг ташқи кўринишлари қурилиш бўлимларида муҳокама қилинган. Уйлар олдидан оқиб ўтган ариқлар бўйларда дарахтлар ўтқазиш мажбурий эди[17].

Янги Марғилон водийдаги русларнинг маҳаллий аҳолидан алоҳида жойлашган ва фақат битта Европа қисмидан иборат бўлган шаҳри эди. Унинг қурилишининг биринчи босқичида барча жамоа, маъмурий ва савдо марказлари, шаҳар хиёбони барпо этилди. Янги Марғилон обод, кўкламзор ва салқин шаҳарга айланди. Бироқ, иккинчи босқичда шаҳар темир йўлдан узоқ бўлганлиги учун, савдо-саноат муносабатларининг ривожланиши даврида бошқа шаҳарларидан анча орқада қолди. Қўқон, Андижон ва Наманганда янги тузумга хос бўлган услубдаги бинолар кўпроқ қурила бошлаган даврда, Янги Марғилон Фарғона вилоятининг расмий ҳарбий-маъмурий маркази сифатида фаолият олиб борарди, холос. Бу шаҳарда фақат маданий ҳаёт юқори суръатда ривожланган эди (бу ерда кутубхоналар, турли жамиятлар, музей бўлган, артистларнинг тез-тез чиқиш бўлиб турган).

Эски Марғилоннинг XIX аср охирида 12 дарвозаси бўлган[18], Шаҳар маркази қалъанинг шимолида жойлашган эди. Руслар босқини даврида шаҳар мудофаа девори анча бузилган бўлсада бироқ, у боғу- роғлар соясида кўмилиб кетган, тоза ва обод шаҳар бўлган. Шаҳарда энг обод ва гўзал жой хон боғи бўлган. Бу боғ Худоёрхон даврида европача услубда, кенг хиёбонлари билан барпо этилиб, турли мевали дарахтлардан алоҳида-алоҳида боғчалари бўлган. Биргина узумларнинг 20 дан ортиқ нави шу боғда парвариш қилинган. 1890 йилдан кейин бу ерда янгимарғилонлик (европаликларнинг) оммавий сайиллари, томошалари бўлиб турган[19]. Аҳоли боғдорчилик, ғаллачилик билан бир қаторда жун, қоғоз ва ипак матолар тўқиши билан машғул бўлганлар[20].

Эски Марғилон ниҳоятда секинлик билан ривожланган. Россия мустамлакачилик маъмурияти унинг ободончилиги ва ҳар томонлама тараққий топишига кам аҳамият берарди. Унинг саноати ҳам орқада эди. 1890 йилгача бу ерда битта пахта тозалаш заводи ва бир нечта терига ишлов берадиган косибчилик корхоналари бўлган холос.

Фарғона водийсидаги яна бир катта шаҳри Андижондир. Шаҳар 40° 49 ° 49 ° шимолий кенглик ва 41° 58 ° 38 ° ° шарқий узунликда, денгиз сатҳидан 1500 фут баландликда жойлашган. 1876 йили январида Андижон ва ундан узоқ бўлмаган Асака қалъаси руслар томонидан босиб олингач, Андижон уъезд шаҳари сифатида Фарғона вилояти таркибига кирди.

1877 йили “Рус Андижон”и номини олган шаҳарнинг европача қисмини қуриш режалаштирилди ва у шаҳарнинг жануби-шарқидаги бир тепаликда барпо этилди. Орадаги майдонда бир уезд шаҳарчасини барпо қилиш мумкин бўлган. Гултепада жойлашган қалъадан шаҳарнинг эски қисмигача кенг ва тўғри бир шоҳкўча (бугунги Навоий шоҳкўчаси) ўтказилди. 1879 йили Андижон ва Ўш шаҳарларининг меъмори қилиб инженер-поручик Неминущий тайинланганидан сўнг янги шаҳарнинг қуриш ишлари тезлашиб кетди[21].

Рус қўшинлари ва ҳарбий маъмурияти хоннинг иккита ўрдаси ва Гултепа қалъасида жойлашди. Шаҳарнинг шимол-шарқида хоннинг каттагина боғи бўлган. 1884 йилгача бу ердаги ўрдада аввал уезд бошлиғи яшаган, шифохона ҳам шу ерда бўлган. Туркистон артиллерия бригадасининг 3 батареяси аскарлари шу боғда жолаштирилди. Шаҳар ўртасидаги ўрдага аввал черков, лазарет ва 16 та батальон ротаси жойлаштирилди. Шаҳарнинг эски қисмида шу даврда 30 минг аҳоли яшаган ва уларнинг аксарияти қипчоқлар эди.

1891 йили рус муаллифларидан бири Андижоннинг янги қисмини барпо этишда ичимлик суви таъминотига аҳамият бермаслик натижасида ҳамма ишнинг пачаваси чиқди, деб ёзган. Ваҳоланки бу учун маблағ ва имконият ҳам бор эди, деб таъкидлайди. Муаллиф маъмурият рус шаҳри учун алоҳида ариқ ўтказиши лозим эди, энди 1891 йилда барча маблағлар талон-торож қилингандан сўнг бундай имконият қўлдан кетганига алоҳида урғу беради.

Шаҳарнинг қайта қурилиши, кўчаларининг кенгайиши, шаҳарнинг янги қисмининг саноат технологияси жиҳатидан юксалиши, темир йўлнинг мавжудлиги шаҳарнинг тез ривожланишига, маҳаллий, рус ҳамда хорижий фирма ва ширкатларнинг кўпайиши ва ривожига сабаб бўлди. Вокзалдан черковгача бўлган масофада пишиқ ғиштдан савдо расталари, меҳмонхоналар, банкларнинг бинолари қад кўтарди. Шаҳарнинг савдо маркази шу жойда шакллана бошлади. Шаҳарнинг ғарбида катта саноат худуди пайдо бўлди. Турмуш ва ҳаётда Европа маданиятига хос бўлган аломатлар кўпроқ кўзга ташлана бошлади. 1905 йилида қурилган кичик бир электростанция шаҳарнинг янги қисмини электр нури билан таминлади. 1915 йили Троицк кўчасига тош ёткизилди, суткада 400 челакка мўлжалланган ичимлик суви ўтказиш ҳам режалаштирилди.

Шаҳарнинг марказий кўчаларининг чорраҳасида янги мажмуалар, шаҳарсозликнинг янги ғоялари асосида қурилган бичимлар, қарама-қарши тарзда қурилган бир хил бинолар, гўзал безаклари билан пайдо бўлади. Бундай Европа ва Россиядаги амалда бўлган меъморий кўриниш XX аср Адижон шаҳарсозлигида ҳам намоён бўла бошлади. Уларнинг ичида яққол кўзга кўрингани ташқи кўриниши ва ҳажм жиҳатидан ечими бир хил бўлган икки қаватли савдо-сотиқ ва меҳмонхона типидаги бинолар бўлган.

Шундай қилиб, XX аср бошларидаги Андижон шаҳарсозлигида, биринчидан, функционал зоналарнинг аниқ дифференциацияси, яъни савдо ва жамоат марказлари, аҳоли яшайдиган жой, парклар ва саноат туманларининг алоҳида шаклланишини, иккинчидан, ифодали шаҳарсозлик мажмуалари ва шаклларининг пайдо бўлиши, уларнинг миқдори ва бадиий даражаси Андижон шаҳарсозлигини водийнинг бошқа шаҳарларидан ажратиб қўяди.
Водийнинг яна бир шаҳри Наманган, 40$^{o}$ 59’ шимолий кенглик, 41 $^{o}$ 17 $^{o}$ 36 $^{o}$ $^{o}$ шарқий узунлигида, 1500 фут денгиз сатҳидан баландликда, Янги ариқ бўйида жойлашган. Янги ариқни 1816-1821 йиларда амир Умархон ҳашар усули билан барпо эттирган бўлиб, узунлиги тахминан 80 верстга тенг. Янгиариқ то Наманганга келгунича ундан 55 та ариқ сув олиб, унинг суви 47 та тегирмонни ҳаракатга келтирган. Ундан 16 қишлоқ ва 36 та қипчоқ қишлоқлари сув билан таъминланган[22]. Шу даврдан бошлаб Наманган шаҳри кенгайиб, ривожлана бошлаган. Босқинчилар уни 1876 йилда босиб олган ва уезд шаҳрига айлантирган. Русларнинг маъмурияти ва ҳарбий гарнизони эски Наманганнинг ғарбида жойлаштирилди.

XIX асрнинг охирги чорагида Наманган шаҳрининг янги қисмида тўғри ва кенг кўчалар яхши аэрация, ягона маъмурий, савдо, ибодат, саноат марказига эга бўлган шаҳар барпо этилди. Бироқ кўп вазифали шаҳар марказида саноат худудининг пайдо бўлиши шу давр Наманган шаҳарсозлигининг салбий томони бўлган.
XIX асрнинг охирида вилоятга темир йўлнинг ўтказилиши билан Наманган саноати ҳам ривожланиб кетди[23]. “Рус Наманган”и пахта марказига айланди, завод ва фабрикаларнинг сони ошиб борди. Шаҳарнинг янги қисмини кенгайиши учун уезд бошлиғи Арванитаки 1899 йилда Янги ариқ ва Розенбах ариқлари орасидаги бўш 37 гектарли майдонда ҳар бири 113 та ҳовлидан иборат 10 та даҳа барпо этишни таклиф қилди. Бу имтиёзлар европаликларга икки йил давомида ҳақини тўлаш шарти билан уй-жой учун берилди. Натижада янги шаҳар эски қисм билан туташиб, маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмни шимолга қараб кенгайишини олдини олди.

XX асрнинг бошларида Наманганнинг XIX асрнинг охирларида шаклланган ягона ва кўп вазифали ўзагидан шаҳарнинг яқин атрофида жойлашган маъмурий, жамоа ва савдо марказлари ажралиб чиқди. Шаҳарнинг саноат зонаси ҳам шаҳар чеккасига олиб чиқилгани унинг тузилмаси ва экологик ҳолатини яхшилашга олиб келди. Наманганнинг янги шаҳари қурлиши жараёни, меъморий ғояларининг ечими ва амалга татбиқи уни вилоятнинг бошқа шаҳарларидан ажралиб туришига сабаб бўлди.
Шаҳарнинг кўчаларига водийнинг рус шаҳарларига ўхшаб фақат русча номлар қўйилган эди. Наманган янги шаҳарида 1905 йилга келиб Баронская, Пушкинская, Грановская, Головачевская, Кауфманская, Аверьяновская, Петербургская, Московская, Киевская, Новгородская кўчалари бўлган[24].

Чуст 1877 йили Фарғона вилоятининг Чуст уезди марказига айлантирилди. Русларнинг гарнизони ва ҳарбий маъмурияти собиқ бекнинг қалъасида жойлаштирилди. Босқинчилар қалъа мудофаа имконини кенгайтириш ва кучайтириш учун унинг шимоли-шарқида катта йўлга қаратиб барбет қилдилар. Истеҳкомнинг жануби-шарқида Чуст бозорига қараб ҳам барбет қуриш режалаштирилди, қалъа олдидаги майдонни бўшатиб, майдароқ эспланада барпо қилдилар. Рус врачларнинг маслаҳати билан бозор майдонидан 2 км. узокликда русларнинг янги шаҳри учун 10 гектар жой танланди. Муҳандис А.Рыжиков лойиҳаси асосида бу жойда Чустнинг аҳолиси учун шаҳар барпо этила бошлади.

1879-1880 йиллари янги шаҳарнинг асосини иккита Т-шаклида жойлашган кўчалар ташкил қилди. А.Рыжиков лойиҳасида давлат муассасаларининг биноларидан уезд маъмурияти, судьянинг хонаси, қамоқхона, шифохона, казарма ва уй-жойлар қурилиши ҳам режалаштирилган эди[25]. Собиқ бекка тегишли барча ерлар уезд ҳокими уйига бириктирилиб, парк ва боғи сақлаб қолинди. 1887 йили Чуст уезди Наманган билан қўшилди ва Чуст чекка шаҳарга айланди. У ерда фақат участка пристави бўлган. Чустнинг янги шаҳар қурилиши анча сусайиб кетди. Бу шаҳарда русларнинг ҳатто черкови бўлмаган. 1901 йили рус мактабининг девори мустаҳкамланиб, томи таъмирлангач ибодат уйи очилди.

XX асрнинг бошларида Наманган ва Чуст шаҳарлари пахта ишлаб чиқариш марказига айланиб, савдогарлар ва тадбиркорлар диққатини торта бошлади. 1912 йили Қўқон-Наманган темир йўли Чуст шохобчасининг қурилиши, пахта тозалаш заводларининг кўпайишига олиб келди.

Чуст шаҳарининг кенгайиши темир йўл ва вокзал томонига қараб амалга оширилди, шу тарафда саноат худуди барпо этилди. Чустнинг руслар шаҳрида баъзи ободончилик ишлар амалга оширилди. Жумладан, кўчаларнинг бир қисмига тош ётқизилди, кўчалар керосин лампалар билан ёритиладиган бўлди.

1887 йилдан уезд маркази Наманганга кўчирилгач, Чустнинг руслар яшайдиган янги қасми аста-секинлик билан ривожлана бошлади. Бу ривожланиш XX асрнинг бошларида темир йўл келиши билан бироз жонланди, ободончиликка аҳамият берила бошлади. Рус маъмурлари Косон, Қамишқўрғон, Олмос қишлоғи, эски Ахсини дам олиш учун қулай деб белгилаб, истироҳат, байрамлар ва ёзнинг иссиқ кунларида шу ерларга дам олишга боришганлар.

Фарғона водийсининг шарқида Оқбўра дарёсининг икки томонида жойлашган Ўш шаҳри XVIII асрда Қўқон хонлиги таркибига кирди. 1876 йили бу қадимий шаҳар ҳам Туркистон генерал губернаторлигининг Фарғона вилояти таркибига киритилди. Ўш шаҳарининг савдо ва стратегик аҳамиятидан келиб чиқиб босқинчилар бу ерда катта гарнизонларини жойлаштирдилар. Рус ва европаликлар учун мўлжалланган янги шаҳар эски Ўшнинг жанубида, Оқбўра дарёсининг чап томонида истеҳком қуриш билан бошланди.
1911 йилдаги шаҳарнинг режасига қараганда унинг янги қисми шаҳарнинг марказидаги катта майдонни эгаллаган. Унинг трапеция шаклидаги тузилиши ўртасида казармалар, қолган жойларида хўжалик бинолари қурилган эди. 1891 йилгача руслар шаҳри 1 верст узунликдан иборат бўлиб, Оқбўра дарёси билан қарама-қарши томонда бир кўчадан иборат бўлган[26]. 1880 йили қалъадан унча узоқ бўлмаган масофада уезд бошлиғининг уйи, 22 800 кв.м. майдонда эса Жоме майдони, жануброқда эса 1910 йилигача черков вазифасини ўтаган ибодат уйи қурилди. Ундан шимолда диний мактаб, ҳарбийлар учун турар жой, атрофида эса маъмурий бинолар қурилди.

XX асрнинг бошларида Ўшнинг “руслар шаҳри” эски қисм билан қўшилиб кетди. Руслар шаҳарнинг жанубий қисмидаги ҳарбий лагерларга жойлашдилар. Шаҳарнинг шарққа қараб кенгайишига Оқбура дарёси монелик қилган. Дарёнинг ғарбий соҳилида руслар хиёбон бино қилдилар. Ўшнинг янги қисмида биттагина меҳмонхона биноси, магазин ва дўконлар, савдо расталари бино этилди. Шаҳарнинг ғарбида Верхный (Пиён)бозор ҳам бўлган.

Бу ерда саноат худудлари, завод ва фабрикалар ҳам бўлмаган. Унда биттагина Орлов деган тадбиркорнинг пиво заводи (шаҳар хиёбонининг жанубида) бўлган. 1913 йили Ўш шаҳрида 915 рус аҳоли, эски қисмида эса 44 мингдан ортиқ аҳоли яшаган. Ўш темир йўл

ва муҳим саноат марказларидан узоқ бўлганидан XX асрнинг бошларида ҳам чегарадаги ҳарбий истеҳком вазифасини ўтаган.

Ўлка босиб олингач, айтилганидек, бу ҳудудларда руслаштириш ва аҳолини Россиядан кўчириб олиб келиш сиёсати авж олди. Фарғона водийсида ҳам руслар истиқомат киладиган қишлоқлар вужудга келди. Фарғона вилоятидаги биринчи рус манзилгоҳи Покровский номи билан Ўш уездининг Куршаб деган жойида барпо этилди. 1897 йили эса Наманган уездида Успенское, 1898 йили Андижонда Николаевское номли қишлоқлар пайдо бўлди. Айни шу йилда содир бўлган Андижон қўзғолонидан кейин водийга рус аҳолисининг кўчиб келишлари давлатнинг қўллаб-кувватлаши ва кўмагида авж олиб кетди. 1899 йили Минг тепа қишлоғи ўрнида янги Русское қишлоғи пайдо бўлди. Қишлоқнинг аҳолиси бир қисми ҳайдалиб, бир қисми йўқ қилингандан кейин Россиянинг марказий районларидан 200 та рус оиласи бу ерга кўчириб олиб келинди.

Шу йили Андижон уездида яна Благовещенское қишлоғи, 1901 йили эса Спасское қишлоғи барпо этилади[27]. 1902 йилининг охирига келиб вилоятда 674 оиладан иборат 7 та рус қишлоқлари пайдо бўлди. Янги кўчиб келган рус аҳолиси учун кўплаб имтиёзлар берилганига қарамасдан, улар зўравонлик билан маҳаллий аҳоли ерларини ҳам тортиб олабошладилар. Бундан хавотирга тушган рус маҳаллий маъмурияти 1904 йили Туркистон генарал-губернаторига мурожаат қилиб, марказий губерниялардан кўчиб келаётганларнинг ўзбошимчалик ва босқинчиликларига чек қўйиш учун ёрдам сўраган[28]. Бироқ аҳолининг мурожаатларига рад жавоб берилган[29].

Андижон уездидаги волостлардан Кўгарт, Ясси ва Ўзганда вазият анча қалтис эди. Бу волостларда Туркистон генарал-губернаторлигига қарашли Семиречинск ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Полтава, Томск ва Воронеж губернияларидан кўчиб келган аҳоли жойлашган эди. Шундан Кўгарт волостидаги 4 та посёлка Кўк ёнғоқ, Жиргатол, Қора челак ва Торон маҳаллий маъмурият рухсатисиз барпо этилган эди[30]. 1908 йили Кўгартга яна 200 та оила келганини Андижон уезди ҳокими Фарғона ҳарбий губернаторига маълум қилиб, уларнинг оғир моддий аҳволда эканлиги ва тез орада уларнинг орасида очарчилик бошланиши мумкинлиги ҳақида хабар берган[31]. Айни вақтда маҳаллий аҳоли ва кўчиб келганлар ўртасида тўқнашув бўлмаслиги учун уезд бошлиғига ҳарбий кучларни юборилиши сўралган.

1911 йилга келиб Фарғонада рус манзилгоҳларининг сони 23 тага етади. Булар Скобелев уездида 1 та, Ўшда 5 та, Наманган уездида 3 та, Андижон уездида 14 та бўлган[32]. Статистик маълумотларга қараганда, 1913 йилга келиб Фарғона вилоятида 42 та рус манзилгоҳи бўлиб, уларда 12 648 кишидан иборат 2323 оила яшаган. Уларнинг ихтиёрида 22 995 десятина экин майдонлари бўлган. Биринчи жаҳон уруши даврида вилоятга уруш бўлаётган жойлардан қочоқлар кўчиб кела бошланган. Шу йилнинг 21 октябрига келиб бундай кишилардан Скобелев шаҳрида 8918 киши жойлаштирилди. Улар билан машғул бўлувчи махсус комитет тузилган. Уларнинг кўпчилиги казармаларга ва 68 та шахсий уйларга жойлаштирилди. Тиббий хизмат яхши кўрсатилмаганидан қочоқлар орасида тиф, безгак ва бошқа юқумли касалликлар тарқалиб кетган.

Скобелев шаҳрига яна 14 минг ҳарбий асир жойлаштирилгани Фарғона вилояти ҳарбий губернаторини анча хавотирга солиб қўйган: “Шаҳар аҳолисидан 2,5 баробар кўп ҳарбий асирларнинг келиши шаҳарни жуда оғир аҳволга солиб қўйган”, деб ёзган эди генерал.

Хулосаси сифатида таъкидлаш лозимки, Россия империясининг Қўқон хонлигига ҳарбий юришлари босқинчилик характерига эга бўлиб, унинг натижасида хонликнинг катта ҳудудлари XIX асрнинг ўрталаридан Россия таркибига киритилди. 1865 йили июнь ойида Тошкент шаҳри босиб олингач, босқинчилар бу шаҳрни Ўрта Осиёни босиб олиш учун асосий таянч марказга айлантирдилар. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгач, Россиянинг Туркистонни босиб олиши яна тизимли тарзда, узоқ мақсадларни кўзда тутилган ҳолда олиб борила бошланди. 1876 йили 19 февраль Қўқон хонлиги тугатилди ва унинг ўрнида янги мамурий ҳудуд Фарғона вилояти тузилиб, уни ҳарбий губернатор бошқарадиган бўлди. Вилоят шаҳарлар, уездлар, волост ва қишлоқ жамоларига бўлинди. Руслаштириш ва

рус аҳолини Туркистонга кўчириб келтириш сиёсати изчиллик билан амалга оширила бошланди.

Янги кўчиб келтирилган аҳоли ва рус қўшинлари учун вилоят шаҳарларида рус қисм (ёки янги қисмлар, европаликлар яшайдиган қисм) лар ташкил қилинди. Шаҳарларнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмларда рус аҳолиси камдан-кам яшаган. Шу билан водий шаҳарлари янги урбанизацион ва янги иқтисодий муносбатлар доирасига тортилди. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар шаҳар меморчилиги, шаҳарсозлик анъаналари ва маданиятига таъсир этди.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Urban Development Code of the Republic of Uzbekistan.-Tashkent, 2015.-112 p.
2. Muhammad Reza Margilani. Historical Saint // Manuscript. UZR FASHI. - №11108. - 120 sheets; Isaac's Example. History. Fergana // Manuscript. UZR FASHI. - № 11616.1b-76 - sheets; Mulla Olim Mahdum Haji. History of Turkestan / Prepared by T. Alimardonov, N. Abdul Hakim. - Against: Nasaf. 1992. - 148 p. Mirzo Olim Mahdum Xoji. History of Turkestan / Editor-in-Chief Z. Choriev, foreword and comments by Sh.Vakhidovniki, Arabic translation by Sh.Vakhidov and R.Khalikova, indicators by Sh.Vakhidov and D.Sangirova. - Tashkent, Yangi asr avlodi, 2008. - 242 p.
3. Valixanov Ch.Ch. Note on Kokand khanate. Sobranie sochineniy. V 5-ti tomax. T. 3. - Alma-Ata, 1985. - p. 314-324; Velyaminov-Zernov V. Istoricheskie izvestiya o Kokandskom xanstve ot Muxammada-Ali do Khudayarkhana // Zapiski Vostochnogo Otdeleniya Rossiyskogo Arxeologicheskogo Obshchestva, 1859-ch IV. - B. 329-370 .; This is the author. Information about Kokand khanate // Vestnik Russkogo Geograficheskogo obshchestva. - St. Petersburg. 1856. -T.18. - S.108-151; Nalivkin V. A brief history of the Kokand Khanate. - Kazan: typography of the Imperial University. 1886. IV 215 s .; That author. Tuzemtsy. Ranshe i teper./ Izdanie A.L. Kirsnera. - Tashkent:
4. Elektrich. Tipo-lit. «Turk. T-va Pechatnogo D'la ». 1913. - 144 s; Kushelevskiy V.I. Materials for medical geography and sanitary description of the Fergana region. Volume I-III. New Margelan: Publication of the Fergana Regional Statistical Committee. 1890-1891. (Tom I - 402 s; Tom II - 288 s; Tom III - 476 s); Middendorf A.F. Essays Ferganskoy doliny // Translation with German V.I.Kovalevskogo. - St. Petersburg: 1872. - 604 p.
5. Azadaev F.A. Tashkent in the second half of the XIX century. // Essays on socio-economic and political history. - Tashkent: Izd-vo An UzSSR, 1959. - 242 p .; Azimov I. Architectural monuments of the Fergana Valley. - Tashkent: Uzbekistan, 1986. – 71 p.; Akramov V.A. Socio-economic and cultural life of Kokand (second half of the XIX century and the beginning of the XX century). - Tashkent: Institute of History of the Academy of Sciences. 1973. - 220 p .; That author. Development of the city of Kokanda in the second half of the XIX - beginning of the XX century. // History of Kokanda. - Tashkent: Fan. - S.5-41 .; Akramov Z.M. Namangan region. Historical-geographical essay. - Tashkent: Fan, 1954.– 30 p .; Galitskiy V., Ploskix V. Starinnyy Osh. - Frunze: Ilim, 1987. - 175 p .; Ziyoev H.Z. Annexation of Tashkent to Russia. - Tashkent: Fan, 1966. -116 p .; Qosimov Y. Excerpts from the history of Namangan (until 1917). - Tashkent: Fan, - 1991. 56 p .; Krukovskaya S.M. Meet with Kokand. - Tashkent: Uzbekistan, 1977. - 171 s .; Mukhtarov A. Ocherk istorii Ura-Tyubinskogo vladeniya v XIX v. –Dushanbe: Izd-vo AN Tadj.SSR, 1964. – 186 p .; Nilsen V.A. U istokov sovremennogo gradostroitelstva Uzbekistana (XIX - nachalo XX vekov). - Tashkent: Fan, 1988. - 208 p.
6. Abdullaev O. Namangan region. Namangan. 1995. - 148b .; Abduraximova N.A., Rustamova G. Kolonialnaya sistema vlasti v Turkestane vo vtoroy polovine XIX - I chetverti XX veka. - Tashkent: Universitet, 1999. - 162 p .; Abdurahimova N.A., Ergashev F.R. Tsarist colonial system in Turkestan. – Tashkent: Academy, 2002.– 240 p .;
7. Agzamova A. Cities of Uzbekistan in the middle of XVI-XIX centuries. – T .: Sparks of literature, 2017.– 228 p .; Cities and urban life of Uzbekistan in the first half of the XVI-XIX

centuries .: Doctor of History ... diss. - Tashkent, 2000. - 348 p .; That author. Crafts and trade in late medieval Central Asian cities. - Tashkent, 2000. - 342 p .; Ziyaeva D. Cities of Uzbekistan in the second half of the XIX - early XX centuries: urban culture and urbanization. - Tashkent: New edition, 2017. - 440 p .; Scientific research and expeditions in the field of natural sciences in the territory of Uzbekistan (late XIX-early XX centuries) [Text] / project manager D.H. Ziyaeva. - Tashkent: Akademnashr, 2019. – 416 p .; Shadmanova S.B. Medicine in Turkestan: traditions and innovations (late 19th and early 20th centuries). - Tashkent: Akademnashr, 2019. – 232 p .; Ahmadjonov G'.A. The Russian Empire in Central Asia. - Tashkent: «Talim manbai», 2003. - 267 p .; Bababekov X.N. History of conquest of Central Asia by Tsarskoye Selo in secret documents. - Tashkent, 2006. - 70 p .; That author. History of Kokand. - Tashkent: Fan, 1996. - 240 p .; Sangirova D. History of Muhammad Aziz Margilani Azizi's work is an important source: History. fan. nomz. diss .... - Tashkent: UzR FA SHI, 1999. - 162 p.

8. Soodanbekov S. S. Obshchestvennyy and gosudarstvennyy stroy Kokandskogo khanstva. - Bishkek, 2000. - 144 p .; Beysembiev T. K. High administration of Tashkent and southern Kazakhstan in the period of Kokand khanate: 1809–1865 gg. / Istoriko-kulturnye vzaimosvyazi Irana i Dasht-i Kipchaka v XIII - XVIII vv. Materials of the international circular table. - Almaty: Dayk-Press, 2004. - p. 291–313.; Holdswort M. Turkestan in the nineteenth century. A Brief history of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. - Oxford, 1959. - 80 p .; Central Asia in historical perspective. Ebited by Beatrice Mans. - Oxford: West viw press, 1994.– 245 p .; Saray M. The spread of Russia to the Turkic lands. - Istanbul, 1975. - 35 p .; That author. Political relations between the Ottoman state and the Turkestan khanates during the Russian occupation (1775–1875). - Ankara, 1994. - 74 p .; Kim Hondong. Holy War in China. The Muslim Rebellion and State in Chinese Central Asia, 1864–1877. – Stanford, 2004. - 295 p.; Travels in Central Asia being the account of a journey from Teheran across the Turkoman desert on the eastern shore of the Caspian to Khiva, Bokhara and Samarcand performed in the year 1863 by Arminius Vambery, Member of Hungarian Academy of Pesth, by whom he was sent on this scientific mission. London. John Murray, Albemarle Street, 1864; Eugine Schuyler. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara and Kuldja. - New York, 1885. Vol. II.; Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, D.D., M.R.A.S., F.R.G.S. with frontispiece, maps, and illustrations, in two volumes. London. Sampson Low, Martson, Searle and Rivington. 188, Fleet Street. 1885.
9. Farmonova B.A. Remeslennoe proizvodstvo v Ferganskoy doline vo vtoroy polovine XIX - nachale XX v. Diss. kand.ist. science. - Tashkent: Institute of History of AN Uzbekistan, 1995. - C. 23.
10. Yusupova M. Halfway through the transformation of architecture in Uzbekistan: at the beginning of the "new cities" of the Fergana Valley, the end of the XIX - beginning of the XX century. // Scientific editor: E.V. Rtveladze.- Tashkent, 2005. - P. 28.
11. Lavrentev V.L. Capitalism in Turkestan. - Moscow, 1930. - 151 p .; Musaev N.U. The emergence of capitalist relations of production in Turkestan (late nineteenth and early twentieth centuries). - Tashkent: Tashkent State Technical University. 1995. - 106 p.
12. The etymological meaning of Havokand is "Havokent", which means the city of winds. See: Vohidov Sh. Historiography in the Qoqan khanate. Tashkent: Akademnashr, 2010. - B.3.
13. Kushelevskiy V.I. Materials for medical geography and sanitary description of the Fergana region. Tom I.-Novyy Margelan: Publication of the Fergana Regional Statistical Committee. 1890. - C. 67 .; Yusupova M. Polveka transformatsii arhitektury Uzbekistana: na primere «novyh gorodov» Ferganskoy doliny, kontsa XIX - nachala XX v ... - C. 32.
14. Vremennoe polozhenie "O voennom upravlenii v Ferganskoy oblasti" / O'zR MDA. I-19, List 1, Case 126, pp. 21-24; Project of the current situation in the management of the Fergana region (signed by Lieutenant-General Kopakovskiy) on March 19, 1876. / MDA of the Republic of Uzbekistan. I-19, List 1, Case 126, Sheets 1-13.

15. Yusupova M. Polveka transformatsii arhitektury Uzbekistana: na primere «novyh gorodov» Ferganskoy doliny, kontsa XIX - nachala XX v ... - С. 32.
16. Kushelevskiy V.I. Materials for medical geography and sanitary description of the Fergana region ... Tom I. - S. 77. [15] Из Коканда. // Туркестанские ведомости. 18.нояб. 1893.
17. Nilsen V.A. U istokov sovremennogo gradostroitelstva Uzbekistana (XIX - nachalo XX vekov). - Tashkent: Fan, 1988. - p. 119.
18. Chabrov G. Ocherk istorii planirovki i stroitelstva russkix gorodov Turkestanskogo kraya (1865-1916). - Tashkent, 1945. - С. 232.
19. These are: Maaz ibn Jabal, Nadimat, Tashlak, Khotun ariq Bahrin, Gulchaman, Mashad, Eshan gate, Alti ariq, Sari mazar, Suk tepa and Chimyon. See Pisarchik A.K. Some dannye po istoricheskoy topografii gorodov Fergany // Sbornik statey, posvyashchennyx isskustvu tadjikskogo naroda. Stalinabad, 1956. - P.157.
20. Kushelevskiy V.I. Materials for medical geography and sanitary description of the Fergana region. Tom II. - New Margelan: Published by Fergana Oblast Statistical Committee. 1891. - С. 56.
21. Yusupova M.A. K istorii arxitekturnogo oblika Margilana kontsa XIX-nachala XX veka // Margilan city in the history of world civilization. - Tashkent-Margilan: Science, 2007. - P.136-141.
22. MDA of the Republic of Uzbekistan. I-16 fund, list 1, 30779 work
23. MDA of the Republic of Uzbekistan. I-19, List 1, Case 290, 13 sheets.
24. Akramov Z.M. Namangan region (historical-geographical essay). - Tashkent: Fan. 1954. - С. 11-24.
25. MDA of the Republic of Uzbekistan. I-19.1. Case 26524, 34 pages.
26. MDA of the Republic of Uzbekistan. I-19.1 list 30780 work
27. Kushelevsky V.U. Materials for medical geography and sanitary description of the Fergana region ... Volume I. - P. 109.
28. MDA of the Republic of Uzbekistan. F-1, List 17, Work 428, Sheets 1-25. See also: Fergana region in 1902. / Ejegodnik Fergana region. Volume III. Issue 1903. New Margelan. 1903. - С. 7-8.
29. MDA of the Republic of Uzbekistan. F-1, List 17, 294 cases. 11 sheets.
30. MDA of the Republic of Uzbekistan. I-19, List 1, 505 cases. 4 sheets.
31. MDA of the Republic of Uzbekistan. F-17. list -1, 5049 work. 1 sheet.
32. MDA of the Republic of Uzbekistan. F-25. list -1, 56 work. 30 sheets
33. Masalskiy V.I. Turkestanskiy kray ... - S.300 .; Pereselencheskoe delo va Turkestanskom krae (oblasts Syr-Darinskoy, Samarkandskoy i Ferganskoy). Report on slujebnoy poezdke in Turkestan osenyu 1910 g.Чиновника особых поручений при переселенческом управлении Н. Гаврилова. – Санкт-Петербург, 1911. – С. 152.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Erkinjon Asqaraliyevich Maxmudov,**
Farg'ona davlat universiteti jahon tarixi
kafedrasi o'qituvchisi,
erkinjonmakhmudov@gmail.com

## BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO'LGAN MUNOSABATI

**For citation:** Erkinjon A.Makhmudov, THE ATTITUDE OF THE GOVERNMENT OF THE BPSR TO THE WAQF PROPERTY. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.152-156

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-20

**ANNOTATSIYA**

Ushbu maqolada muallif BXSR hukumatining diniy muassasalar, unga tegishli bo'lgan vaqf mulklariga munosabati asalasining tarixiy aspektini yoritgan. Sovet hokimiyatining BXSR da dastlabki yillardagi vaqf mulklariga nisbatan olib borgan ehtiyotkorona siyosati, keyinchalik, bu mulklarning isloh qilinishi qat'iylashib borganligi ko'rsatib o'tilgan. BXSR ning tugatilishi bilan diniy muassasalar, ularga qarashli bo'lgan mulklarga Sovet hokimiyatining siyosati keskin o'zgardi. Buxorodagi vaqf mulklarini bosqichma-bosqich tugatish chora-tadbirlari ko'rila boshlandi. 1928-yildan boshlab vaqf mulklarini tugatilishiga shoshilinch tadbirlardan biri sifatida qaraladi.

**Kalit so'zlar:** BXSR, diniy muassasalar, vaqf mulklari, vaqf ishlari, yer to'g'risidagi dekret, "yer-suv islohoti", vaqfchi dehqon.

---

**Эркинжон Аскаралиевич Махмудов,**
Преподаватель кафедры всемирной
истории Ферганского государственного университета

## ОТНОШЕНИЕ ПРАВИТЕЛЬСТВА БНСР К ВАКУФНОМУ ИМУЩЕСТВУ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье автор пытается пролить свет на исторический аспект отношения правительства БПСР к принадлежащим им религиозным учреждениям и имуществу вакфов. . Осторожная политика советского правительства в отношении вакфной собственности в БПСР в первые годы, а затем и реформа этой собственности, оказалась строже. С отменой БПСР политика Советского правительства в отношении имущества, принадлежащего религиозным учреждениям, резко изменилась. Приняты меры по постепенной ликвидации вакфов в Бухаре. С 1928 года ликвидация вакфной собственности рассматривалась как одна из самых неотложных мер.

**Ключевые слова:** БНСР, религиозное учреждение, вакуфное имущество, вакуфное дело, декрет о земле, земельно-водная реформа, дехканин-вакуфщик, смешанное вакуфное учреждение.

**Erkinjon A. Makhmudov,**
Teacher of the department of world history,
Fergana state university

# THE ATTITUDE OF THE GOVERNMENT OF THE BPSR TO THE WAQF PROPERTY

**ABSTRACT**

in this article, the author seeks to shed light on the historical aspect of the attitude of the BPSR government to the religious institutions and waqf property belonging to them. . The cautious policy of the Soviet government towards the waqf property in the BPSR in the early years, and later the reform of these properties, was shown to be stricter. With the abolition of the BPSR, the policy of the Soviet government on the property belonging to religious institutions changed dramatically. Measures have been taken to gradually liquidate the waqf property in Bukhara. Since 1928, the liquidation of waqf property has been seen as one of the most urgent measures.

**Index terms:** BPSR, religious institutions, waqf property, waqf work, decree on land, "land and water reform", waqf farmer, mixed waqf institutions.

---

## 1. Dolzarbligi:

O'rta asrlardan boshlab ming yillar davomida islom dini va uning roli biz yashab turgan mintaqada ijtimoiy, madaniy-ma'rifiy, iqtisodiy hayotda muhim o'rin egallab kelgan. Tarixiy jarayonlar juda keskin kechgan XIX asrning 2-yarmi, XX asrning boshlarida ham Buxoro amirligida yer va mulklarning katta qismi diniy muassasa va tashkilotlarga tegishli bo'lib, vaqf yerlari va mulklari nomini olgan.

Islom dining yoyilishi bilan vaqf mulki, ya'ni yerlar, karvonsaroy, do'konlar, hammom, tegirmon va boshqa shunga o'xshash foyda keltiradigan mulklar Xudo yo'liga masjid va qorixona singari diniy muassasalar uchun vaqf qilinishi an'anaga aylanadi. Vaqf mulki Allohniki hisoblangan. Diniy muassasalar vaqf mulkining daromadidab foydalanish huquqiga ega bo'lishgan [1].

XX asrning 20-yillarida Turkiston o'lkasida Sovet hokimiyatining islom diniga nisbatan olib borgan salbiy ateistik siyosiy davrida islom diniy muassasalari, tashkilotlari tarixiga oid asarlar yozish, chop etish taqiqlangan edi. O'zbekiston mustaqillikka erishgandan so'ng, diniy muassasalar, islom maorifi, diniy o'quv yurtlari tarixini xolisona tadqiq qilish imkoniyati yaratildi.

O'tgan yillar mobaynida islom ta'lim tizimi tarixiga oid ayrim ilmiy maqolalar, nomzodlik dissertatsiyalari yozildi. Biroq bu mavzuni hanuzgacha tarixchilar tomonidan o'rganilgan arxiv hujjatlari, bu davr Buxoro tarixiga oid manbalarni qiyosiy tahlil etgan holda tatqiq etish dolzarb masalalardan hisobanadi. Shuning uchun muhim ilmiy ahamiyat kasb etadi.

## 2. Metodlar va o'rganilgan darajasi:

Maqolada XX asr boshlaridagi Buxorodagi vaqf mulklari ularning shu o'lka ijtimoiy-iqtisodiy hayotidagi o'rni va roli, BXSR hukumatining diniy muassasa va vaqf mulklariga nisbatan olib borgan siyosati tarixiylik, qiyosiy mantiqiy tahlil, holislik tamoyillari asosida yoritilishiga harakat qilindi.

XIX asr oxiri, XX asr boshlaridagi bu mavzuga bag'ishlangan tadqiqotlsrni o'sha davrda Turkistondagi ma'muriyat tizimida faoliyat ko'rsatgan amaldorlar N.P. Ostroumov, F.M. Kerenskiy, V.P. Nalivkin va boshqalarni tadqiqotlarida amalga oshirilganligini ko'ramiz [2].

Turkiston general gubernatorligi ma'muriyatida faoliyat olib borgan bu mualliflar asarlarida Chor hukumatining mustamlakachilik siyosati sezilib turgan. Islom dini, uning madrasa, maktablari faoliyatiga ular tomonidan salbiy baho berishga harakat qilingan.

Sovet hokimiyatining dastlabki yillarida islom diniga nisbatan keskin kurash boshlanmagan edi. Shuning uchun bu davrda yaratilgan tarixiy tadqiqotlarda madrasa, qorixona, maktablar faoliyatiga ijobiy baho berishga harakat qilingan. Bunday qarash, B.B. Bartold asarlarida ham o'z aksini topgan [3].

Sovet davrida T.N.Qoriniyoziy, I.Mo'minov, M.G.Vahobov va boshqalarning O'zbekiston madaniyati tarixiga oid yirik asarlari chop etilishi va bu asarlarda madrasa, qorixona, maktablar, ularga tegishli bo'lgan vaqf mulklari to'g'risida ma'lumot berish cheklanganligi uchun bu muassasalar faoliyatiga haqqoniy baho berish imkoniyati mavjud bo'lmagan [4].

O'zbekiston mustaqillikkka erishgandan so'ng, tarixiy haqiqatni tiklash davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Mustaqillik yillarida Sovet davrida taqiqlangan musulmon o'quv yurtlari tarixi ham o'rganila boshlandi. Bu natijalarni B.M. Rasulov, G.F.Solijonova, D.A.Ismoilovalarning olib borgan ilmiy-tadqiqot ishlarida ham umumiy tarzda bayon etiladi [5].

O'zbekiston Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tashabbuslari bilan 2018-yil 16-prelda O'zbekiston musulmonlari idorasi huzuridagi "Vaqf" hayriya jamoat fondining tashkil etilishi masjid, madrasa, ziyoratgohlarimizni obod qilish; ularga xizmat ko'rsatayotgan xodimlar va talabalarga moddiy-ma'naviy ko'mak berishdan iborat etib belgilandi.

**3. Tadqiqot natijalari:**

XIX asrning 2-yarmi va XX asrning boshlarida ham Buxoro amirligida yer vaa mulklarning katta qismi diniy muassasa va tashkilotlarga tegishli bo'lib, vaqf mulklari va yerlari nomini olgan. XX asr boshlarida Buxoroda 360 masjid, 140 madrasa, 360 ta boshlang'ich diniy maktab va boshqa binolar mavjud bo'lgan [6].

Ularning moddiy ta'minoti bir necha yuz minglab tanobdan iborat vaqf yerlari va mulklari hisobidan amalga oshirilgan. BXSR tashkil etilgandan so'ng hukumat oldida turgan asosiy masalalardan biri yer-suv masalasini, jumladan, vaqf yerlari muammosini hal qilishdan iborat bo'ldi. 1920-yil 14-sentabrda bolsheviklar hukumatining Buxoro masalasida o'tkazgan maxsus yig'ilishida yer va soliq to'g'risidagi ma'ruza tinglandi. Yig'ilishda yer va soliq to'g'risidagi dekret shu vaqtgacha qabul qilinmaganligi bu dekretni ishlab chiqish va e'lon qilish vazifasini yuklashga qaror qilindi [7].

Yer to'g'risidagi dekret loyihasi Buxoro amirligi bosib olinmasidan oldin tayyorlab qo'yilgan edi. Bu hujjatni Buxoroda Sovet hokimiyati o'rnatilishi bilanoq qabul qilinishi rejalashtirilgan edi. Dekret loyihasi rus va o'zbek tillarida tayyorlangan bo'lib, unda yer-suv islohotini qay tartibda o'tkazish qoidalari 7 moddadan iborat tarzda diniy muassasalarga qarashli vaqf mulklarini ham isloh qilish masalasi alohida moddada ko'rsatib o'tilgan edi. 1920-yil 20-sentabrda BXSR MIQ dekret loyihasini muhokama qilib yer-suv islohotini darhol o'tkazish, ammo vaqf mulklari masalasini biroz kechroqqa surib vaziyatga qarab hal qilish zarurligi ta'kidlab o'tilgan. Dekretning vaqf masalasidagi hukumatning qat'iy qaroridan musulmon dini ahli va ulamolar noroziligi paydo bo'lishi mumkin edi. Aynan shularni e'tiborga olib, Inqilobiy qo'mita a'zolari 1920-yil 24-sentabrda yer to'g'risidagi dekret loyihasini muhokama qilish jarayonida hujjatdan vaqfga tegishli qismini chiqarib tashlash taklifini ilgari surdilar. Loyihani muhokama qilib bo'lingandan so'ng, Inqilobiy qo'mita quyidagi qarorga kelgan: "Loyihaning ayrim moddalari Buxoroning haqiqiy iqtisodiy sharoitiga to'g'ri kelmaydi, shuning uchun Inqilobiy qo'mitaning navbatdagi majlisiga qadar qoldirilishi kerak" degan xulosaga kelindi [9].

Shuni e'tiborga olish zarurki, vaqflarni amalda davlat tasarrufiga vaqtincha o'tkazilmay turilishiga ma'lum sabablar bor edi. Yangi tashkil topgan BXSR hukumatidan vaqf mulkiga nisbatan ehtiyotkorona munosabatda bo'lishligi talab etilar edi. Markaziy Osiyodagi musulmon davlatlari ichida Buxoro islom olamida o'z o'rniga ega bo'lib, islom madaniyatining taraqqiyotiga beqiyos hissa qo'shgan o'lka hisoblanar edi.

1922-yil iyun oyida Buxoro Xalq Respublikasida Abdurauf Fitrat tomonidan 19 moddadan iborat "Vaqf ishlari" haqidagi mahsus loyiha ishlab chiqiladi [10].

Loyihada vaqf mulklarini hukumat solig'idan ozod etish, faqat "ushr" solig'i olishligini saqlab qolish, Maorif nozirligi huzurida Markaziy vaqf mudirligini tuzish, uni 5 sho'baga bo'lish (diniy, ilmiy, ijara, moliya, xo'jalik), asoat vaqflari 6 qismga taqsimlash (masjid va masjid ishlari, maktab va kutubxona, mahkama, oshxona, avlodiy, Makka va Madina vaqflari), mutavallilar faoliyatini nazorat qilib turish vaqf mudiriyati xazinasini vujudga keltirish masalalari loyihadan o'rin olgan edi [11].

Fitrat loyihasi bo'yicha vaqf idoralari har oyda bir marta maorif nozirligiga hisobot taqdim etib turishi kerak edi. Milliy-hududiy chegaralanish arafasida ham 1924-yilning kuzigacha Respublikadagi vaqf mulklarini to'liq hisobga olish imkoniyati bo'lmadi.

1923-yil 11-avgustda BXSR hukumatining yig'ilishida BKP ning vaqf masalasidagi siyosati muhokama qilindi. Unda diniy muassasa va tashkilotlarga qarashli vaqf yer va mulklarini endilikda isloh qilinishi lozimligi to'grisida qarorni o'rtaga tashladi. Yig'ilish quyidagi qarorlarni qabul qilgan edi:

1. Masjidlarga tegishli yerlarni ular ixtiyorida vaqtincha sart-sharoit yuzasidan qoldirilsin;
2. Masjidlarga tegishli bo'lmagan vaqf yerlaridan 10% ushr solig'i undirilsin va ularni vaqf bosh boshqarmasi bilan kelishilgan holda maorif ehtiyojiga sarflansin;
3. Soliqlarni undirib olish Soliq boshqarmasi zimmasiga yuklatilsin;
4. Vaqfkor dehqonlarni yerdan foydalanish huquqini davlat yerlaridan foydalanayotgan dehqonlar huquqi bilan tenglashtirilsin;
5. Qishloqlardagi vaqf yerlari (masjidlarniki bundan mustasno) qishloq aholisining to'liq ixtiyoriga berilsin [12].

1924-1925-byudjet yilida Buxoro diniy vaqflariga qarashli yer miqdori 161.127 tanob bo'lib, bu yerlar vaqfchi dehqonlarga ijaraga berilgan, ulardan esa hosilning 10% miqdorida yagona qishloq xo'jaligi solig'i olingan. Umuman bu yillarda Buxoro vaqf mulklarining daromadi 882889 so'm bo'lgan [13].

Buxoro vaqf mulklariga qarashli diniy muassasa va tashkilotlarning soni ham salmoqli bo'lib, 231 ta madrasa, 429 ta eski usuldagi diniy maktablar, 133 ta qabriston, 199 ta qorixona binolari, 2306 ta masjid, 66 ta maxsuri vaqflar hamda 4 ta aralash vaqf muassasalari bo'lgan [13].

Buxoroda sovet hokimiyatining mustahkamlanib borishi bilan 1924-yilning oxirlarida milliy-hududiy chegaralanishning o'tkazilishi BXSR ning davlat sifatida tugatilishiga olib keldi. Yuqori salmoqqa ega bo'lgan, yuqorida ko'rsatib o'tilgan Buxorodagi vaqf mulklari O'zbekiston SSR tashkil etilishi bilan Xalq maorifi vazirligi tasarrufiga o'tkaziladi. Keyinchalik esa bosqichma-bosqich tugatish chora tadbirlari ko'rila boshlanadi.

## 4. Xulosalar

Masalaga xulosa tarzida quyidagilarni ta'kidlash maqsadga muvofiqdir:

- Sovet hokimiyatining BXSR da dastlabki yillardagi diniy muassasalarga nisbatan olib borgan ehtiyotkorona siyosati tufayli vaqf yerlari yer-suv islohotidan chetda qoldi.
- BXSR da sodir bo'lgan keyingi voqealar natijasida diniy muassasa va tashkilotlarga qarashli vaqf yerlarini ham isloh qilishga qaratilgan siyosati tobora qat'iylashib boraverdi.
- BXSR O'zbekiston SSR tarkibiga kiritilishi bilan diniy muassasalarga bo'lgan munosabat keskin o'zgardi va ularga qarshi siyosat amalga oshirilishi boshlandi.
- Buxorodagi vaqf mulklari O'zbekiston SSR tashkil etilishi bilan Xalq maorif vazirligi tasarrufiga o'tkazildi. Keyinchalik esa bosqichma-bosqich tugatdi chora-tadbirlari ko'rila boshlandi.
- O'zbekiston SSR Markaziy Ijroiya Qo'mitasi va Xalq Komissarlari Sovetining 1928-yil 22-sentabr kuni bo'lib o'tgan yig'ilishi vaqf mulklarini bekor qilish to'g'risidagi qarorini e'lon qildi. Ushbu qarorga asosan Buxoro hududida ham vaqf mulklarini tugatilishiga shoshilinch tadbirlardan biri sifatida qaraldi.

## Iqtiboslar/ Сноски/ References:


1. Alimov I. History of madrasahs and schools of Kokand khanate. – Toshkent, 2017. – P. 7.
2. Kerensky. F.M. Madrasah in the Turkistan region. – St. Petersburg: B.I. 1892; Ostraumov N.P. To the History of the Muslim educational movement in Russia in the 19th and 20th centuries // World of Islam. – St. Petersburg, 1913; He is. Islamic Studies. Introduction to the course of Islamic studies. – T .: B.I., 1914; Nalivkin V.P. Information on the state of indigenous madras in the Sirdaryo region in the 1890/91 academic year. – T .: B.I., 1916.

3. Bartholv.D.V. The culture of Muslimism. - Petrograd: Lights, 1918. He e. The history of the cultural life of Turkertan. – Lelingrad, 1937.
4. Qori Niyozev T.N. Essays on the history of culture of Soviet Uzbekistan. – T.: O'zbdavnashr, 1956; Muminov I. From the history of the public philosophical misli in Uzbekistan konse XIX - early XX centuries. – T.: Uzbekiston, 1957; Vohobov M.G. Uzbek socialist nation. – T.: Uzdavnashr, 1961.
5. Rasulov. B.M. From the history of Muslim schools and madrasas in Uzbekistan (late XIX - 20s of the XX century) Candidate of Historical Sciences… diss. – Andijan, 1996; Solizhonova G.F. Educational and educational centers in Tukistan, their social significance (the nineteenth century - the beginning of the twentieth centuries) author. Diss ... Cand. history. sciences. – T., 1988; Solizhonova G.F. Educational and educational centers in Tukistan, their social significance (the nineteenth century - the beginning of the twentieth centuries) author. Diss ... Cand. history. sciences. – T., 1988.
6. Ergashov. B.Kh. Ideology of the national liberation movement in the Bukhara Emirate. – T., Fan. 1991. – P. 7.
7. Alimov I. Liquidation of foundation property in Uzbekistan (1917–1927). – T .: Fan, 2003. – P. 123.
8. UzRMDA, 46-f, 1 r., Case 115; 115 v.
9. Bukhara News No. 88, 1922, 29 June
10. Bukhara Bulletin No. 89, July 8, 1922. No. 90 July 15, 1922.
11. UzRMDA, 34-f, 1 r, 4-ish, 1-v.
12. UzRMDA, r-94 f, 1-r, 332-ish, 14 v.
13. UzRMDA, r-94-f, 1 r, 332-ish, 15 v.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Темур Аброр ўғли Мўминов,**
Ўзбекистон миллий университети
Тарих факультети таянч докторанти
temurmominov7@mail.ru

# ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

**For citation:** Temur A. Muminov, SKETCHES OF THE SCIENTIFIC PORTRAIT OF Ibragim Muminov. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.157-165

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-21

**АННОТАЦИЯ**

Мақола XX аср Ўзбекистонда илм - фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшган, йирик файласуф олим, миллатпарвар жасоратли зиёли, жамоат арбоби Иброҳим Мўминов ҳақида. Академик Иброҳим Мўминов ижоди борасидаги ҳар бир тадқиқотни улуғ савоб ишларга қўшиладиган бир улуш деб қарамоқ жоиз.

Муаллиф Иброҳим Мўминов ҳаёти ва фаолияти контексига яқин ўтмишда илм – фанимиздаги эришилган ютуқлар, зиддиятлар ва қарама – қаршиликларни тарихий ҳужжатлар асосида таҳлил этади. Донишманд алломанинг бутун инсоний фазилатларини жам этган Сурати ва Сийратини тасвирлайди.

**Калит сўзлар:** Забардаст олим, ижтимоий фанлар, фанлар академияси, тарихий мерос, фалсафа, илмий тадқиқот, кураш, илмий жасорат, илмий мактаб, сурат ва сийрат, зиёли, ватанпарвар, миллатпарвар, эътироф, жамоат арбоби.

---

**Темур Аброр угли Муминов,**
Базовый докторант исторического факультета
Национального университета Узбекистана
temurmominov7@mail.ru

# ЭСКИЗЫ НАУЧНОГО ПОРТРЕТА ИБРАГИМА МУМИНОВА

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассказывается об Ибрагиме Муминове, великом философе, ученом, националисте, отважном интеллектуале, общественном деятеле, внесшем большой вклад в развитие науки в Узбекистане XX века. Каждое исследование творчества академика Ибрагима Муминова можно рассматривать как вклад в великие добрые дела.

Автор анализирует достижения, противоречия и противоречия нашей науки в недавнем прошлом в контексте жизни и творчества Ибрагима Муминова на основе исторических документов. Мудрец описывает сурат и сийрат ученого, в которых воплощены все человеческие качества.

**Ключевые слова:** смелый учёный, общественные науки, Академия наук, историческое наследство, философия, научный эксперимент, борьба, научная смелость, научная школа, фото и биография, образованный, патриот, националист, признание, общественный деятель.

---

**Temur A. Muminov**,
Basic doctoral student of the Faculty
of History of the National University of Uzbekistan,
temurmominov7@mail.ru

## SKETCHES OF A SCIENTIFIC PORTRAIT OF IBRAGIM MUMINOV

**ABSTRACT**

The article is about Ibrahim Muminov, a great philosopher, nationalist, courageous intellectual, public figure who made a great contribution to the development of science in twentieth century Uzbekistan. Every research on the work of Academician Ibrahim Muminov can be considered as a contribution to the great good deeds.

The author analyzes the achievements, contradictions and contradictions of our science in the recent past in the context of the life and work of Ibrahim Muminov on the basis of historical documents. The sage describes the Surat and Siyrat of the scholar, which embody all human qualities

**Index Terms:** great scientist, social sciences, academy of sciences, historical heritage, philosophy, scientific research, struggle, scientific courage, scientific school, painting and biography, intellectual, patriot, nationalist, confessor, public figure.

---

**1.Долзарблиги:**

XX асрда совет тоталитар тузуми шароитида миллий зиёлиларга бош бўлган академик Иброҳим Мўминович Мўминов ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш тарихимиз учун ниҳоятда долзарб. Умуман совет даврида ижтимоий фанлар ривожланишидаги зиддиятларни ўрганиш ва таҳлил этиш зарур. Қатағон сиёсатига қарамай Иброҳим Мўминов Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Вице-президенти сифатида ниҳоятда эҳтиёткорлик, муросасизлик билан йўл тутиб, миллий тарихимиз, миллий меросимизни ўрганишда катта ижобий ишлар қила олди.

Россия тарихшунослиги қатағон сиёсати давридаги фани, олимлар фаолияти ҳақида жуда кўплаб ишларни олиб борган. Ўзбек тарихшунослигида ҳам бу ишлар бошланди.

**2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола тарихийлик, объективлик методлари асосида ёзилди. Яқин ўтмиш тарихини таҳлил этишда ҳаққонийлик нуқтаи назардан ёндашилди. Бунда оғзаки тарих (oral history) методидан ҳам фойдаланилди.

Академик Иброҳим Мўминов ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда биринчи навбатда унинг ўз асарлари манба вахифасини ўтади. Қолаверса, шогирдлари ёзган хотиралари жумладан, Ғайбулла ас – Салом "Эзгуликка чоғлан одамзод", Омонулла Файзуллаевнинг "Ўзбек зиёлилари", Наим Ғойибовнинг "Донишманд" китобларида И.Мўминов ҳаёти ва фаолияти турли қирралардан очиб берилган. Олим ҳақида кейинги йилларда иккита диссертация ёзилган. Булар Ходжаева Д.Ю. Иброҳим Мўминов илмий меросида ижтимоий фалсафа муаммолари. 2002 йил, ЎзМУ Ижтимоий фалсафа мутахассислиги бўйича Фалсафа фани бўйича номзодлик илмий даражасини олиш учун. Қаҳҳоров Х.Академик Иброҳим Мўминов ва унинг ўзбек халқи миллий маданияти тараққиётидаги ўрни.Самарқанд. 1999 Самду Фалсафа фани бўйича номзодлик илмий даражасини олиш учун ёзганлар.

**3.Тадқиқот натижалари:**

XX асрнинг забардаст қаламқошларидан Асҳад Мухтор ўз қайдларида “Замон ўтаяпти деймиз, аслида биз ўтаётирмиз” – дея ёзганда ҳақ бўлган. Бу мўйсафид дунё, не-не зотларни довруғига гувоҳ бўлиб, сўнг уларни сўнгги манзилга мунғайиб кузатган.

(Ҳозирда дунё тарихшунослигида шахслар ҳаёти ва фаолиятига оид тадқиқотлар кўп яратилмоқда. Ўзбек тарихида ҳам бундай савобли ишларга қўл уриш бошланди. Ҳассос тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов “Тарих ва тақдир рукнига бош бўлиб бир қанча улуғларимиз ҳақида рисолалар чоп эттирди.)

Иброҳим Мўминов ўз шахсий варақасида 1908 йилнинг 7 октябрида Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Тезгузар қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топганини ўз дастхати билан ёзган.

Олим ўз автобиографиясида “инқилобгача отам Мирзабоев деган бойда приказчик бўлиб ишлаган, революциядан кейин деҳқончилик билан шуғулланган. У 1924 йил вафот этган. 1922 йилгача падаримга ёрдам бериб чўпонлик қилганман”[1] –дея ҳаёти лавҳаларини битади.

1922-1927 йилларда у киши аввал бошланғич мактабда, кейин эса Бухоро оқартув институтида таҳсил олади. Таътил ойларида ўқитувчилик қилади. Ўқишни тугатгач, Бухородаги икки йиллик курсларда жамиятшунослик илмидан дарс беради. 1928 йилда И.М.Мўминов Бухоронинг дастлабки ёш вакиллари қаторида Самарқанд Олий педагогика институтига ўқишга юборилади.

И.Мўминов 1931 йилда Самарқанд Педакадемиясининг ижтимоий – иқтисодий факультетини аъло баҳоларга тамомлагач, мазкур академияда ўқитувчи қилиб қолдирилади.

1933 йилда Самарқанд Педакадемияси асосида Ўзбек Давлат дорилфунуни (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) ташкил топади. Ташкилий ишларда И.Мўминов фаол иштирок этади. У дастлаб мазкур университетнинг филология факультетида кейин эса тарих факультетида декан лавозимида ишлайди.

1941 йилда И.Мўминов “Гегель диалектикасининг рационал мағзи” мавзуида диссертация ёзиб ўзбек зиёлилари орасида республикада биринчи бўлиб фалсафа фанлари номзоди деган илмий даражага сазовор бўлади.

1943 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ташкил топади. Унинг таъсис мажлисидаёқ И.Мўминов академиянинг мухбир аъзоси қилиб сайланади. У шу йиллардан бошлаб тақдирини академия билан чамбарчас боғлайди.

1950 йилда И.Мўминов “XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий – фалсафий фан тараққиёти тарихидан” деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади.

Унинг номи жамоатчилик ўртасида эътироф этилди. 1955 йилда И.Мўминовнинг докторлик диссертацияси монографиясини чоп этилиши илмий доираларда ижобий кутиб олинди. Шу йили Домлага ЎзФА тарих ва археология институтига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди.

Сал аввалроқ 50 – йилларнинг бошида Ўзбекистон гуманитар ва ижтимоий фанларнинг кўпгина арбоблари қораланган. ЎзКП(б) МҚ бюроси 1950 йил 1 сентябрда “Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иши тўғрисида”ги масалани тинглаб, қабул қилинган қарорида Руспублика Фанлар академиясининг гуманитар фанлар бўлими ва унинг институтлари “ўз ишларини ВКП(б) МҚнинг масалаларга доир қарорларига мувофиқ равишда қайта қурмадилар”, бу институтларга “сиёсий ишончга сазовор бўлмаган ва буржуа объективизми ҳамда космополитизм ғоясини ташиб юрадиган кишилар жойлашиб олганлар”[2] - деб кўрсатиб ўтди.

Айниқса, 1952 йил 21-22 февралда бўлиб ўтган ЎзКП(б) МКнинг X пленуми А.Ниёзовнинг “Республикада мафкура ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида”ги маърузасида Ўзбекистон халқлари тарихини ёритиш жиддий танқид остига олинганди. Қатағон совуқ шамоллари эсмоқда эди. Шундай оғир шароитда И.Мўминов илмий тадқиқот институтини дадиллик билан бошқарди.

Унинг ташаббуси билан 1956 йилда тарих ва археология институти таркибида фалсафа масалаларини ўрганишга ихтисослаштирилган фалсафа шуъбаси ташкил этилди.

1956 йилда И.Мўминов Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва айни пайтда вице – президенти этиб сайланди.[3]

1956 йилдан умрининг охиригача И.Мўминов Ўзбекистонда ижтимоий – гуманитар фанларнинг ривожига улкан ҳисса қўшди. Ўзбек фани ютуқларини кенг тарғиб қила олди.

“Давр менинг тақдиримда” – деган ибора бор. Олим яшаган давр том маънода тоталитар режимнинг тегирмонидан ўтказилган эди. Таъқиб, тақиқ, шубҳа ва хиёнат кучайган, одамлар ўртасида бир–бирига ишонч йўқолган дамлар. 1947 йил Москва бутун мамлакат бўйича қатъий амал қиладиган йўриқнома ишлаб чиқди. “Приказ НК (003) 47” деган даҳшатли кўрсатма жамиятнинг барча соҳаларини ўргимчак тўридек қамраб олганди.

Ҳар бир сатрида фитна уфуриб турган йўриқномани ўқиймиз: “19 Партия, давлат ва хўжалик аппаратида ишлаётган туб ерли кишиларни (таъқиқ бизники Т.М) шундай ҳолатга солиш керакки, уларнинг ўз қўл остидагилари кўз ўнгида обрўси тўкилиб, аввалги даврларига қайтиш учун ҳам имконлари қолмасин...

–22. Барча илмий текшириш институтлари ва лабораторияларни доимий кузатиб бориш зарур..

–27. Маҳаллий аҳоли орасида етишган раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий буёқ берилишига йўл қўйилади, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак.

–35. Бошланғич ва ўрта мактабларда, бундан ҳам аввал, ўрта ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим бўлади. Уларнинг ўрнига биз томонимиздан белгиланадиган кишиларни қўйиш керак. Фанлар орасидаги фарқ текислаб юборилиши, оригиналлар нашри чекланиши, лотин ва эски грек тиллари, умумий философия, мантиқ ва генетика фанларининг ўтилмоғи тўхтатилиши шарт. Тарих дарсларида ўтган сиёсатдонлар, кимлар ватан равнақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшоҳлар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади”.[4]

Мустабид тузумни доғули сиёсати доимо аҳолининг энг онгли қатлами бўлмиш зиёлиларни таъқиб остига олган. Бундай шароитда, айниқса ижтимоий –гуманитар фанлари соҳасида иш олиб борганлар “боши тепасида доимо Дамашқ қиличи осилиб турганлигини” ҳис этиб туришган.

Бутун мамлакатда қадимий тарихни ўрганиш “ўтмишга сажда қилиш” дея баҳоланди. Ижтимоий – гуманитар соҳа вакилларига кўпроқ “ривожланган социализм” даври, Партия тарихи бўйича илмий ишлар ёзиш рағбатлантирилди. Бутун жамиятда Манқуртлик авж олди.

Шундай оғир шароитда Иброҳим Мўминов ўтмиш меросимизни ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотларни олиб боришда катта журъат билан иш бошлади. 1959 йилда “Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий –фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар” ўзбек тилида нашр қилинди. Унда Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Ҳайём, Бедил каби мутафаккирларнинг асарларидан намуналар келтирилди.

1958–1968 йилларда И.М.Мўминов раҳбарлигида Абу Али Ибн Синонинг беш жилдлик “Тиб қонунлари” китоби, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”,”Геодезия” асарлари, Хоразмий, Форобий, Наршахий, Байҳақий, Маҳмуд Қошғарий ва Алишер Навоий каби машҳур мутафаккирларнинг китоблари чоп этилди. Фалсаера, фалсафа тарихи, ахлоқшунослик бўйича дарсликлар яратилди.

И.Мўминовнинг 1968 йил 5 майда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг кенгашида тарихий манбалар асосида ёзилган “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” мавзусида ўқиган маърузаси бутун миллий зиёлиларимиз тафаккур дунёсида туб инқилобий ўзгариш ясади. Ўша ҳаяжонли тарихий мажлис иштирокчиларидан бири Ҳамид Зияев шундай ёзади: “...Мен Отамбой Эшонов билан Яҳё аканинг хонасига бир пиёла чой ичишга кирдим. Учаламиз анча ҳаяжонланган ҳолда бир–биримизни табрикладик. Яҳё ака деди:

–Хўп зўр иш бўлди, мен кенгаш жанжалга айланса керак, деб ўйлаган эдим. Менимча, кенгаш Президиум доирасида ўтказилишининг салобати босиб кетдими, ҳеч ким "ғинг" дея олмади. Энди шуни айтиб қўяйки, иккалангиз ҳам "қора хат"га тушдингиз.

–Яҳё ака, –деди Отабой ака, –бугун қурбон бўлишга арзийдиган иш бўлди, қўлларидан келса осмонга олиб чиқиб, ташлаб юборсинлар."[5]

Иброҳим Мўминовнинг ҳам олим, ҳам инсон сифатидаги бу Жасорати ҳақида шогирдлари кўп ва хўб ёзишган. Бундан кейин ҳам ёзилажак. Вақт олий ҳакам Домланинг бу ҳатти – ҳаракати шунчаки тасодиф эмас, балки чуқур ўйланган ва оқибатини ҳис қилиб ташланган журъатли қадам эди. Қаҳрамонлар руҳиятида доимо ўзини улуғ ишга бағишлашдек эзгу мақсад Яширин бўлади. Домла Иброҳим Мўминовни киндик қони Бухорои шарифда тўкилган. Бу юрт ўзининг иймон – эътиқодли ва илмли кишилари билан дунёга довруғ таратган. Ҳар қарич заминида кўҳна тарих нафаси келиб турган она Бухоро, балки унинг қалбига шундай жасорат уруғларини сочгандир.

Балки рўйи замин сайқали бўлмиш Самарқанд миноралари, унинг ғururини осмон қадар юксалтиргандир...

Ҳақиқат учун курашиш олимнинг чин аъмолига айланди. Ҳақиқат ёғдусини халққа етказиш, бу улкан меҳнат ва тинимсиз курашни талаб этади. И.Мўминов бутун ҳаёти давомида ана шу курашни ичида яшади. "Зотан қаҳрамон, қаҳрамонлик фақат меҳнат, фақат кураш жараёнида пайдо бўлади –дея ёзган эди адабий танқидчи Норбой Худойберганов. – Шу маънода ҳурматли олимимиз Иброҳим Мўминовнинг "Танланган асарлари" биринчи жилдига киритилган тадқиқотларини чинакам илмий жасорат деб айтгим келади. Чунки, улар ўтмишнинг доно алломаларига нисбатан замондошларимизга муҳаббат туйғусини оширишга халқимизнинг асл фарзандлари томонидан илм – фан, санъат, сиёсатда намоён этилган мислсиз қаҳрамонликлар моҳиятини ёритишга қаратилди. Шу билан бирга халқ ҳаёти, тафаккур тараққиётида рўй бераётган ўзгаришларнинг тарихий анъаналарга боғлиқ томонларини тадқиқ этади, келажакка дадил бориш учун ўтмишга суянишимиз зарурлигини уқтиради. Шунинг учун ҳам Иброҳим Мўминов асосий эътиборни халқимиз бадиий тафаккури тарихининг муҳим жабҳалари, маънавий маданият намояндалари ижодининг таҳлилига қаратади."[6]

Иброҳим Мўминов "Танланган асарлари"га ёзилган ушбу тақриздан мутаасир бўлиб, "Бу мақолани мени шогирдларим ёзиши керак эди"[7] - деган экан.

Олимнинг ҳар бир асарида унинг менлиги яққол кўзга ташланиб туради. Иброҳим Мўминов тарихга замон кўзи билан қарайди. Бироқ, бу мозийга шу куннинг талаби билан баҳо бериш зарур дегани эмас. Гар ота – боболаримиз маънавий меросини ўрганиб ундан танқидий фойдаланиш, ижобий томонларини ўзлаштириш тўғрисида боради. Аллома шарқ мутафаккирлари асарлари оламига шуқадар шўнғиб кетдики, ҳатто унинг феъл атворига ҳам улуғларнинг нуқси сингиб кетди.

Иброҳим Мўминов ҳақида ёзилган хотиралар, мақолаларда "Жасорат" сўзи бот – бот такрорланади. У илм дунёсида ижод қилиб орттирган энг улуғ мартабаси ҳам балки шу "Жасоратли олим" деган ном бўлса ажаб эмас.

Иброҳим Мўминовнинг суврати ва сийрати ҳақида шогирдлари тўлиб тошиб ёзган. Йиллар ғуборидан сарғая бошлаган китоблар, журналларни варақлаб, Домла И.Мўминовнинг қиёфасини , ички дунёсини яна қайта кашф этиш мумкин.

Ўзбек фанида ўз номини қолдирган ҳақгўй олим Ғайбуллоҳ ас – Салом Домла ҳақидаги хотираларига "Дарёи изим" деб сарлавҳа қўядилар. "Иброҳим Домла мен учун том маънода Пир мақомидаги маънавий бузургвор инсон эди. Камина уни энг покдомон шахс деб билардим ва ўзи шундай эди ҳам. Дарвоқе, Домла мени ўзининг нафақат шогирди, бажойи фарзандидай кўрар эди"[8].

Сиз шогирдини фарзанди қаторида кўрган улуғларни эсга олдингизми? Ҳа, Мирзо Улуғбек шогирди Али Қушчини "фарзанди аржуманд" деб атаган.

Иброҳим Мўминов, дарҳақиқат дарёдил инсон бўлганлар. Фирқасиз бир фан номзодига ишонч билдириб, Фанлар академиясининг Қомус бўлими мудири, Тил ва адабиёт

институти директори ўринбосари, таржима ва луғат шуъбасининг бошлиғи, Энциклопедия Бош муҳарриринининг биринчи ўринбосари каби тўрт масъулиятли лавозимда жуссаси кичик, лекин юраги катта Ғайбулла Саломовни ишлатганлар.

Бундан ташқари, Домла Мўминов ҳеч ҳайиқмасдан, қамоқдан яқинда қайтиб келган Сулаймон Азимов, Ҳамид Сулаймон ва Саид Носирларни ўз паноҳига олдилар, ишга жойлаштирдилар. Илмини давом эттириш учун имконият яратдилар.

Доимо назоратда турган XX асрнинг буюк алломаси Алихон Тўра Соғунийни ёнларига олиб, Аҳмад Дониш китобларини нашрга тайёрлашда биргаликда фаолият олиб борганлар.

“Уни “раҳбар” дейишдан ҳам олдин инсон диёнатли олим, мураббий ва раҳнамо дейиш жўялироқ бўлар. Тийнатида “ўртаҳол”, “рисолабоп” одамга мутлақо тушуниксиз бўлган сирли ажойибот бор эди”[9] –дея ўз армонли хотираларини қайд этганди Ғайбуллоҳ ас–Салом.

Архив ҳужжатлари орасида Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, ЎзССР ФА Вице–президенти, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Иброҳим Мўминович Мўминовга берилган фирқавий тавсифнома сақланади. Тўрт бетдан иборат ўша давр шаблонидан келиб чиқиб ёзилган расмий ҳужжатда ҳам “Ғов.Муминов И.М. отличается исключительной скромностью, (таъкид бизники Т.М) отзывчивостью, политически выдержан, морально устойчив и заслуженно пользуется большим авторитетом и уважением среди широкой научной общественности республики”[10] –деб ёзилган. Характеристикада олимнинг фавқулодда камтарлиги қайд этилган. Ҳужжатга ЎзФА президенти Х.М.Абдуллаев, ЎзФА Президиум партбюроси котиби академик Т.Н.Қори – Ниязов ва ЎзФА президиуми местком раиси М.А.Аброровлар имзо қўйишган.

Иброҳим Мўминов том маънода зиёли инсон сифатида шогирдларга ибрат бўлгулик ҳаёт кечирганлар. Замондошлари ва сафдошлари Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Ёлқин Тўрақулов, Музаффар Хайруллаев, Омонулла Файзуллаев, Ҳамид Зияев, Яҳё Ғуломов ва яна кўплаб шогирдлари билан ўзбек илм фанини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Домла Иброҳим Мўминов билан оғир кунларда елкадош бўлган Ҳамид Зиёев ёзади: “У кишида фақат олимлик эмас, балки ватанпарварлик, ташкилотчилик, ишбилармонлик ва бағрикенглик (таъкид бизники Т.М) сингари олий фазилатлар мавжуд эди. Айни бир пайтда Иброҳим ака ўта камтарлиги ва мурувватлилиги билан турарди...

Ироҳим аканинг хонаси буйруқбозлик, дўқ – пўписа, майда –чуйда гаплар ва умуман расмиятчилик ҳамда юзакичилик маконига эмас, балки том маънодаги илмий ижодхонага айланган эди”.[11]

Иброҳим Мўминов ҳеч вақт айрим раҳбарларга ўхшаб, кишининг нуқсонини ва камчилигини рўкач қилиб, у ёки бу муаллифни кўпчиликнинг ҳузурида дилини сиёҳ қилмаган. Уни аяб, ўз хонасига чақириб, камчиликларини кўрсатган.

Домланинг шогирдлари ичидан ниҳоятда илмли, дунё эътирофига сазовор олимлар етишиб чиққан. 500 дан ортиқ асарлар, илмий мақолалар муаллифи, Америка Биографик Институти томонидан “2001 йил Инсони” деб тан олинган. Омонулла Файзуллаев ҳақли равишда Иброҳим Мўминов илмий мактабининг содиқ давомчиси бўлган. Машҳур адиб Чингиз Айтматов “Оқсоқол Омонулла Файзуллаев тимсолида асл ўзбек интеллектуалини кўрдим” деган эди.

Ўн беш йил давомида Иброҳим Мўминовнинг илмий кенгашдаги муовини бўлиб ишлаган О.Файзуллаев у ҳақида ўзининг нозик кузатишларини қуйидагича қайд этади: “...Шу давр мобайнида устознинг иш услубини ўргандим. Устоз фаолиятида сабоқ оладиган жиҳатлари кўп, ҳеч қачон бақириб гапирмас эдилар, бошқаларнинг гапига луқма ташламасдан сабр билан эшитардилар. (таъкид бизники Т.М)

Иброҳим ака худо берган савлатли инсон эди... 1970 йили Жаҳон илмий конференциясини ўтказишга тайёргарлик кўриш учун домла билан бирга Самарқандга бордик. Шаҳар бошлиғи қабулхонасида анчагина одам кутиб ўтирибди. Қабулхонадагиларга домла салом бердиларда, ҳеч кимга ҳеч нарса демай камтарлик билан навбат кутиб

ўтиравердилар. Мен ҳайрон бўлдим. Котиба қиз машинкада нималарнидир тақиллатиб босиб, туриб раҳбар хонасига кириб кетди. Бир дақиқадан кейин қабулхонага раҳбар Хайитовнинг ўзи чиқди ва домла билан қуюқ кўришиб, бизларни ичкарига таклиф қилди. Ўшанда Иброҳим Мўминов билан Мусо Ҳайитов бўлажак конференция масалалари юзасидан бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида келишиб олди”.[12]

**4.Хулосалар:**

Иброҳим Мўминов ватанпарвар, миллатпарвар ва илмпарвар файласуф олим сифатида, тармоқ илмий – текшириш институтларидаги тадқиқотчилирнинг ижодига илмий методологик кўрсатмалари билан йўналиш берган. Ёш олимлардаги ҳалоллик ва меҳнатсеварликни қадрлаган.

Иброҳим Мўминов доимо бюрократияга қарши бўлган Кераксиз мажлислардаги дабдали нутқларни ёқтирмаган. Домла доимо кутилмаган ишлари билан ҳам анча машҳур бўлган. Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори сифатида математик, физик ва биологларни ҳам ишга қабул қилган. Шу билан миллий табиатшунослик фалсафасига асос солинган.

Устоз Иброҳим Мўминов ниҳоятда шогирдпарвар зот бўлганлар. XX асрда Иброҳим Мўминов фалсафа мактабига асос солинди. XX асрда яшаб ижод этган, Нисбийлик назарияси билан дунёнинг илмий манзарасини ўзгартириб юборган машҳур олим Альберт Эйнештейннинг биографиясида бир нуқта бор. Оламшумул машҳурликка эришган, Нобель мукофоти лауреати Альберт Эйнештейн бир умр ёлғиз ишлаган у ҳеч кимга шогирд бўлмади, ўзи ҳам бевосита шогирдлар тарбияламаган.[13]

Ғарб дунёсининг ҳам ўз ғалат фалсафаси бор. Аммо Шарқда Устоз ва шогирдлик анъанаси борасида ибрат бўлгулик мисоллар талай. Имом Бухорий вафот этганларида шогирдлари Имом ат Термизий қаттиқ қайғуда кўз ёш тўкиб, кўзлари кўр бўлиб қолган экан. Соҳибқирон Амир Темур ўз устози Саид Мир Бараканинг оёғи остига дафн этилишини васият қилган Кўҳна Шарқ бир сўз билан “Устоз отангдан улуғ” – дея унга эҳтиром кўрсатган.

Устоз Иброҳим Мўминов ана шундай шогирдларининг меҳрини қозонган зот бўлган. Иброҳим Мўминов ниҳоятда ишонувчан, соддадил, меҳрибон инсонлиги ҳақида Уларнинг жиянлари Маҳбуба Абдуллаева шундай хотирлайди: “Иброҳим Мўминовлар оиласининг асосий шиори Яхшилик қилиш! Бўлган. У киши оилада ҳам меҳрибон ота бўлганлар. Акалари Араббой ноҳақ қамалганларидан кейин уларнинг учта фарзандини ўз болалари қатори кўриб тарбияладилар, оталик қилдилар”.[14]

Мустабид давр қатағон сиёсати Мўминовлар оиласини ҳам четлаб ўтмаган эди. Ўн йил қамоқхонада ўтирган Араббой иккинчи маротаба яна мулозимлар томонидан ҳибсга олинган.

Иброҳим Мўминов ана шундай катта дардларни ҳам ўзи билан олиб юрган.

Академик Иброҳим Мўминов олим ва инсон сифатида нафақат, республикада, балки Иттифоқда ҳам таниқли жамоат арбоби сифатида эътироф этилган. Тожикистон Фанлар академияси академиги М.Осимов олим ҳақида илиқ фикрлар билдирган.[15]

Иброҳим Мўминовнинг таниқли тожик файласуфи А.М.Богоутдинов билан ҳамкорлиги сермаҳсул бўлган. Тожик адабиётининг йирик намоёндаси Садриддин Айний Иброҳим Мўминов илмий ишига оппоентлик қилган.

Машҳур тожик олими, давлат, жамоат арбоби Б.Ғафуров “Таджики” китобига қуйидагича дастхат ёзиб Иброҳим Мўминовга тақдим этган: “Одному из грамотнейших учёный Узбекистана” Б.Ғафуров.

Мана шу дастхатда ҳам катта эътироф акс этган.[16]

Иброҳим Мўминовни Самарқанддаги фаолиятидан яхши билган, таниган Ш.Р.Рашидов уни ҳурмат қилган ва қадрлаган. Тақдир ўзбек халқининг бу икки буюк фарзандини қон-қариндошчилик ришталари билан ҳам боғлади.

Таниқли жамоат арбоби, академик Сайёра Рашидова шундай хотирлайди. “Отам замонавий одам бўлган, шу билан биргаликда бизнинг анъана ва қадриятларимизга содиқ

инсон эди. Бизни турмушга беришда фикрларимизни ҳисобга олганлар. Асосан зиёли ва маълумотли оилалар билан қариндош бўлишни хоҳлар эди. Масалан мен, Ўзбекистонда фалсафа мактабининг асосчиси академик Иброҳим Мўминовнинг келини бўлдим. Турмуш ўртоғим билан анча давр учрашиб, сўнгра турмуш қурдик".[17]

Шарқнинг улуғ мутафаккири Жалолиддин Румийнинг "Ё аслинг каби кўрин, Ё кўринганинг каби бўл!" деган машҳур сатрлари бор. Дарҳақиқат, Иброҳим Мўминовнинг сурати ва сийратида асл инсоний фазилатлар балқиб турарди.

Домланинг аслиятини ўрганар эканмиз, унинг таваллуд топган маконига эътибор қаратдик. Бухоронинг Шофиркон тумани... Бу заминдан Хожа Ориф Ревгарийдек машҳур сўфийлар, Аҳмад Донишдек ўз даврининг донишмандлари етишиб чиққан. Кейинги йилларда бу юртнинг довруғини Иброҳим Мўминов бутун дунёга ёйгани шубҳасиз.

XX аср ўзбек зиёлилари ичидан Собиқ Иттифоққа машҳур бўлган олимлар, шоирлар, рассомлар етишиб чиққан.

Ленин мукофоти лауреати (ўлимидан кейин берилган) Ғофур Ғулом Москванинг машҳур Колонна залида ўзбекона дўпписини бошига қўндириб ўзининг машҳур шеърларини ўқиган. Чингиз Ахмаров, Урол Тансиқбоев, Раҳим Ахмедовларнинг мўйқаламлари намуналари бўлган картиналарининг кўргазмалари машҳур музейларда ўтказилган.

Шулар қаторида ўзбек илм – фани дарғаларидан саналмиш Иброҳим Мўминов Италия, Франция, Венгрия, Чехославакия, Покистон ва Афғонистон мамлакатларида нуфузли халқаро илмий конференцияларда илмий маърузалари билан катта ҳурмат эътиборга сазовор бўлган.

1973 йилда Франциянинг машҳур Сарбона университетида Шарқшуносларнинг 29-халқаро конгресси ўтказилган. Ташкилотчиларнинг илтимосига кўра Иброҳим Мўминов "Абу Райхон Берунийнинг дунё илм – фанига қўшган ҳиссаси" мавзусида ўзбек тилида маъруза ўқиган. Ўзбек олими дунёдан йиғилган жамоатчилик олдида, буюк Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур ва Алишер Навоий тилида фахр – ифтихор билан тўлиб тошиб сўзлаган.

Иброҳим Мўминов тадқиқотлари Ғарб тарихчилари, таҳлилчиларининг ҳам назарига тушган. Айниқса, Амир Темур ҳақидаги рисоладан кейин, унинг номи Ғарбнинг машҳур олимлари Ж.Критчлоу, Оливер Рой, Г.Убирия,Эдвард Олеворс ва Б.Ҳайит асарларида келтирилади. Унга муносиб баҳо берилади.

Иброҳим Мўминовдаги бу эзгу фазилатлар, илмга қизиқиш унинг ота- онасидан мерос ўтган бўлса, не ажаб. Унинг отаси Абдумўмин Файзуллаев илмга қизиққан. У қозоқ, рус ва тожик тилларини мукаммал билган. Онаси Махфират опа Тезгузар қишлоғида қизлар мактабини очиб, унда сабоқ берган. Онаизор халқ мақоллари ва достонларни кўп билган. Буюк миллатни – буюк оналар тарбиялайди. Иброҳим Мўминовни шу даражага камол топишида онасининг ниҳоятда катта роли бўлгани шубҳасиз. Кейинчалик, олим булар ҳақида "Устозим - волидам" деган мақолада эслайдилар.[18]

Буюклик – оддийликда. Оддийлик ва камтаринлик ўз навбатида улуғлик пиллапояларига етаклайди. Иброҳим Мўминов сиймосига яна бир чизги: "Бизнинг жаноби академикни кўпчилик ҳеч қандай "вич-пичсиз" – Домла деб атарди. Рост–да ҳақиқий устоз учун такаллуф на даркор. Академия сарҳадида барча ёшу қари домла деганда ўзга ҳеч кимни эмас, яккаш Иброҳим Домлани тушунишарди. Инсон учун бундай эъзозланиш қандай катта бахт. Ҳеч ким "Қайси домла" демасди. Ким бўларди, ие, шу ўзимизнинг Домламизда деб фахрланишарди. Ғалат: ўрис ва ғайримиллат кишилари ҳам шундай мурожаат қилишарди. – Домла"[19].

Домла, бу обрў – эътиборни ҳалол меҳнати билан топди. Одамларга яхшилик қилиш – Иброҳим Мўминовнинг ҳаёт фалсафасига айланиб кетган.

Иброҳим Мўминов вафот этганларида бутун Республика жамоатчилиги, шогирдлари, сафдошлари, зиёлилар уни сўнгги йўлга кузатишди.

Олимнинг жияни Маҳбуба Абдуллаева ўша оғир кунларни эслайди. "Домланинг уйларига таъзияга Шароф Рашидовдан тортиб барча раҳбарлар келишди. Ўрта Осиё ва

Қозоғистон диний идорасининг раиси, муфтий Зиёвуддин Эшон Бобохоннинг Қуръон тиловатлари ҳануз қулоғимда...”[20]

Ўзбекнинг машҳур мусаввири Чингиз Ахмаровга ташкилотлар, одамлар буюртма бериб сурат чиздиришар экан. Бироқ Ахмаров Иброҳим Мўмин портретини чизиш учун ўзига катта эҳтиёж сезган. Ва халқимизга ўзининг асл ўғлони бўлган Иброҳим Мўминовнинг жуда гўзал, фалсафий портретини туҳфа қилган. Рассом ўз кабинетида том – том китоблар тахланган жавон олдида тик туриб узоқ тарих қаърига тикилиб турган заковатли Иброҳим Мўминнинг том маънода сурати ва сийратини ярата олган.[21]

Халқимизда яхшидан ном қолади – деган нақл бор. Иброҳим Мўминов ўзидан яхши ном қолдирди. Шогирдлар, сафдошлар ҳам йил ўтиб сийраклашиб кетган. Бугун Иброҳим Мўминов меросини эслаш ўрганиш, ундан ибрат олиш зарур.

**Иқтибослар/Сноски/Refereces:**


1. Archive of the Academy of Sciences of Uzbekistan. Academician Muminov Ibragim's personal collection. List F-1 2.l case №114, 3 pages.
2. Uzbekistan during the Soviet colonial period T, Sharq 2000, p. 513.
3. Archive of the Academy of Sciences of Uzbekistan Personal collection of Academician Ibragim Muminov. List F-1 case 2 №114 21
4. During the Soviet occupation of Uzbekistan, T. Sharq, 2000, pp. 509-510
5. Hamid Ziyaev. The reign of the great Amir Temur and his destiny. T, “Spirituality” 2008, page 127.old
6. Norboy Khudoiberganov .Jasorat “Sharq yulduzi” 1970 №12, 204 p.
7. Recorded in our interview with Mahbuba Abdullaeva (nephew of Ibrahim Muminov, philosopher-scientist). December 7, 2020.
8. Ghaybullah as-Salam. Man, full of goodness. T, Sharq, 1997, p. 251
9. Ghaybullah as-Salam. That book is page 252.
10. Archive of the Academy of Sciences of Uzbekistan Personal collection of Academician Ibragim Muminov. F-1 list 2-L case №114, page 31
11. Hamid Ziyoev. The reign of the great Amir Temur and his destiny. Spirituality 2008, p.133.
12. Omonulla Fayzullaev. Intellectuals of the XX century: my teachers and comrades.T, 2008, p.117
13. Chori Nasriddinov. Man, consciousness, life T, “Uzbekistan”, 2010, p.99.
14. Interview with Mahbuba Abdullaeva. December 7, 2020.
15. Academician Ibrahim Muminov (Articles and Memoirs) T, 1993, p
16. Interview with Mahbuba Abdullaeva. December 7, 2020.
17. S.Rashidova. Beseda. "Dom, v kotorom vsegda svetlo". Narodoe word, April 28, 2017.
18. Ibrahim Muminov. My teacher is my parents. Science and Life, 1968.
19. Ghaybullah as-Salam. Man, full of goodness. T, Sharq, 1997, p. 251
20. Interview with Mahbuba Abdullaeva. December 7, 2020.
21. A.Xakimov. Netlennyy svet. Life and work of Chingiz Akhmarova T, 2018, p. 231

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Ғайратхон Арсланович Мухтаров,**
ЎзФА Миллий археология маркази,
кичик илмий ходими,
gayratxon75@mail.ru

## ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

**For citation:** Gayratkhon A. Mukhtarov, STUDY OF PETROGLIFS OF THE CHATKAL RIDGE. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.166-172

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-22

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада муаллиф Чотқол тоғ тизмаси тегарасидаги овчи ва кўчманчи чорвадор аҳолиси санъати, диний эътиқоди, хўжалик машғулотлари, кунлик турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, ҳамда этномаданий муаммоларини ўрганишда қоятош расмларнинг илмий-назарий ва қиёсий таҳлили муҳимлиги хақида сўз юритади. Бу эса мазкур ҳудуднинг аждодларимиз томонидан жуда қадимдан ўзлаштирилганлигини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** Қоятош расмлар, Чотқол тоғ тизмаси, овчи ва чорвадор аҳолиларнинг ҳаёти, санъати, диний эътиқоди ва хўжалик машғулотлари, Музбел, Боботоғ, Эртош.

---

**Гайратхон Арсланович Мухтаров,**
Национальный археологический центр УзФА,
младший научный сотрудник,
gayratxon75@mail.ru

## ИССЛЕДОВАНИЕ ПЕТРОГЛИФОВ ЧАТКАЛЬСКОГО ХРЕБТА

**АННОТАЦИЯ**

В статье автор обсуждает важность научно-теоретического и сравнительного анализа наскальных рисунков в изучении искусства, религиозных верований, земледелия, повседневной жизни, социального строя и этнокультурных проблем охотников-собирателей и кочевых скотоводов в Чаткальском хребте. Это свидетельствует о том, что эта территория была заселена нашими предками с древних времен.

**Ключевые слова:** Наскальные рисунки, Чаткальский хребет, быт, искусство, религиозные верования и хозяйственная деятельность охотников и животноводов, Музбель, Ботобаг, Эртош.

---

**Gayratkhon A. Mukhtarov,**
National Archaeological Center UzFA,
Junior Researcher,
gayratxon75@mail.ru

# STUDY OF PETROGLIFS OF THE CHATKAL RIDGE

**ABSTRACT**

In the article, the author discusses the importance of scientific, theoretical and comparative analysis of rock paintings in the study of art, religious beliefs, agriculture, everyday life, social structure and ethnocultural problems of hunter-gatherers and nomadic pastoralists in the Chatkal Range. This indicates that this area has been inhabited by our ancestors since ancient times.

**Index Terms:** Rock carvings, Chatkal ridge, life, art, religious beliefs and economic activities of hunters and livestock breeders, Muzbel, Bobotag, Ertosh.

---

**1.Долзарблиги:**

Маданий мерос намунасини ўзида мужассам этган қоятош расмлари ёдгорликлари инсоният тарихи турли босқичлари овчи ва кўчманчи дашт чорвадор аҳолиси маънавий кечинмалари, санъати, диний эътиқоди, хўжалик машғулотлари, кунлик турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, ҳамда этномаданий муаммоларини ўрганишда бирламчи манба сифатида аҳамиятли ҳисобланади. Шу асосда қоятош расмлари қадимги овчи ва кўчманчи чорвадор халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, олам ҳақидаги тасаввурлари ҳамда диний тушунчаларини тиклаш имконини яратади.

Чотқол тоғ тизмасида аниқланган янги қоятош расмлари тадқиқоти асосида инсоният тарихий тараққиётининг бронза, илк темир (сак-скиф), ўрта асрлар даврида ушбу ҳудудда яшаган овчи ва кўчманчи дашт чорвадор халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий, диний ва хўжалик ҳаётини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон тарихида тутган ўрнини аниқлашдан иборат.

Чотқол тоғ тизмаси ҳудуди миқёсида илгари тадқиқ этилган ва янги кашф этилган қоятош расмлари ёдгорликларини илмий тизимлаштириш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, илмий муомалага киритиш тарихий жараёнларни ёрқинроқ ёритишга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур ҳудуддаги янги қоятош расмларини замонавий тадқиқот усуллари асосида классификация (таснифлаш) қилиш ва бунда қоятош расмларининг яратилиши усуллари, техникаси, композицион мазмуни ва уларнинг тарихий манба сифатида ўрни масаласини аниқлаштириш.

Тадқиқ қилинаётган қоятош расмлари ёдгорликларини ҳар бир тарихий тараққиёт босқичига оид тасвирларнинг ўзига хос хусусиятлари, расм солиниш техникаси, услуби, қуёшда куйиши каби жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда даврлаштириш, даврий маданий чегарасини, хронологиясини аниқлаш.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур мавзуга оид назарий-услубий ёндашувлар Ўзбекистон ҳудудида бронза ва кейинги тарихий тараққиёт босқичларида яшаган овчи ва кўчманчи чорвадор жамоаларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, диний ва хўжалик ҳаётини ёритишга, шунингдек, қадимги тарихга оид илмий-назарий, қиёсий таҳлил ва умумлаштириш услубларини такомиллаштиришга имкон беради.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Ўрта Осиё бўйича дастлаб қадимги қоятош тасвирлари билан Туркистон ҳаваскор археологлар тўгараги аъзоларидан Н.А. Наследов, Н.И. Веселовский, В.В. Бартольд, А.С. Татаринов, М.С. Андреев, Г.И. Пантусов, В.И. Масальский каби олимлар қизиқишган[1]. Республикамиз ҳудудидаги қоятош расмлари ҳақидаги дастлабки маълумот, Чор Россияси армияси таркибида хизмат қилган рус зобити П.И. Демезон қайдномаларида учрайди[2]. Ўзбекистон ва унга қўшни ҳудудларда ўтган асрнинг 20-30 йилларида А.Г. Усов, Н.Л. Корженовский, А. Коровин, Г.А. Ажгирей, А. Мирмуҳаммедов, И.Ф. Ломаев, Х. Ҳасанов каби олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон миқёсида қоятош расмларига эътибор XIX аср охирларида Н.А. Наследов, Н.С. Ликошин, Д.М. Граменицкий каби олимлар тадқиқоти билан бошланган бўлсада, лекин том маънода мазкур турдаги ёдгорликларнинг илмий асосда ўрганилиши ишлари ўтган асрнинг 40-50 йилларидан бошланди. Бу изланишлар М.Е. Массон, М.Э. Воронец, Х.А. Алписбаев, Б.В.

Лунин, А.А. Формозов, Г.В. Парфенов, С.П. Толстов, И.А. Сухарев каби олимлар ўз илмий тадқиқотлари давомида қоятош расмларининг янги ёдгорликларини аниқлаб ўрганишган. Шулардан бири бўлган Зараутсой тасвирлари дастлаб 1912 йили топограф Фёдоров томонидан аниқланган. Ушбу қоятош ёдгорлиги ҳақидаги умумий маълумотни Ю.А. Рогинская 1950 йили "Зараутсой" номли кичик рисолада чоп этган. Кейинчалик, бу ёдгорлик А.П. Окладников, А. А.Формозов, Ж. Кабиров, М. Хўжаназаровлар томонидан атрофлича ўрганилган ва расмларнинг ёши мезолит давридан то ўрта асрлар даврининг сўнгги босқичларигача эканлиги аниқланган.

Чирчиқ дарёси юқори оқимида 1940-50 йиллари Х.А. Алпысбаев томонидан Хўжакент қоятош расмлари ёдгорлиги борлиги аниқланган. Кейинчалик бу ерда М.Хўжаназаров томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Бу тасвирларнинг ёши олимларимиз томонидан мил. авв. IV-I минг йилликларга оид деб эътироф этилган[3].

1966 йилда ЎзССР ФА тарих ва археология институти Чотқол археология отряди томонидан калькага олиниб, 250 дан зиёд расм олинган. Тасвирларнинг сюжети турлича: одамлар гурухи ёки ёлғиз киши, рақслар, тоғ эчкилари, архар, бўри, илон ва уй ҳайвонларининг тасвири учрайди. Дастлабки таҳлил шуни кўрсатадики Қоразовдаги тошга солинган тасвирлар эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик ва эрамизнинг I – IV асрларига оиддир.

1965 йилда Е. Г. Пругер томонидан текширилган. 1969 йилда А. Кабиров томонидан ёввойи ҳайвонлар, ўй ҳайвонлари, одамлар, турли – туман 600 дан ортиқ ноаниқ белгиларнинг тасвири аниқланди. Тасвирлар ўйиб, контурли қилиб ишланган. Уларнинг санаси янги эрадан олдинги биринчи минг йилликдан эрамизнинг биринчи минг йиллигига оид[4].

Ғарбий Тян-Шан водийсидаги Чирчиқ воҳасидан Хўжакент, Оқтош каби палеолит даври ёдгорликлари ва улардан улар яқинида бронза ҳамда ўрта асрларга оид ёдгорликлар аниқланган. Бу ерда тадқиқотлар 1960 йилларда бошланган ва қоятош суратлари ўша йиллардаёқ аниқланган. Хўжакент ва Қорақиясой суратларини синчиклаб ўрганиш ишлари 1979-1983 йилларда М.М. Хўжаназаров томонидан амалшга оширилган[5]. Бу ердаги қоятош суратларини тадқиқ қилиш умумий қабул қилинган услублар асосида ўрганилди. Маълумки, қоятош суратларини маданий-тарихий обект сифатида ўрганиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилади: суратлар даставвал устига калка қоғоз қўйилиб, қалам билан кўчириб олинади; сўнгра уларга тавсиф берилади, таснифланади ва санаси аниқланади, этномаданий ҳамда мазмуни жиҳатидан талқин қилинади.

**3.Тадқиқот натижалари:**

Қорақия дараси Қоржонтовнинг Жанубий этакларида жойлашган. Даранинг тубидан ирмоқ оқиб ўтади ва Чичиқ дарёсига қуйилади. Дара хушманзарали ва унинг чуқурлиги 50 м дан ошади. Бу ердаги ирмоқнинг қирғоқлари тўқ жигаррангли гранит, оҳактош, қайроқтош ҳамда конгламерат қоя тошлардан иборатдир. Қорақиясойнинг ҳар иккала қирғоғидаги қояларга суратлар битилган. Аммо ушбу суратларнинг асосий қисми сойнинг чап соҳили юқори қисмида, Ғазалкент шаҳридан 20-25 км шимолроқда жойлашган[6]. Қорақиясой суратлари Хўжакентдан 25 км шимоли-шарқда жойлашган бўлиб, Хўжакентдагидек турли қоялар ва тош бўлакларига эмас, балки битта йирик қояга чизилганлиги билан ажралиб туради.

Қорақиясойнинг юқори қисмидан 90 та қояга чизилган, 1015 та алоҳида расмлар ва манзаралар тасвири аниқланган.

Кишилик жамияти тарихий тараққиёти ва маданияти тизимида, қоятош расмлари - одамзоднинг санъати, диний эътиқоди, кунлик турмуш тарзи, хўжалик юмушлари, машғулотлари ва маънавий кечинмаларини тасаввур қилишда муҳим бўлган бирламчи манбалардан ҳисобланади. Аждодларимиз томонидан яратилган бой маданий меросни чуқур ўрганишда Республикамиз мустақиллиги йилларида кенг имкониятлар юзага келди. Жаҳоннинг етук илмий марказлари билан тарихий маданий ёдгорликларни ўрганишда

ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди ва бунда ЎзРФА археология институтининг илмий фаолияти устувордир.

Қоятош расмларини ўрганишда бир нечта халқаро экспедициялар (Ўзбекистон-Польша, Ўзбекистон-Норвегия, Ўзбекистон-Россия) мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилган илмий тадқиқотларда самарали натижаларга эришилди. Бу тадқиқотларнинг натижалари Ўзбекистон қоятош расмлари ёдгорликларини ўрганишда ниҳоятда истиқболли ўлкалардан бири эканлигини кўрсатди.

Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари оралиғида жойлашган Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий худудида жойлашганлиги, умумий майдони 15,2 минг км² ташкил этиши ва Чотқол тоғ тизмаси географик ўрни ва табиий шароитининг қулайлиги бу ҳудудни қадимдан турли ёввойи ҳайвонларнинг, қадимги овчи ва кўчманчи чорвадор қабилаларнинг мавсумий кўчишларини йўналтирувчи жойга айлантирган. Буни шу тоғ тизмасидаги турли тарихий даврларга тааллуқли моддий маданий ёдгорликлар, чақмоқтош устахоналари ва шахталари, кўҳна қишлоқ харобалари, эски қўрғон тепалари, қадимги мозорлар ва суғориш иншоатлар қолдиқларининг сероблиги далолат бермоқда.

2020 йил давомида олиб борилган археологик қидирув разведка ишлари натижасида Чотқол тоғ тизмасида бир қанча қоятош расмлари аниқланди. Чотқол тоғ тизмаси маълум ҳудудларида атрофини тарихини, табиатини, архелогиясини батафсил ўрганиш бўйича манбалар тўплаб, қисқа бўлса-да қидирув разведка ишларини олиб борилди. 2020 йил 27 май куни Чинор қишлоғидан 8 км шимолда Боботоғнинг 41°13’35,3 шимолий кенглик, 71°1’93,89 шарқий узунликда денгиз сатхидан 2803 метр баландликдаги қояларида хам 50 дан ортиқ қоятош расмлар аниқланди. Шунингдек, Эртош қишлоғи атрофидаги қояларда ҳам 400 дан ошиқ турли қоятош расмлари мавжудлиги аниқланди.(1-расм)

1. Чотқол тоғ ёнбағрида денгиз сатҳидан 2500 метр баландликда жойлашган қадимги петроглиф расмларни Б. Исабеков билан биргаликда ўрганилди. У ерда жуда кўплаб хайвонларнинг, одамларнинг расмлари акс этганлиги аниқланди. Уларнинг фотосуратлари олиниб, ҳозирги кунда таҳлил ишлари олиб борилмоқда.(2-расм)

2. Боботоғ тоғ ёнбағрида денгиз сатҳидан 3000 метр баландликда ҳам 100 га яқин қоятош расмларини бориб ўрганилди, расмларга олиниб улар ўрганиб чиқилмоқда. Расмда асосан тоғ эчкиси, кийик тасвирланган. Шунингдек, одамларнинг ҳам расми туширилган. Бу қоятошларнинг қайси даврда чизилганлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун қўшимча экспедициялар талаб қилади.(3-расм)

3. Чотқол тоғ тизмаси Музбел довони Янгиобод шаҳарчасидан 12 км шимоли-шарқий томонида бўлиб, денгиз сатҳидан 3000 метр баландликда 41º25¹41,20 шимолий кенглик, 70º09¹91,86 шарқий узунликда ҳам 5 дона қоятош расмлар борлиги аниқланди. Қоятош расмларда асосан тоғ эчкилари ва турли шакллар акс этган бўлиб, табий шароит таъсирида тушунарсиз ҳолатга келиб қолган. Шунингдек, қоятош расмлар яқинидан тахминан сўнгги палеолит даврига оид тош қурол учириндилари ҳам топилгани диққатга сазовор.

2018 йилда Чотқол тоғ тизмаси бўйлаб Қизил-дара ва Эртош қишлоғи боғланадиган дара бўйлаб қоятош расмлари борлиги хақидаги маълумот асосида 2019 йил Ўзбекистон, Россия, Полша давлатлари археологлари томонидан тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқот натижаларига кўра, Қизил-дара 9 км.га чўзилган бўлиб, денгиз сатҳидан 1600 м дан 3100 м гача бўлган баландликларда минглаб қоятош расмлари ўрганилди. Қояларнинг аксариятида якка, баъзи қоятошларида ўнлаб расмлар акс эттирилган[7]. Даранинг ўрта қисмида эса расмлар кўплиги ва қояларнинг жанубга қараган қисмида чизилгани эътиборга лойиқ.

Ҳозирги кунда ҳам бу дарага мавсумий чўпонлар келиб ўрнашиб, ўз чорваларини боқиб туришлари ландшафтнинг яшаш учун қулайлигидан далолат беради. Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, қишнинг эрта совуқ келиши, ёз ойларининг жазирама иссиқ таъсирида эрозияга олиб келишини тезлаштиради. Натижада ҳозирги кундаги кўплаб қоятош расмларнинг асл намуналари тушунарсиз ҳолатга келиб қолган. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан туризмни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар шу нарсани кўрсатадики, Қизил-дара ҳудудларидаги қоятош расмларини янада чуқурроқ ўрганиб,

халқаро аҳамиятини ошириш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин. Қоятош расмларида аксарият зооморфлар акс эттирилган бўлиб, асосан тоғ эчкилари, инсон қўли тасвири, антропоморф шакллар, шунингдек, доира ичидаги хоч ва мураккаб шакллар мавжудлиги ёдгорликнинг такрорланмас эканини кўрсатади.

Изланишлар натижасида расмлар сиртининг қорайиб турли тусга кириши, куйиш даражасида турли табиат ҳодисалари бўлмиш қор, ёмғир, шамол ва қуёш нурининг таъсири ва тарихий объектларни асраб-авайлаш хусусида фикрлар берилган. Хусусан, расмлар ишланган қоятош сатҳлари стратиграфияси, тасвирларнинг қоятошлардаги топографик ҳолатлари ёдгорликлар даврий санасини белгилашда асосий омил эканлиги айтиб ўтилган.

**4.Хулосалар:**

Чотқол тоғ тизмаси қоятош расмларнинг ўрни ва тарихий аҳамияти, қадимги аждодларимизнинг турмиш тарзи, маънавий-маданий, диний ва хўжалик ҳаётини ёритишга, шунингдек, қадимги тарихга оид маълумотларни ўз ичига олган. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қадимдан Чотқол тоғ тизмаси ҳудудлари ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига жуда бой бўлиб, бу жараён айнан шу ерларда яшаган овчи ва кўчманчи халқларнинг ҳаёт кечириши учун қулай имконият яратган. Буни археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган инсоният тарихий тараққиётининг турли босқичларига оид моддий-маданий ва археологик ёдгорликларнинг сероблиги ҳам кўрсатиб турибди. Жумладан, овчи ва чорвадор қабилалардан бизга мерос қолган қоятош расмлари Чотқол тоғ тизмасининг деярли барча сой дараларида тадқиқ этилмоқда. Бу эса мазкур ҳудуднинг аждодларимиз томонидан жуда қадимдан ўзлаштирилганлиги ва маданият тарихимиз ҳайвонот ва ўсимлик оламини ўрганишда ўзига хос истиқболли эканлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида такидлашимиз лозимки, бу тарихий маданий ёдгорликлар қадимги аждодларимиз, турмуш тарзи, хўжалик ва маданий ҳаётини ўрганишда ўзига хос муҳим тарихий манба ҳисобланади. Аммо, биз ҳамжиҳатликда ота боболаримиздан қолган бу тарихий мерос, маънавий бойликни баъзи бир бузғунчилардан ҳимоя қилиб асраб авайламасак, ҳар қандай ҳимоя воситалари ва мутахассисларнинг саъйи ҳаракатлари бесамар кетиши мумкин. Бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этишимиз, халқимиз ўртасида ёдгорликлар аҳамияти борасида тарғиб-ташвиқот ишларини олиб боришимиз лозим. Шунингдек, ўқувчи-ёшларимизга қадимги аждодларимиздан бизгача етиб келган бу ёдгорликларнинг тарихий аҳамиятини тушунтириш ва улар онгида бунга нисбатан ҳурмат руҳини уйғотишдек маъсулятли вазифани бажариш, бугунги кун тарихчи олимлари олдидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.




1-расм. Тадқиқот олиб борилган худудлар



2-расм. Эртош қишлоғи яқинидаги қоятош расмлар.



3-расм. Боботоғ Эгар давони қоятош расмлари.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Холматов А.Н. Ўзбекистон қоятош расмларининг ўрганилиш тарихи. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида // 2010-Баркамол авлод йилига бағишлаб Археология институтида 25-26 ноябрда ўтказилган ёш олимлар конференцияси материаллари. Самарқанд. 2010.( Xolmatov A.N. History of the study of rock paintings in Uzbekistan. Current issues of the history of Uzbekistan in the interpretation of young researchers // Proceedings of the conference of young scientists, held on November 25-26 at the Institute of Archeology, dedicated to the 2010 Year of harmoniously developed generation. Samarkand. 2010)
2. Ортиқов.У.М, Исмоилов.Б.А. Қўшработ туман Шова қишлоғидаги янги қоятош расмлари ҳақида дастлабки мулоҳазалар // "Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари" мавзусидаги Республика илмий конференция материаллари. Самарқанд, СамДУ нашри, 2018. 4 б.( Ortiqov.U.M, Ismoilov.B.A. Preliminary comments on new rock paintings in the village of Shova, Koshrabat district // Proceedings of the Republican scientific conference on "Problems of history and archeology of Central Asia." Samarkand, SamSU edition, 2018. 4 p)

3. Хужаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракиясая. Самарканд. 1995.( Khuzhanazarov M. Rock carvings of Khojakent and Karakiyasay. Samarkand. 1995.)
4. Буряков Ю.Ф., Косимов М.Р., Роцтовцев О.М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. “Фан”, Тошкент, 1973 йил, 64-бет.( Buryakov Yu.F., Kosimov M.R., Rotstovtsev O.M. Archaeological monuments of Tashkent region. "Science", Tashkent, 1973, p.64.)
5. Хужаназаров М. Наскальные изображения Северо-Восточного Узбекистана. Дисс. На соиск. Ученый степени к.и.н. 1985. – С. 16.( Khuzhanazarov M. Rock carvings of North-Eastern Uzbekistan. Diss. For a job. Academic degree Ph.D. 1985 .-- P. 16.)
6. Агзамходжаев Т. Наскальные излбражения в Бостагдиксокм районе Ташкентской области. Общественные работы АН Уз ССР. 1960. С. 20-82.( Agzamkhodzhaev T. Rock cuttings in Bostagdiksokm district of Tashkent region. Public works of the Academy of Sciences Uz SSR. 1960.S. 20-82)
7. Newly discovered petroglyphs in Kyzyl Dara gorge, western Tian Shan,Uzbekistan . M.Leloch, M.Kot, M.M.Khujanazarov, A.N. Kholmatov // Rock Art Research 2020 Volume 37, Number 2. Page 228

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Жамшид Перемқулов,**
Илмий ходим
Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
jamper180888@gmail.com

# СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

**For citation:** Jamshid Peremqulov, SOVIET POLICY ON ESTABLISHING OF INDUSTRIAL CITIES AND ITS CONSEQUENCES (ON THE EXAMPLE OF THE TASHKENT REGION). Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.173-182

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-23

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада совет даврида Тошкент вилоятида саноат шаҳарларининг ташкил этилиш тарихи, табиий заҳиралар ва уларни қайта ишлаш ҳамда фойдаланиш буткул марказ ихтиёрида бўлганлиги ҳамда муттасил ташиб кетилганлиги, бунинг оқибатида юзага келган муаммолар янги, илгари илмий муомалага киритилмаган архив хужжатлари, статистик маълумотлар асосида очиб берилган. Хусусан, иқтисод ва бошқарув тизими ўта марказлаштирилган шароитда республиканинг бой табиий ва иқтисодий ресурслари ўз ихтиёрида бўлмаганлиги, Ўзбекистон том маънода хомашё базасига айланганлиги, бунинг натижасида юзага келган муаммолар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** хомашё, марказлаштириш, машинасозлик, кимё саноати, оғир саноат, кончилик, Ангрен кўмир кони, Ўзбекистон металлургия комбинати, Олмалиқ тоғ металлургия комбинати ва б.

---

**Жамшид Перемкулов,**
Научный сотрудник. Институт
Истории Академии наук Узбекистана,
jamper180888@gmail.com

# СОВЕТСКАЯ ПОЛИТИКА СОЗДАНИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ГОРОДОВ И ЕЕ ПОСЛЕДСТВИЯ. (НА ПРИМЕРЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ)

**АННОТАЦИЯ**

В статье на основе ранее не опубликованных архивных документов и статистических данных раскрывается история создания промышленных городов в Ташкентской области. Выявленными фактами обосновывается то, что природные ресурсы, их переработка и использование полностью находились в распоряжении центра, и эти ресурсы регулярно

транспортировались за пределы республики. В результате Узбекистан был превращен в сырьевую базу центра.

**Ключевые слова:** сырье, централизация, машиностроение, химическая промышленность, тяжелая промышленность, добыча полезных ископаемых, угольный разрез Ангрен, Узбекский металлургический комбинат, Алмалыкский горно-металлургический комбинат и др.

---

**Jamshid Peremkulov,**
Research fellow. The Institute of History of
the Academy of Science of Uzbekistan
jamper180888@gmail.com

## SOVIET POLICY ON ESTABLISHING OF INDUSTRIAL CITIES AND ITS CONSEQUENCES. (ON THE EXAMPLE OF THE TASHKENT REGION)

**ABSTRACT**

On the basis of previously unpublished archival documents, the article reveals the history of the establishment of industrial cities in the Tashkent region during the Soviet era, the fact that natural resources and their processing and use were entirely at the disposal of the center and constantly transported. In particular, in the conditions of highly centralized economy and management system, the rich natural and economic resources of the republic were not at its disposal, Uzbekistan became a real raw material base, and the resulting problems were analyzed.

**Index Terms:** raw materials, centralization, machine building, chemical industry, heavy industry, mining, Angren coal mine, Uzbekistan Metallurgical Combine, Almalyk Mining and Metallurgical Combine, etc.

---

### 1. Долзарблиги:

Шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни тарихий-тадрижий тараққиёт махсули бўлиб, уларнинг равнақи ёки таназзули жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволига чамбарчас боғлиқ. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудидаги шаҳарлар қадимдан савдо, ҳунармандчилик, фан ва маданият марказлари сифатида башарият тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келгани билан бир қаторда турли иқтисодий ҳамда сиёсий вазият таъсирида зиддиятли шаклланганини кузатиш мумкин. Уларни тарихийлик нуқтаи назаридан тахлил қилиш эса, давр руҳиятини очиб беришда ёрдам беради. Шунингдек, бугунги кунда шаҳарлардаги ижтимоий, иқтисодий ва хатто маданий жараёнлар негизини аниқлаш ҳамда улардан тўғри хулосалар чиқариш шаҳарларнинг кейинги тақдирини белгилашда айни муддао бўлиши шубҳасиз.

Шу аснода, мазкур мақолада совет ҳукумати бошқаруви йилларидаги иқтисодий ислоҳотларни даврий изчилликда кўриб чиқиш орқали уларнинг шаҳарларга таъсирини англаш мумкин бўлади. Шу жиҳатдан, тадқиқотда ўтган асрда совет ҳукумати томонидан олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар Тошкент вилояти саноат шаҳарлари мисолида уларнинг зиддиятли ривожи очиқланиши мақсад қилиб олинди.

### 2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Изланиш жараёнида тарихий солиштирма, статистик, хронологик изланиш усулларидан фойдаланилди. Айниқса, когорт усули самарали бўлди. Когорт тахлил учун шаҳарда ишлаб чиқарилган махсулотлар тури бўйича ва ҳар бир корхона томонидан тайёрланган махсулотлар қисмларга ажратилди. Уларни йиллар кесимида тахлил қилиш орқали шаҳарларнинг совет ҳукумати бошқаруви давридаги салоҳияти кўрсатиб берилди.Бунда ишлаб чиқарилган махсулот сонини динамикада кўрсатиш имкони пайдо бўлди. Бундан ташқари, солиштирма статистик, математик ҳамда ижтимоий тахлил усулларидан ҳам фойдаланилди.

Мамлакатимизда шаҳарлар тарихини ўрганиш ҳамма даврларда ҳам муҳим аҳамият

касб этган. Кўриб чиқилаётган йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари тарихини ўрганиш масалалари бўйича қатор монографиялар, кўплаб оммабоп асарлар ва тадқиқотлар юзага келди.

Шаҳарлар тарихи билан бир қаторда, у ердаги демографик вазият, шаҳарлардаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ турли фан соҳаларида илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, улар орасида тарих йўналиши воқеалар кетма кетлигига асосланиши, узвийликда ўрганилиши билан ажралиб туради. Ўрганилаётган ҳудуд шаҳарлари ҳақидаги илмий изланишлар асосан география, демография, социология, иқтисод, тарих каби фан тармоқлари доирасида амалга оширилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Совет ҳокимияти бошқаруви йилларида янги ташкил этилган ресурс шаҳарларни тадқиқ этишда ҳукумат олиб борган сиёсатни қўллаб қувватлаш, сиёсий рахнамоларнинг белгилаб берган вазифалари доирасидан четкага чиқмаслик каби масаланинг мафкуравий жиҳатига кўпроқ эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Ҳусусан, 1974 йилда чоп этилган Ўзбекистонда амалга оширилган саноатлаштириш сиёсати ҳақидаги рисолада [23] ресурс шаҳарлари ҳусусида ҳам маълумотлар қайд этилган бўлиб, ушбу асарни коммунистик партия томонидан ишлаб чиқилган дастурлар ижроси сифатида баҳолаш мумкин.

Совет бошқаруви йилларида республикадаги, ҳусусан тадқиқот объекти бўлмиш Тошкент вилояти бўйича илмий изланишлар ҳам олиб борилган бўлиб, уларда шаҳарлардаги аҳоли сони, ишлаб чиқаришдаги улуши, саноат корхоналари фаолияти билан боғлиқ статистик маълумотлар ҳам келтириб ўтилган[20: 13-бет; 26; 28: 40-бет]. Шунингдек, бу даврда иқтисодий тахлилга бағишланган илмий асарлар ҳам чоп этилган [24] бўлиб, уларда масаланинг иқтисодий аҳамияти, ресурс шаҳарлар тараққиёти, аҳолисининг сони, ишлаб чиқариши каби жиҳатлар қамраб олинган.

Бу даврда халқ хўжалигига оид даврий статистик тўпламлар ҳам чоп этиб борилган [16; 19; 31]. Ушбу тўпламларнинг амалий аҳамияти хусусида сўз борганда, маълумотларнинг кенг қамровлилиги, статистик кўрсаткичларга бой эканлиги билан ажралиб туришини эътироф этиш лозим.

Мустақиллик йилларида ҳам ушбу масала юзасидан турли фан соҳалари доирасида изланишлар олиб борилди. Ҳусусан, тадқиқот доирасида иқтисодий изланишлар амалга оширилган бўлиб, унда саноат объектларидаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодиётга таъсири тахлил қилинган [37]. Бундан ташқари, мазкур масала юзасидан географияга оид илмий изланишларни ҳам эътироф этиш лозим [43; 46: 111-117-бетлар]. Ушбу тадқиқотларда Ўзбекистон шаҳарларидаги урбанизация жараёнлари масаласи ёритилган бўлиб, шаҳарлардаги аҳоли миграцияси, республикадаги демографик вазият, Тошкент вилояти саноат шаҳарларининг республикада тутган ўрни каби масалалар қамраб олинди. Шунингдек, сўнгги йилларда шаҳарлардаги демографик ҳолатлар тахлилига оид тадқиқотлар ҳам эълон қилинди[47]. Уларда совет ҳукумати бошқаруви йилларида шаҳарлар вужудга келишига асос бўлган тарихий жараёнлар, ишлаб чиқариш, шаҳардаги корхоналар фаолияти каби масалалар ўрин олди. Бундан ташқари, ушбу масала ҳар бир шаҳарнинг юбилейи муносабати билан нашр этилган адабиётларда ҳам акс этди [34; 36; 38; 39; 44; 45 ва б.].

**3. Тадқиқот натижалари:**

Ўзбекистон Марказий Осиёда нафақат қулай географик жойлашуви, қадимий цивилизация маркази сифатида, балки табиий-иқтисодий ресурслари, интеллектуал салоҳияти, юксак маданияти билан минтақада ҳамиша алоҳида ўрин тутиб келган. Бу имкониятлар ва салоҳият тарихий тараққиётнинг турли босқичларида бошқа давлатлар эътиборини жалб қилиб, юртимизга кўплаб тажовузлар уюштирилишига ва бойликларининг талон тарож қилинишига сабаб бўлди.

Сўнгги 120 йиллик мустамлакачилик даврида ҳам бу ҳолат яққол намоён бўлди. Ўтган асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистон ҳудудида совет ҳокимияти томонидан уюштирилган геологик экспедициялар ҳам шу мақсадга йўналтирилган эди. Ушбу экспедициялар натижасида Тошкент атрофидаги тоғли ҳудудлар мис, уран, олтин, кўмир ва бошқа мамлакат иқтисодиёти учун муҳим табиий хомашёларга бой эканлиги, Чирчиқ дарёсининг айланма

ҳаракати арзон электр манбаига асос бўлиши аниқланди. Шу хулосалар асосида ресурслардан унумли фойдаланиш мақсадида Тошкент воҳасида дастлаб электрэнергияга ихтисослашган Чирчиқ (1935), кейинги йилларда эса, тоғ-кон саноатига асосланган Бекобод (1945), Ангрен (1946), Олмалиқ (1951) каби саноат шаҳарлари вужудга келди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мазкур ҳудудларда аниқланган табиий хомашё манбалар фронт эҳтиёжларига жалб этилди. 1941-1945 йиллар оралиғида Ангрен атрофларидан жами 475 минг тонна кўмир[26: 112-бет.], Олмалиқ ҳудудида аниқланган конлардан 500 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо маъданлар[38: 14-15-бетлар.], Чирчиқ шаҳрига кўчириб келтирилган саноат корхоналари ишлаб чиқарган 800 минг тоннадан ортиқ кимёвий маҳсулотлар ва қурол яроғлар [27: 26-бет.], Бекобод ҳудудига кўчирилган металлургия комбинати томонидан 150 минг тоннадан зиёд рангли металлар[28: 40-бет.] фронт эҳтиёжларига сафарбар этилди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам совет ҳукумати халқ хўжалиги назоратини ўз қўлида сақлаш мақсадида аввалги йилларда самара берган маъмурий буйруқбозлик усулидан фойдаланишни давом эттирди. Ушбу жараёнда энг аввало, мамлакат бўйлаб йирик саноатни вужудга келтиришга катта эътибор қаратилди. Натижада, Ўзбекистонда ҳам саноат учун зарур ислоҳотлар олиб борилди. Хусусан, 1945 йилдан бошлаб, республикадаги машинасозик корхоналари қишлоқ хўжалиги техникалари учун шиналар, кимё саноати корхоналари ўз навбатида қишлоқ хўжалиги учун табиий ўғитлар ишлаб чиқара бошлади. Бундан ташқари, ўлкадаги оғир саноат корхоналари ҳам халқ хўжалигига йўналтирилди.

Совет ҳукумати мамлакатдаги барча ишлаб чиқариш тармоқлари бошқарувини давлат назоратида сақлаш учун ўзига хос тизимни йўлга қўйган эди. Унга кўра, республикалардаги ишлаб чиқариш кучлари бошқа ҳудуддаги саноат маҳсулотларига бевосита қарам бўлиши талаб этилар эди. Бундан ташқари, корхоналар фаолияти учун зарур хомашё миқдори ҳам давлат томонидан белгилаб қўйилган эди. Ушбу жараён 1923 йилдан фаолияти йўлга қўйилган Давлат режа қўмитаси (“Госплан”) ҳамда 1948 йилда ташкил этилган Моддий ва техник таъминот бўйича давлат қўмитаси (“Госснаб”) орқали бошқарилар эди. Мазкур идоралар тузилмаси совет ҳукумати бошқаруви даврида бир неча бор ўзгартирилишига қарамай, умумий иқтисодий қонуниятларни четлаб ўтолмади. Оқибатда мамлакатдаги барча корхоналарда ишлаб чиқариш билан боғлиқ жиддий муаммолар кучайиб борди.

Шунинг билан бир қаторда совет ҳукумати саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳамда уни тақсимлаш вазифасини бевосита республика ихтиёридан олиб қўйган эди. Ушбу жараён совет ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган ўзига хос тизим асосида олиб борилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистон ҳудудидаги оғир саноатга ихтисослашган корхоналар иш фаолиятининг ташкил этилиши масаласи Ангрен шаҳридаги кўмир саноати корхоналари мисолида кўриб чиқиш мумкин.

Жумладан, 1947 йилга оид архив хужжатларида қайд этилишича, Ангрен шаҳридаги “Кўмир кон қурилиш” ширкати томонидан тайёрланган хомашё дастлаб “Ўрта Осиё кўмир қидирув” (“Средазуглеразведка”) ташкилоти жамғармасига ўтказилган[1: 1-варақ]. Ўз навбатида, мазкур ташкилот Москвадаги “Шарқ кўмир қидирув бош бошқармаси” (Главвостокуглеразведка)га хомашёни юборган[2: 70-варақ]. 1948 йилда ушбу бошқарма давлат таъминот идорасига ҳисоб берган. Давлат таъминот идораси ишлаб чиққан режа асосида Шарқий ҳудудлардаги кўмир саноати вазирлиги (Министерство угольной промышленности восточных районов) маҳсулотни мамлакат бўйлаб барча зарур соҳаларга тақсимлаш вазифасини олган[2: 81-92-варақлар]. Шу тартибда кўмирнинг маълум қисми “Ўрта Осиё кон лойиҳалаш институти” (Средазгипрошахта) жамғармасига қайтарилган. Ушбу муассаса 1949 йилда лойиҳа асосида тақсимланган республика халқ хўжалиги учун зарур кўмирни Ўзбекистон Министрлар Кенгашига тақдим этган[17].

Ўзбекистон ҳукумати ўз навбатида кўмирни соҳалар бўйича тақсимлаган. Кўриб турганимиздек, Ангрен ҳудудида қазиб олинган кўмир маҳсулоти Москва (Марказ) орқали бошқарилган бўлиб, республика эхтиёжлари учун маълум қисмигина қайтарилган. Бунда асосан, Марказ томонидан белгилаб берилган иқтисодий вазифалар инобатга олинган. Яъни,

у даврда Ўзбекистонни пахта етиштириш базасига айлантириш сиёсати олиб борилганлиги ҳисобга олинса, тақдим этилган кўмир ҳам айнан шу соҳага хизмат қилиши талаб этилган. Республикадаги бошқа тармоқларда маҳсулот тақчиллиги йиллар давомида ҳал этилмай келинган. Натижада республика иқтисодиёти бир тарафлама шаклланишга мажбур бўлган.

Бу каби сиёсат Олмалиқ шаҳридаги оғир саноатга ихтисослашган корхоналарга ҳам тадбиқ этилган. Жумладан, "Олмалиқ қўрғошин қурилиш" ширкати томонидан тайёрланган қимматбаҳо металлар аввало, Москвадаги Рангли металл қидирув ("Цветметразведка") ташкилоти жамғармасига юборилган [6]. Ушбу ташкилот ширкатдан қабул қилиб олган махсулот ҳақида давлат таъминот қўмитасига ҳисобот тақдим этган. Берилган ҳисобот асосида таъминот қўмитаси мамлакатдаги турли саноат корхоналарига белгиланган иқтисоий вазифалардан келиб чиққан ҳолда хомашёни тақсимлаган. Шунингдек, Чирчиқ шаҳрида фаолияти йўлга қўйилган қишлоқ хўжалиги учун зарур ўғитлар тайёрлаб берувчи корхоналар ҳам даставвал ўз маҳсулотларини Москвадаги Кимё саноати вазирлиги ("Министерство химической промышленности")га юборишга мажбур бўлган.

Ушбу вазирлик ўз навбатида тақсим режа тузиш учун давлат таъминот қўмитасига ҳисобот тақдим этган. Давлат таъминот қўмитаси тузган тақсим режа асосида Ўзбекистонга пахта саноати учун маҳсулотнинг бир қисми етиб келган. Бундан ташқари, Бекобод ҳудудида фаолият олиб борган Ўзбекистон металлургия заводи томонидан ўзлаштирилган Фарҳод тоғлари этагидаги металлар ҳам Ўзбекистон металлургия комбинатида хомашё ҳолатига келтирилиб, мамлакат оғир саноат вазирлиги ("Министерство тяжёлой промышленности") ихтиёрига ўтказилган. Ушбу вазирлик ҳам тақсим режа учун давлат таъминот қўмитасига ҳисобот тақдим этган.

Давлат таъминот қўмитаси ишлаб чиққан тақсим режаси асосида вазирлик махсулотни мамлакат бўйлаб етказиш мажбуриятини олган. Бекободда фаолият олиб борган цемент ишлаб чиқариш корхонаси томонидан тайёрланган махсулотлар ҳам худди шу тартибда халқ хўжалигига жалб этиш тизими жорий қилинган. Цемент маҳсулотлари даставвал Москвадаги Министрлар кенгашининг қурилиш ишлари бўйича давлат қўмитаси ("Госстрой") ихтиёрига ўтказиб берилган. Мазкур муассаса мамлакатдаги қурилиш режасига жалб этиш мақсадида давлат таъминот қўмитасига ҳисобот топширган. Мазкур ҳисобот асосида таъминот қўмитаси тақсим режа ишлаб чиққан. Тақсим режа ижроси қурилиш ишлари бўйича давлат қўмитасига юклатилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Бекобод ҳудудида тайёрланган цемент маҳулотлари асосан, республикада қурилган янги йирик иншоотлар хусусан, Фарход ГЭС, йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш муассасаларига йўналтирилган.

Шунингдек, ушбу корхоналар учун кадрлар тайёрлаш тизими ҳам урушдан кейинги йилларда бирёқлама кечди. Янги ташкил этилган саноат корхоналари учун ишчиларнинг катта қисми Москвадан марказ буйруғи билан кўчириб келтирилган аҳоли вакиллари хиссасига тўғри келар эди. Бундай тизимни вужудга келиши аввало, режага асосланган иқтисодий муносабатлар туфайли, имкон қадар тез фурсатда кўпроқ маҳсулот тайёрланиши заруриятидан маҳаллий кадрларни етиштириш учун вақт ҳам, маблағ ҳам ажратилмаганлиги билан боғлиқ эди[48]. Бу ўз навбатида, янги ташкил этилган ресурс шаҳарлар аҳолиси ҳам асосан кўчириб келтирилган аҳоли вакилларидан иборат бўлишига олиб келди.

Масаланинг яна бир жиҳати корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари урушдан аввалги даврга мансуб бўлиб, хорижий асбоб-ускуналарга нисбатан 15-20 йил ортда қолган эди [40: 275-бет.]. Умуман, ишлаб чиқаришда ишчилар жуда оғир шароитларда меҳнат қилар эдилар. Масалан, урушдан кейинги дастлабки босқичда металлургияда ҳали ҳануз кислород орқали портлатиш усули қўлланилмай келар эди, кўмир очиқ усулда қўлга киритилар, бошқа тармоқ корхоналарда ҳам қўл меҳнати устунлик қилар, ускуналар автоматлашмаган эди. Бу қолоқлик фан ва техникани ишлаб чиқариш билан узвий боғланмаганлиги оқибати эди. Ушбу жараён кейинги йилларда шаҳарлардаги экологик мувазанатнинг бузилиши, тоғ кўчкилари сингари бир қатор муаммоларни юзага келтирди.

Оғир меҳнат шароитидаги ишчиларни корхоналарда муқим ушлаб туриш учун ҳукумат томонидан зарур чоралар ишлаб чиқилган эди [41: 229-бет]. Жумладан, 1945 йилда қабул қилинган қарорга кўра, кўмир, металлургия, кимё каби саноат корхоналарида фаолият олиб бораётган ишчилар ҳужжатларини олиб қўйиш, унинг ўрнига махсус гувоҳнома тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди. Борди-ю, ишчилар ишдан бўйин товласа ёки иш жойини сабабсиз тарк этса, 5 йилдан 8 йилгача қамоқ жазоси қўлланилиши мумкин эди.

Бундан ташқари, иккинчи жаҳон урушидан сўнг дунёда юзага келган "совуқ уруш" туфайли совет ҳукумати қуролланиш пойгасига мамлакатни жалб этиши ҳам иқтисодга ўз таъсирини кўрсатди. Натижада, асосий ишлаб чиқариш кучларининг ҳарбий соҳага йўналтирилиши билан йиллар давомида халқ хўжалигида камомад кучайиб борди.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталаридан маъмурий буйруқбозликка асосланган бундай муносабатлар иқтисод марказлашувига олиб келганлигини ва бу жамиятдаги кўплаб муаммоларга сабаб бўлганлиги юқори доираларда ҳам эътироф этила бошланди. Кун тартибида иқтисодни енгиллаштириш, марказлаштиришдан қисман холи қилиш бўйича янги иқтисодий ислоҳотлар талаб этилиши яққол намоён бўлиб қолди.

1965 йилда А.Н. Косыгин томонидан иқтисодий ислоҳотлар режаси ишлаб чиқилди[21: 1-3-бетлар.]. Унга кўра, корхоналарни республика қошида тузилган тармоқ вазирликлар ихтиёрига ўтказиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини белгилаш, ишлаб чиқаришга корхона маблағларини жалб этишга руҳсат бериш, таъминотчи ва истеъмолчиларни топиши, даромадларни ўзлари бошқариши, фойдани корхона ихтиёрида қолдириш, улар ҳисобидан ишчилар учун уй-жой қуриш имконини яратиш кўзда тутилган эди.

Бир қараганда, Косыгин ислоҳотлари республика иқтисоди мустақиллигини таъминлаши зарур эди. Аммо ҳукумат доираларида мазкур ислоҳотлар танқид остига олинди ва улар жуда катта чекловлар билан юзаки амалга ошди, холос. Республикаларда ташкил этилган тармоқ вазирликлар Марказ рухсатисиз корхоналар фаолиятига аралашиши таъқиқлаб қўйилди[7; 11; 12]. Корхоналар томонидан ўз хўжаликларини эркин юритиш фақатгина халқ хўжалигига алоқаси бўлмаган корхоналарга тадбиқ этилди.

Оғир саноат ва йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари аввалгидек давлат назоратида қолди. Корхоналарнинг қуввати ишлаб чиқариш хажмига нисбатан мувофиқлашмаганлиги, корхоналарга белгиланган таъминотнинг вақтида етказилмаслиги оқибатида режалар ўз вақтида тўлиқ бажарилмади. Бундан ташқари, совет ҳукумати томонидан жорий этилган маблағларнинг айланма харакати ҳам жиддий муаммоларга сабаб бўлди. Ишлаб чиқилган маҳсулот ёки маблағ бюрократик тўсиқларга учраши табиий хол эди.

Умуман олганда, А.Н. Косыгин томонидан жорий қилинган иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистон шароитида марказлашувдан чекинишга эмас, балки марказга қарамликни кучайишига олиб келди. Саноат шаҳарларидан саноат маҳсулотларини олиб кетилиши йил сайин ортиб борди.

Масалан, Олмалиқ яқинидаги конлардан шаҳарнинг илк ташкил этилган даврида яъни, 1951 йилда 17,5 минг тонна[10], 1961-1965 йилларда 348,5 минг тонна маҳсулот олиб чиқиб кетилган бўлса, 1970 йилда саноат корхоналари 801 минг тонна хомашё, 1975 йилга келиб эса, 2117 минг тонна, 1986 йилда 2622 минг тонна хомашё [8], 1990 йил маълумотларига кўра, шаҳар саноати 2781 минг тонна хомашё мамлакат эхтиёжи учун етказиб берилди[33].

Ангрен шаҳри ҳудудидаги саноат корхоналари томонидан етказиб берилган кўмир хажми эса қуйидаги тартибда ўсиб борди:

| Йиллар | 1940 | 1941-1945 | 1946 | 1950 | 1955 | 1960 | 1965 | 1975 | 1980 | 1990 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзлаштирилган кўмир хажми (тонна) | 3,4 минг | 475 минг | 147,8 минг | 1.475 минг | 2.587 минг [18] | 3.841 минг | 4.369 минг | 5.750 минг | 5.144,5 минг | 5.766 минг |

Бундан ташқари, урушдан кейинги йилларда Ангрен шаҳри яқинидаги тоғли ҳудуддан совет геологлари томонидан олтин, уран ва бошқа қимматбаҳо металлар аниқланиб, уларни ўзлаштириш бўйича зарур тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 1960 йилда Ангрен шаҳри яқинидаги Кўчбулоқ қишлоғида олтин конлари аниқланиб[3] ва 1969 йилдан Кўчбулоқ кони расман ишга тушди. 1972 йилда бу ерда олтин ажратиш фабрикаси фаолияти йўлга қўйилиб, шу йилнинг ўзида 108,9 минг тонна руда ўзлаштирилди[42: 118-бет.]. 1977 йилга келиб, олтин қазув конидан 9.810 тонна руда қайта ишланди[35: 100-бет.]. Шунингдек, 1966 йилда Облиқ ҳудудиданоруда материаллар карьери фойдаланишга топширилди. 1970 йилда ушбу корхонада 840 тонна пўлат эритилди.

1975 йилда 935 тонна пўлат ҳам халқ хўжалигига йўналтирилди. Шу тариқа, Ўзбекистон ҳудудидаги қимматбаҳо металлар Марказ ихтиёрига ўтди. Бекобод шаҳри ҳудудидаги саноат корхоналари томонидан етказиб берилган хомашё ҳажми қуйидагича ўсиб борди [4; 18: 114-бет; 5; 12.]:

| Йиллар | 1941-1945 | 1946 | 1955 | 1960 | 1970 | 1975 | 1980 | 1985 | 1990 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзлаштирилган маҳсулот ҳажми (тонна) | 150 минг | 136 минг | 142 минг | 1.045 минг | 1.382 минг | 1.498 минг | 1.596 минг | 2.340 минг | 2.690 минг |

Чирчиқ шаҳрида кимё саноатига йўналтирилган корхоналардан қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар етиштириб бериш ҳажми қуйидагича ошди [22; 25; 14; 32]:

| Йиллар | 1941-1945 | 1950 | 1955 | 1965 | 1975 | 1985 | 1990 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзлаштирилган махсулот хажми (тонна) | 800 минг | 357 минг | 422 минг | 953 минг | 1.607 минг | 2.020 минг | 3.137 минг |

Ишлаб чиқариш хажми ортиб борса-да, технологиялар янгиланмаган эди. Чирчиқ шаҳридаги саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган деярли барча маҳсулотлар кучли кимёвий таркибга эга бўлиб, улардан ҳосил бўлган чиқиндиларни ушлаб қолувчи қурилмалар урушдан кейинги йилларда ўрнатилган эди. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳияти ошиб боргани сари, экологик қурилмаларнинг қуввати кучсизланиб борди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда энергия таъминоти билан боғлиқ узилишлар ҳам корхоналарнинг муттасил ишлашида тўсиқ бўлиб келди. Хусусан, 1986 йилга оид ҳужжатларда Чирчиқ саноат зонасидаги аксар корхоналар фаолияти газ ёқилғисига боғлиқ бўлганлиги боис, Муборак гази қайта ишлаш заводидаги технологияларнинг эскирганлиги оқибатида газ таъминотида узилишлар тез-тез содир бўлиб турганлиги қайд этилган[30].

Шу ва бошқа омиллар таъсирида саноат шаҳрида ишлаб чиқариш ҳажми 1980 йиллар ўрталаридан бошлаб кескин қисқариб борди[9: 50-51-варақлар]. 1987 йилга келиб эса, баъзи корхоналарда ишлаб чиқариш буткул тўхтаб қолиб шаҳар бюджети 6.745.000 сўмга зарар кўрган[9: 73-варак]. Биргина Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатида 1986 йилга келиб, ишлаб чиқариш 1984 йилга нисбатан 30 фоизга тушиб кетган эди.

Бундан ташқари, корхоналар учун зарур эҳтиёт қисмлари бошқа республикалардан ўз вақтида етказиб берилишида ҳам муаммолар юзага келди. Масалан, Ангрен шаҳридаги “Ўзбек кон қурилиш” ширкати 6-қурилиш бошқармаси ғишт терувчи бўлинмасининг 1986 йилги ҳисоботларида шаҳардаги қурилишлар учун корхона балансига 700 дан ортиқ турли асбоб-ускуналарнинг ўз вақтида етказиб берилмаганлиги акс этган[29]. Бундай бетартибликлар туфайли республика бюджети катта зарар кўрган эди. 1990 йиллар бошига келиб, Ангрен шаҳридаги саноат корхоналарининг иш ҳажми янада камайиб кетди[15].

**4. Хулосалар:**

1. Совет даврида саноат шаҳарларидаги инфратузилмалар, уй-жой қурилиши, шаҳар бюджети, хўжалик таъминоти, хатто, шаҳар аҳолисини зарурий хўжалик моллари билан таъминланиши ҳам бевосита ишлаб чиқариш хажмига боғлиқ эди.
2. Шу боис ишлаб чиқариш ўсиб борган даврда шаҳар бюджети ва таъминотида муаммолар кузатилмаган бўлса-да, аммо кейинчалик, XX асрнинг 50-60-йилларида ишга туширилган қурилмалар эскириши, табиий ресурсларнинг хўжасизларча қазиб олиниши, иқтисодиётга ўз таъсирини кўрсатди.
3. Ишлаб чиқариш турғунликка учраши билан саноат шаҳарларида ишсизлик, тақчиллик, инқироз ҳолатлари юзага келди. Истиқлол арафасида Ўзбекистондаги саноат шаҳарлари мана шундай мерос билан қолди.
4. Шу тариқа совет даврининг сўнгги йилларига келиб, Тошкент вилоятидаги саноат шаҳарларида ишлаб чиқаришда инқироз ҳолати яққол намоён бўлди. Бу ҳолат юқорида қайд этилган омиллар билан боғлиқ бўлиб, совет иқтисодий сиёсати инқирозининг кучайишига сабаб бўлди.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Ўз МА. 2117-жамғарма, 1-рўйхат, 332-йиғмажилд. (National Archives of Uzbekistan. Fund 2117, List 1, Collection 332).
2. Ўз МА. 2117-жамғарма, 1-рўйхат, 385-йиғмажилд. (National Archives of Uzbekistan. Fund 2117, list 1, collection 385.)
3. Тошкент ВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд, 70-варақ. (Tashkent Regional State Archives. 1 collection, 1 list, 4 collections, 70 pages.)
4. Тошкент ВДА. 394-жамғарма, 3-рўйхат, 98-йиғмажилд, 15-варақ. (Tashkent Regional State Archives. Fund 394, list 3, collection 98, p. 15.)
5. Тошкент ВДА. 394-жамғарма, 3-рўйхат, 54-йиғмажилд, 19-варақ.( Tashkent Regional State Archives. Fund 394, list 3, collection 54, sheet 19.)
6. Олмалиқ ШДА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 24-йиғмажилд, 28-варақ. (Almalyk city state archive. 1 collection, 2 list, 24 collection, 28 sheet)
7. Олмалиқ ШДА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 48-йиғмажилд, 223-варақ. (Almalyk city state archive. Fund 1, List 2, Collection 48, p. 223)
8. Олмалиқ ШДА. 1-жамғарма, 3-рўйхат, 563-йиғмажилд, 55-варақ. (Almalyk city state archive. Fund 1, List 3, Digest 563, p. 55.)
9. Олмалиқ ШДА. 1-жамғарма, 3-рўйхат, 515-йиғма жилд (Almalyk city state archive. Collection 1, List 3, Volume 515)
10. Олмалиқ ШДА. 265-жамғарма, 2-рўйхат, 1-йиғмажилд, 17-варақ. (Almalyk city state archive. 265 Fund, 2nd list, 1st collection, 17th sheet)
11. Бекобод ШДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 260-йиғмажилд, 19-23-варақлар. (Bekobod city state archive. Collection 1, List 1, Collection 260, pages 19-23)
12. Бекобод ШДА. 80-жамғарма, 1-рўйхат, 246-йиғмажилд, 7-варақ. (Bekobod city state archive. 80th fund, 1st list, 246th collection, 7th sheet)
13. Чирчиқ ШДА. 2-жамғарма, 1-рўйхат, 862-йиғмажилд, 2-бет. (Chirchik city state archive. Fund 2, List 1, Digest 862, pp)
14. Чирчиқ ШДА. 2-жамғарма, 2-рўйхат, 441-йиғмажилд, 68-варақ. (Chirchik city state archive. Fund 2, List 2, Collection 441, p. 68)
15. Ангрен ШДА. 136-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 8-варақ. (Angren city state archive. Fund 136, List 1, Volume 2, p. 8)
16. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Том 10-16. - Москва: Издание «ЦСУ Союза ССР», 1928-29. (All-Union Population Census of 1926. Volume 10-16. -Moscow: Publishing house of the Central Statistical Administration of the USSR, 1928-29.)
17. “Правда Востока”, 20 сентябрь, 1949. (Truth of the East. September 20, 1949)

18. Промышленность СССР (Статистический сборник). «Государственного статистического издательство». – М.: 1957.( Industry of the USSR. - M .: "State Statistical Edition", 1957)
19. Уровень образования, национальный состав, возрастная структура и размещение населения СССР по республикам, краям и областям (по данным Всесоюзной переписи населения 1959 года). Москва: «Госстатиздат», 1960. (The level of education, ethnic composition, age structure and distribution of the population of the USSR in republics, territories and regions (according to the All-Union Population Census of 1959). - Moscow: Gosstatizdat, 1960.)
20. Ахмедов Э.А. Некоторые вопросы развития новых городов Ташкент-Чирчик-Ангренского промышленного района. // Общественные науки в Узбекистане. №3. 1962. С.13. (Akhmedov E.A. Some issues of the development of new cities in Tashkent-Chirchik-Angren industrial region. // General sciences in Uzbekistan. No. 3. 1962. –p. 13.
21. Косыгин А.Н. Саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такоминлаштириш ва саноат ишлаб чиқаришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида. // Тошкент ҳақиқати, № 191. 29-сентябрь, 1965-йил. 1-3-бетлар. (Kosygin A.N. Improving industrial management, improving planning and strengthening economic incentives for industrial production. // Tashkent Khakikati, No. 191. September 29, 1965. Pages 1-3.)
22. Социалистические обязательста г. Чирчика. // Социалистический Чирчик. №15. 24-февраля, 1966 г. - С.2.( Socialist commitments of the city of Chirchik. // Socialist Chirchik. No. 15. February 24, 1966. –p.2.)
23. Қорабоев С. Ўзбекистонда ленинча индустрлаштириш тажрибасидан (1925-1941 йиллар). -Тошкент: Ўзбекистон, 1974. (Koraboev S. From the experience of Lenin's industrialization in Uzbekistan (1925-1941). Tashkent: Uzbekistan, 1974).
24. Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолиси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1974. (Mullazhonov I.R. Population of Uzbekistan. Tashkent: Uzbekistan, 1974.)
25. Экономический обзор. (Промышленность города за 1975 г.) // Социалистический Чирчик. №146. 6-декабря, 1975 г. С.1 Economic Review. (Industry of the city for 1975) // Socialist Chirchik. No. 146. December 6, 1975. -p.1
26. История новых социалистических городов Узбекистана (Ташкентская область). (Отв. ред. д.и.н. Г.Р. Рашидов). - Ташкент: “Фан”, 1976. History of the new socialist cities of Uzbekistan (Tashkent region). (Editor-in-chief D. I. N. Rashidov). - Tashkent: "Fan", 1976.
27. Савченко Н. Жалилов А. Чирчик. – Ташкент: “Ўзбекистон”, 1980. (Savchenko N. Dzhalilov A. Chirchik. - Tashkent: "Uzbekistan", 1980.)
28. Трудовой подвиг строителей Фархад ГЭС. // Общественные науки в Узбекистане. № 5, 1985. (Labor feat of builders Farxad GES. // General sciences in Uzbekistan. No. 5, 1985.)
29. “Ўзбекшахтстрой” тресги 6-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчи бирлашмасининг бошлиғи Д.А. Зазулин нутқи. // Тошкент ҳақиқати, 25-сон. 1 февраль, 1986 йил. 2-бет. (The head of the association of masons of the 6th construction department of the trust "Uzbekshakhtstroy" D.A. Zazulin's speech. // Truth of Tashkent. No. 25. February 1, 1986 Page 2)
30. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди. ЎзССР Министрлар советининг раиси Ғ.Ҳ. Қодиров доклади. // Тошкент ҳақиқати. 25-сон. 1-февраль, 1986 йил. 3-бет (XXI Congress of the Communist Party of Uzbekistan. Chairman of the Council of Ministers of the USSR G.Kh.Kadyrov's speech // Truth of Tashkent. No. 25. February 1, 1986 p. 3)
31. Болдырев В.А. Итоги переписи население СССР. Москва: «Финансы и статистика», 1990. (Boldyrev V.A. The results of the population census in the USSR. -Moscow: "Finance and Statistics", 1990.)
32. Экономический обзор. На финише года (Промышленность Чирчика). // Социалистический Чирчик. №147. 8-декабря, 1990 г. -С. 1. Economic Review. At the end of the year (Chirchik Industry). // Socialist Chirchik. No. 147. December 8, 1990. -p. 1.)

33. Олмалиқ шаҳрининг иқтисодий ва социал ривожланишининг 1990 йил якунлари. Саноат. // Олмалиқ ҳақиқати. №16. 26-февраль, 1991 й. 2-бет. (Results of economic and social development of Almalyk in 1990. Industry. // Almalyk fact. No. 16. February 26, 1991 Page 2)
34. Насриддинов Ж., Бобоназаров А., Боймуродов А., Содиқов Б. Сайхун соҳилидаги шаҳар. (Масъул муҳаррир: Н. Умаров) Тошкент: "Ўзбекистон", 1995. (Nasriddinov Y., Bobonazarov A., Boimurodov A., Sodikov B. City on the bank of Saykhun. (Editor-in-chief: N. Umarov) Tashkent: Uzbekistan, 1995.)
35. Убайдуллаев А. Костецкий В. Афсоналардаги шаҳар. Ангрен: "Наврўз", – 1996. – 100-бет. (Ubaydullaev A. Kostetsky V. City in the legends. Angren: "Navruz", - 1996. - 100 p.)
36. Убайдуллаев А. Костецкий В. Афсоналардаги шаҳар. Ангрен: "Наврўз", 1996. (Ubaydullaev A. Kostetsky V. City in the legends. Angren: Navruz, 1996).
37. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (1970-1980 йиллар). Тошкент: "Шарқ", 1999. (Bobodjonova D. Socio-economic relations in Uzbekistan (1970-1980). Tashkent: Shark, 1999.)
38. Сигедин В.Н. Алмалыкская жемчужина. – Ташкент: "Шарқ", 1999. (Sigedin V.N. Almalyk pearl. - Tashkent: Shark, 1999).
39. Ҳасанов А., Топилов Т., Асқаров М., Атаханов А.. Кўхна ва навқирон Олмалиқ. Тошкент, 2000. (Hasanov A., Topilov T., Askarov M., Atakhanov A. .. Old and young Almalyk. Tashkent, 2000.)
40. Самохин М.Ю. Экономическая история России. — Москва: ГУ ВШЭ, 2001. (Samoksin M.Yu. Economic history of Russia. - Moscow: SU HSE, 2001.)
41. Литвиновский И. А. Восстановление народного хозяйства СССР после Великой Отечественной войны // Российские и славянские исследования: Сб. науч. статей. Вып. 1 / Редкол.: О. А. Яновский (отв. ред.) и др. - Мн.: БГУ, 2004. — С. 229 (Litvinovsky I.A. Restoration of the national economy of the USSR after the Great Patriotic War // Russian and Slavic studies: Sat. scientific. a statue. Issue 1 / Editorial board: O. A. Yanovskiy (editor-in-chief), etc. - Minsk: BSU, 2004. - p. 229)
42. Костецкий В. Ангрен – город из легенды. Ангрен: "Zarqalam", – 2006. (Kostetsky V. Angren - the city of legends. Angren: "Zarkalam", - 2006.)
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон Фармонини бажариш юзасидан, шунингдек, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш йўли билан уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 сентябрда 753-сонли “Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш билан таъминлашда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имзоланди[16].

2017 йилда Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, вояга етмаган фарзандлари бўлган оилаларни қўллабқувватлаш, соғлиғини тиклаш ва якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳамда табиий офатдан жабр кўрган 24 536 нафар фуқароларга 7 424,9 млн. сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди[17].

**4.Хулосалар:**

- Юқоридаги далиллар таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган давр мобайнида Фарғона водийси кам таъминланган ва ёш оилаларни ижтимоий химоялаш республика хукуматининг доимий диққат марказида турган.
- Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган ва кам ҳимояланган

қисми-болаларга, аёлларга, қарияларга, ногиронлиги мавжуд шахсларга ижтимоий ёрдам бериш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларга бўлган ишончини янада кучайтиришга ёрдам беради.

- Бугунги кунда ҳам республикамизда ижтимоий сиёсатнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги нафақат иқтисодий ва сиёсий вазиятларгагина боғлиқ, балки халқнинг маънавий қадриятларига асосланган соғлом авлодни тарбиялаш, кўп болали оилаларга мадад бериш, қарияларга ғамхўрлик қилиш, ногиронлиги мавжуд шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

**Иқтибослар/ Сноски/ References:**


1. Газиев Ш.М. Фўқоролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя фаолиятини такомиллаштириш муаммолари. Юридик фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2009. (Gaziev Sh.M. Problems of improving the social protection of citizens' self-government bodies. Dissertation thesis of juridical sciences – Tashkent, 2009.)
2. Ёрматов Ф. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент. 2010. 172 бет. (Yormatov F. The system of social protection in Uzbekistan: status, formation process, development prospects (1991-2010. On the example of the southern regions). Thesis of dissertation of history sciences - Tashkent. 2010. 172 pages.)
3. Jo’raev N.O’zbekiston tarixi (milliy istiqlol davri). -Toshkent: Sharq, 2011. (Juraev N. History of Uzbekistan (period of national independence). -Tashkent: “East”. 2011.)
4. Зокирова Н. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини социал ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси оилалари мисолида). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2011. 140 бет. Zokirova N. Improving the system of social protection in a socially oriented market economy (on the example of families in the Republic of Uzbekistan). Thesis of dissertation of history sciences – Tashkent, 2011. 140 pages.)
5. Раҳматуллаев Ш.М. Мустақиллик шароитида Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (1991-1996 йиллар). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2000. (Rahmatullaev Sh.M. Socio-economic changes in the cities of the Fergana Valley during independence (1991-1996). Thesis of dissertation of history sciences - Tashkent. 2000.)
6. Топилдиев О.Р. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни(1991-2008 йй.). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент. 2011. (Topildiev O.R. The role of youth in the socio-political life of Uzbekistan (1991-2008). Thesis of dissertation of history sciences - Tashkent. 2011.)
7. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви. National Archive of the Republic of Uzbekistan.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви Андижон вилояти бўлими. (Andijan regional department of the archive of the Office of the President of the Republic of Uzbekistan.)
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви Наманган вилояти бўлими. (Namangan regional department of the archive of the Office of the President of the Republic of Uzbekistan.)
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви Фарғона вилояти бўлими. (Archive of the Office of the President of the Republic of Uzbekistan Fergana regional department.)
11. Хайдаров З.У. Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи: қиёсий таҳлил. Тарих фан. номз ... дисс. –

Наманган. 2007.(Khaydarov Z.U. Socio-economic and cultural history of Namangan region in the Soviet period and the years of independence: a comparative analysis. Thesis of dissertation of history sciences - Namangan. 2007.)
12. https://lex.uz/ru/docs/183305
13. https://nrm.uz/contentf?doc=19773.
14. https://lex.uz/docs/1200664
15. https://lex.uz/docs/3338162
16. https://kun.uz/83133736?q=%2F83133736.
17. https://mahallakengashi.uz/oz/about/reports/3134/42906/

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Зокир Тоирович Рустамов,**
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи,
zokir.toirovich@mail.ru

## 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР

**For citation:** Zokir T.Rustamov, SOCIO-CULTURAL REFORMS CARRIED OUT IN UZBEKISTAN, TURKEY AND IRAN DURING 1920-1930. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.199-204

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-26**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ватанимиз тарихидаги муҳим ижтимоий-маданий жараёнлар умумжаҳон миқёсидаги шундай жараёнлар билан таққосланган ҳолда ўхшаш ва фарқли томонлари ўрганилиб, асосли равишда баён этилган.

**Калит сўзлар:** маданий жараёнлар, маданий инқилоб, ислоҳотлар, модернизация, сепаратизм, урф-одатлар, шариат, ғоялар.

---

**Зокир Тоирович Рустамов,**
Зав. отдела Института прогнозирования и
макроэкономических исследований,
zokir.toirovich@mail.ru

## СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЕ РЕФОРМЫ, ПРОВЕДЕННЫЕ В УЗБЕКИСТАНЕ, ТУРЦИИ И ИРАНЕ В 1920-1930 ГГ.

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье исследуются и обосновываются важные социально-культурные процессы в истории нашей страны, сравнивая их с аналогичными процессами в общемировом масштабе.

**Ключевые слова:** культурные процессы, культурная революция, реформы, модернизация, сепаратизм, обычаи, шариат, идеи.

---

**Zokir T.Rustamov,**
Head of the department of the Institute
of Forecasting and Macroeconomic Research
zokir.toirovich@mail.ru

# SOCIO-CULTURAL REFORMS CARRIED OUT IN UZBEKISTAN, TURKEY AND IRAN DURING 1920-1930

**ABSTRACT**

This article explores and substantiates important socio-cultural processes in the history of our country, comparing them with similar processes on a worldwide scale.

**Index Terms** cultural processes, cultural revolution, reforms, modernization, separatism, customs, sharia, ideas.

---

**1. Долзарблиги:**

Ватанимиз тарихидаги муҳим ижтимоий-маданий жараёнларни умумжаҳон миқёсидаги шундай жараёнлар билан таққослаш, ўхшаш ва фарқли томонларини ажрата олиш тарихни ўрганишнинг муҳим усулларидан ҳисобланади. XX асрнинг бошларида дини, турмуш тарзи ва ҳолатига кўра бизга яқин бўлган мамлакатларда кечган модернизация жараёнларини Ўзбекистондаги шундай жараёнлар билан таққослаш уларнинг асл моҳиятини тушуниш жуда муҳимдир. Айниқса, бугун, дунё сиёсати янги босқичга кирган, баъзиларнинг фикрича, сепаратизм (айрмачилик) ва глобализм каби қарама-қарши йўналишдаги тенденциялар таъсири остида миллий давлатчилик анъаналари дарз кетаётган, бир қисм кишилар "глобаллашув"ни "ғарблашув", деб тушунаётган бир пайтда, мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнини шундай тарихий жараёнлар билан таққослаш орқали уларнинг моҳиятини очиб бериш ҳалқимизнинг ўзлигини янада теран англаш учун янгича аҳамият касб этади.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

XX асрнинг энг муҳим ҳодисаларидан бири мустамлака тизимининг ағдарилиши бўлди. Буюк давлатчиликнинг асосий белгиси сифатида европаликлар томонидан XV асрдан бошлаб бунёд этилган мустамлака империялари қулай бошлади. XX аср бошларида дунёда, айниқса, Осиё мамлакатларида авж олган инқилобий ва миллий-озодлик ҳаракатлари 1905-1911 йиллардаги Эрон инқилоби, 1907-1908 йиллардаги Ёш турклар инқилоби, 1905-1909 йиллардаги Ҳиндистон инқилоби, Хитойдаги Синхай инқилоби каби жараёнлар Биринчи жаҳон урушидан кейин кўплаб мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди [1]. Улар дунё сиёсатининг янги муҳим омилига айлана борди. Айни пайтда, Европа давлатлари ўз сиёсий таъсирини сақлаб қолиш, баъзан эса янги усуллар ва воситалар орқали янада кучайтириш учун ҳаракат қилдилар. Сиёсий жиҳатдан миллий-озодлик ҳаракати Европадаги метрополия-давлатларига қарши қаратилганига қарамай, бу ҳаракатнинг ўзи Шарқ жамиятига Европа цивилизацияси ғоялари кўрсатган таъсирнинг натижаси бўлди. Миллий-озодлик ҳаракатининг шиорлари бу жараёнларга етакчилик қилган "Ёш афғонлар", "Ёш бухороликлар", "Ёш хиваликлар" фаолияти ҳам ана шундан далолат беради.

Бундан ташқари, бу ҳаракатлар лидерлари мустамлакачиликдан олдинги анъанавий жамият тартибларини тиклаш мақсадини ўз олдига қўймайди. Улар ривожланган саноат тизимига, аҳоли умумий сайлов, таълим олиш ва замонавий медицина хизмати билан таъминланиш ҳуқуқларига эга бўлган замонавий, илғор миллий давлат тузиш учун интилдилар. Шу сабабли асосий вазифа қолоқликни енгиб ўтиш ва ўз мамлакатларини модернизация қилиш эканлигини ҳаракат етакчилари англаб етдилар. Аслида, модернизациялаш ҳаракатининг ғалабаси умумий қадриятларга асосланган ягона жаҳон цивилизацияси шаклланиши йўлидаги муҳим қадам бўлди.

**3. Тадқиқот натижалари:**

XX асрнинг 20-30-йилларида Шарқнинг Туркия, Эрон каби бир қатор мамлакатларида амалга оширилган модернизация жараёнлари билан худди шу даврда Ўзбекистонда большевиклар томонидан ўтказилган "маданий инқилоб"лар ўртасида кўплаб ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Аммо мазкур модернизация жараёнлари Туркия ва Эронда буржуа ислоҳотчилиги, Ўзбекистонда эса большевизм ғоялари билан боғланган бўлиб, улар модернизация жараёнининг пировард мақсадларини белгилаб берди ва турли натижаларга олиб келган муҳим омилга айланди.

Албатта, мамлакатларда ХХ аср бошларида юз берган инқилобий жараёнлар чет эл ва Ўзбекистон тарихшунослигида анча жиддий ўрганилган. Аммо бу жараёнларнинг қиёсий таҳлили, ўхшаш ва мавжуд мафкуралар билан боғлиқ фарқли томонлари тарихий адабиётларда етарлича акс эттирилмаган. Бунинг сабабларидан бири Ўзбекистонда большевиклар етакчилигида ўтказилган “маданий инқилоб”ни коммунистик мафкура “социалистик ўзгаришлар”, Туркия ва Эронда амалга оширилган шундай жараёнларни эса “буржуа ислоҳотлари” сифатида баҳолашган эди. Ҳали ХХ аср бошларида ҳам ўрта асрчилик қолдиғи бўлган Усмонийлар империясини, султон ҳокимияти ва табақавий тизимни сақлаб қолган Туркия учун Европа, европаликлар жамияти, сўзсиз, замонавий жамиятнинг идеали бўлиб туюларди. Туркия инқилоби чет эл, биринчи навбатда, Европа капиталининг ҳукумронлигига ва султоннинг феодал тузумига қарши қаратилган ҳамда янги, мустақил Туркия давлатини қуриш учун амалга оширилган бўлса-да, у ўрнатган қадриятлар тизими Ғарб цивилизацияси қадриятлари билан ҳамоҳанг эди [2]. Шу сабабли Туркия ислоҳотлари, хусусан, маданият ва турмуш, дин соҳасидаги ислоҳотлар европалашув йўналишида эканлигини кўрамиз. Айни пайтда, модернизация -бу жамиятни замон талабларига жавоб берадиган тарзда такомиллаштириш бўлиб, Туркия Республикасида кечган европалаштириш жараёнларини шу нуқтаи назардан модернизация деб аташ мумкин.

Энди, Ўзбекистонда большевиклар томонидан амалга оширилган “маданий инқилоб” деб аталган жараёнларга келсак, биринчидан, Туркиядан фарқли равишда, Туркистонда ХХ аср бошларидаги миллий-озодлик ҳаракати муваффақият қозонмади, мустақил давлатнинг тузилишига олиб келмади. Иккинчидан, Европани идеал қилиб олган Туркиядан фарқли равишда,большевикларнинг идеали бўлган коммунистик келажак реал эмас, мавҳум эди. Бу мавҳумлик большевиклар илгари сурган янада мавҳум, аммо ўта жозибадор, кишиларнинг ақл идроки, зеҳнига эмас, кўпроқ ҳиссиётига мўлжалланган шиорлар билан қўшилиб, аҳолининг катта қисмини ўзига жалб қилди.Аммо идеаллар ва уларда ифодаланган қадриятларнинг турлича бўлишига қарамасдан, Туркия ва Ўзбекистондаги модернизация жараёнларининг ўхшаш томонлари анчагина эди.

Ислоҳотларнинг биринчи тамойили-лаицизм, яъни дунёвийлик динни давлатдан ажратишда ўз аксини топди. Аслида, ХХ аср бошларида ислом мамлакатларида амалга оширилган ислоҳотларнинг энг мураккаб жиҳатларидан бири ислоҳотчиларнинг ислом динига бўлган муносабатида эди. Уларнинг назарида, ислом ақидапарастлиги, унинг баҳслар ва шубҳалар учун ёпиқлиги ислом мамлакатларидаги ижтимоий ва сиёсий ҳаётга, бу ердаги халқларнинг менталитетига ўз таъсирини кўрсатаётган эди. Дунёнинг илғор қисмидаги интеллектуал интеграциялашув, шунингдек, янги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар, кишиларнинг янги, муносиб ҳаёт қуриши учун амалга ошираётган инқилобий интилишлари ислом дунёсини четлаб ўтди. Бу даврда Ғарбий Европа мамлакатларида шаклланган янгича дунёқараш, демократик ғоялар, инсоннинг тадбиркорлиги, ташаббускорлигига очилган кенг имкониятларнинг ислом мамлакатларида қарор топиши узоқ ва оғир жараён бўлди [3].

ХХ асрнинг 20-30-йилларида Туркия, Эрон ва Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотларнинг умумий томонларидан биринчиси - ислом динининг давлатни бошқариши, ижтимоий ва иқтисодий, айниқса, маданий соҳалардаги таъсирини пасайтириш учун ҳаракат бўлди.

1924 йил 20 апрелда қабул қилинган Туркия Республикасининг Биринчи конституциясида Ислом давлат дини деб аталган эди. 1928 йил 9 апрелда бу банд Конституциядан олиб ташланди. Айнан мусулмон менталитети, ундаги ақидапарастлик ислоҳотлар учун асосий тўсиқ эканлигини М.Камол яхши тушунарди. Шу сабабли у ислоҳотларни диндан бошлади. 1924 йилда Буюк миллат мажлиси халифаликни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу билан дунё мусулмонларини бирлаштирибтурувчи тизим йўқ қилинди, дарвешлик орденлари ва дарвешхоналар тарқатиб юборилди. Дин ва вақф ишлари бўйича вазирлик тугатилди, вақф мулклари национализация қилинди. Мадрасалар ёпилиб, барча мактаблар Маориф вазирлиги ихтиёрига ўтказилди.

Мустафо Камол Отатуркдан ўрнак олган шоҳ Ризо Паҳлавий Эронда 1928 йилдан европача либос жорий қилди, феодал унвон ва мурожаат шакилларини бекор қилди, насаб жорий қилди. 1935 йилдан мамлакатнинг номи ўзгартирилди “Форс” ўрнига “Эрон” деб аталадиган бўлди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари тўғрисида қонун қабул қилинди, улар мактабларда, олий ўқув юртларида ўқиш, давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлди. 1935 йили чодра (паранжи) ўраб юришни бекор қилиш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Шоҳ аста-секин ислом динига нисбатан ҳам муносабатини ўзгартирди: шариат судларининг ҳуқуқлари қисқартирилди, европача намунада фуқоролик, жиноят ва тижорат кодекслари қабул қилинди. Таълим соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. 1927-1934 йиллардаги ислоҳотлар даврида бепул мажбурий бошланғич таълим ҳамда пуллик ўрта ва олий таълим тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Барча ўқув юртлари, давлатга қарашли ёки хусусий бўлишидан қатъи назар, дин назоратидан чиқарилиб, давлат тасарруфига ўтказилди. Янги мактаблар қурилиб, ўқувчилар сони бир неча баробарга ошди. Олий ўқув юртларининг бутун бошли тизими яратилди, жумладан, 1934 йили Теҳрон университети очилди. Юзлаб эронлик ёшлар ҳар йили чет элларга, дунёнинг энг яхши университетларига ўқишга юборилди [4].

Россия империясида ҳокимиятга келган большевиклар томонидан 1918 йили 2 февраль куни Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида декрет қабул қилинди. Давлат ҳокимиятининг дунёвий характери ўрнатилди ҳамда виждон ва эътиқод эркинлиги эълон қилинди. Диний ташкилотлар барча мулкларидан ва юридик шахс ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Ушбу декрет асосида Ўзбекистонда ҳам дунёвий таълим, суд тизими шакллантирилди. Бу жараён шиддат билан, тажовузкорона олиб борилди, виждон эркинлиги принципига амал қилинмади, масжидлар тўлиқ ёпилиб, кишиларнинг диний эркинлиги топталди. Декрет совет давлатининг бутун 70 йиллик тарихи давомида атеистик ташвиқот ва даҳрийлик сиёсатига асос солди. Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш, янги типдаги совет мактаблари тизимини яратиш, “халқ зиёлилари”ни тайёрлаш, большевиклар назорати остида ва марксча-ленинча мафкура асосида амалга оширилди. Аслида, “маданий инқилоб”нинг бош мақсади бутун маънавий ҳаётни марксистик мафкурага бўйсундиришдан иборат бўлди.

Бу йўлда амалга оширилган дастлабки тадбирлардан бири саводсизликни тугатиш эди. Ўзбекистонда умумий мажбурий таълимни жорий қилиш учун мактаб бинолари, малакали кадрлар етишмаслигидан ташқари, диний ва миллий урф-одатлар билан боғлиқ тўсиқлар ҳам мавжуд бўлиб, бу Туркия ва Эрондаги ҳолат билан жуда ўхшаш эди. Асрлар давомида ўзбек, турк ва форс аёлларининг ҳаёти шариат қоидалари ва улардан келиб чиқадиган урф-одатлар билан белгиланар, эркаклар онгида эса аёллар ҳақида қотиб қолган догмалар, тасаввурлар устувор эди. Ислоҳотларнинг дастлабки давриданоқ аёлларни озод қилиш вазифаси қўйилди.

Аммо Туркия ва Эрондан фарқли равишда, Ўзбекистонда бу масаланинг шошилинч ҳал қилиниши кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. 1917 йилги Октябрь давлат тўнтаришидан сўнг аёллар масаласига оид бир қатор: аёлларнинг эркаклар билан тенглиги, балоғот ёшига етмаган қизларни турмушга беришни тақиқлаш тўғрисида ва шу каби қонун ҳамда қарорлар қабул қилинди, булар, сўзсиз инқилобий қарорлар эди. 1920 йилларда ташкил қилинган хотин-қизлар бўлимлари фаол тушунтириш ишларини олиб борди. Махсус аёллар клублари, артеллар, магазинлар ташкил қилинди, аёллар саводхонликка, турли-туман ҳунаргаўргатилди. Бу ишлар, асосан, тушунтириш, ишонтириш орқали, зўравонликларсиз амалга оширилиб, жамиятда катта қаршиликларга учрамади.

Аммо анъаналар ва урф-одатларни ҳисобга олиб ўтказилган бу тадбирларнинг суръати большевиклар ҳокимиятини қаноатлантирмади. Мазкур жараённи сунъий равишда тезлаштириш учун 1927 йил “Ҳужум” деб ном олган ҳаракат бошланди. Большевиклар психологик ва диний омил ҳамда хотин-қизларни тўлиқ озод қилиш учун ижтимоий муҳит етилмаганлигини инобатга олмадилар. “Ҳужум” кампанияси давомида зўрлик йўли билан 100 минглаб хотин-қизлар паранжиларини ташлади. Аммо ўзбек аёлларини жадал озод

қилиш сиёсати фожиали оқибатларга олиб келди. 1927-1928 йиллари Ўзбекистонда 2,5 минг фаол аёллар, хотин-қизлар клублари раҳбарлари, кутубхоначилар, ўқитувчи аёллар ўлдирилди [5].

Бу йиллари Ўзбекистонда маданият ривожланиши зиддиятли характерга эга эди. Бир томондан, аҳолининг саводлилик даражасини ошириш, фундаментал фаннинг энг муҳим соҳаларини ривожлантириш, илмий-техник кадрларни тайёрлаш объектив зарурат бўлса, бошқа томондан, совет ҳокимияти жамиятда ўзининг мафкуравий таъсирини кучайтириш ва бунда адабиёт, санъат ҳамда ижтимоий фанлар имкониятидан фойдаланишни биринчи даражали вазифа қилиб белгилади. Зиддиятлар, айниқса, анъаналар ва модернизация ўртасидаги муносабатда яққол кўзга ташланади. Масалан, Ўзбекистон аҳолисини модернизацияга жалб қилиш бўйича советлар олиб борган сиёсат Туркия ва Эрондаги шундай сиёсатга ўхшаб кетади. Аммо фарқи шундаки, совет давлати ўз сиёсатини мавҳум коммунистик жамиятни қуриш мақсадида олиб борди ва шу сабабли большевиклар ўзбек халқини ҳимоя қилиш, сақлаб қолишга интилган миллий анъаналари, маънавий оламига тажовузкор тарзда кириб борди. Советларнинг модернизация сиёсати Туркия ва Эрондаги шундай жараёнлар билан ҳамоҳанг эди. Аммо 1920-1930 йилларда советлар жорий қилган ҳаёт тарзининг ўзбеклар учун мутлақо бегоналиги Ўзбекистонда унга қарши кучли қуролли ҳаракатларга олиб келди. Туркия ва Эронда эса бундай ҳаракат анча суст эди. Бунинг бошқа бир сабаби шундаки, агар Туркия ва Эронда модернизация жараёнлари бунга эҳтиёжни ҳис қилган Мустофо Камол Отатурк, шоҳ Ризо Паҳлавий каби миллий лидерлар ва уларга эргашган зиёлилар томонидан миллий шиорлар остида ўтказилган бўлса, Ўзбекистондаги бу жараёнларнинг мақсад ва вазифалари большевиклар партияси томонидан белгиланди, раҳбарлик ҳам Москвадан амалга оширилди, шу сабабли миллатимизнинг орзу-интилишлари ва иродасини тўлиқ акс эттирмади.

Туркияда модернизациялашнинг асосий тамойиллари Туркия Республикаси Конституциясининг 2-моддасида ўз аксини топди. Кейинчалик 1931 йили Туркиядаҳукумрон Халқ-республикачилари партиясининг III конгрессида олтита мустақил тамойил ишлаб чиқилди. Булар республикачилик, миллатчилик, халқчиллик, этатистик (давлатпарастлик), дунёвийлик ва инқилобчилик принциплари бўлиб, улар ҳукумрон Халқ-республикачилар партияси фаолиятининг асоси, деб эълон қилинди [4]. Бу тамойиллар ичида асосийси - миллатчилик бўлиб, бу ҳодиса Европа тарихида ҳам миллий давлатчиликнинг пайдо бўлиши ёки тикланиши билан боғиқ оғир даврларда миллатни бирлаштирувчи муҳим омиллардан бирига айланган эди. Европада фақат Биринчи жаҳон урушидан кейингина миллатчилик ўзининг прогрессив имкониятлари ва демократик асосини йўқотиб, реакцион ҳодисага айланди. Туркияда ҳам давлатни тузиш жараёнида миллатнинг руҳини кўтариш, ўз имкониятларига ишончни уйғотиш учун миллатчилик прогрессив аҳамиятга эга бўлди. М.К. Отатуркнинг «Мен туркман!дейиш нақадар бахтдир!» (Ne mutlu Turkum diyene!) деган сўзлари турк миллатини бирлаштирувчи шиорга айланди [6].

Ўзбекистонда эса большевиклар модернизация жараёнининг асосий принципларидан бири сифатида байналмилалчиликни оладилар. Маданий инқилоб даврида большевикларнинг сиёсий қуролига айланган бу принцип Ўзбекистонда миллатпарвар зиёлилар ва раҳбарларни миллатчиликда айблаб, қатоғон қилиш учун асос бўлди. Модернизация жараёни эса оммавий руслаштиришга айланиб кетди. Шу сабабли асли моҳиятига кўра ижобий бўлган маданий инқилоб Ўзбекистонда миллий анъаналарга, айниқса, шаклланиб келаётганмиллий ғурурга катта зарар етказди.

Эронда шоҳ Ризо Паҳлавий ватанпарварлик ғоясига катта эътибор қаратди. Ислоҳотлар шу ғоя доирасида амалга оширилди. Жумладан, форс тили ислоҳ қилиниб, ундаги турк ва араб тилларидан кириб келган сўзлар муомаладан чиқарилди. Мамлакатда эронлаштириш сиёсати олиб борилиб, эрон миллатининг бирлиги фаол тарғиб қилинди.

**4. Хулоса:**

Шундай қилиб, 1920-1930 йиллари Туркия, Эрон ва Ўзбекистонда амалга оширилган модернизация жараёнлари ўз олдига қўйган мақсадларига кўра бир-бирига яқин эди. Улар

ўхшаш принципларга таянди, ўхшаш муаммоларни ҳал қилди, аммо жараёнларнинг асосий ғоясига кўра, бир-биридан фарқ қиларди. Модернизация Туркияда-миллатчилик, Эронда-ватанпарварлик, Ўзбекистонда-коммунистик ғоялар асосида амалга оширилди ва шу ғояларга мос натижаларни юзага келтирди.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Мунчаев Ш.М, Валяев М.М. и др. Из истории мировой цивилизации. -М., 1993. - С. 12 - 13. (Munchaev Sh.M., Valyaev M.M. and others. From the history of world civilization. -M., 1993.- p.12-13.)
2. Р.И.Измайлов. Камелизм и модернизационные процессы в Турции в 20 -30-е годы XX века. (R.I. Izmailov. Camelism and modernization processes in Turkey in the 1920-1930s.) http://www.idmedina.ru/books/materials/turkology/1/ turk_izmailov.htm
3. Эргашев.Ш. Жаҳон тарихи (Янги давр. 1-қ. XVI -XVIII асрлар) -Тошкент:O‘zbekiston, 2016. 431-бет. (Ergashev.Sh. World History (New Age. 1st ed. XVI-XVIII centuries) - Tashkent: Uzbekistan, 2016., p.431)
4. Трифонов Е. От восхода до заката: кемалистский век Турции. (Trifonov E. From sunrise to sunset: the Kemalist age of Turkey) http://www.historicus.ru/kemalizm/
5. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. 1. -Ташкент: Узбекистан, 2008. - С. 259. (Alimova D.A. History as history, history as science. T.1.-Tashkent: Uzbekistan, 2008. - p. 259.)
6. Реформы Мустафы Кемаля Ататюрка. (Reforms of Mustafa Kemal Ataturk) http://xn--80adagcf7ag2aab7an2p.xn--p1ai/RefAta.html

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Azamat Sanakulov,**
UzCarlsberg MChJ
Kadrlar tayyorlash bo'yicha menejer
ASanakulov@gmail.com

# MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O'RNI

**For citation:** Azamat Sanakulov, IMPORTANCE AND PLACE OF PUBLIC DIPLOMACY IN POLITICAL PROCESSES IN CENTRAL ASIA. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.205-212

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-27

**АННОТАЦИЯ**

Ushbu maqolada muallif O'rta Osiyodagi desintegratsiya va integratsiya jarayonlarining sabablari, "Xalq diplomatiyasi" tushunchasining shakllanishining manbalarini yoritib beradi, Germaniya va Frantsiya, Xitoy va Yaponiya misolida muvaffaqiyatli diplomatiyaga misollar keltiradi, Markaziy Osiyoda Xalq diplomatiyasi vositalaridan foydalanish darajasi, Markaziy Osiyo xalqlarining birligi haqida o'z fikrlarini bildiradi.

**Kalit so'zlar:** Markaziy Osiyo, xalq diplomatiyasi, jamiyat diplomatiyasi, tashqi siyosat, ommaviy axborot vositalari, xalq

---

**Азамат Санакулов,**
UzCarlsberg МЧЖ
Менеджер по обучению персонала
ASanakulov@gmail.com

# ВАЖНОСТЬ И МЕСТО НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ В ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССАХ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье автор освящает причины дезинтеграционных и интеграционных процессов в Центральной Азии, истоки формирования понятия “Народная дипломатия”, приводит примеры успешной дипломатии на примере Германии и Франции, Китая и Японии, степень использования инструментов Народной дипломатии в странах Центральной Азии, высказывает свое мнение о единстве народа Центральной Азии.

**Ключевые слова**: Центральная Азия, народная дипломатия, общественная дипломатия, публичная дипломатия, внешняя политика, средства массовой коммуникации, народ

**Azamat Sanakulov,**
UzCarlsberg LLC
Training manager
ASanakulov@gmail.com

# IMPORTANCE AND PLACE OF PUBLIC DIPLOMACY IN POLITICAL PROCESSES IN CENTRAL ASIA

**ABSTRACT**

In this article, the author covers the reasons for disintegration and integration processes in Central Asia, the origins of the formation of the concept of "Public diplomacy", gives examples of successful diplomacy on the example of Germany and France, China and Japan, the degree of use of instruments of Public diplomacy in Central Asia, expresses his opinion on the unity of the people of Central Asia.

**Index Terms**: Central Asia, public diplomacy, foreign policy, mass media, nation

---

## 1. Актуальность:

С первых дней обретения независимости странами Центральной Азии изменения происходят во всех сферах жизни общества. Менялось всё. Экономика, социальный уклад жизни, идеология. Шёл, и идёт до сих пор процесс дезинтеграции и в политической сфере и в общественной, параллельно идет процесс интеграции все в тех же сферах.

Происходит достаточно уникальный для истории мировой политики процесс. Процесс, в рамках которого 2 процесса взаимно противодействуют друг другу.

## 2. Методы:

При освещении темы использован комплекс исторических методов, таких как объективность, историчность, историческая последовательность, основанный на систематическом анализе архивных материалов.

## 3. Результаты исследования:

После развала СССР, дезинтеграция достаточно ожидаемый и естественный процесс на всем постсоветском пространстве. Каждая республика ринулась в самоопределение, построение собственного суверенитета [i] . Но, есть одно но. Несмотря на то, что Центральноазиатских государств пять история на всех одна. Уже 3 десяток лет на исходе, но все еще каждая страна пытается адаптировать историю под свою государственность. Но это путь в тупик, так как исторически на данной территории чаще существовали государства, объединённые не по принципу национального единства, а по другим причинам. (например, империи Сасанидов, Караханидов, Амира Темура, Шейбаниды, Аштарханиды, Бухарский эмират, ханства, Туркенстан, СССР и т.д.).

Не понимание данной специфики региона, иногда приводит к неверному пониманию процессов происходящих здесь. Иногда даются рекомендации исходя из истории Европы, Америки, но историческая подоплека, менталитет населения, восприятие и отношение к соседям не всегда дает необходимый результат.

Как уже отмечали параллельно с дезинтеграционными процессами идут и интеграционные. Существуют предпосылки для этого. Это и общее происхождение и история, общая социальная, географическая, экономическая взаимозависимость.

В целях стимулирования интеграционных процессов принимаются различные меры, создаются организации, объединения. Но в данной статье поговорим о другом явлении. Явление, которое можно рассматривать в разных аспектах. Это может быть самостоятельное явление, которое происходит вне зависимости от обстоятельств, правил и ограничений, можно его рассматривать как инструмент в руках правительства, который можно успешно использовать.

На Саммите Шанхайской организации сотрудничества в Астане в 2017 году Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев инициировал создание Центра народной дипломатии ШОС в Ташкенте, который впервые открыл свои двери в конце января 2019

года. Главной задачей Центра является укрепление доверия и добрососедства, межнационального и межконфессионального согласия, развития межцивилизационного диалога

Сенатор, руководитель Центра народной дипломатии ШОС в Узбекистане Рахматулла Назаров отметил: "В условиях усиливающихся процессов глобализации и интеграции во всем мире народная дипломатия становится одним из основных элементов международных отношений. Применение инструментов такой дипломатии, несомненно, будет способствовать сближению стран ШОС и их народов, укреплению духа взаимного доверия и добрососедства"[ii]. Несмотря на то, что ШОС[iii] относительно молодая организация, она уже приобрела заметную роль в международных отношения и превратилась во влиятельную международную организацию.

ШОС это 18 государств-членов, наблюдателей и партнеров по диалогу, это четверть площади земли, почти половина населения планеты.

Исходя из этого мы сразу можем прийти к пониманию того, насколько важна народная дипломатия в процессах общения народов 18 стран, насколько будет содействовать раскрытию разнопланового потенциала сотрудничества между странами ШОС, укреплению взаимного доверия, дружбы и добрососедства, межнационального и межконфессионального согласия, расширению взаимодействия между институтами гражданского общества и СМИ.

Такое явление, как "народная дипломатия", использовалось в СССР как возможность обойти отсутствие официальных связей с зарубежными странами в условиях, когда признание СССР на раннем этапе его существования стояло под вопросом. После это явление трансформировалось в некую систему воздействия на зарубежное общественное мнение через создаваемые государством псевдообщественные организации, которые, соответственно, полностью контролировались государственно-партийной властью. Это и созданное в 1925 году Всесоюзное общество культурной связи с заграницей (ВОКС), и сменивший его в 1958 году Союз советских обществ дружбы и культурной связи с зарубежными странами (ССОД).

Литература советского периода освещала вопросы интернационализма и зарождающихся форм "народной дипломатии" весьма однобоко, не персонифицировано и сугубо с точки зрения пропагандистской работы.

Основной упор в работах этого плана делается авторами на постулат о большой роли Советских обществ дружбы в деле социалистического строительства, построении мирных взаимоотношений со всеми зарубежными партнерами.

Сегодня народа, от чьего имени осуществлялся данный вид дипломатии, больше не существует. Целью народной дипломатии были страны социалистического лагеря, дружбу и сотрудничество с которым выстраивал Советский Союз.

После того, как пропал термин "Народ Советского Союза" в новых независимых странах стало модно использовать в терминологии такое слово и понятия как "нация" и отойти от слова "народ". Влияние европейских тенденций. Но стоит напомнить, что население всей Центральной Азии правильнее назвать Народами Центральной Азии. У них имеется одна общая особенность. Все они состоят из субнациональных местных сообществ, которые происходят из древних племен (микросообщества). (Например,традиционно считается, что существует 92 рода и племени "узбеков" в старом понимании этого термина кочевого Дешт-и-Кипчакского происхождения. Как установил современный историк Т.Султанов — эти 92 "рода" включают в себя "названия большинства тюркских и некоторых нетюркских этносов, населявших Среднюю Азию в то время")

То есть мы можем рассмотреть несколько этапов формирования народов. В каждой республике есть множество микрогрупп, нация республиканского уровня, а если все это объединить то можно выйти на шаг вперед и назвать все население Центральной Азии – "Народом".

Отсюда получается, что если есть «народ», то должна и быть народная дипломатия.

В последнее время, некоторые исследователи внешнеполитических процессов, стараются избегать употребления термина “народная дипломатия”, заменяя его более точным, на их взгляд, понятием “общественная дипломатия”.

Одновременно с данным термином встречается и другой термин – “публичная дипломатия”, что порождает в научной среде множество дискуссий относительно их разграничения. Если попытаться дать определение “народной дипломатии”, то в широком понимании можно говорить о непрерывном процессе общения народов, отдельных граждан разных государств с целью взаимного познания, взаимообогащения. В результате разобраться с дефинициями публичной и общественной дипломатии становится еще сложнее. Зачастую их рассматривают как синонимы.

Путаница связана с тем, что и общественная и публичная дипломатия переводятся на английский язык как “public diplomacy”. В зарубежных источниках также упоминается о том, что нет единого определения. Мир слишком быстро меняется, и мы живем в век новой общественной дипломатии, когда частные компании, неправительственные организации, отдельные группы добровольцев и даже отдельные лица могут влиять на то, как складываются международные коммуникации. И если ранее пропаганда была ядром публичной дипломатии, то сегодня это уже не так.

В последнее время использование общественной дипломатии стало одним из наиболее эффективных государственных ресурсов в достижении внешнеполитических целей и позиционировании государства на международной арене, а также в системе международных отношений в целом.

Исходя из этого в своей работе я взял на себя право объединить все три термина в один и для отсутствия путаницы использовать один термин “Народная дипломатия”.

В некоторых странах (например, в Китае) понятие “народная дипломатия” является официально признанным.

Кроме этого, в июле 2008 г. Президент России Д.А.Медведев подписал Концепцию внешней политики, в которой говорится об использовании “ресурсов, потенциала и инициатив институтов гражданского общества в сфере общественной дипломатии”.

Несмотря на то что, термин “Народная дипломатия” официально не использовался, многие страны использовали элементы такой дипломатии. Например, хорошим примером является заключение Елисейского договора 1963 г. между Францией и ФРГ. С 1958 по 1962 гг. Шарль де Голль провел 15 встреч с канцлером Конрадом Аденауэром, который тоже был заинтересован в преодолении многолетней неприязни между немцами и французами. 22 января 1963 г. был подписан Елисейский договор о примирении и дружбе, который действует до сих пор[iv]. На первый взгляд, подписание договора лидерами государств рассматривать с позиций народной (общественной) дипломатии нельзя. Но важнейшей статьей договора был обязательный обмен студенчеством. Молодые люди быстро нашли общий язык. Дальше последовала взаимная стажировка офицеров и даже целых воинских подразделений. И как итог — существенно улучшились отношения между немцами и французами.

Что касается Азии, то миролюбивые отношения прежних стран-антагонистов Японии и Китая — тоже заслуга правильного проведения “народной дипломатии”.

Ярчайшей формой “народной дипломатии” является туризм, приобретающий особую значимость в условиях глобализации. Туризм находится в прямой зависимости от того, как решаются в регионе международные конфликты. Деятельность обществ дружбы способствует налаживанию связей с другими государствами в области культуры, науки, образования. К формам “народной дипломатии” также относятся марши мира и, безусловно, Олимпийские игры. В современном дипломатическом языке появился термин «спортивная дипломатия» как элемент “народной дипломатии”. Во время проведения Олимпийских игр должны прекращаться все войны и конфликты.

Особое значение “народная дипломатия” принимает сегодня, когда в ситуации социально-политической нестабильности всё информационно-коммуникативное

пространство заполнено недостоверными сведениями, вредоносной для международных отношений информацией и просто провокационными данными. Следовательно, возникает потребность в инициации и реализации проектов «противодействия» сложившейся ситуации, а также проектов направленных на формирование «нового» позитивного общественного мнения и укрепление международных отношений и связей».

Кроме того, приграничное сотрудничество является одним из инструментов, который дает максимальные возможности для раскрытия потенциала “народной дипломатии” в регионах и на местах.

Народная дипломатия в Центральной Азии.

Во всех республиках Центральной Азии изо дня в день народная дипломатия обретает все большую поддержку со стороны государства.

Президент Г. Бердымухамедов активно использует ресурсы публичной дипломатии для изменения образа Туркменистана в глазах международного бизнес-сообщества и политических кругов в позитивную сторону. Активно применяются механизмы национального брендинга с использованием не только элементов богатой культуры Туркменистана, но и его нейтрального статуса.

В контексте инструментов практического воплощения публичной дипломатии Таджикистана отметим деятельность Таджикского общества дружбы и культурных связей с зарубежными странами (ТОДКС). Эта общественная некоммерческая организация работает на принципах народной дипломатии и имеет 17 обществ дружбы с разными странами[v]. На данный вопрос обращает внимание и президент республики Эмомали Рахмон, который, подчеркивая чрезвычайную важность формирования положительного международного имиджа Таджикистана, призывал МИД РТ “коренным образом улучшить свое взаимодействие с представителями средств массовой информации и расширить свое присутствие в Интернете…[vi]”

В научном дискурсе Киргизии тематика публичной дипломатии встречается в основном в контексте концепции “мягкой силы”. Н. Айтмурзаев признает возрастающую значимость названной концепции не только в “мягком” измерении современной мировой политики, но и в обеспечении безопасности государств в условиях глобализации[vii].

Обращая внимание на роль “мягкой силы” в переформатировании общественного сознания, он призывает к правильному использованию ее ресурсов (средства массовой информации, культура, традиции, религиозные взгляды). В контексте Центральной Азии эти ресурсы должны оказывать позитивное содействие обществу в выборе социального порядка, который соответствует культуре, ценностям, традициям, где проблема безопасности всегда считалась приоритетной.

Из факторов, способных повысить узнаваемость страны в мировом сообществе, называются национальные бренды Иссык-Куль, Ч. Айтматов, эпос “Манас”, “Великий шелковый путь” (Концепция внешней политики КР). В целом на данном этапе обобщать опыт Киргизии из-за недостатка национальных публикаций, посвященных вопросам публичной дипломатии, было бы преждевременно. Однако с учетом международного резонанса прошедших в сентябре 2016 г. Всемирных игр кочевников в Иссык-Кульской области можно предположить, что ресурсы “народной дипломатии” будут активно включаться и использоваться в деятельности государственных и негосударственных структур.

Тематика “народной дипломатии” в работах казахстанских авторов присутствует в течение ряда лет. Эти исследования посвящены не только сущности феномена “народной дипломатии” как дополнения к официальной дипломатии или в контексте концепции национального брендинга[viii], но и анализу зарубежного опыта и его применению во внешнеполитической практике Казахстана в интересах укрепления международных позиций казахстанской государственности[ix].

Отсутствие институциональных основ “народной дипломатии” Казахстана не может способствовать эффективному прикладному применению данного феномена, однако стоит

отметить большой потенциал республики в этой области, сформированный рядом его крупных международных и внутригосударственных инициатив.

Из них стоит отметить:

- инициативу о проведении Совещания по взаимодействию и мерам доверия в Азии;
- реализацию инициативы Казахстана по проведению Международного межконфессионального форума "Съезд лидеров мировых и традиционных религий" (СЛМТР), который регулярно проходит в Астане и называется казахскими политическими деятелями важнейшим институтом глобальной "духовной дипломатии"[x];
- проведение исторического саммита ОБСЕ в Астане в 2010 г.;
- идею и запуск коммуникативной площадки "G-Global" в 2012 г.с целью объединения усилий всех в деле создания справедливого и безопасного миропорядка;
- проведение заседания Берлинского евразийского клуба в Астане в 2014 г.;
- объявление о "Стратегии "Казахстан-2050": новый политический курс состоявшегося государства", ставящей задачу вхождения Казахстана в число тридцати самых развитых государств мира[xi];
- активную позицию как посредника при урегулировании украинского и сирийского кризисов[xii].

В научном дискурсе Узбекистана используется понятие "народная дипломатия". Еще в 1998 г. узбекский историк Р. Т. Жураев защитил диссертацию на тему "Роль народной дипломатии Узбекистана в международных отношениях". В ней он подчеркивал возрастающее значение народной дипломатии в связи с распадом Советского Союза, социальными взрывами, различными конфликтами на территории не только независимых государств, но и многих государств мира. По его мнению, решение значительного количества национальных конфликтов в мире стало сложным делом ввиду переплетения судеб разныхнародов в течение веков. Народная дипломатия в этой связи "делает возможным обмен подлинными ценностями культуры и способствует сближению народов"[xiii].

Сегодня в публичной или народной дипломатии Узбекистана важное место занимает культурное направление. Дни культуры проходили в Казахстане, России, Индии, Китае и других государствах. Узбекские посольства каждый год организовывают большие мероприятия по случаю празднования "Навруз", приглашая на них известных деятелей культуры, политиков, бизнесменов страны пребывания и показывая культурное богатство своей республики, ее туристический потенциал.

Еще в 1995 г. при МИД Узбекистана было создано информационное агентство "Жахон" в целях распространения объективной информации об Узбекистане и его политике, развития контактов международными информационными агентствами. ИА "Жахон" занимается изданием и распространением за рубежом информационных бюллетеней, справочников, буклетов, аудиовизуальной продукции, раскрывающих потенциальные возможности Узбекистана для широкого международного сотрудничества.

Важным институтом "народной дипломатии" Узбекистана является Совет обществ дружбы и культурно-просветительских связей Узбекистана с зарубежными странами. Он считается самоуправляемым, самофинансируемым неправительственным общественным объединением, которое с использованием возможностей "народной дипломатии" призвано способствовать:

- широкой популяризации в других странах достижений в различных сферах жизни Узбекистана;
- регулярному ознакомлению зарубежной общественности с богатой историей, культурой, литературой и искусством этой страны;
- формированию положительного международного имиджа Узбекистана как независимого демократического государства, достойного партнера в культурной, научной и гуманитарной сферах;

• установлению и развитию международных культурно-просветительских связей в сотрудничестве с ООН, ЮНЕСКО и другими международными организациями[xiv].

На данный момент Совет объединяет 35 Обществ дружбы, а международные культурные мероприятия Узбекистана часто осуществляются именно по линии этих обществ.

В этом отношении культурное многообразие народов ЦА не должно пониматься так, как если бы они принадлежали различным цивилизациям. Они принадлежат одной цивилизации, поэтому и политический диалог между ними развивается внутри одной цивилизации.

В связи с этим не могу не процитировать наших отечественных ученых: “Необходимо помнить, что все народы, населяющие Среднюю Азию, являются наследниками богатого исторического прошлого этого крупнейшего очага мировой цивилизации”[xv]. Вернее будет сказать: равными наследниками.

**4.Выводы:**

Говоря о таких проблемах, как границы, межгосударственное экономическое сотрудничество и иные проблемы отношений между странами, мы, как правило, ограничиваем себя рассмотрением только государственных акторов, в то время как существуют и так называемые “трансграничные акторы”, очень часто бросающие вызов классической деятельности первых. Это граждане, семьи, бизнес-группы, профессиональные неправительственные организации и ряд других. Культурные и цивилизационные различия для них никогда не были существенными в их трансграничном образе жизни и деятельности в центральноазиатском контексте.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Суверенитет (через нем.Souveränität от фр.Souveraineté— верховная власть, верховенство, господство) — независимость государства во внешних делах и верховенство государственной власти во внутренних делах.
2. Международный научно-общественный журнал «Мир перемен», 5 октября 2019, http://mirperemen.net/2019/03/diplomatiya-bez-galstukov-ili-kak-strany-shos-stanovyatsya-blizhe-drug-k-drugu/
3. https://ru.wikipedia.org/wiki/
4. Селянинов О.П. Дипломатические отношения государств: принципы, формы и методы. — М.: МГИМО-Университет, 2004.
5. Официальный сайт ТОДКС. URL: http://friendship.tj/
6. Выступление Президента Республики Таджикистан Э. Рахмона на встрече с дипломатическими работниками страны по случаю открытия нового здания МИД РТ. Душанбе, 15.03.2013. [Электронный ресурс]. — Режим доступа: http://www.prezident.tj/ru/node/4114
7. Айтмурзаев Н. Т. ≪Мягкая сила≫ как потребность общества в социальном порядке в условиях глобализации // Вестник Дипломатической академии МИД Кыргызской Республики. 2012. № 5 (05). С. 11–15.
8. Жакенова К. А. Публичная дипломатия как сфера национального брендинга // Вестник КазЭУ / КазЭУ Хабаршысы. 2012. № 6. С. 126–131.
9. Казбекова Д. С. Публичная дипломатия во внешней политике Федеративной Республики Германия и Республики Казахстан: Дисс. … д-ра полит. наук. Астана, 2014.
10. Подробнее о деятельности СЛМТР см.: URL: http://www.religionscongress.org/component/option,com_frontpage/Itemid,1/lang,russian/
11. Послание Президента страны народу Казахстана, ≪Стратегия ≪Казахстан-2050≫. [Электронный ресурс]. — Режим доступа: http://mfa.gov.kz/index. php/ru/informatsiya-o-kazakhstane/poslaniya-prezidenta-strany-narodu-kazakhstana/poslanie-prezidenta-strany-narodu-kazakhstana-strategiya-kazakhstan-2050.

12. Исабаева С. Как и чем Казахстан может способствовать разрешению кризиса в Украине? // CentralAsiaMonitor. 11.09.2014. [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://camonitor.kz/13391-kak-i-chem-kazahstan-mozhet-sposobstvovat-razresheniyu-krizisa-v-ukraine.html
13. Жураев Р. Т. Роль народной дипломатии Узбекистана в международных отношениях: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Андижан, 1998.
14. О Совете обществ дружбы и культурно-просветительских связей Узбекистана с зарубежными странами. URL: http://nbu.uz/ru/obshhestvo-druzhbyuzbekistanyaponiya/o-sovete-obshhestv-druzhby-i-kulturno-prosvetitelskihsvyazej-uzbekistana-s-zarubezhnymi-stranami/(дата обращения: 27.04.2017)
15. Алимова Д.А., Буряков Ю.Ф., Филанович М.И. Объективность в истории - ответственность за будущее. Институт истории (Ташкент) // Учитель Узбекистана, 28 июля 2003. (Alimova D.A., Buryakov Yu.F., Filanovich M.I. Objectivity in history is responsibility for the future. Institute of History (Tashkent) // Teacher of Uzbekistan, July 28, 2003.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Нодир Холиқжон ўғли Сафаров,**
Ўзбекистон Миллий Университети,
“Манбашунослик ва архившунослик”
кафедраси таянч докторанти
vanpersie298@gmail.com

## РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ

**For citation:** Nodir X.Safarov, ANALYSIS OF FOREIGN HISTORIOGRAPHY OF RUSSIAN-BUKHARA RELATIONS. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.213-218

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-28

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада тарихий материал тизимлаштирилган ва умулаштирилган, яни хорижий тадқиқотчиларнинг Бухоро амирлигининг манғитлар сулоласи даври тадқиқотлари ўрганилган. Хорижий муаллифлар тадқикотларининг қиска характеристикаси берилган, хорижий тарихшуносликнинг даврланиши намойиш қилинган, тенденсиялар , мавзулар ва тадқиқотлар мохиятининг ўзгариши кўрсатилиб, натижалар аниқланган ва Бухоро амирлиги тарихшунослигинг кейинчалик ривожланиш перспективалари таклиф қилинган.Ушбу мақоладаги тизимлаштирилган ва умулаштирилган малумот Бухоро амирлигининг манғитлар даври тарихида мавжуд бўшлиқларни тўулдиришга хизмат қилиб, ўрганилаётган даврнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий хаёти тўғрисидаги малумотларни кенгайтиради.

**Калит сўзлар:** ғарб тарихшунослиги, Ўрта Осиё, Бухоро амирлиги , Туркистон тарихи, англо-рус алоқаларининг муаммоси, мамурий бошқарув, Марказий Осиё, Ўрта Осиё босиб олиниши

---

**Нодир Холикжон угли Сафаров**,
базовый докторант кафедры
“Источниковедение и архивоведение”
Национального университета Узбекистана
vanpersie298@gmail.com

## АНАЛИЗ ЗАРУБЕЖНОЙ ИСТОРИОГРАФИИ РОССИЙСКО-БУХАРСКИХ ОТНОШЕНИЙ

**АННОТАЦИЯ**

В статье систематизирован и обобщен историографический материал – исследования зарубежных авторов по истории Бухарского эмирата периода правления мангытов. Дана краткая характеристика трудов западных авторов и представлена периодизация зарубежной историографии, выявлены изменения в тенденциях, тематике и содержании исследований,

определены результаты и предложены перспективы дальнейшего развития историографии Бухарского эмирата. Систематизированный и обобщенный в данной статье историографический материал поможет дополнить существующие пробелы в историографии Бухарского эмирата периода мангытского правления и дополнит имеющиеся сведения о политической, социально-экономической жизни исследуемого периода.

**Ключевые слова:** западная историография, Средняя Азия, Бухарский эмират, история Туркестана, проблема англо-российских отношений, административное управление, Центральная Азия, завоевание Средней Азии.

**Nodir X. Safarov,**
Basic doctoral student of the Department
of Source and Archival Studies of the
National University of Uzbekistan
vanpersie298@gmail.com

## ANALYSIS OF FOREIGN HISTORIOGRAPHY OF RUSSIAN-BUKHARA RELATIONS

**ABSTRACT**

In this article the historiographic material related to the researches of foreign authors on the history of Bukhara Emirate referring to the period of Manglyts` governance is systematized and generalized. The author gives a short characterological survey of Western scholars` works; such issues being highlighted as periodization of foreign historiography, changes in tendencies, thematics and contents of explorations; he determines the results and suggests the prospects of further development in reference to Bukhara emirate historiography. The systematized and generalized historiographical material will help to supplement the existing gaps in the historiography of Bukhara emirate connected with the period of Manghyts` governance and the data pertaining to political, social, economic life of the period in question. Materials, theses and inferences of the article may be taken into account and used by a creation of generalizing works on history and historiography in regard to the political history of Bukhara emirate and to a wide circle of problems associated with the social-economic and cultural life of Central Asian region referring to the XIX-th – the beginning of the XX-ie th centuries as well.

**Index Terms:** Western historiography, Middle Asia, Bukhara khanate, history of Turkestan, problem of Engish-Russian relations, administrative governance, Central Asia, conquest of Central Asia.

**1.Актуальность:**

Характерной чертой современного состояния исторической науки Узбекистана является раскрытие проблемных вопросов с использованием значительного потенциала зарубежных исследований. С обретением государственной независимости созданы все возможности для развития исторической науки в РУз.

Как известно, развитие советской исторической науки характеризовалось изолированностью ее от мировой науки, усилением государственной идеологии, борьбой с инакомыслием, которые в конечном итоге вели к утверждению в ней антинаучных схем и концепций. В этой связи перед узбекистанскими исследователями встала задача объективного воссоздания истории Родины, которая немыслима без осознания ее в качестве составной части единой и целостной мировой исторической науки.

Успешное решение этой задачи стало возможным благодаря деятельности Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева, направленной на вхождение Узбекистана в мировое сообщество в различных сферах жизнедеятельности, включая и научно-образовательную.

**2. Методы** и **степень изученности:**

При системном анализе западной исторической литературы использован комплекс исторических методов: объективизм, историзм, историческая последовательность и др.

Западные исследователи XIX –XX вв.: Д. Боулджер, Ф. Скрайн, Э. Росс, А. Вамбери, Дж. Керзон, Дж. Маллесон, Дж. Добсон, В.Е. Куртис, Дж. Ф. Райт, Г. Норман, С. Грэхэм, В. Джохелсон, Дж. Кунитс, В. Коатез Мэри Холдсворт и др. - уделяли внимание в основном общим проблемам истории Центральной Азии, в их трудах исследование истории Бухарского эмирата XVIII - первой половины XIX не выступало предметом целенаправленного и глубокого изучения. Упомянутые исследователи ограничились кратким экскурсом в освещение истории мангытов, и информация о народах и культурах региона до сих пор остается вне поля их научного зрения.

**3. Результаты исследования:**

В зарубежной историографии, в особенности в написанных в США и Англии исторических трудах, пока отсутствуют исследования, которые полностью и целиком отражали бы историю Бухарского ханства. Написанные до сих пор научные труды отражают историю ханств Бухары, Хивы и Коканда в совокупности, т.е. в контексте всей истории Средней Азии.

Зарубежные автора XIX - начала XX вв. в основном уделили внимание древней и средневековой истории Средней Азии, а также месту среднеазиатских государств в международной политике (например, англо-российскому соперничеству в Средней Азии). Зачастую исследователями являлись не историки, а путешественники, государственные чиновники и журналисты. Кроме того, из-за отсутствия источников информации, слабой изученности природных богатств края, оторванности края от российской и мировой политики и застойных явлений интерес исследователей к краю заглох.

Западная литература XIX в. разнообразна и обширна. Ее можно условно классифицировать на литературу биографического и геополитического характера. Исследователь Ф. Юлдашбаева справедливо констатирует, что в XIX в. на Западе вышло большое количество работ о Центральной Азии, в которых фигурировала главная идея – об угрозе Британской Индии со стороны России [1]. Действительно, в XIX веке всплеск интереса к среднеазиатской тематике за рубежом, прежде всего в Великобритании, возрастал по мере продвижения русских войск в Среднюю Азию. Безусловно, центральное место в англоязычной историографии вплоть до начала XX в. занимала проблема угрозы Британской Индии со стороны российской Средней Азии.

Как отмечает А.Г. Данков, «английские ученые, политики и дипломаты были первыми, кто обратил внимание на проблему англо-русских отношений в Центральной Азии. Укрепление позиций России на Балканах, Кавказе и в Центральной Азии в XIX в. вызвало серьезную обеспокоенность в британских политических кругах, где разгорелась широкая полемика по вопросу стратегии внешней политики Англии в данных регионах. Характерно, что борьба мнений в политических и общественных кругах по проблемам внешней политики Англии в Центральной Азии вращалась именно вокруг вопроса о разделе сфер влияния с Россией, которая рассматривалась как главный соперник Англии в Центральной Азии» [2]. Вопросы противоборства Англии и России в Средней Азии отразились в работах Д. Боулджера, Ф. Скрайна, Э. Росса, А. Вамбери, вице-короля Индии Дж. Керзона, а также Дж. Маллесона и Дж. Добсона [3]. Обозначив основную проблему, к которой было приковано внимание данной группы исследователей, нужно отметить, что история Бухарского эмирата XVIII - первой половины XIX не выступала у них предметом целенаправленного и глубокого изучения. Упомянутые исследователи ограничились кратким экскурсом в освещение истории мангытов.

В США в XIX в. по истории Туркестана было напечатано всего 5-6 трудов, и они принадлежали перу Джошуа Харлана и Уильяма Кэртиса. В последующем их труды служили источником для большинства исследователей Запада.

Зарубежная историография о Средней Азии во время существования СССР если и не находилась в застое, то испытывала серьезные затруднения, вызванные в особенности

отсутствием доступа к первоисточникам. Одним из главных направлений зарубежных исследований оставалась и остается проблема российско-британского соперничества.

В первом десятилетии XX в. за рубежом появились первые исследования по этнографии, антропологии, географии Средней Азии. В них отражались природные условия, жизнь населения, быт, культура, обычаи и обряды, религия таджиков, узбеков, казахов, туркмен и других народов, населяющих Среднюю Азию. Эти вопросы отражали в своих трудах В.Е. Куртис, Дж. Ф. Райт, Г. Норман, С. Грэхэм, В. Джохелсон[4].

Начиная с 30-х гг. XX столетия зарубежные авторы стали публиковать труды по истории среднеазиатских ханств. Одной из проблем, которой интересовались историки Запада, являлся вопрос об административном устройстве ханств. В этом вопросе все исследователи высказывали схожие мнения. Дж. Кунитс об этом писал: «Власть эмира являлась абсолютной. Руководители всех учреждений, правители областей (хакимы) назначались им, и они отчитывались только перед ним» [5]. Автор также констатировал, что государство в административном отношении подразделялось на вилаеты, туманы и селения. Административными чиновниками являлись беки, амлякдары и аксакалы. Но автор ничего не писал об обязанностях чиновников.

Дж. Кунитс назвал Бухару «крепостью арабо-иранской культуры», «сердцем ислама» на протяжении столетней истории Средней Азии, «родиной великих ортодоксальных ученых и комментаторов Корана, центром 250 мечетей и медресе» .

В. Коатез в своем труде «Советы в Средней Азии», касаясь вопросов завоевания Средней Азии царской Россией, осветил некоторые проблемы бухарско-российских отношений первой половины XIX в. и дал сведения об экспортируемых и импортируемых товарах, объеме пошлин и др. [6].

В 30-50 гг. в зарубежной историографии практически не было исследований по истории Бухарского эмирата. Это было обусловлено тем, что среднеазиатские республики находились в составе СССР и Среднеазиатский регион как бы являлся «запретной зоной» для капиталистических стран. Да и послевоенная «холодная война» также была препятствием в деле изучения Средней Азии.

Со второй половины 50-х гг. возродился интерес к истории среднеазиатских ханств. И в этот период история среднеазиатских ханств изучалась в совокупности. Интересным исследованием является монография английского ученого Мэри Холдсворт «Туркестан в XIX веке». Автор, наряду с историей Кокандского и Хивинского ханств, обратила внимание на историю Бухарского эмирата. Хотя исследование в хронологическом плане охватывало XIX в., в английской и американской историографии впервые освещалась политическая история ханств, функционирование учреждений, проблемы землевладения, культурная жизнь, завоевание Россией территорий ханств и др. [7].

М. Хордсворт осуществляет сравнительный анализ системы административного управления Бухарского и Кокандского ханств, отмечает их схожесть, констатирует факт управления областями членами правящей династии. Она освещает структуру управления и функции должностных лиц. Автор отмечает значение торговли в Бухарском эмирате, раскрывает роль города Бухары как важнейшего торгового центра региона. Подробно дает сведения о функционировании базаров города. Приводит данные относительно ввоза и вывоза товаров в Россию, Афганистан, Иран, Индию, Китай, Хиву, в туркменскую и казахскую степи .

В 60-х гг. некоторые аспекты истории Бухарского эмирата в англо-американской историографии освещались в трудах Уиллера «Новая история Советской Средней Азии» и «Народы Советской Средней Азии» . В книге «Новая история Советской Средней Азии» автор только в третьей главе кратко освещает историю Бухарского эмирата. Уиллер считает, что административная система Бухарского эмирата унаследована от ирано-арабской администрации Аббасидов Мавераннахра и Тимуридов. По его мнению, в Бухаре финансовая, налоговая, судебная терминология является арабской, а военная терминология в большинстве случаев является иранской [8].

Он считает административную систему Бухары очень простой и примитивной, и что основной функцией администрации является сбор налогов. Судебная система подчиняется законам шариата и исламской нравственности.

Одним из вопросов, которым интересовались западные исследователи, являлось состояние экономики Бухарского эмирата. Дж. Уиллер, анализируя состояние экономики Бухары до завоевания Средней Азии Россией, отмечает, что в Бухаре большое значение придавалось развитию ирригации, развивалась внешняя торговля, в 1827-1837 гг. экспорт товаров в Россию был на 2 000 000 рублей больше, чем импорт. В городе Бухаре хорошо была налажена внутренняя торговля. Дж. Уиллер отмечает экономический подъем Бухарского эмирата [9].

В период существования СССР западные аналитики обратили внимание на англо-русское соперничество. Этот вопрос продолжал вызывать у них большой интерес. Антисоветской позиции придерживались В.К. Фрейзер-Тайтлер, Р.Л. Гривс, Дж. Уиллер[10]. Тем не менее П. Сайкс и К.Ф. Эндрюс при исследовании и анализе русско-английских противоречий подчеркивали наступательную политику двух империй[11].

История двухвекового противостояния (от эпохи Петра I до Николая II) двух великих держав - Англии и России - в Центральной Азии описаны в классической работе П. Хопкирка [12]. В книге анализируются геополитические цели двух европейских держав в этом огромном регионе. Показана острейшая тайная и явная борьба за территории, влияние и рынки. Изложена история войн России и последовательное покорение ею владений эмиров и ханов - Ташкента, Самарканда, Бухары, Хивы, Коканда, Геок-Тепе, Мерва, захват афганского Панджшеха, районов Памира. Ярко описаны удивительные и драматические приключения выдающихся участников «большой игры» - офицеров, агентов и добровольных исследователей (русских и англичан), многие из которых трагически погибли.

Другой английский исследователь, Джон Кий, также касаясь вопроса англо-российского соперничества в Центральной Азии, отмечал роль одного из первых игроков «большой игры», В. Муркрофта, который совершил коммерческое и политическое путешествие в Бухару. Дж. Кий анализировал события в Центральной Азии начиная с экспедиции английского агента Александра Борнса в Бухару (1837) до в конца 60-х годов, с момента интервенции Великобритании в Афганистан и экспедиции России в Хивинское ханство [13].

Немецкая исследовательница Анке фон Кюгельген [14], анализируя письменные источники, написанные на персидским о бухарских правителях мангытской династии, изложила стратегию авторов по легитимации первых четырех правителей Бухарского ханства, которые захватили власть в Бухаре в середине XVIII в.

Анке фон Кюгельген раскрыла шесть основных принципов легитимации власти: 1) божественная легитимация; 2) генеалогическая легитимация; 3) электоральная легитимация; 4) легитимация посредством ориентации на образец для подражания; 5) легитимация превосходящей силы; 6) легитимация посредством сохранения норм.

Анке фон Кюгельген также раскрыла место суфийского ордена Муджаддадийа-Накшбандийа в духовной культуре Бухарского ханства [15].

В целом в европейской историографии сложились определенные научные традиции и преемственность, которые определили ведущие положения исследований ряда ученых. Они, в свою очередь, своими работами пробудили нынешний интерес к истории Бухарского ханства.

**4. Выводы**:

Таким образом, западная историография истории Бухарского эмирата имеет свои характерные особенности и общие черты. В ней можно выделить три периода, отчасти связанных между собой в концептуально-теоретическом и практическом отношении.

- Первый период охватывает вторую половину XIX – начало XX вв., когда труды западных авторов рассматривались как недостоверный и незначительный исторический источник.

• Второй период охватывает историографию советской эпохи, для которой характерна преемственность методологических подходов и традиций дореволюционной историографии, а также идеологический подход.

• Третий период охватывает историографию постсоветского периода, когда у западных авторов при изучении истории и культуры Бухарского эмирата отмечается зарождение позитивных моментов. В этот период были изданы труды П. Хопкирка, Джона Кия, Анке фон Кюгельген и др., в которых отражены политические, социальные и культурные события Бухарского эмирата.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Юлдашбаева Ф. Политика Англии в Афганистане и Средней Азии. – Ташкент: Фан,1965
2. Данков А.Г. Британская историография второй половины XIX в. об англо-русских противоречиях в Центральной Азии // Вестн. Том. гос. ун-та. - 2007. - № 300-1.
3. Skrine F., Ross E. The Heart of Asia. History of Russian Turkestan and the Central Asian Khanates from the Earliest Times. - L., 1899;.Boulger D. England and Russia in Central Asia. - L., 1879. Vol. 1; Vambery A. The coming struggle for India. - L., 1885; Curzon G. Russia in Central Asia in 1889 and the Anglo-Russian Question. - L., 1889; Malleson. G. Herat: the granary and garden of Central Asia. - L., 1880; Dobson G. Russia's railway advance into Central Asia. - L., 1890.
4. Wright George Fredorick. Asiatic Russia.- New York, 1903; Curtis W.E. Turkestan the beart of Asia. - New York, 1911; Pumpelli Raphael. Explorations in Turkestan with an account of the basin of Eastern Persia and Sistan. Expedition Rapbael Pampelly. - Washington, 1905.XII. 324 p; Henri Norman M.P. Travels and studies in contemporary European Russia, Finland, Siberia the Caucasia & Central Asia. - London, 1902. - P. 476; Graham Stephen. Through Russian Central Asia. - New York, 1916 and etc.
5. Kunits J. Dawn over Samarkand. The rebirth of Central Asia. - New York, 1935.
6. Coates W., Pand K., Zelda. Soviets in Central Asia. - New York : Greenwood press, 1951.
7. Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth centure. A brief History of the khanatos of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxsford, 1959.
8. Wheeler G. The modern histori of Soviet Central Asia. – London : Weidenfeld and Nicolson,1966.
9. Wheeler G. The modern histori of Soviet Central Asia. – London : Weidenfeld and Nicolson,1966. p. 44
10. Frazer-Tytler W.K. Afganistan. A study of political development in Central Asia. - Oxford, 1950; Greaves R.L. Persia and the defense of India, 1884–1892. - London, 1959; Wheeler G. The peoples of Soviet Central Asia. - London, 1966.
11. Sykes P. A history of Afghanistan. In 2 vol. - London, 1940; Andrews C.F. The chalenge of the North-West Frontier. - London, 1937.
12. Hopkirk P. The Great Game: The Struggle for Empire in Central Asia. - Oxford, 2001.
13. Keay J. Explorers of the Himalayas. – London, 1996.
14. Кюгельген Анке фон. Легитимация среднеазиатской династии мангытов в произведениях их историков (XVIII – XIX вв.). – Алматы : Дайк – Пресс, 2004. - 516 с.
15. Кюгельген Анке фон. Расцвет Муджаддадийа-Накшбандийа в Средней Трансоксании с XVIII – до начала XIX вв.: опыт детективного расследования // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Сб. статей памяти Фритца Майера (1912-1998) / сост. и отв. Ред А.А. Хисматуллин. – СПб., 2001. (Kügelgen Anke von. The flourishing of Mujaddadiyya-Naqshbandiyya in Central Transoxania from the 18th to the early 19th centuries: the experience of detective investigation // Sufism in Central Asia (foreign studies). Sat. articles in memory of Fritz Mayer (1912-1998) / comp. and otv. Red A.A. Khismatullin. - SPb., 2001.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Анора Зайниддиновна Тоғаева,**
тарих фанлари номзоди
ЎзР ФА Тарих институти
anora.togaeva@mail.ru

# ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар)

**For citation:** Anora Z. Togaeva,HEALTH SYSTEM IN THE CITIES OF UZBEKISTAN: STATUS AND ISSUES (1950–1980). Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.219-225

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-29

**АННОТАЦИЯ**

ХХ аср ўрталаридан 1990-йилларгача бўлган вақт оралиғида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу даврда аҳоли соғлигини сақлаш ва уни тиклаш, турли касалликларнинг олдини олиш масаласида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бироқ, қатор омиллар туфайли соҳада ривожланиш жуда катта муаммолар билан борди. Мақолада Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари мисолида соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳвол ёритилган ва бу билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, шаҳарлар, соғлиқни сақлаш, касалхона, врач, бемор, тиббий хизмат, Тошкент, Бухоро, Урганч, Фарғона, Хива.

---

**Анора Зайниддиновна Тогаева,**
кандидат исторических наук
Институт истории АН РУз
anora.togaeva@mail.ru

# СИСТЕМА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В ГОРОДАХ УЗБЕКИСТАНА: ПОЛОЖЕНИЕ И ПРОБЛЕМЫ (1950-1980 гг.)

**АННОТАЦИЯ**

В течении середины ХХ века до 1990 годов система здравоохранения Узбекистана и сфера оказания услуг населению прошел своеобразный путь развития. За этот период во вопросам охраны и восстановления здоровья населения, профилактики заболеваний осуществлены важные мероприятия. Однако, вследствие ряда аспектов развитие сферы продвигалось с рядом больших проблем. В статье анализируются проблемы, связанные с состоянием системы здравоохранения на примере крупных городов Узбекистана.

**Ключевые слова:** Узбекистан, города, здравоохранение, больница, врач, пациент, медицинское обслуживание, Ташкент, Бухара, Ургенч, Фергана, Хива.

**Anora Z. Togaeva,**
PhD in History, Institute of History of the
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
anora.togaeva@mail.ru

# HEALTH SYSTEM IN THE CITIES OF UZBEKISTAN: STATUS AND ISSUES (1950–1980)

**ABSTRACT**

From the mid-twentieth century to the 190s, the health care system and public utilities in Uzbekistan underwent unique development. During this period, important measures were taken to protect and restore public health and prevent various diseases. However, due to a number of factors, the development of the field has been very challenging. This article describes the situation in the health care system using the example of large cities in Uzbekistan and analyses the problems associated with this.

**Index Terms:** Uzbekistan, cities, healthcare, hospital, doctor, patient, medical service, Tashkent, Bukhara, Urgench, Fergana, Khiva.

---

## 1. Мавзунинг долзарблиги:

Ижтимоий инфратузилма кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг қай даражада ривожланганлиги мавжуд жамиятнинг тараққиётини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ижтимоий инфратузилма деганда моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қиладиган тармоқлар тизими тушунилади. Аниқроқ айтганда, ижтимоий инфратузилма соғлиқни сақлаш, маориф, маиший хизмат, уй-жой коммунал хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш ва бошқа соҳаларни ўз ичига олади. Хусусан, шаҳарларнинг тараққиёт даражасини белгилашда ижтимоий инфратузилма ҳолати муҳим мезон ҳисобланади.

Ижтимоий инфратузилма объектлари орасида соғлиқни сақлаш тизими муҳим ўрин тутади. Совет даврида қатор омиллар туфайли Ўзбекистоннинг аҳоли сони 100 мингга етган ва ундан ошган йирик шаҳарлари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш ишлари қатор муаммолар билан борди. Аввало шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, 1950-йиллардан 1980-йиллар охиригача бўлган вақт оралиғи Ўзбекистон шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида жуда катта ўзгаришлар даври бўлди. Биринчидан, шаҳарларда соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, тиббий хизмат ходимлари сони ошиб борди. Ўз даврига хос техника ва технологияларнинг жорий этилиши натижасида тизимда маълум даражада сифат ўзгаришлари юз берди. Соғлиқни сақлаш соҳасига маблағ ажратиш ҳажми кўпайди. Аммо, шуниси ҳам борки, соҳада амалга оширилган ўзгаришларда инсон омили ва унинг манфаатлари эмас, балки давлат талаблари ва манфаатлари биринчи ўринга қўйилди. Бунда совет тузумининг капиталистик тузумдан "афзаллиги"ни кўрсатишга интилиш ҳам муҳим роль ўйнади. Айниқса, 1970-йилларга келиб совет жамияти иқтисодий-ижтимоий аҳволида рўй берган турғунлик, кейинчалик жамият инқирози билан боғлиқ қатор ҳолатлар тиббий хизмат даражасининг пасайиб кетишига таъсир кўрсатган асосий омил бўлиб хизмат қилди. Совет даврида Ўзбекистон шаҳарларида кечган иқтисодий-ижтимоий жараёнларни ҳар қандай мафкуравий босимлардан холи тарзда ўрганиш мураккаб ва зиддиятли совет давридаги тарихий жараёнларни янада кенгроқ тадқиқ этиш имконини беради.

## 2. Тадқиқот усуллари ва мавзунинг ўрганилиш даражаси:

Тадқиқотни амалга оширишда бугунги кунда тарихий тадқиқотларни олиб боришда қўлланилаётган методлар – тарихийлик, тизимлаштириш, умумлаштириш, тизимли ва қиёсий таҳлил, контент (таркибий) таҳлил, статистик таҳлил усуллари қўлланилди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси ҳақида сўз борар экан, аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, таҳлил этилаётган даврда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими ривожи қатор муаммолар билан борди. Шундай бўлса-да, мавжуд адабиётларнинг аксариятида ушбу муаммолар акс этмади, аксинча, ҳукмрон тузум ва мафкура таъсири ҳамда тазйиқи остида

фақат соҳадаги ютуқлар кўрсатиб борилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг катта шаҳарларига бағишланган фундаментал асарларда соғлиқни сақлаш тизими ривожи таъкидланиб, соҳага оид статистик ўсиш ҳолатларигина қайд этилди. Бироқ, манбалар, хусусан, Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), республика шаҳарлари архивлари ҳужжатлари ҳамда даврий матбуот материалларида шаҳар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кўплаб муаммолар учрайди. Мазкур мақолада мавзуга тегишли шаҳарлар тарихига оид адабиётлар ва бирламчи манбалар орасидаги фарқли жиҳатларни қиёсий таҳлил этишга ҳаракат қилинди.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Манбалар ва адабиётлар ўрганилаётган даврда соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳвол иккинчи жаҳон урушидан олдинги даврдагидан бутунлай фарқ қилганлигини кўрсатади. Маълумотларга кўра, 1920-йилларда шаҳарларда шифохоналар сони кам бўлиб, уларнинг аксарияти махсус тиббий масканларда эмас, кўп ҳолларда савдо муассасалари ўрнига жойлаштирилган. 1930-йилларнинг ўрталаридан бошлаб шаҳарлардаги тиббий муассасалар сони ошиб борган. Аммо, бу соҳада муаммолар кўп бўлиб, улар жумласига кадрлар, хусусан маҳаллий кадрлар масаласи ҳам кирган. [1]

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Ўзбекистон шаҳарларида тиббий хизмат муассасалари, улардаги тиббий ходимлар сони ва тиббий хизмат турлари, шу билан бирга, соҳага ажратиладиган маблағлар ҳажми тобора ошиб борди. Бироқ, урушдан кейинги дастлабки йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга кам маблағ сарфланган. Статистик манбаларга кўра, 1950-йилларга келибгина бу борада аҳвол анча яхшилана борган эди. Масалан, Бухоро шаҳрида 1947 йилда соҳага 1 млн. рубл маблағ сарфланган бўлса, 1950 йилга келиб аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизимига 7 млн. рубл миқдорда маблағ ажратилган. 1958 йилда эса 1950 йилдагига нисбатан деярли икки баравар кўп маблағ соғлиқни сақлаш ишлари учун сарф қилинган.

1946 йилда Бухорода 30 та тиббиёт масканлари ҳисобга олинган бўлса, 1965 йилга келиб уларнинг сони 50 тага етган. Шунингдек, тиббиёт ходимларининг сони ҳам ошиб борганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 1947 йилда шаҳарда 95 та врач, 226 та ўрта тиббиёт ходимлари иш олиб борган бўлса, 1958 йилга келиб, 256 та врач ва ва 1000 та ўрта тиббиёт ходимлари аҳолига хизмат кўрсатган.[2, 367]

1966 йилга оид маълумотларга кўра, Бухорода 250 ўринли шаҳар касалхонаси, 200 ўринли болалар касалхонаси, 125 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси, олтита поликлиника (улардан 3 таси болалар учун мўлжалланган), 12 та врачлик ва 25 та фельдшерлик пунктлари ишлаб турган. Шу йили шаҳарда 322 та врач ва 1059 та ўрта медицина ходимлари фаолият юритган. [3, 347]

Мазкур йиллардаги статистик маълумотларни қиёслаш Бухорода олий маълумотли шифокорлар ва тиббий ходимлар сони жуда секин кўпайганлигидан далолат беради. Шунингдек, вилоят марказлари ҳисобланган шаҳарлардаги касалхоналар бутун вилоят аҳолисига хизмат кўрсатганлиги назарда тутилса, соҳа мутахассислари сони аҳоли сонига нисбатан жуда суст кўпайган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Фарғона шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида ҳам муҳим ўзгаришлар даври бўлган. 1950 йилда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган маблағ миқдори 1940 йилга нисбатан қарийб 2,5 бараварга ошган.[4, 93] 1949 йилда Фарғонада ҳаммаси бўлиб 22 та даволаш муассасалари мавжуд бўлса, 1957 йилга келиб уларнинг сони 49 тага етган. Врачлар сони 1950 йилда 140 та, 1956 йилда эса 225 тани ташкил этган.

Аммо, кўплаб манбалар соғлиқни сақлаш тизимидаги ишлар қатор муммолар билан кечганлигидан далолат беради. Жумладан, ўрганилаётган даврда кўпгина шаҳарлардаги тиббий хизмат муассасаларининг моддий-техник базаси суст ривожланган эди. Уларнинг ноқулай биноларда жойлашганлиги ҳақидаги маълумотлар кўпгина манбаларда қайд этилади. Масалан, 1953 йилда Бекобод шаҳрига оид маълумотда шаҳар поликлиникаси биноси охирги йилларда ўта носоз ҳолатда эканлиги билдирилади. Деворлар йиқилиш

арафасида бўлиб, ёмғир натижасида бинонинг шифти кўчиб тушган. Шикоятлардан натижа чиқмагач, аҳолининг “Правда Востока” газетасига мурожаат қилишга мажбур бўлган. Газета орқали фактлар текширилиб, улар тасдиқланган. [5]

ЎзССР МСнинг 1961 йил 2 июндаги “Хоразм вилояти аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг ҳолати ва уни яхшилаш чоралари ҳақида” ги қарорида вилоятдаги ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасининг камчиликлари қаттиқ танқид остига олинган. Жумладан, унда тиббий хизмат ҳолати ҳақида ҳам айрим танқидий маълумотлар қайд этилган. Манбада кўрсатилишича, 1960 йилда Хоразм вилояти тиббий муассасаларида беморлар учун 955 та янги ўрин жорий қилинган. Бироқ, вилоятда врачлар сони кам бўлган, 593 та врач ўрнига 265 та врач иш олиб борган. Шовот, Ҳазорасп, Қўшкўпир, Янгиариқ, Гурланда окулист, Шовот, Қўшкўпир, Янгиариқда рентгенолог сингари мутахассислар умуман фаолият кўрсатмаган. Вилоят бўйича акушер-гинекологлар сони кам бўлиб, вилоят бўйича бирорта ҳам физиотерапевт йўқ эди. [6]

1971 йилда Урганч шаҳрида жами 1700 ўринли 11 та касалхона ишлаб турган. [7, 280] Статистик маълумотлар 1980-йилларга келиб Хоразмда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси анча ошганини кўрсатади. Жумладан, жами тиббий муассасалар сони кўпайиб, 1980 йилда 150 та, 1886 йилда 210 та, 1990 йилда 230 тани ташкил этган. Шу билан бирга, врачлар ва ўрта тиббий ходимлар сони ҳам ошиб борган. [8, 81] Аммо, тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли сонининг ошиб боришидан анча орқада қолган. 1989 йилга оид маълумотларда кўрсатилишича, шаҳар тиббий муассасаларида тор мутахассислар сони етарли эмас эди. [9] Шунингдек, тиббий хизмат кўрсатишнинг етарли даражада эмаслиги туфайли вилоятда ва унинг марказида болалар ўлими бўйича юқори кўрсаткичлар қайд этилган. [10]

Кўриб ўтилаётган даврда ишчи-хизматчилар ва мутахассислар қўнимсизлигига барҳам бериш учун корхона ва муассасалар зиммасига уларни турар жой билан таъминлаш юклатилган бўлиб, бу тиббий ходимлар учун ҳам жуда қулай имконият эди. Аммо, вилоятда врачларнинг уй-жой билан таъминланиши талабга жавоб бермаган. Хоразм бўйича жами 43 та врач, жумладан, Урганч шаҳрида 17 та, Хивада 10 та врач турар жой билан таъминланмаган.[11] Уй-жой ва керакли шарт-шароитлар билан таъмин этилмаган мутахассислар яхшироқ шароит излаб бошқа ёққа кетишга мажбур бўлганлар. Бу ҳам ўз даврида ижтимоий муассасаларнинг зарур малакали ходимлар билан таъминланмаслигига олиб келган сабаблардан бири эди.

Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш тизими ҳолати ҳақида сўз борар экан, тиббий муассасалар сонининг ҳам тобора кўпайиб борганлигини кўриш мумкин. Республика пойтахтида 1940 йилда 35 та, 1965 йилда 75 та, 1975 йилга келиб 82 та тиббиёт муассасалари рўйхатга олинган.[12, 413] 1991 йилда Тошкент шаҳридаги касалхона муассасаларининг сони 91 нафарни ташкил этган. [13, 149]

Кўриб ўтилган маълумотлардан маълум бўлишича, Тошкент шаҳрида 1965-1975 йиллар оралиғида 7 та янги тиббий муассаса очилган. Ваҳоланки, шу йиллар оралиғида шаҳар аҳолиси 516 минг нафарга кўпайган эди. Бу ҳолат аҳоли сонининг ўсиши юқори бўлган республика пойтахтида тиббий муассасалар сони ва уларда ўринлар камлигидан далолат беради.

Тошкент шаҳрида врачлар сони 1950 йилда 2 928 та, 1965 йилда 7 452 та, 1975 йилда 12 347 та, 1991 йилда 17,9 минг кишини ташкил этган. [14] Шу ўринда таққослаш мақсадида қайд этиш мумкинки, 1908 йилга оид маълумотда келтирилишича, 189 748 та аҳолига эга бўлган Тошкент шаҳрида бор-йўғи 100 та тиббий ходим фаолият олиб борган, холос. [15, 49]

Оналар ва болалар саломатлиги масалаларининг кескин тус олганлиги, туғилиш даражасининг юқорилиги, оналар ва болалар ўлимининг кўпайиши каби ҳолатлар бу борадаги муаммоларни ҳал этиш заруриятини келтириб чиқарган. Шу мақсадда 1974 йилда октябрда Тошкентда Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти очилган. [16]

Аҳолиси тез кўпайиб борган саноат шаҳарларида ҳам тиббий масканлар сони ошиб борган. Республиканинг саноат шаҳарларидан бири ҳисобланган Чирчиқ шаҳрида 1950 йилда 72 та тиббий даволаш муассасалари ишлаб турган. Бу даврга келиб касалхоналардаги ўринлар сони 1946 йилга нисбатан қарийб 50 %га ошган.[17]

Аммо, 1955 йилга оид ҳужжатларда кўрсатилишича, шаҳар тиббий муассасаларида камчилик ва муаммолар кўп бўлиб, булар аҳоли, хусусан, болалар саломатлиги учун етарли даражада ғамхўрлик қилинишига тўсқинлик қилган. Шаҳар бўйича фақат битта паталогоанатом иш олиб борган, манбада у ҳам етарлича малакага эга бўлмаганлиги таъкидланган. Рентгенологлар ўриндошлик асосида иш олиб борганлиги аҳолини мазкур мутахассис хизматидан ўз вақтида фойдалана олмаслигига олиб келган. Лабораторияларда врачлар етишмаган. Шаҳарда медицина кутубхонаси йўқлиги сабабли мутахассислар пойтахт – Тошкентга қатнашга мажбур бўлганлар. Тиббий муассасаларда, айниқса болалар касалхоналари ва юқумли касалликлар касалхоналарида озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт, тухум, ўсимлик мойи, сут маҳсулотлари, сабзавотлар) етишмаган. Керакли жиҳозлар кам бўлиб, энг зарур тиббий воситалар (антибиотиклар, глюкоза, қон тўхтатиш воситалари) тақчил бўлган. Врачлар сони кам бўлиб, улар учун ҳаётий зарур шароитлар яратилмаганлиги натижасида кадрлар қўнимсизлиги юқори даражада бўлган. 1976 йилга келиб Чирчиқ шаҳрида 345 та врач ва 1201 та ўрта тиббий хизматчи ишлаган. 1975 йил охирида Чирчиқ шаҳрида соғлиқни сақлаш мақсадида қарийб 4,5 млн рубл маблағ ажратилган бўлса-да, бу тиббий хизматнинг яхши йўлга қўйилиши учун етарли бўлмаган. [18]

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида барпо этилган Гулистон (дастлаб номи Мирзачўл бўлган) шаҳрида 1952-1955 йиллар орасида соғлиқни сақлаш тизимига сарфланадиган харажатлар икки бараварга оширилган, тиббий муассасаларда ўринлар кўпайтирилган, болалар маслаҳатхонаси, тубдиспансер, юқумли касалликлар шифохонаси сингари тиббий масканлар очилган. [19, 45]

Республика шаҳарларидаги йирик саноат корхоналари ҳузурида уларга тегишли касалхона ва амбулаториялар аҳолига тиббий хизмат кўрсатган.

Шаҳарларда аптекалар сони ҳам ошиб борган. 1967 йилда Самарқанд шаҳрида 9 та аптека аҳолига хизмат кўрсатган. [20, 422] Тошкент шаҳрида 1970 йилда 77 та аптека бўлса, ўн йилдан сўнг уларнинг сони 119 тага етган. 1980 йилда Тошкентда 4 та санитария-гигиена магазини ва 4 та оптика магазинлари ишлаб турган эди. [21, 221] Аммо, дори-дармон, жумладан эмлаш воситалари ва бошқа тиббий воситалар, шунингдек касалхоналар учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар мунтазам равишда етишмас, 1980-йилларда бу борада аҳвол янада оғирлашган эди. Бу ҳолат нафақат соғлиқни сақлаш тизими ишидаги камчиликлар, балки собиқ совет давлатидаги иқтисодий инқироз натижаси бўлиб, зарур тиббий воситаларнинг етишмаслиги республикадаги санитар-эпидемиология ҳолати ёмонлашувига олиб келган сабаблардан бири эди. [22]

Бутун совет даврида республика шаҳарларида тиббий хизмат кўрсатиш замон талабларидан анча орқада қолганлиги, тиббий муассасалардаги ўринлар сони аҳоли ўсиш суръатларидан пастлиги кўплаб манбаларда қайд этилади. Умуман, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат даражаси пастлиги, тор мутахассислар сонининг камлиги, тиббий техника ва асбоб-ускуналарнинг замон талабларидан орқада қолганлиги каби ҳолатлар натижасида мустақиллик арафасида Ўзбекистонда болалар ўлими бўйича энг юқори кўрсаткичлар қайд этилиб, ҳар 1000 болага 42 нафарни ташкил этган. Минтақанинг бошқа республикаларида аҳвол бундан ҳам оғир бўлиб, Тожикистонда болалар ўлими ҳар 1000 боладан 49 тага, Туркманистонда 50 тага тўғри келган. [23] Бу пайтда СССР бўйича бу борада ўртача кўрсаткич 25 нафарни ташкил қилган эди. Шунингдек, тиббий хизмат даражасининг пастлиги республика аҳолисининг касалланиш даражаси юқори бўлишига олиб келган сабаблардан бири эди.

Бу даврда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликлардан яна бири – тиббиёт ходимлари сонининг етишмаслиги бўлиб, бу жиҳатдан ҳам Ўзбекистон мамлакат кўрсаткичларидан анча орқада қолган. 1978 йилда Ўзбекистонда ҳар 10 минг шаҳар

аҳолисига 38 та врач хизмат кўрсатган. Бу пайтда Иттифоқ миқёсида худди шунча шаҳар аҳолисига 44 та врач тўғри келган эди. [24]

Хорижлик тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам 1970-йиллардан бошлаб Совет Иттифоқида соғлиқни сақлаш соҳасидаги аҳволнинг ёмонлашуви қайд этилади ва бунга маълум даражада давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг камайиши сабаб бўлганлиги таъкидланади. Жумладан, француз тадқиқотчисининг берган маълумотларига кўра, давлат бюджетидан соҳага 1970 йилда 6,1%, 1980 йилда 5% , 1988 йилда эса 4,3% маблағ ажратилган, яъни ажратилаётган маблағлар ҳажми йилдан-йилга камайиб борган. [22]

**4. Хулоса:**

Кўриб ўтилганидек, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаҳарларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги аҳвол анча яхшиланиб, тиббий муассаса ва ходимлар сони тобора ошиб борди. Олий маълумотли тиббий ходимлар, малакали мутахассислар кўпайди, тиббий хизмат даражаси анча юксалди.

Шу билан бирга, тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида қатор муаммолар мавжуд эди. Жумладан, 1970-йиллардан сўнг соҳани молиялаштириш ишлари нисбатан камайди. Хизмат сифатининг пастлиги, тиббий асбоблар тақчиллиги, тор мутахассислар сони камлиги, тиббиётда замонавий техника ва технологияларни қўллаш даражаси оқсаганлиги, тиббий муассасалар сонининг етишмаслиги, улардаги санитария аҳволининг оғирлиги аҳолининг тиббий хизматга бўлган талабларини тўла қондира олмаган. Бунинг натижасида Ўзбекистон ССР аҳолининг саломатлиги ва тиббий хизмат натижалари бўйича собиқ совет давлати республикалари орасида охирги ўринларни эгаллаган эди.

**Иқтибослар / Сноски / References:**


1. Маълумот олиш учун қаранг: Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Тошкент, «Adabiyot uchqunlari», 2015. – 234-244 бетлар. [For more information, see Shodmonova S. Transformation processes in the cities of Uzbekistan (1917-1941). - Tashkent, "Sparks of Literature", 2015. - Pages 234-244].
2. Авалов М. Авалов М. Развитие городского хозяйства Бухары и рост материального благосостояния трудящихся (1946-1958 гг.) // Материалы по истории Узбекистана. – Т.: “Фан”, 1973. – 367-бет. [Avalov M. Avalov M. Development of the city economy of Bukhara and the true material well-being of the working people (1946-1958) // Materials on the history of Uzbekistan. - T .: “Fan”, 1973. - 367-bet].
3. История Бухары с древнейших времен до наших дней. – Т.: «Фан», 1976. – 347-бет. [History of Bukhara from ancient times to the present day. – T .: «Fan», 1976. – 347 bet].
4. Рахимов М. История Ферганы. – Т.: «Фан», 1984. – 93-бет. [Raximov M. History of Fergana. – T .: «Fan», 1984. - 93-bet].
5. Ўз МА. Р-2182 жамғарма, 1-рўйхат, 1818-йиғма жилд, 89-варақ. [UZ MA. R-2182 Collection, List 1, Collection 1818, Page 89].
6. Ўз МА. Р-837 жамғарма, 39-рўйхат, 626-йиғма жилд, 267-варақ. [UZ MA. R-837 collection, list 39, collection volume 626, page 267].
7. История Хорезма с древнейших времён до наших дней. Под. ред. акад. АН УзССР И. М.Муминова. – Т.: «Фан», 1976. – 280-бет. [History of Khorezm from ancient times to the present day. Under. ed. acad. Academy of Sciences of the Uzbek SSR I.M. Muminova. – T .: "Fan", 1976. - 280-bet].
8. Джуманиязов Р. Хорезм (Краткий очерк политической и социально-экономической истории. 1920-1990). – Ургенч, “Фан”, 1991. – 81-бет. [Jumaniyazov R. Khorezm (Brief outline of political and socio-economic history. 1920-1990). – Urgench, “Fan”, 1991. - 81-bet].
9. Хоразм вилоят Давлат архиви. 54-жамғарма, 1-рўйхат, 780-йиғма жилд, 127-варақ. [Khorezm Regional State Archive. Fund 54, List 1, Collection 780, Page 127].

10. Хоразм вилоят Давлат архиви. 54-жамғарма, 1-рўйхат, 778-йиғма жилд, 99-варақ. [Khorezm Regional State Archive. Fund 54, List 1, Collection 778, Page 99].
11. Ўз МА. Р-837 жамғарма, 39-рўйхат, 626-йиғма жилд, 268-варақ. [UZ MA. R-837 collection, list 39, collection volume 626, page 268].
12. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 г. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1976. – 413-бет. [National Economy of the Uzbek SSR in 1975. Statistical Yearbook. – T.: Uzbekistan, 1976 . – 413-bet].
13. Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги. 1994. Йиллик статистик тўплам. – Т., 1995. – 149-бет. [National economy of the Republic of Uzbekistan. 1994. Annual Statistical Collection. – T., 1995. - 149 pages].
14. Маълумотлар “Народное хозяйство Уз ССР” статистик тўпламининг 1966 ва 1976 йиллардаги нашри ҳамда “Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги” тўпламининг 1995 йилдаги нашридан олинди. [The data was obtained from the 1966 and 1976 editions of the statistical collection "Narodnoe khozyaystvo Uz SSR" and the 1995 edition of the collection "National Economy of the Republic of Uzbekistan"].
15. Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. – Т., 2013. – 49-бет. [Ziyaeva D. Cities of Uzbekistan in the second half of the XIX century - the beginning of the XX century. - T., 2013. - p.49].
16. Ўз МА. Р-837 жамғарма, 41-рўйхат, 5025-йиғма жилд, 3-варақ. [Uz MA. R-837 Fund, List 41, Volume 5025, 3rd page].
17. История новых городов Узбекистана. Ташкентская область. – Т.: “Фан”, 1976. – 75-бет. [History of new cities of Uzbekistan. Tashkent region. – T .: "Fan", 1976. – 75 bet].
18. Чирчиқ шаҳар давлат архиви. 2-жамғарма, 1-рўйхат, 394-йиғма жилд, 14-варақ. [Chirchik city state archive. Collection 2, List 1, Volume 394, Page 14].
19. Зухритдинов Ш. А. Возникновение новых городов и их роль в строительстве социализма в Узбекистане. – Т.: «Фан», 1982. – 45-бет. [Zukhritdinov Sh. A. The emergence of new cities and their role in the construction of socialism in Uzbekistan. – T .: "Fan", 1982. - 45-bet].
20. Самарқанд тарихи. Масъул муҳаррир: И.М.Мўминов. Икки томлик. II том. – Т.: “Фан”, 1970. – 422-бет. [History of Samarkand. Responsible editor: I.M.Muminov. Two roofs. Volume II. – T .: “Fan”, 1970. – 422 pages].
21. Ташкент в период развитого социализма. – Т.: “Фан”, 1983. – 221-бет. [Tashkent in the period of development of socialism. – T .: “Fan”, 1983. – 221 bet].
22. Hohmann, Sophie. Santé publique en Ouzbékistan contemporain: continuités soviétiques et limites des processus engagés // Cahiers d'Asie Centrale. 13/14|2004: Gestion de l'indépendance et legs soviétique en Asie Centrale. P. 121-161.
23. Правда Востока. 1989 йил, 29 сентябрь. [Truth of the East. 1989, September 29].
24. Ўз МА. Р-837 жамғарма, 41-рўйхат, 5025-йиғма жилд, 86-варақ. . [Uz MA. R-837 Fund, List 41, Volume 5025, Page 86].

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Фарҳод Усманов,**
Чирчиқ давлат педагогика институти
“Тарих” кафедраси докторанти,
farhod.usmanov.1988@mail.ru

# 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

**For citation:** Farhod Usmanov, ISSUES OF NEGLECT OF CHILDREN IN UZBEKISTAN IN THE 1920s-1930s: PROBLEMS AND SOLUTIONS. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.226-237

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-30**

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада, ўтган асрнинг 20-30 йилларида ЎзССР ҳудудида болалар қаровсизлигига оид маълумотлар ва қаровсиз болалар сонини камайтириш ҳамда жамият учун улар яратиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш мақсадида уларни патронатлаштириш жараёнига оид маълумотлар келтириб ўтилади. Болалар қаровсизлигининг ошиб бориши сабаблари келтириб ўтилади. Патронатлаштиришда давлат томонидан XX аср 20-30 йилларида амалга оширилган чора-тадбирларнинг таъсир доирасининг аҳволи таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар таҳлил қилинади.

Ўз ССР Маориф ХК (Халқ комиссарлиги)нинг мазкур даврдаги болалар қаровсизлиги масаласида амалга оширган ишлари ҳамда уларнинг масъуллиги, шунингдек, улар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар архив маълумотлари асосида таҳлил қилинади. Ўз ССР МИҚ (Марказий ижро қўмитаси) ва ХКС (Халқ комиссарлар совети) томонидан болалар қаровсизлигини бартараф этиш мақсадида қабул қилган қарор ва таклифлари, ҳамда уларнинг амалга жорий қилиниб, оқибатда таъсири қай аҳволда бўлганлиги бўйича маълумотлар келтирилади.

Қаровсиз болалар сонини қисқартириш ва уни бартараф этиш йўлида давлат ташкилотлари фаолияти ҳамда уларнинг мазкур масала бўйича амалга оширган ишлари мавжуд архив маълумотлари асосида таҳлил этилади. Болалар қаровсизлигини бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган турли кўринишдаги чора-тадбирлар, жумладан, болалар меҳнат колонниялари, болалар устахоналари, васийликлар фаолияти бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

1920-1930 йилларда мамлакатда мавжуд болалар муассасалари ва уларнинг аҳволи ҳамда уларнинг қаровсиз болалар сонига таъсири бўйича статистик маълумотлар таҳлил қилиниб чиқилган. Мамлакатда мавжуд қаровсиз болалар ёши, жинси, миллати, ижтимоий келиб чиқиши бўйича архив маълумотлари тақдим этилади.

ЎзССР Соғлиқни сақлаш ХК томонидан болалар қаровсизлиги соҳасида амалга оширган ишлари, улар томонидан 4 ёшгача бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида

амалга оширган амалий ишлари бўйича маълумотлар таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилади. Патронатлаштиришнинг ҳуқуқий асослари, уларга берилган имтиёзлар, улардан фойдаланишдаги камчилик ва муаммолар ўрганилган.

**Калит сўзлар:** қаровсиз болалар, меҳрибонлик уйи, патронат, васийлик, қочоқ, болалар устахоналари, марказий болалар комиссияси

---

**Фарҳод Усманов,**
Докторант кафедры «Истории»
Чирчикский педагогического института,
farhod.usmanov.1988@mail.ru

## ВОПРОСЫ БЕСПРИЗОРНОСТИ ДЕТЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ В 1920-1930гг.: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье представлена информация о беспризорности детей на территории Уз ССР в 20-30-е годы прошлого века и о процессе их патроната с целью сокращения количества детей, оставшихся без присмотра, и устранения негативных последствий, которые они могут вызвать для общества. Приводятся причины роста детской беспризорности. В меценатстве анализируется состояние сферы влияния мер, предпринятых государством в 20-30-е годы XX в., анализируются существующие проблемы.

На основании архивных данных проанализирована работа проделанная Народным Комитетом Просвещения (НКП) Уз ССР в области ухода за детьми в этот период, и их обязанности, а также допущенные ими ошибки и недостатки. В нем содержится информация о решениях и предложениях, принятых Центральным исполнительным комитетом (ЦИК) и Союзом Народных комитетов (СНК) Уз ССР по ликвидации детской беспризорности, а также об их реализации и воздействии.

Деятельность государственных органов по сокращению и ликвидации количества беспризорных детей и их работа по этому вопросу будут проанализированы на основе имеющихся архивных данных. Имеется информация о мероприятиях различных типов, разработанных и реализованных с целью устранения детской безнадзорности, включая детские трудовые колонии, детские мастерские.

Были проанализированы статистические данные о существующих детских учреждениях в стране в 1920-1930 гг., их состоянии и влиянии на количество детей, оставшихся без присмотра. Предоставляется архивная информация о положении детей, оставшихся без присмотра в стране, таких как возраст, пол, национальность, социальное происхождение.

Проанализированы данные о проделанной работе Народным комитетом Здравоохранения (НКЗ) Уз ССР в области ухода за детьми, их практической работе по поддержке детей в возрасте до 4 лет и сделаны соответствующие выводы. Изучены правовые основы патроната, предоставленные им льготы, недостатки и проблемы в их использовании.

**Ключевые слова:** беспризорные дети, детский дом, патронат, опек, беженец, детские мастерские, центральная детская комиссия

---

**Farhod Usmanov,**
Doctoral student, Department of History
Chirchik Pedagogical Institute,
farhod.usmanov.1988@mail.ru

## ISSUES OF NEGLECT OF CHILDREN IN UZBEKISTAN IN THE 1920s-1930s: PROBLEMS AND SOLUTIONS

**ABSTRACT**

This article provides information on child neglect in the territory of the USSR in the 20-30s of the last century and the process of their patronage in order to reduce the number of neglected children and eliminate the negative consequences they may cause for society. The reasons for the increase in child neglect are cited. In patronage, the state of the sphere of influence of the measures taken by the state in the 20-30s of the XX century is studied, and the existing problems are analyzed.

The work done by People's Commissariat (PC) of Education Committee of the USSR in the field of child care during this period and their responsibilities, as well as the mistakes and shortcomings made by them are analyzed on the basis of archival data. It provides information on the decisions and proposals adopted by the Central Executive Committee (CEC) of the USSR and the Council of People's Commissars (CPC) to eliminate child neglect, as well as their implementation and impact.

The activities of government agencies to reduce and eliminate the number of neglected children and their work on this issue are analyzed on the basis of available archival data. There is information on the activities of various types of measures developed and implemented in order to eliminate child neglect, including children's labour colonies, children's workshops, operas.

Statistical data on the existing children's institutions in the country in 1920-1930 and their condition and their impact on the number of neglected children were analyzed. Archival information on the status of neglected children in the country, such as age, sex, nationality, social origin, is provided.

The data on the work done by People's Commissariat of Health Ministry of the USSR in the field of child care, their practical work to support children under 4 years of age are analyzed and appropriate conclusions are drawn. The legal bases of patronage, the privileges granted to them, shortcomings and problems in their use are studied.

**Index Terms:** neglected children, orphanage, patronage, guardianship, refugee, children's workshops, central children's commission

---

**Кириш.** Жамият тараққиёти ўз навбатида келажак тараққиёти сари интилиб борар экан бунда албатта давлат ёш авлод таълим ва тарбияси учун етарли шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида турли чора-тадбирларни амалга ошириб бориши табиий ҳолдир. Сабаби давлат тараққий этиши учун аввало унга юқори малакали кадрлар ва халқаро меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган меҳнат иштирокчилари ўзгармас динамика сингари зарур бўлиб қолаверади.

Бугунги кунда мамлакатимизда айнан ёшлар масаласида жуда кўплаб кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, бунда болалар манфаати, ҳуқуқ ва мажбуриятини халқаро андозаларга мос қилиб бориш бош меъзон сифатида бирламчи мақсадга айлантирилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг болалар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари борасида бир қанча халқаро эътироф этилган ҳаракат ҳамда қонуний ҳужжатлардаги тенг аъзо сифатида фаол иштироки юқорида билдирилган фикримизни асослайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач барча соҳаларда бўлгани каби илм-фан учун ҳам кенг имкониятлар яратилиб, тарихий маълумотларни объектив, сиёсий таъсирлардан ҳоли, реал воқеъликка асосланган, чуқур таҳлилга асосланган асосли тарзда шакллантириш имконини берди. Бу эса ҳар бир илм-фан вакилининг олдида муҳим масъулиятни ҳам яратиб бергани шубҳасиз.

Шу ўринда мамлакатимиз шонли тарихида кўплаб саросимали ва зиддиятли жараёнлар ўтган бўлса, бу жараёнлар ортида энг қийин ҳаёт болалар гарданига тушган десак муболаға бўлмайди. Биргина Совет даври тарихини ўрганиш даврида болалар ҳаёти қанчалик ачинарли ва фожеали бўлганлигига кўплаб мисоллар орқали гувоҳ бўламиз. Бу каби қора кунларни эсдан чиқармаган ҳолда, бугунги Президент Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигидаги Ўзбекистон Республикасининг сиёсати қанчалик ҳавас қилишга арзигулик эканлигини чуқурроқ ҳис қилишимиз лозим. Зеро муҳтарам Президентимиз

Ш.М.Мирзиёевнинг “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [1] –деган фикрларининг ўзи барча фикрларимизни исботлайди.

**Мақсад ва вазифа:** Архив маълумотларини таҳлил этган ҳҳолда Ўзбекистонинг 1920-1930 йиллар тарихидаги болалар қаровсизилиги аҳволи, қаровсизликни бартараф этиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда таъсирини ўрганиш, шунингдек, мазкур давр болалр муассасалари фаолиятига ҳам баҳолар берилиб ўтиш мақсад қилиб олинган. Кўрсатилган йўналишдан келиб чиққан ҳолда архив маълумотлари асосида қаровсиз болалар аҳҳволи ва хусусиятини изчиллик билан ўрганиш, болалар қаровсизлиги масаласининг жамиятга хавфи ҳақида таассуротларни яққол намоён қилиш учун далил ва фактларни асосли шакллантириш вазифалари қўйилган.

**Усуллар:** мазкур илмий мақолани ёзишда назарий-методологик, тарихийлик ва холислик, тарихий-қиёсий, анализ, синтез, хронологик усуллардан кенг фойдаланилган.

**Натижа ва мулоҳаза:** 1926 йилги архив маълумотларига кўра Ўзбекистон ССР бўйлаб тахминан 11 000 нафар қаровсиз болалар мавжуд бўлган. Мазкур болалардан болалар муассасаларига 6 826 нафари қамраб олинган бўлиб, 4 000 нафар бола кўчаларда умуман қаровсиз ҳолда бўлган. Қаровсиз болалар сонининг бундай ошиб боришига турли сабаблар ўз таъсирини ўтказган бўлиб, фуқаролик уруши, империалистик урушлар, оммавий эпидемия ҳамда очарчиликларнинг бўлиши ва бунинг оқибатида аҳоли ўртасида ўлим сонининг ортиб бориши, оилалар ажрими, турмуш эҳтиёжининг ортиб бориши, босмачилик ҳужумлари асосийларидан эди. Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, РСФСРнинг турли ҳудудларидан муносиб турмуш шароити излаб келган болалар 75 % қаровсизларни ташкил этган.

Республика ҳудудига четдан болалар оқими кириб келиши мамлакатда кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. Сабаби, қаровсиз болалар Ўзбекистон ССРнинг исталган ерида пайдо бўлиши ва исталган вақтда қулай турмуш шароити ярата олмаслиги сабаб ҳудудни тарк этиши, яхши ҳаёт турмуши илинжида ҳар қандай қабиҳликка ҳам бориши мумкин эди [2]. Бу эса ўз навбатида жамият қанчалик катта хавф билан курашганлигини англашимиз мумкин.

Болалар қаровсизлиги ошиб бориши болалар муассасаларини ташкил этиш заруратини ҳосил қилиши табиий ҳол бўлсада, Совет ҳокимиятида мавжуд муаммолар, бюджет талаби туфайли уларнинг сонини қисқартириш масаласи илгари сурилган эди. Болалар муассасаларидаги болалардан халос бўлиш учун эса турли чора-тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, болаларни яқин бўлмаган қариндошларига мажбуран топшириш ҳолатлари кўпайган. Масаланинг ёмон томони шундаки, болаларни қабул қилган оилалар деярли бегона болани боқиш ва унинг тарбияси билан шуғулланишни истамаган, аксинча улардан имкон қадар қутулиш мақсадида турли салбий муносабат ҳамда қарашларни шакллантирган.

Мазкур даврда қаровсиз болалар сони ошиб бориши сабабли улар билан шуғулланишда маълум бир категориялар ҳам жорий этилган бўлиб, 3 ёшгача бўлган ёш болалар ҳимояси ва ғамхўрлигига ЎзССР Соғлиқни сақлаш ХК (Халқ комиссарлиги) ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари, 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ҳимояси ва ғамхўрлигига ЎзССР Маориф ХК ва унинг ҳудудий бўлимлари масъул этиб белгиланган [3]. Болалар қаровсизлигига қарши курашишда ЎзССР Маориф ХК га ёрдамлашиш мақсадида Марказий болалар комиссияси ва ҳудудий бўлимлари ташкил этилган бўлиб, улар Маориф комиссарлиги билан ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этилиб, ёҳтиёжманд болаларга моддий ёрдамлар ажратилиши бўйича кўмакчига айланган [4].

Болалар ўртасида қаровсизлик масаласи жиддийлашиб бориши, ижтимоий хавфлилиги юқори бўлсада, ҳукумат томонидан мазкур масалага реакция деярли қониқарсиз аҳволда қолдирилган. Жумладан, мазкур даврда Ўзбекистон ССРда бир нечта Марказий ижро қўмитаси ва Халқ комиссарлар совети қарорларини ҳисобга олмаганда болалар қаровсизлигига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асос мавжуд бўлмаган. Мавжуд қарорлар ҳам масалани қамраб олмаган бўлиб, мақсаддан йироқ тарзда, болалар комиссияларига берилган имтиёзлар, пиво, тамаки каби товарларга қўшимча солиқлар жорий қилиш ва ҳоказолар билан чекланган.

Баъзи манбалар орқали аниқланишича, болаларнинг катта қисми ишчи деҳқон оилалар болалари бўлиб, миллати бўйича энг каттаси рус миллати, кейин ўзбек ва татар, қолган миллат вакиллари эса жуда кам % ни ташкил қилган. Меҳрибонлик уйларидаги болалар ёшининг ўртача ёши 10-15 ёшни ташкил этиб, уларнинг 37 % қисми деҳқон болалари, 40 % қисми ишчи болалари, миллати бўйича эса 51 % ўзбеклар, 39 % европаликлар, 10 % қолган миллат вакилларидан иборат таркибда бўлган.

Меҳрибонлик уйларида белгиланган меъёрга кўра болалар 16 ёшгача сақланиши ҳамда 16 ёшга етган болалар турли усуллар орқали мустақил ҳаётга чиқарилиши белгиланган. Аммо архив маълумотлари меҳрибонлик уйлари мазкур меъёрга муносиб фаолият юритилмаганлигидан далолат беради. Сабаби 16 ёшдан ошган болалар ҳам анча катта кўринишда мавжуд эди. Биргина мисол тариқасида келтириб ўтадиган бўлсак, 1929 йилга келиб, 17 ёшдан 21 ёшгача бўлган 700 нафар ўсмирлар ҳамон меҳрибонлик уйларида қолаётганлиги аҳволни яққол тасаввур этиш имконини беради. Мазкур болаларни меҳнатга жалб қилиш, иш билан таъминлаш учун ажратилиши белгиланган маблағ тўлиқ берилмай ҳолатни мураккаблаштирган ва ўз навбатида бола умуман мустақил ҳаёт кечириш имконини ўзида ярата олмаган [5].

Болалар қаровсизлигига қарши курашишда қаровсиз болаларни болалар муассасаларига қамраб олишдан ташқари, уларнинг оиласига ёрдам кўрсатиш, васийликка олиш, патронатлаштириш, индивидуал моддий ёрдам бериш, уларга тушликлар ташкил этиш усулларидан кенг фойдаланилган. Булар ичида энг таъсирчан усул васийлик ва патронатлар ҳисобланган. Оилаларга моддий ёрдам ва бошқа ижтимоий ҳаракатлар амалга оширилишида турли ноқонуний хатти-ҳаракатлар амалга оширилиши сабабли ҳамда тўғри тақсимланмаганлиги боис, мазкур амалий ишлар самарадорлиги намоён бўлмасдан қолган.

Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, патронатлаштириш масаласи ЎзССР Маориф ХК томонидан янгидан жорий қилинган [6] ҳаракат бўлиб, ўз навбатида патронатлаштириш ўзининг кенг имкониятларини намоён қила олмаган, шаҳар аҳолиси ўртасида патронатлаштириш деярли учрамаган ва асосан қишлоқ аҳолиси ўртасида, у ҳам бўлса кам сонда давом этган. Патронатлаштирган оилаларга имконият ва имтиёзлар масаласи аввалбошдан кўриб чиқилмаган, юридик куч шакллантирилмаган, аҳоли ўртасида кенг қамровли даъватлар ташкил этилмаган. Патронатлаштириш учун албатта солиқ имтиёзлари ва қўшимча имкониятлар яратилиши масаласи кўриб чиқилиши лозимлиги бўйича доимий кўрсатмалар бериб келинган ва бу бўйича ишлар жуда секинлик билан амалга оширилган.

Жумладан, Ўзбекистон ССР МИҚнинг 14.11.1926 йилдаги Президиум қарорини ҳаётга тадбиқ қилиш режасига мувофиқ қуйидаги масалалар ечилиши белгиланган:

- Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Бег буди, Шеробод, ва Хоразмда тақсимот ва коллектор учун жой масаласи ҳал қилиниши;
- Кўчадаги 50 % қаровсиз болаларни мазкур тақсимот, коллекторларга жойлаштириш чоралари кўрилиши;
- 1926/27 йилларда қаровсиз болаларни тўлиқ болалар муассасаларига қамраб олиш чоралари бартараф этиш учун бюджет сметасига ўзгартиришлар киритилиб, маблағ билан таъминланиши;
- 16 ёшга етган болаларни болалар муассасаларидаги ҳолатини қайта ўрганиб чиқилиши ва ҳоказолар [7].

Шунингдек болалар қаровсизлиги масласида турли имтиёз ва шарт шароитлар ҳам яратилиши ҳам кўзда тутилган эди. Жумладан, мамлакат ҳудудига четдан келган қаровсиз болаларни ватанига қайтариш учун темир йўлда ташиш учун 50 % имтиёзлар тақдим этиш, болалар комиссиялари фаолияти ҳамда уларнинг даромадлари тўлиқ ўрганиб чиқилиб, 1926/27 йил учун камида 50 % меҳрибонлик уйларида устахоналар ташкил этиш ва шу орқали уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш каби аҳамиятли масалалар амалиётга жорий қилиниши белгиланган [8].

Эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, болаларни ватанига қайтаришда 12 га тўлмаганларини ЎзССР Маориф ХК вакили кузатуви остидагина жўнатиш жорий этилган. Қайси шаҳардан болалар жўнатилса, кейинги шаҳарга етиб боргунига қадар уларнинг йўл кира ва овқатланиш масаласини ҳал қилиш шу шаҳар зиммасига юклатилган. Бунга айнан болалар комиссияси ва Маориф халқ комиссарлиги марказий ва маҳаллий бўлимлари масъуллиги белгиланган [9]. Бу эса ўз навбатидан мазкур шаҳар раҳбарияти ва Маориф бўлимига катта муаммолар туғдирган. Сабаби давлат томонидан ажратиладиган пулнинг миқдори ва тақдим этилишида кўплаб муаммолар бўлиб, уларнинг тақдим этилиши анчайин кўринмас тўсиқлар туфайли мураккаблашиб борган.

Республиканинг маъмурий ҳудудий бирликларидаги болалар қаровсизлиги албатта бир-биридан фарқ қилган. Тошкент вилоятидаги ҳолат қолган ҳудудларга нисбатан анчайин мураккаб кўринишда бўлиб, болалар комиссиясининг 1926 йил январ-апрел ойларидаги фаолияти бўйича ҳисоботида кетирилган маълумотлар орқали ушбу ҳуддуддаги вазиятга ҳақиқий баҳо беришимиз мумкин. Ярим йиллик фаолият даврида Тошкентнинг янги шаҳридаги қаровсиз болалар учун ажратилган меҳрибонлик уйларига жами 882 бола, эски шаҳар қисмида эса 250 бола аниқланиб жойлаштирилган.

Тахминий ҳисоб китобларга кўра, умумий қаровсиз ва ҳуқуқбузар болалар сони 3279 нафарни ташкил этиб, 1135 нафар бола ҳисобот даврида аниқланган ҳамда улардан 150 нафари патронатлаштирилган, 50 нафари эса васийликларга жўнатилган [10]. Бундан ташқари маълумотлар шуни кўрсатадики, қаровсиз болаларнинг 335 нафари ишга жойлаштирилган, 380 нафари эса ватанига қайтариб юборилган, нормал шароитдаги уй шароитига эга бўлганлари 150 нафарни ташкил қилган бўлиб, умумий ҳисобда 2046 нафар бола билан тегишли ишлар олиб борилган [11].

Мазкур даврда 400 га яқин болалар Тошкент кўчаларида тиланчилик фаолияти билан шуғулланишганлиги аниқланган. Уларнинг бундай ҳолда тиланчилик билан шуғулланиб қолишига улар учун яхши шароит яратилиши ўрнига янада баттар ҳаёт тарзи тақдим этилиши бўлган. Бунга мисол келтирадиган бўлсак, қиш даврида мавжуд 7 та меҳрибонлик уйларида жой сиғими камлиги, шароитнинг ачинарли бўлганлиги боис, тиқилинч катта кўринишда бўлган. Баъзи бир меҳрибонлик уйларида болалар билан қизлар бирга жойлаштирилган, кравотлар етишмаслиги каби ачинарли вазият болаларнинг меҳрибонлик уйларидан қандай йўл билан бўлмасин тарк этишга ва кўчада нормал ҳаёт излашга мажбур қилган.

Бу вазият 1927 йилга келиб ҳам ижобий томонга силжимаган. Марказий болалар комиссиясининг 01.10.1927 йилдан 01.04.1928 йилгача ярим йиллик ҳисоботида маълум қилинишича, кўчалардаги қаровсиз болалар сони тахминан 500 нафар ҳисобланиб, тақдим этилган маълумотларга кўра, Самарқанд округи бўйича 134 киши, Анижон округи бўйича 139 киши, Хўжант округи бўйича 14 киши, Сурхондарё округи бўйича 34 киши жами 321 киши дея қайд этилган. Қолган округлар эса шундай долзарб масалага эътиборсизлик билан қараб, ҳатто ҳисобот тақдим қилмаган. Мазкур окурглардаги аниқланган қаровсизлардан 180 нафари ватанига қайтарилиб, 200 нафари ишга ва меҳрибонлик уйларига жойлаштирилган. 1927 йилга келиб, болалар қаровсизлиги сонининг янада ошиб кетишига сабаблар сифатида болалар етим қолиши ва кам таъминланган оилалар ўз фарзандларини боқа олиш қобилияти пасайиб кетиши билан баҳоланган.

Шу ўринда қаровсиз болаларни муассасаларига қамраб олишни ўрганиш мақсадида барча округлардаги болалар муассасалари ва уларнинг сиғими бўйича маълумотларни ўрганишда қуйидаги маълумотлар гувоҳига айландик [12]

| № | Округ номи | Муассасалар сони | Тарбияланувчилар сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Самарқанд | 12 | 886 |
| 2 | Тошкент | 28 | 2300 |
| 3 | Фарғона | 19 | 1470 |
| 4 | Андижон | 9 | 550 |
| 5 | Хўжанд | 4 | 236 |
| 6 | Бухоро | 5 | 300 |
| 7 | Сурхондарё | 10 | 344 |
| 8 | Қашқадарё | 4 | 145 |
| 9 | Хоразм | 4 | 120 |
| | Зарафшон | 2 | 150 |
| | Конимех | 1 | 30 |
| Жами | | 98 | 6531 |

Шунингдек қаровсиз болаларни жойлаштириш мақсадида ташкил этилган болалар муассасаларининг турлари бўйича маълумотлар қуйидаги кўринишда маълум қилинган [13]

| Номи | Сони | Жойлашган ўрни |
|---|---|---|
| Болалар қабул тақсимот пунктлари | 5 | Тошкент, Наманган, Бухоро, Қўқон, Қашқадарё (охирги иккаласи янги ташкил этилган |
| Қишлоқ хўжалик комуналари | 5 | Тошкент, Самарқанд округи (қишлоқда), Хўжант, Кармана ва Бухоро |
| Ўсмирлар меҳрибонлик уйи | 3 | Тошкентда 2та, Самарқандда 1 та |
| Мактабгача ёшдаги меҳрибонлик уйи | 7 | Тошкентда 2та, Фарғонада 1та, Самарқандда 1та, Андижонда 3 та |

Болалар қаровсизлигини бартараф этишдаги яна бир муҳим омиллардан бири бўлган устахоналар ташкил этиш масаласи ҳам 1927 йилга келиб ташкил этилиши салмоғи ошган бўлсада, аммо кўзланган мақсад йўлида эмас, балки зўрма зўраки ташкил этилганлиги таассуротини шакллантирган. Сабаби шундаки, деярли кўпчилик меҳрибонлик уйлари қошида устахоналар ташкил этилган бўлиб, уларда Маориф бўлимлари масъуллари ҳамда меҳрибонлик уйлари директорларининг назорати деярли умуман бўлмаган, касб-ҳунар ўргатиш масласида оқсаш ҳолатлари доим кузатилган. Устахоналар типига қараб ҳудудлар миқёсида қуйидаги тартибда ташкил этилган эди;

Столяр – Тошкент, Қўқон, Андижон, Самарқанд округи, Сурхондарё, Бухоро.

Косиблик – Андижон, Самарқанд.

Пайпоқ тўқиш – Самарқанд, Бухоро.

Тикиш ва бичиш – Сурхондарё, Бухоро [14].

Марказий болалар комиссияси томонидан темирчилик, қуйма темирчилик, ёғочни қайта ишлаш ва механизациялашга асосланган 120 кишилик ва пайпоқ тўқишга асосланган 80 кишилик устахоналар, марказлашган типда ташкил этиш режалаштирилган.

Саноат артеллари ва ҳунармандларга 300 га яқин болалар топширилган бўлиб, булардан 80 таси Самарқанд округига тўғри келади. Қолганлари тахминан, чунки улардан аниқ ҳисоботлар берилмаган [15].

Патронатлаштириш бўйича ҳам ишлар олиб борилган бўлиб, афсуски режалаштирилган 50 кишилик патронатлаштириш амалга ошмай унинг ўрнига қуйидаги патронатлаштириш амалга оширилди;

Тошкент округи – 14 киши, Самарқанд округи – 1 киши, Бухоро округи – 2 киши, Хўжанд округи – 2 киши, жами 19 киши патронатлаштирилган. Бу эса ўз навбатида патронатлаштириш масаласида ишлар эътиборлан четда қолдирилганлигидан далолат беради.

Фарзандликка қабул қилиш борасида эса Самарқанд округида – 7 киши, Бухоро округида – 4 киши кўринишида амалга оширилган холос [16].

1929 йил 14 майдаги ЎзССР Маориф ХК ҳисоботида келтирилган маълумотларга кўра, 7 округда 56 та устахоналар мавжуд бўлиб, улардан 15 таси тикувчилик, 16 таси дурадгор, 2 таси чилангар, 12 таси косибчилик, 16 таси босмахона, 4 таси пайпоқ тўқиш, 1 таси бошқа турдаги устахоналардан иборат бўлган. Уларга 1 299 нафар бола жалб қилиниши белгиланган бўлсада, 328 нафар бола меъёр доирасида касб ўрганишининг имкони бор эди холос [17]. Бу эса ўз навбатида мазкур масала ҳам фақат бюрократик тамойилларга асосан ҳал қилинганлигидан далолат беради.

1928 йилда болалар қаровсизлигига қарши курашишда олиб борилган ишларни ҳам яхши баҳолаб бўлмайди. Бундай хулосага келишга Тошкент округида амалга оширилган ишлар бўйича Тошкент округи қўмитаси қошидаги фавқулодда комиссия раиси ва Ўрта Осиё Бутунроссия КП (б) марказий кенгаши раҳбари ўринбосари Куликов томонидан меҳрибонлик уйларидаги вазият юзасидан тақдим этган маълумотлар асос бўла олади. Унинг маълумотларига кўра, болалар оёқ яланг, кийимсиз яланғоч, ойналар йўқ, ёритиш тизими йўқ, печлар йўқ қилинган, ички кийимлар бир сменали бўлиб умуман алмаштирилмайди ҳам, ювилмайди ҳам, ифлос ва расво, ҳаммом йўқ, кўп эшиклар синдирилган, меҳрибонлик уйларининг кўпчилиги нотоза, чиркин, 1 кравотга 2-3 киши ётаётганлиги аниқланган. Ёток чойшаблар йўқ, болалар жамоавий, полда, кийим бошсиз, ётган. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига тиббий ёрдам умуман кўрсатилмаган. 30 кишилик изолятор 2 баробар одам билан тўлиб тошган. Соғлом болалар сфилитик, трипер, трахома, қўтир бўлган касал болалар билан бирга қолаётганлиги ва бу ўз навбатида соғлом болаларнинг мазкур касалларни юқтириб олиши ёки бундай вазиятга тушмаслик учун меҳрибонлик уйларидан қочиб кетишига сабаб бўлган [18].

Марказий болалар комиссияси маълумотига кўра, 01.01.1928 йилдан 30.03.1929 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон кўчаларида қаровсиз 4 000 нафар бола 2 000 нафарга камайган ва уларнинг 1 200 нафари чет элдан совуқ об-ҳаво сабабли Ўзбекистон ҳудудига кириб келганларни ташкил этган. Қолган 800 нафар бола маҳаллий аҳоли вакили бўлиб, улар мутлақо қаровсиз ҳолатда. Чет элдан келган қаровсиз болаларни ватанига қайтариш бош мақсад қилиб олинган [19].

ЎзССР Маориф ХКнинг 14.05.1929 йил ҳолати Ҳисоботига кўра, Республика миқёсида болаларни патронатлаштириш ойлик кўрсаткичи атиги 20 – 30 нафарни ташкил этган. Патронатлаштиришга йўналтириш мумкин бўлган меҳрибонлик уйларидаги болалар сони 1928/29 йиллар меҳрибонлик уйларида 6 500 нафар тарбияланувчилар бўлганлигини инобатга оладиган бўлсак бу албатта жуда кам сонлидир. Эътиборли жиҳати шундаки меҳрибонлик уйларидаги мавжуд болалардан 39 % қисмини чин етимлар, 20 % қисмини фақат қариндошлари бор, 34 % қисмини отаси ёки онаси борлар, 7 % қисмини эса ота-онаси борлар ташкил этган. Шунингдек, таркибий жиҳатдан 68 % ўғил болалар, 32 % қиз болалар, 34 % ўзбеклар, 44 % руслар, 8 % тожик, 4 % еврей, 5 % қирғиз, 6 % татар, 4 % қолган миллат вакилларидан иборат ҳолатда эди. Ёши жиҳатидан эса, 7 ёшгача 9 %, 8-12 ёшлилар 30 %, 13-15 ёшлилар 41 %, 16 ёшдан катталар 20 % ни ташкил қилган.

Шу жиҳати аҳамиятлики, асосий қисм болалар катта ёшдагилар бўлиб, улар билан ишлаш анчайин мураккабдир. 29 % тарбияланувчилар меҳнатга жалб қилинган. 31 % тарбияланувчилар мактабларга, 38 % тарбияланувчилар эса меҳрибонлик уйи қошидаги мактабларга қамраб олинган [20]. Ҳисоботда маълум қилинишича, 7 округдан 411 нафар

бола ишга ва 217 нафар бола ўқишга жойлаштирилган бўлиб, умумий ҳисобда 502 нафар бола патронатлаштирилган ёки оиласи ва қариндошларига топширилган бўлса, 378 нафар бола меҳрибонлик уйларидан қочиб кетган [21].

1929 йилга келиб қабул қилинган ЎзССР ХКС ва МИҚнинг “Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва қаровсиз болаларни деҳқон оилалалрига қишлоқ хўжалиги юмушларига тайёрлаш учун топшириш шарт-шароитлари ҳақида”ги қарорига мувофиқ фақат меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари эмас, балки қаровсиз болаларни ҳам оилаларга патронат тарзида ёки васийликка олишга маълум бир чекловлаарни инобатга олмаганда рухсат берилган эди. Болаларни сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум кишиларга топшириш тақиқланган. Шунингдек, болани қабул қилувчи деҳқон оилалари фақатгина розилиги билангина қабул қилиниши, мажбуран тартибда болаларни қабул қилииши қонунан таъқиқланди. Деҳқон оиласи рози бўлгач ЎзССР Маориф ХК билан шартнома имзоланиб, шартномада қуйидагилар назарда тутилади;

- Болаларни қабул қилиши ва уларни сақлаш муддати
- Ўз оила аъзолари сингари ҳақ-ҳуқуқ ва эътиборга эга бўлиши асослари
- Деҳқон оиласи томонидан боланинг муддати тугаши билан унинг мустақил хўжалик ташкил қилишида кўрсатиладиган ёрдам (пул) миқдори аниқ кўрсатилиши
- Болани қабул қилаётган деҳқон оиласига бир марталик мукофот пули миқдори.
- Бола оила тарбиясида бўлиб турган вақти учун маҳаллий заҳира еридан ажратиладиган ер ва унинг миқдори аниқ кўрсатилиши лозим эди [22].

Ажратилаётган ер имтиёз сифатида биринчи 3 йиллик учун деҳқон хўжаликлари солиғидан озод қилиниб, маҳаллий ижроқўмлар ташаббуси билан қарамоғига олган болаларига яхши муносабатда бўлган ва вазифасини яхши бажараётган оилаларга турли солиқ имтиёзлари бериш ҳуқуқи берилган. Бола тарбияси муддати тугаши билан мазкур ер заҳирага қайтариб олиниши, агар бола мазкур оила аъзоси сифатида яна қолишни истаса шу оилага ер қолдирилиши белгилаб берилган [23].

ЎзССР Соғлиқни сақлаш ХК 4 ёшгача бўлган болалар қаровсизлигига қарши курашиш учун масъуллиги нуқтаи назаридан, ўз фаолияти доирасида ишлар амалга оширган бўлиб, 1928/29 бюджет йили 50 та бола патронатлаштирилиши, 100 нафар ёлғиз эҳтиёжманд оналарга индивидуал ёрдам ва қаровсиз оналар уйи ташкил этилишига эришилган.

ЎзССР Соғлиқни сақлаш ХК ижтимоий ёрдам фонди орқали ҳудудларга қуйидагича ёрдам ажратган [24].

| № | Округ номи | Харажат қилиниш механизми | Йиллик |
|---|---|---|---|
| 1 | Тошкент | Қочоқ 15 бола патронат қилинган ҳар бир болага ойига 35 р.,(рубль)дан, бир марталик 50 р., | 7 250 р., |
| | | 15 нафар қаровсиз болаларга ўз оналари орқали ҳар бирига ойига 25 р., дан, 1 марталик 50 р., | 5 250 р., |
| | | 60 нафар онага индивидуал ёрдам ҳар ой 15 р., дан | 12 800 р., |
| | | Қаровсиз оналар уйига | 12 500 р., |
| | Жами Тошкент округи бўйича | | 37 800 р., |
| 2 | Самарқанд | Қочоқ 10 бола патронат қилинган ҳар бир болага ойига 35 р., дан, бир марталик 50 р., | 4 700 р., |
| | | 10 нафар қаровсиз болаларга ўз оналари орқали ҳар бирига ойига 25 р., дан, 1 марталик 50 р., | 3 500 р., |
| | | 50 нафар онага индивидуал ёрдам ҳар ой 15 р., дан | 9 000 р., |
| | Жами Самарқанд округи бўйича | | 17 200 р., |
| 3 | Фарғона | Қочоқ 10 бола патронат қилинган ҳар бир болага ойига 35 р., дан, бир марталик 50 р., | 4 700 р., |
| | | 10 нафар қаровсиз болаларга ўз оналари орқали ҳар бирига ойига 25 р., дан, 1 марталик 50 р., | 3 500 р., |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | 50 нафар онага индивидуал ёрдам ҳар ой 15 р., дан | 9 000 р., |
| | Жами Фарғона округи бўйича | | 17 200 р., |
| 4 | Бухоро | Қочоқ 5 бола патронат қилинган ҳар бир болага ойига 35 р., дан, бир марталик 50 р., | 2 350 р., |
| | | 5 нафар қаровсиз болаларга ўз оналари орқали ҳар бирига ойига 25 р., дан, 1 марталик 50 р., | 1 750 р., |
| | | 20 нафар онага индивидуал ёрдам ҳар ой 15 р., дан | 3 600 р., |
| | Жами Бухоро округи бўйича | | 7 700 р., |
| 5 | Андижон | Қочоқ 5 бола патронат қилинган ҳар бир болага ойига 35 р., дан, бир марталик 50 р., | 2 350 р., |
| | | 5 нафар қаровсиз болаларга ўз оналари орқали ҳар бирига ойига 25 р., дан, 1 марталик 50 р., | 1 750 р., |
| | | 20 нафар онага индивидуал ёрдам ҳар ой 15 р., дан | 3 600 р., |
| | Жами Андижон округи бўйича | | 7 700 р., |
| 6 | Зарафшон | Қочоқ 3 бола патронат қилинган ҳар бир болага ойига 35 р., дан, бир марталик 50 р., | 1 410 р., |
| | | 3 нафар қаровсиз болаларга ўз оналари орқали ҳар бирига ойига 25 р., дан, 1 марталик 50 р., | 1 50 р., |
| | | 10 нафар онага индивидуал ёрдам ҳар ой 15 р., дан | 1 800 р., |
| | Жами Зарафшон округи бўйича | | 4 260 р., |
| 7 | Қашқадарё | Қочоқ 3 бола патронат қилинган ҳар бир болага ойига 35 р., дан, бир марталик 50 р., | 1 410 р., |
| | | 3 нафар қаровсиз болаларга ўз оналари орқали ҳар бирига ойига 25 р., дан, 1 марталик 50 р., | 1 50 р., |
| | | 10 нафар онага индивидуал ёрдам ҳар ой 15 р., дан | 1 800 р., |
| | Жами Қашқадарё округи бўйича | | 4 260 р., |
| 8 | Сурхондарё | Қочоқ 3 бола патронат қилинган ҳар бир болага ойига 35 р., дан, бир марталик 50 р., | 1 410 р., |
| | | 3 нафар қаровсиз болаларга ўз оналари орқали ҳар бирига ойига 25 р., дан, 1 марталик 50 р., | 1 50 р., |
| | | 10 нафар онага индивидуал ёрдам ҳар ой 15 р., дан | 1 800 р., |
| | Жами Сурхондарё округи бўйича | | 4 260 р., |
| 9 | Хоразм | Қочоқ 3 бола патронат қилинган ҳар бир болага ойига 35 р., дан, бир марталик 50 р., | 1 410 р., |
| | | 3 нафар қаровсиз болаларга ўз оналари орқали ҳар бирига ойига 25 р., дан, 1 марталик 50 р., | 1 50 р., |
| | | 10 нафар онага индивидуал ёрдам ҳар ой 15 р., дан | 1 800 р., |
| | Жами Хоразм округи бўйича | | 4 260 р., |

1930 йил ЎзССР МИҚ қошидаги МБК масъул котибининг ҳисоботига кўра, Республика бўйича қаровсиз болалар аниқ ҳисобини юритиш йўлга қўйилмаган, барча округларда патронат ишлари назоратсиз қолдирилган. Патронатдаги болалар аҳволи етарли даражада ўрганилмаган. Патронатлаштиришда бериладиган имтиёзлар ўз эгаларига етиб бормаслик, порахўрлик каби иллатлар мазкур соҳада ҳам учраб турган. Жумладан, Тошкент округи болалар комиссияси раиси Исмоилов патронат бўйича ишларни текшириш вақтида шубҳали ҳолатга дуч келган. 1107-сонли омонат дафтарчаси мавжуд бўлиб, унга 26.05.1929 йил Копсенов исмли ёш бола номига 230-омонат кассасига 94,16 р., пул қўйилган. Маълум вақт ўтиб мазкур маблағнинг 50 р., олинганлиги қайд этилган. Копсеновни патронат қилиб олган шахснинг маълумотига қараганда бу маблағни у олмаган ва сўрамаган ҳам. Тегишли

тартибда суриштирув ишлари олиб борилганда болалар комиссияси собиқ ходимлари Рехомиский ва Шукуровларнинг 04.07.1928 йил № 4813 сонли хати бўйича Қаюм Хўжаев исмли шахс томонидан олинганлиги аниқланган. Касса ходимлари маълумотига кўра бу каби пуллар доимий равишда олиниб келинган [25]. Бу мисолнинг ўзиёқ вазият қанчалик издан чиққанлигидан далолат беради.

Марказий болалар комиссияси ўз фаолиятини асосан болалар қаровсизлиги билан боғлаган бўлиб, унинг доимий йиғилишларида асосий кун тартиби қилиб мазкур масала белгиланган ҳамда ҳудудлардан вакиллар турли таклиф ва мурожаатларини қилиб боришган. Мисол сифатида кўплаб мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, Марказий болалар комиссиясининг 30.10.1926 йилги кенгайтирилган йиғилишида Зарафшон округи болалар комиссияси раиси Смирновнинг маълум қилишича болалар қаровсизлигини бартараф этишда патронатлаштириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Лекин ёмон томони мамлакат аҳолиси асосан маҳаллий ўзбек халқи ҳиссасига тўғри келади ва қаровсиз болаларнинг катта қисми ўзбек тилини билмайдиган чет эллик болалар. Шу сабабли болалар жиноятчилигига мойиллик кўпайиб, улар меҳнатини эксплоатация қилиш ҳолатлари кўпайган.

Лукъяненко (ЎзССР Ишчи-деҳқон инспекция ХК) болалар қаровсизлигига қарши курашиш бўйича чора тадбирларни СССР дан ротация қилиш ва шу орқали бу масалани ҳал этиш жуда зарурлигини билдириб, бу аҳвол давом этса 2-3 йилда кўчаларда бандитлар армияси шаклланиб қолиши ва унинг жамиятга нечоғлик муаммо кетиришини таъкидлаган. У ўзи ва ўғлининг патронат қилиб олган боласи ҳақида гапириб, кийимларни олиб қочиб кетганлигини айтиб ўтган.

Неклюдова (Хотин қизлар қўмитаси) болалар қаровсизлигига қарши курашишда патронатлаштириш яхши самара бериши ҳақида гапириб, фақат ёмон маълумотлар эмас яхши маълумотлар келтириш ва шу орқали патронатни кўпайтиришни таъкидлаган. Шунингдек, Жисмоний тарбия ва соғломлаштириш училишилари, профтехникумлар, саноат ишлаб чиқариш ва ҳунармандларга болаларни топшириш ҳам яхши самара беришини билдириб ўтган [26].

**Хулоса.** Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, инсоният пайдо бўлибдики, доимий болаларнинг таълим-тарбияси, муносиб турмуш-тарзи бирламчи масалалар сирасига кириб келган ва бу масалани тадбиқ қилиш ва шу орқали кейинги фаолиятга жалб қилиш жуда муҳимдир. Мазкур мақолада 1920-1930 йиллар мамлакатимиз тарихида бўлиб ўтган жараёнлар ва унда болалар ҳаётига оид маълумотлар келтириб ўтилди. Архив маълумотлари асосида мазкур даврда мамлакат бўйлаб мавжуд қаровсиз болалар миқдори, уларнинг ижтимоий ҳаётда иштироки ҳамда уларга муносиб турмуш шароити яратилиши учун амалга оширилган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг таъсир доираси аниқ маълумотлар асосида очиб берилди.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**

1. Shavkat Mirziyoyev. We will build free, democratic and prospering Uzbekistan with our courageous and magnanimous people. Address by Shavkat Mirziyoyev at the joint session of the Chambers of Oliy Majlis dedicated to a Solemn Ceremony of Assuming the Post of the President of the Republic of Uzbekistan / - Tashkent: Uzbekistan, 2016. – 14-p.
2. National archives of Uzbekistan 86- foundation, 1- inventory, 3585 case, 50- page
3. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 3585 case, 50-page
4. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 3585 case, 51-page
5. National archives of Uzbekistan 837-foundation, 6-inventory, 6 case, 26-page
6. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 3585 case, 51-page
7. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 3604 case, 3-page
8. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 3604 case, 4-page
9. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 3604 case, 5-page
10. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 3604 case, 10-page

11. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 3604 case, 11-page
12. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 4119 case, 93-page
13. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 4119 case, 94-page
14. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 4119 case, 95-page
15. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 4119 case, 97-page
16. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 4119 case, 98-page
17. National archives of Uzbekistan 837-foundation, 6-inventory, 6 case, 44-page
18. National archives of Uzbekistan 837-foundation, 6-inventory, 6 case, 3-page
19. National archives of Uzbekistan 837-foundation, 6-inventory, 6 case, 25-page
20. National archives of Uzbekistan 837-foundation, 6-inventory, 6 case, 43-page
21. National archives of Uzbekistan 837-foundation, 6-inventory, 6 case, 45-page
22. National archives of Uzbekistan 837-foundation, 6-inventory, 388 case, 4-page
23. National archives of Uzbekistan 837-foundation, 6-inventory, 388 case, 5-page
24. National archives of Uzbekistan 837-foundation, 6-inventory, 388 case, 25-page
25. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 3585 case, 40-page
26. National archives of Uzbekistan 86-foundation, 1-inventory, 3585 case, 45-page

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Икромжон Ибрагимович Умаров,**
Термиз Давлат университетининг
Жаҳон тарихи кафедраси
мустақил илмий тадқиқотчиси
lochin-umarov@mail.ru

# БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ

**For citation:** Ikromjon I. Umarov, BADASH - ANCIENT MUSICAL ART OF THE POPULATION OF MOUNTAIN VILLAGES KUHITANG. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.238-244

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-31

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақола ўзбек халқининг эътибордан четда қолган мусиқий йўналишларидан бири – бадаш санъатига бағишланади. Унда бадаш санъатининг вужудга келиши ва аҳолининг маиший турмушида тутган ўрни ёритилади. Шунингдек, мақолада Кўҳитанг қишлоқлари аҳолиси этнографияси ва бадаш турлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

**Калит сўзлар:** бадаш, хатак қавми, мусиқа, нота, доира, куй, маданият, маънавият, бахши.

---

**Икромжон Ибрагимович Умаров,**
Научный соискатель кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета
Email: lochin-umarov@mail.ru

# БАДАШ – ДРЕВНЕЕ МУЗЫКАЛЬНОЕ ИСКУССТВО НАСЕЛЕНИЯ ГОРНЫХ КИШЛАКОВ КУХИТАНГА

**АННОТАЦИЯ**

Данная статья посвящена искусству бадаш - одному из забытых направлений древнего музыкального наследия узбекского народа. В нем освещена возникновение древнего искусства бадаш и его роль в повседневной бытовой жизни населения. В статье также приводятся сведения об этнографии населения и видах бадаша в кишлаках Кухитанга.

**Ключевые слова:** бадаш, племя хатак, музыка, нота, бубен, мелодия, культура, духовность, бахши.

---

**Ikromjon I. Umarov,**
Researcher, Department of World History,
Termez State University
lochin-umarov@mail.ru

# BADASH - ANCIENT MUSICAL ART OF THE POPULATION OF MOUNTAIN VILLAGES KUHITANG

**ABSTRACT**

This article is devoted to the art of badash - one of the forgotten directions of the ancient musical heritage of the Uzbek people. It highlights the emergence of the ancient art of badash and its role in the everyday life of the population. The article also provides information about the ethnography of the population and the types of badash in the villages of Kuhitang.

**Index Terms** badash, xatak tribe, music, note, tambourine, melody, culture, spirituality, bakhshi.

---

**1. Долзарблиги**:

Жаҳон тамаддунининг кўҳна бешикларидан бири бўлган Сурхон воҳаси ўзининг бой тарихи билан ажралиб туради. Бу юрт илк одамзод қўним топган, Ўрта Осиёдаги дастлабки шаҳарсозлик анъаналари ва қадимги давлатчилик асослари барпо этилган жойдир. Қолаверса, воҳада халқимизга хос бўлган миллий қадриятлар, удумлар, урф-одатлар, байрамлар, маросимлар, ноёб халқ оғзаки ижоди намуналари сақланиб қолганлигини алоҳида эътироф этишимиз зарур.

Шу билан бирга, воҳада этнография, фольклор, халқ амалий санъатининг ҳали очилмаган қирралари кўп бўлиб, уни илмий жиҳатдан ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ана шундай санъат турларидан бири – бадашдир.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Ушбу мақола тарихийлик, қиёсий-таҳлил ва ҳудудий ёндошувлар сингари тарихий методлар асосида ёритилган бўлиб, унда Сурхон воҳасидаги унутилиш арафасига келиб қолган қадимги мусиқа санъат – бадаш ҳақида маълумот берилади.

Айтиш жоизки, бадашнинг ўзбек миллий мусиқаси тарихида қандай ўрин тутишини аниқлаш зарурияти фақат мустақиллик туфайлигина юзага келди. Сатр муаллифининг бадаш ҳақидаги илк илмий тадқиқотлари 2014 йилда дунё юзини кўрди [1]. Келгуси, 2015 йилда муаллифнинг розилиги билан бадаш ҳақидаги маълумотлар С. Турсуновнинг илмий ишларида ҳам эълон қилинади [2]. 2018 йилда эса, сатр муаллифи томонидан бадаш ҳақидаги илк монография нашрдан чиқарилади [3]. Бундан ташқари, Республика ва Сурхондарё вилояти газеталарида журналистлар – А.Холмирзаев [4, 5], Н.Раҳматуллаева [6, 7] ва С.Тўраев[8] томонидан ҳам бир қатор мақолалар эълон қилиниб, оммага эълон қилинди. Сўнгги йилларда ёш тадқиқотчи Ҳ.Шуҳратова [9] ҳам бадаш ҳақида ўз мақолалари билан илмий тўплам ва журналларда иштирок этиб келмоқда.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Ўзбек миллий мусиқаси жуда бой тарихга эга. Асрлар давомида миллий мусиқамизнинг мақом, лазги, катта ашула, бахшичилик сингари турлари шаклланиб келди. Сўнгги изланишларга кўра, Ўзбекистон жанубида мусиқанинг бадаш деб номланган йўналиши борлиги аниқланди.

Албатта бу бир ажойиб янгилик эди. Негаки, биз турли мусиқий йўналишлардан хабардор эдигу, аммо бадаш ҳақида ҳеч нарса билмасдик. Мусиқага оид китобларда бу йўналиш ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаганди. Маълум бўлишича, ушбу йўналиш кўп асрлар давомида Кўҳитанг тоғининг марказида яшовчи аҳоли томонидан ижро этиб келинган ва унинг келиб чиқиши узоқ ўтмишга бориб тақалар эди. Уни ижро этган момолар ҳам бадашнинг жуда қадимги йўналиш эканлигини таъкидлашар, аммо қачон пайдо бўлганлигини билишмас эди.

Дастлабки тадқиқотлар натижасига кўра, бадаш санъатининг илдизлари қадимий туркий аждодлар даврига бориб тақалади. Чунки, биргина бадаш атамасини оладиган бўлсак, у қадим аждодлар ўзаро мулоқот-муомаласида ишлатилган бадар сўзи билан боғлиқдир. Бадар «енгил шовқин»; «урмоқ»; badar qïl – «мушт билан урмоқ» каби маъноларни англатади (10: 77).

Бадаш – оҳанг, куй, нола, нағма (наъма) сингари тўрт усулнинг биргаликда даф (доира) орқали ифодаланишидан ҳосил бўлади. Ҳар бир усул бир нечта қисмдан ташкил топади.

Оҳанг – болалар, йигит-қизлар, барча ёшдаги эркагу аёлнинг овоз чиқариб қўшиқ айтишини оҳанг дея тушунилади. Ижрочилар ёши ва жинсига қараб жами 6 қисмдан таркиб топади.

Куй – танбур, чанг, рубоб, дутор, афғон рубоби, қонун ва бошқа чолғу асбоблари воситасида чалинса, бу куй бўлади. Мусиқа асбоблари сонига қараб, у ҳам олти қисмдан ташкил топади.

Нола – оғизга қўйиб чалинадиган мусиқа созлари – чанқовуз, сибизиқ (сибизға), хушпуллоқ (лойдан ясалган оғиздан пуфланиб айтилувчи чолғу асбоби) ва най воситасида ижро этилади. Баъзан чанқовуз ноласи ёки най ноласи деб ҳам аталган. Нолада ишлатиладиган мусиқа асбоблари сонига қараб, тўртта қисмдан ташкил топган деб ҳисоблаш мумкин.

Нағма(наъма) – дўмбира, рубоб, ғижжакнинг чалиниши-дан ҳосил бўлади. Нағма учта қисмдан ҳосил бўлади.

Хуллас, бадаш жами 19 та қисмдан ташкил топади. Таъкидлаш жоизки, рубоб куйда ҳам, нағмада ҳам ишлатилган. Бундан компонентлар сони 18 та экан, деб хулоса чиқарилмаслиги керак. Негаки, бадашнинг асосий чолғу асбоби доира ҳисобланади. Доира билан бирга бадаш 19 та қисмдан иборат бўлади.

Аниқлашимизга кўра, бадашни Ўрта Осиё ҳудудида фақат Кўҳитанг тоғининг Боғлидара, Тангидевон, Хатак, Хўжанқон, Бедак, Зараутсой қишлоқларида яшовчи хатак қавми томонидан XX аср ўрталарига қадар ижро этиб келинган. Бадашнинг аввалдан 70 га яқин тури мавжуд бўлган экан. Шулардан 50 га яқин тури доира воситасида ижро этилган. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб дейиш мумкинки, Кўҳитангтоғ ҳудуди аҳолисининг ҳаёти ва турмушида доира бадаши асосий тур бўлган ва у бошқа жойлар доира усулларидан анча фарқ қилиши билан ажралиб турган.

Жаҳон мусиқасида до, ре, ми, фа, со, ля, си, до ноталари бор. Кейинги асрларда шундай нотага солинган мумтоз шарқ мусиқасида ҳам, албатта, ўзига хос «нота»лари бўлган. Масалан, айтайлик, кўҳитангликларнинг доира бадашида бу вазифани «биж-дон-ба, биж-дон-биж» дейиладиган ўзига хос «шартли нота»лар бажаради дейишимиз мумкин! Бошқача айтганда, қадимий аждодларимиз Европада нота ихтиро қилинган пайтлардан илгари ёки ундан нари-берида доира бадашини ижро этиш учун алоҳида ўзига хос «нота» ўйлаб топгандирлар, эҳтимол!

Бадашда турклардаги қам (шаманизм) дини белгилари яққол сезилади. Чунончи, бадашдаги иждиби, биж, бодиба сингари оҳанглар қадимги туркийча bedük – «улкан», «катта», beδü – «улуғланмоқ», «кўтарилмоқ», beδük – «юксак», bo’gü – «доно», idi – «хўжайин», iδi – «эгам» (худо), ïduq – «муқаддас», «авлиё» (10: 91, 116, 203, 217) сингари маъноларни англатади. Ушбу оҳангларнинг қадимги маънолари – «тангри», «юксаклик», «тангрининг жамолига эришиш». Шу йўл билан бадаш исломиятдан олдин халқ дилидаги орзу-ниятларни худога етказишга интилган.

Бадашда аёлларнинг иштирок этиши асосий қоида эди. Бадаш тарқалган қишлоқларда барча аёллар моҳир доирачи бўлишган. Қизиқ бир ҳолат: хатак элида доира чалишни билмаган аёл тузук одам ўрнида кўрилмаган, ҳатто буни қўрс-жоҳиллик аломати ёки одобсизлик деб ҳам тушунилган. XX аср бошларига қадар бадаш маросимларини тўла эгалламаган ва чанқовуз чалишни билмаган қизларга совчи жўнатилмаган. Бундай қизлар вояга етмаган деб ҳисобланган. Шу сабабки, оилада нечта аёл бўлса, ўшанча доира сақланган ва қизлар болаликдан доира чалишга ўргатиб борилган. Ҳар бир аёл тўйга ўзи билан доира олиб борган. Улар доира чалишни билганлар, шунга мос рақсларни ҳам ижро эта олганлар. Уларни бир киши бошқариб турган. Қишлоқдаги барча аёллар бадашда ўз ўрнини ва кимдан кейин туришини ҳам яхши билишар эди.

Бадаш айтадиган аёл қизил сатиндан парпар ёқали кўйлак ва лозим кийиб, қасаба деб аталадиган бош кийими устидан оқ шолпат рўмол ёпинган. Оёқларида садаф тугмали нўғай кавуш бўлган. Беш поялик исирға осилган иккала қулоқ атрофидаги соч гажакдор қилиб қўйилган. Бўйнида эса, хапаванд (ҳапамад) мунчоқ ярашиб туради, кўйлак ёқаларига жаҳак тикиб, устидан ялтироқ тунукадан ясалган тугмалар парпар кўйлакларнинг ёқасидан қуйигача зеб берган.

Бадаш санъати Наврўз ва ҳосил байрамларида, суннат ва никоҳ тўйларида ижро этилган. Бунинг учун олдиндан текис катта майдон тайёрлаб қўйилади. Кеч бўлганида майдон ўртасида катта гулхан ёқилади. Майдоннинг эркаклар жойлашган томонида кураш, яъни олиш мусобақаси ўтказилган. Аввал ёш болалар, сўнгра ёши катталар даврага тушиб куч синашган. Майдоннинг бошқа томонида эса, аёллар тўла айлана шакл ҳосил қилиб бадаш ижро этишган. 30–40 ва ҳатто 50 тагача аёл бирваракайига доира чалади. Доиралардан бир такт бўлиб чиқаётган текис, салобатли зарблар киши руҳиятига ўзгача таъсир қилиб, унинг кайфиятини кўтаради. Бармоқ ва кафтлар зарбидан доира теграсидаги саноқсиз нуқра ва мис халқачалар тиниқ жаранглаб доира бадашининг жозибасини янада оширади. Доиралардан маромли ритмда таралган жозибали ва жарангдор бижж-дон-ба, бижж-дон-бижж садолари узоқ-узоқларга эшитилиб туради. Доира бадаши оҳанглари ичда айтилади ва зарбларга монанд қайта-қайта такрорланаверади.

расположенного на этом участке дороги, история развития сельского хозяйства, животноводство, ремесел, садоводства в Мингтепе в древности, караван-сараев в Мингтепе, направления торговых караванов, описаны результаты археологических исследований, научные нововведения узбекско-китайской совместной экспедиции с 2012 года, постановление Кабинета Министров об охране и рациональном использовании памятника археологического наследия Мингтепа.

**Ключевые слова:** Великий шелковый путь, государство Давань, посол государства Хань Чжан Цянь, линия «Кашгар-Фергана», город Мингтепа, «Небесные кони», караван-сарай, Постановление Кабинета Министров по археологическое наследие Мингтепа.

---

**Shakhlo A. Khusanova,**
Basic doctoral student of
Andijan State University,
turon95@mail.ru

## MINGTEPA CITY ON THE GREAT SILK ROAD

**ABSTRACT**

The historical significance of the Great Silk Road, the history of the Davan state in the 4th-5th centuries BC, the views of the ancient Han ambassador Zhang Qian on the population, lifestyle, socio-economic life of the Davan state, east and west along the Great Silk Road The Kashgar-Fergana section, Davan's "Heavenly Vultures", grape and alfalfa plants, ancient, historical cities in this direction, as well as the history of Mingtepa, located in this part of the road, livestock in Mingtepa in ancient times, history of development of agriculture, handicrafts, horticulture, caravanserais in Mingtepa, directions of trade caravans, in Mingtepa A.N.Bernshtam, Yu. Zadneprovsky, the results of archeological research conducted by the Matboboevs, scientific innovations of the Uzbek-Chinese joint expedition since 2012, the decision of the Cabinet of Ministers on the protection and rational use of the Mingtepa archeological heritage site are described.

**Keywords:** Great Silk Road, Davan State, Ambassador of the Han State Zhang Qiang, "Kashgar-Fergana" section, Mingtepa city, "Heavenly Vultures", caravanserai, Resolution of the Cabinet of Ministers on the Mingtepa archeological heritage.

---

### 1. Долзарблиги:

Буюк ипак йўли Евросиё материгининг шарқдан ғарбгача бўлган мамлакатларини қадимда савдо, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий алоқаларини олиб боришга хизмат қилувчи йўл ҳисобланган. Ушбу савдо йўлининг асосий мақсади ва вазифаси биринчи навбатда Хитойдан Ўрта Осиё, Кичик Осиё, Ҳиндистон, Европанинг Ўрта ер денгизи атрофидаги давлатлар, Италия давлатига ипак, чинни ва бошқа махсулотларни экспорт қилиш бўлса, шу ўринда Европа ва Осиё мамлакатларидан Хитойда мавжуд бўлмаган махсулотларни, жумладан, қимматбаҳо тошлардан тортиб, турли хил газламалар, гиламлар, зеб-зийнат буюмларини олиб келишдан иборат бўлган. Хитойнинг Сиан шаҳридан бошланган ушбу йўлнинг ривожланишида Ўзбекистоннинг ўрни катта бўлган. Буюк ипак йўлининг асосий тармоқларидан бири "Қашқар-Фарғона" бўлаги ўтган қадимги Фарғона давлати шарқ ва ғарб давлатларининг савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожланишида муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Буюк ипак йўли тарихи, шарқ ва ғарб мамлакатларининг савдо, иқтисодий, ижтимоий в маданий ҳаётидаги ўрни ҳақида кўплаб махаллий ва хорижий тарихчи олимлар изланишлар олиб борганлар. Буюк ипак йўли тарихи ҳақида илк маълумотлар Хитой манбаларида учрайди. Бу савдо йўлининг асосий тармоғи қадим Давань (Дай-юань, Паркана) давлатидан ўтган. Қадимги Хань элчиси Чжан Цянь хисоботлари асосида ёзилган сарой тарихчиси Сима Цяннинг "Ши-жи" яъни "Тарихий хотиралар" асари, кейинчалик ушбу асарни рус тилига илк

таржимасини қилган Н.Я.Бичуриннинг “Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии ва древние времена”[2] китобида ипак матосининг ватани бўлмиш Хитойдан бошланган Буюк ипак йўли ҳақидаги дастлабки маълумотларни учратиш мумкин. Ушбу асарларда савдо йўлининг асосий тармоғи ўтган қадимги Фарғона давлати ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор.

Ўзбек олимлардан А. Хўжаев[6], Б.Х.Матбобоев[3,4]лар томонидан Буюк ипак йўли кесимида жойлашган қадим Давань давлати ҳақидаги асарлари мавжуд. Шунингдек, мақола муаллифи томонидан “Мингтепа” илмий-оммабоп тўплам[8] ва “Мингтепа зиёратгоҳлари ва қадамжолари” [9] рисолалари ҳам нашрдан чиқарилган.

**3.Тадқиқот натижалари:**

Буюк ипак йўлига асос солиниши тарихий манбалардаги маълумотларга кўра милоддан аввалги II асрга тўғри келади. Бу ҳақида Хитой манбаларида баён этилган бўлиб, милоддан аввалги 140-85 йилларда ҳукмронлик қилган Хань империясининг императори У-ди ва унинг томонидан Шарқ мамлакатларига юборилган элчи Чжан Цянь саёҳатлари билан боғлайдилар. Чжан Цяннинг дастлабки саёҳати ва босиб ўтган йўллари кейинчалик хитойлик савдогарлар, элчилар ва сайёҳларнинг кўплаб мамлакатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатишга, янги саёҳатлар ташкил этишга йўл очиб берган.[7]

Император У-ди ўз даврида ҳудудини кенгайтириш мақсадида, шунингдек, хунларга қарши иттифоқчи топиш мақсадида милоддан аввалги 138 йилда ғарбий ўлкаларга элчи Чжан Цянни юборади. Чжан Цянь Ўрта Осиёда ҳукм сурган давлатлар; Давань, Парфия, Бақтрия, Қанғ, Юэчжи давлатларида бўлади. Шунингдек, унинг саёҳати замирида тарихда давлатлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларида муҳим ўрин тутган Буюк ипак йўлининг расман тарих зарварақларига битилишида, илк тарихини ёритишда ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга сайёҳ ва элчи Чжан Цянь, юртимизда мавжуд бўлган қадимий давлатлар ҳақидаги қимматли маълумотларни қолдиради. Унинг ҳисоботлари асосида ёзилган сарой тарихчиси Сима Цяннинг “Ши-жи” (“Тарихий хотиралар”) асари бизгача етиб келган бўлиб, жуда қимматли маълумотлари билан қадрлидир. Асарда Ўрта Осиёда ҳукм сурган давлатлар; Даван, Парфия, Бақтрия, Қанғ, Юэчжи давлатларининг тарихи, халқи, хаёти ва турмуш тарзи ҳақида маълумотлар мавжуд.[2,6]

Буюк ипак йўлининг тармоқларидан бири ўтган қадимги Давань (қадимги Фарғона, хитой тилида Дай-юан) давлати ҳақида Чжан Цянь ўз хисоботларида қуйидагиларни баён этади; Даванликлар уни яхши кутиб олишиб, Хитой давлати билан савдо-сотиқ қилиш, ўзаро муносабатларни ривожлантиришга, дўстлик алоқаларини ўрнатишга тайёр эканликларини баён қилишади. Даваннинг қишлоқ ва шаҳарлари обод, аҳолиси хушмуомала меҳмондўст, суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжаликлари юксак даражада ривожланганлиги, қишлоқ хўжалиги экинларидан арпа, буғдой, шоли, беда экишини, кучли қўшинга эга мамлакат деб таърифлайди. Даванликларда боғдорчилик ривожланганлиги, улар узум мевасидан кайфиятни кўтарувчи ичимлик тайёрлашларини, ҳар бир хонадон ертўласида бир неча катта хумларда, зодагонлар омборида эса бир неча юзлаб хумларда сақлашлари ҳақида баён этади. Элчининг ҳайратига сабаб бўлган бақувват, баланд бўйли, кучли Давань дулдул отлари бўлади. У отларнинг бундай бақувват ва кўркам бўлишига сабаб, Даванда илк бор учратган беда ўсимлиги билан боғлайди. Ўша даврда Хань империяси хитойликлар тилида Осмонтаги давлати, император У-ди эса Тангри ўғли деб аталар эди. Чжан Цянь У-дига ёзган ҳисоботларида ҳайратига сабаб бўлган Даваннинг дулдул отлари, бедаси, таъми тилни ёрадиган узумларини ҳам ўз юрти-Осмонтагида бўлишлигини айтиб ёзади. Чжан Цянь мана шулар сабаб қадимги Хитой давлати билан Давань давлати ўртасида дастлабки элчилик ва савдо-сотиқ алоқаларининг ўрнатилишига асос солади. Шунингдек, у саёҳати давомида йўлларнинг тузилиши, сув, тоғ, текисликларнинг жойлашиши ҳақида қимматли маълумотларни беради. Шундай қилиб, Чжан Чян (Цянь) [хитойлар учун ғарбий мамлакатларга борадиган] йўл очди.[6]

Қадимий Давань давлати қадимда Буюк ипак йўлининг тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий йўналиши ўтган давлатлардан бири ҳисобланган. Хитой манбаларида Шимолий йўл деб аталган савдо йўлининг Қашқар-Фарғона булаги Фарғона водийсидан ўтган ва савдо йўли сифатида узоқ йиллар хизмат қилган.[3] Тарихий маълумотларга ва археолог олимларнинг йўл бўйида жойлашган археология ёдгорликларини ўрганишлари натижасида водийдан ўтган қисми қуйидаги икки йўналиш асосида тикланган:

1. Қашқар- довондан ўтилган-Ўш-Мингтепа-Қува-Симтепа(Фарғона)-Туркистон тоғ тизмалари бўйлаб-Хўжанд-, ундан Сўғд (Самарқанд) ва Бақтрия томонларга ўтиб кетган.
2. Қашқар-довондан ўтилган-Ўзган-Қайновот (Учқўрғон)-Сирдарё ўнг қирғоғи бўйлаб-Қизил Жар-Ахсикент-Поп-Ашт-ундан довон орқали Ангрен воҳасига ва Қозоғистоннинг бепоён даштларига чиқилган.[3]

Ушбу йўллар асосий йўллар ҳисобланиб, улгуржи савдо муносабатлари йўлга қўйилган.

Юқорида айтиб ўтилган Буюк ипак йўлининг Фарғона водийсидан ўтган қисмида Мингтепа шаҳри ҳам жойлашган бўлиб, ушбу шаҳар қадимий Хитой манбаларида тилга олинган Эрши шаҳрининг қолдиғи ҳисобланади. Эрши шаҳри ҳақидаги илк маълумотлар хитой ёзма манбаларида, асосан Хитой тарихчиси Сима Цяннинг асарида учрайди.

Мингтепа археология ёдгорлиги Андижон вилоятида жойлашган бўлиб, Андижон шаҳри марказидан 38 км. узоқликда, ҳозирги Марҳамат туманининг марказида жойлашган. Мингтепа археология ёдгорлиги ички ва ташқи шаҳар қисмларидан иборат бўлиб, ички қисм, тахминан, 41,2 гектар, ташқи шаҳар қисми 272 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган антик давр ёдгорликларидан биридир.

Сима Цяннинг “Ши-жи” яъни “Тарихий хотиралар”асари нинг 5-бўлим, 123-боби “Фарғона тазкираси” яъни “Дай-юан лечжуан” деб номланиб, ушбу бўлим қадимий Фарғона яъни Дай-юан давлатига бағишланади. Шунингдек, ушбу бўлимда Мингтепа яъни хитойликлар тилида Эрши шаҳри ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган: “Элчиларга эргашиб бориш истагини билдирганлар Тангри ўғли (Тянзи)га хушомад қилиб, «Фарғона (Юан)да яхши отлар бор, **Риейшией (Эрши)** шаҳрида боқилади, Хан [уларни] элчиларига кўрсатмайди», деб айтдилар. Буни эшитиб, Тангри ўғлида Фарғона отларига (Юанма ...) қизиқиш пайдо бўлди.[6]

Шунингдек, асарда Эрши(яъни Мингтепа)га милоддан аввалги 104-102 ва 101 йилларда Хан империяси томонидан қилинган ҳарбий юришлар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган. Айниқса, ушбу қўшинга бошчилик қилган бош қўмондон Ли Гуанглига “Риейшией (Эрши) қўмондони” унвонининг берилиши ҳам бежиз эмас эди. Эрши (Мингтепа)да етиштириладиган самовий отларни сотиб олиш мақсадида Хань императори Дай-юанга дастлаб Чэ Линг бошчилигида элчилик гуруҳини қимматбаҳо совғалар ва олтиндан ясалган от ҳайкалчаси каби совғалар билан юборади.[6]

А.Н.Бернштам Эрши шаҳрини айнан Мингтепа шаҳри харобалари эканлигини ўзининг илмий хулосаларида айтиб ўтади. “Эршининг хитой транскрипцияси шубҳасиз Ураштнинг номларидан бири ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, у аниқ бир жойга жойлашган бўлиши мумкин, яъни Аравон сойи олдидаги Марҳамат харобаларига мос келади, чунки унинг устида расм (самовий отлар тасвирланган – Ш.Ҳ.) солинган қоя мавжуд. Бундай маҳобатли шаҳар (Хитой манбаларида тасвирлангани каби) Қува ва Ўш оралиғида бошқа учрамайди... Марҳамат харобалари маҳобатлидир... Шундай қилиб, биз қуйидаги хулосага келдик: Аравон сойи қирғоғига жойлашган Марҳамат қишлоғидаги харобалар қадимий Эрши шаҳрининг харобаларидир...” [1].

Мингтепа археология ёдгорлигида 1986-1987, 2002 йилларда археологик тадқиқот ишларини олиб борган тарих фанлари доктори, профессор Боқижон Матбобоев ҳам ўзининг илмий изланишлари натижасида Хитой манбаларида тилга олган Эрши шаҳри айнан Мингтепа эканлигини таъкидлайди. Айниқса, унинг раҳбарлигида 2012 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд Археология институти ҳамда Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий Фанлар академияси Археология институти олимлари

ҳамкорликда археологик дала тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Қадимий Мингтепа шаҳридан топилган моддий ашёлар Мингтепа археология ёдгорлигини ўша Хитой манбаларида айтиб ўтилган Эрши шаҳри эканлигини исботлайди ҳамда Буюк ипак йўли тармоғи ўтган асосий шаҳарлардан бири эканлигидан дарак беради.[5]

Қадимий Мингтепада суғорма деҳқончилик, айниқса, боғдорчилик жуда яхши ривожланган. Тарихий асарларда таъкидлаб ўтилганидек, Мингтепа(Эрши)да узум кўчатлари, беда ўсимликлари кенг миқёсда етиштирилган ва қўшни давлатларга экспорт қилинган. Савдо ва элчилик алоқалари орқали Хитойга олиб келинган узум кўчатлари ва беда ўсимлиги уруғлари император У-ди томонидан хосилдор ерларга экилган ва чет элдан келган мартабали меҳмонларга кўрсатилган.

“Фарғона (Юан) атрофида узум (путао ... ) дан май ишлаб чиқаради, бойлари 10 минг пуддан (дан) ортиқ май сақлашади. [Ушбу май] бир неча ўн йил турса ҳам бузил-майди”.[6]

Б.Х.Матбобоев рахбарлигида олиб борилган охирги археологик қазишма ишлари даврида ер остидан топилган катта сопол хумлар ҳам ўша тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган ер остида сақланган узум майлари тўла хумлар бўлиши мумкин.

Бундан кўринадики, қадимда Буюк ипак йўли савдо муносабатларида Хитой давлатидан ипак, чинни махсулотлари келтирилган бўлса, қадим Давань-Мингтепа(Эрши)дан узум меваси ва майи, беда ўсимлигининг уруғи, самовий отлари Хитойга ва бошқа қўшни давлатларга олиб кетилган. Шунингдек, савдо муносабатларини амалга оширилишида карвонсаройларнинг, савдогарлар тўхтаб, дам оладиган қўним жойларнинг ҳам аҳамияти катта. Мингтепа археология ёдгорлиги сирасига кирувчи бир қанча тепаликлар ҳам ўша даврда савдогарлар учун хизмат қилувчи масканлар ҳисобланган. Фарғона вилоятининг Қува туманидан кириб келган карвонлар Мингтепа(Марҳамат)нинг Ровот ва Юқори Ровот қишлоқларида жойлашган карвонсаройларда тўхтаб, дам олиб, савдо ишларини амалга ошириб, сўнг Қоровултепа орқали ҳозирги кундаги қўшни Қирғизистон Республикасининг Аравон тумани орқали Ўш шаҳрига ўтиб кетишган. 1950 йилларда ҳам шу йўллар мавжуд бўлган. Ахоли шу йўллар орқали Фарғона вилоятининг Қува туманига, ёки, қўшни Қирғизистоннинг Аравон тумани орқали Ўш вилояти бозорларига боришган.

**4.Хулосалар:**

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Мингтепа қадимда Буюк ипак йўлининг трансконтинентал кесимида шарқ ва ғарб давлатларини бир-бири билан боғлаган ҳунармандчилик, боғдорчилик, чорвачилик савдо марказларидан бири сифатида узоқ йиллар хизмат қилиб келган. Мамлакатимиздаги маданий мерос объектлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 29 декабр кунги "Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги “Мингтепа” археология мероси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги 1059-сонли қарори[10] чиқиши ҳам бу муқаддас масканда Ўзбекистонимизнинг буюк қадимий тарихини, довруғини дунёга намоён эта оладиган ёдгорлик мавжудлигидан далолат беради. Ўзбекистон Давлат Тарихи музейида 2019 йил 22 январь куни “Чангандан- Вандугача” деб номланган кўргазма ташкил этилди. Кўргазмадан мақсад Хитойнинг қадим Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳри Чангандан – қадим Довон давлатининг бош шаҳри-Мингтепагача бўлган тарихий жойлардан топилган қадимий археологик ашёларни намойиш этишдан иборат бўлди. 2019 йилнинг июнь ойигача давом этиши режалаштирилган ушбу кўргазма очилишида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги мухтор элчиси Цзян Янь хоним, ўзбек ва хитой тарихчи олимлари, академиклари, зиёлилари иштирок этдилар. Хитой элчиси: “Мингтепа ёдгорлиги замирида ташкил этилган ушбу кўргазма икки давлат ўртасида маданий ва маънавий алоқаларини янада мустаҳкамлашига хизмат қилади”, деб юқори баҳо берди. Мингтепа шаҳар харобасининг Буюк ипак йўли ривожланиши тарихидаги ўрнини ўрганиш ва тарғиб қилиш орқали қуйидаги таклиф ва хулосаларни айтиб ўтиш мумкин.

1. Буюк ипак йўли кесимида жойлашган Мингтепа археология ёдгорлигининг тарихий-археологик аҳамиятини, унинг миллатимиз тамаддуни бешикларидан бири бўлганини эътиборга олган ҳолда, мазкур объектни муҳофазасини таъминлаш, Юнеско

ташкилотининг умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиш, Мингтепа тарихий-меъморий археологик ёдгорлигини очиқ осмон остидаги музей-шаҳарга айлантириш;

2. Мингтепа археология ёдгорлигининг тарихий-археологик аҳамиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш орқали ёшларда аждодларимиздан қолган бой маданий меросларимизга ҳурмат, юртга садоқат, ватанга мухаббат, ўтмиш тарихимиздан фахрланиш хисларини юксалтириш йўлида тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш;
3. Буюк ипак йўли лойиҳалари асосида Мингтепа археология ёдгорлиги заминида туризм соҳасини ривожлантириш орқали ахолини иш билан таъминлашга эришиш, инфратузилмани ривожлантириш:

Мингтепа археология ёдгорлиги ўзининг қадимийлиги, маҳобатлилиги билан туризмнинг қайноқ нуқтаси бўла олади.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Бернштам А.Н. Араванские наскальные изображения и Даванская (Ферганская) столица Эрши // СЭ. 1948. №4.( Bernshtam A.N. Aravan rock paintings and the Davan (Fergana) capital of Ershi // SE. 1948. №4.)
2. Бичурин. Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.-Л. 1950.( Bichurin. N.Ya. Collection of information about the peoples who lived in Central Asia in ancient times. M.-L. 1950).
3. Буюк ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари. Матбобоев Б.Х., Шамсутдинов Р.Т., Мамажонов А..Андижон, “Мерос”, 1994 й.( Fergana cities on the Great Silk Road. Matboboev B.Kh., Shamsutdinov R.T., Mamajonov A..Andijon, “Meros”, 1994.)
4. Матбабаев Б. Городище Мингтепа // Древние города Ферганской долины. Ташкент. 2009.( 4. Matbabaev B. Mingtepa settlement // Ancient cities of the Fergana Valley. Tashkent. 2009).
5. Матбобоев Б.Х. Мингтепа: Археологик қазишмалар ва уларнинг тахлили // “Водийнома”, 2019 3(14) (Matboboev B.Kh. Mingtepa: Archaeological excavations and their analysis // “Vodiynoma”, 2019 3 (14)
6. Хўжаев А. “Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). “Фарғона” нашриёти. 2013 й. (Khujaev A. “Information on the history of Fergana (translations and commentaries from ancient and early medieval Chinese sources). Fergana Publishing House. 2013 y.)
7. БУЮК ИПАК ЙЎЛИ: ЎТМИШ, БУГУН ВА КЕЛАЖАК . Аббасов Б.С., Мелиев М.Б., Эшмаматов Э.Д.// Osiyo tamadduni va Buyuk Ipak yuli xalqaro ilmiy-amaliy anjuman тўплам. Самарқанд. (THE GREAT SILK ROAD: PAST, PRESENT AND FUTURE. Abbasov B.S, Meliev M.B, Eshmamatov E.D// Proceedings of the International Scientific-Practical Conference on Asian Civilization and the Great Silk Road. Samarkand)
8. Мингтепа. Илмий-оммабоп тўплам. “Наманган” нашриёти, 2019 й.( Mingtepa. Popular science collection. Namangan Publishing House, 2019)
9. Хусанова Ш. Мингтепа зиёратгоҳлари ва қадамжолари. “Arjumand media”. Наманган.2020 й.( Khusanova Sh. Mingtepa shrines and shrines. "Arjumand media". Namangan.2020 y)
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги “Мингтепа” археология мероси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги №1059-сонли қарори, 2018 йил 29 декабрь.( The decision of the Cabinet of Ministers on the protection and rational use of the Mingtepa archeological heritage site are described. №1059. 29 December, 2018 y)

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Фурқат Эшбоевич Тошбоев**,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,
Жиззах давлат педагогика институти
Тарих ва уни ўқитиш методикаси кафедраси
furqat7312@mail.ru
**Наргиза Икрамовна Каримова**,
Жиззах давлат педагогика институти
Тарих ва уни ўқитиш методикаси
кафедраси ўқитувчиси
nargiz_82_88@mail.ru

## УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ

**For citation:** Furkat E. Toshboev, Nargiza I. Karimova, ANCIENT CITIES OF USTRUSHANA AND PLACE IN THE TRADE ON THE GREAT SILK ROAD. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.261-267

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-35**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада қадимги савдо ва айирбошлаш усулларини ўрганиш жараёнида хом ашё манбаларини ривожлантириш ва турли қадимги қишлоқ хўжалиги минтақалари ва ҳудудлардаги аҳоли пунктларини ўрганиш аҳамияти, қадимги савдо йўллари шаклланишида чорвадор қабилаларининг анъанавий ҳаракатланиш йўллари ва мавсумий кўчишлари катта таъсир кўрсатганлиги келтирилган.

**Калит сўзлар:** Андронова жамоалари, Бенакет, Арсубоникат, Куркат, Ғазак, Фағкат, Собот, Зомин, Дизак, Нужкат, Ибн Хурдодбек.

---

**Фуркат Эшбоевич Тошбоев**,
доктор философских наук,доцент,
Джизакский государственный педагогический институт
Кафедра методика преподавания истории
furqat7312@mail.ru
**Наргиза Икрамовна Каримова**
Джизакский государственный
педагогический институт, преподаватель,
Кафедра методика преподавания истории
nargiz_82_88@mail.ru

## ДРЕВНИЕ ГОРОДА УСТРУШАНЫ И МЕСТО В ТОРГОВЛЕ НА ВЕЛИКОМ ШЕЛКОВОМ ПУТИ

**АННОТАЦИЯ**

В статье приводятся сведения об освоения сырьевых источников и изучения поселений в различных древних земледельческих регионах и территорий, развитие торговли и обмен товаров, традиционные маршруты передвижения и сезонные переселения, процесс развития скотоводческих племен оказавшие большое влияние в развитии новых торговых путей.

**Ключевые слова:** Андроновская культура, Бенакет, Арсубоникат, Куркат, Газак, Фагкат, Собот, Замин, Дизак, Нужкат, Ибн Хурдодбек.

---

**Furkat E. Toshboev**,
Doctor of Philosophy, dotsent,
Jizzakh State Pedagogical Institute,
Department of methods of teaching history
furqat7312@mail.ru
**Nargiza I. Karimova**,
Jizzakh State Pedagogical Institute,
Lecturer.Department of methods of teaching history
nargiz_82_88 @ mail.ru

# ANCIENT CITIES OF USTRUSHANA AND PLACE IN THE TRADE ON THE GREAT SILK ROAD

**ABSTRACT**

The article provides information on the development of raw materials and the study of settlements in various ancient agricultural regions and territories, the development of trade and exchange of goods, traditional routes of movement and seasonal resettlement, the process of development of pastoralist tribes that had a great influence on the development of new trade routes.

**Index Terms:** Andronov culture, Benaket, Arsubonikat, Kurkat, Gazak, Fagkat, Sobot, Zamin, Dizak, Nuzhkat, Ibn Khurdodbek.

---

**1 Долзарблиги:**

Ушбу мақолада инсоният цивилизацияси тарихида турли ўлкалар ўртасидаги иқтисодий-маданий муносабатларнинг ривожланиши батафсил келтирилган . Бундай алоқаларнинг амалга ошишида халқаро транзит ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўлларнинг ўрни катта бўлганлиги борасида тадқиқотлар келтирилган. Сўнгги йилларда бутун дунёда Буюк Ипак йўли тарихини ўрганиш ва қадимги халқлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни тадқиқ этишга қизиқиш кучайиб бормоқда.

Қадимги савдо ва айирбошлаш усулларини ўрганиш жараёнида хом ашё манбаларини ривожлантириш ва турли қадимги қишлоқ хўжалиги минтақалари ва ҳудудлардаги аҳоли пунктларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.Қадимги савдо йўллари шаклланишида чорвадор қабилаларининг анъанавий ҳаракатланиш йўллари ва мавсумий кўчишлари катта таъсир кўрсатган. Бу йўллар жуда қадим тарихга эга бўлиб, неолит даври жамоалари ва бронза даврида шаклланган йўллар ва Евроосиё даштларида яшовчи туркий халқлар (Андроново жамоалари) нинг жанубий минтақаларга кириб бориши билан халқаро аҳамият касб эта бошлаган.

Тарихий асарларда келтирилган маълумотларга кўра, Буюк ипак йўли фаолиятидан анча олдин Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиѐ ҳудудларида ўзаро алмашинув йўллари мавжуд бўлган[1], йўлларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатган омиллар орасида иқтисодий (товар айирбошлаш ва савдога бўлган эҳтиёж), геграфик (унумдор воҳа,ўтга бой яйловлар, сув манбаларининг мавжудлигига ва бошқаларга қараб йўл қурилиши), сиёсий (карвонлар ўз ҳудудидан ўтган қабилалар ёки давлатларнинг тинчлик ёки жангари табиати) масалалар биринчи ўринда туради. Археологик ва тарихий ёзма манбаларнинг таъкидлашича, Ўрта Осиё ҳудудидаги Хоразм, Бақтрия, Марғиёна, Суғдиёна,

Фарғона, Чоч каби тарихий-маданий вилоятлар ўртасида илк даврларданоқ турли хилдаги маданий алоқалар шаклланган. Улардан Чоч ва Фарғонани Суғд ва ундан жанубдаги ўлкалар билан боғлашда Уструшонанинг ўрни катта бўлган.

Мил. авв. VI-IV асрларда Эрон аҳамонийлари йўлининг бир тармоғи Кичик Осиё шаҳарларини ҳамда Ўрта Ер денгизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказларидан бири – Суза билан боғлаган бўлса, яна бир тармоғи Эрон-Бақтрия орқали Суғдиёна, Тошкент воҳаси ва Қозоғистон ҳудудларидан ўтиб Олтойгача борган. Тарихий адабиётларда бу йўл - «шоҳ йўли» деб аталади. Эски Ховос ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида, мил. авв. V-IV асрларга оид меъморий қолдиқлар ўрни аниқланган[2], бу ёдгорлик Самарқанддан шарққа йўналган йўлнинг чорраҳасида жойлашган.

Ундан бир тармоқ Ховосдан Куркат орқали Хўжанд ва Фарғонага, иккинчи тармоқ қадим Чочга олиб борган. Чоч йўналишида иккита йўл бўлган, бири нисбатан узоқроқ, лекин хавфсиз йўл – тўғри Сирдарё кечувидан сўнг шимолга, Бенакет (Шоҳрухия) шаҳрига ва ундан эса, Харашкентга ва кейин Чоч пойтахти Бинкетга борган. Иккинчи йўл қисқа дарёдан ўтмасдан, унинг чап қирғоғи бўйлаб, ўрта асрларда Хушкет деб номланган ҳозирда Сайхунобод туманининг Нурота ёдгорлигига бориб, сўнгра кечувдан Бенакет (Шоҳрухия)га ўтилган. Бу Эски Ховос ёдгорлиги Фарғона, Чоч ва Суғдда савдо йўналишлари чорраҳасидаги қулай ва муҳим манзил вазифасини бажарганлигини кўрсатади.

Эски Ховосдаги маданий қатламларнинг қуйи қисмидан олинган сопол бўлаклари Фарғона водийсидаги Эйлатон маданиятида қайд қилинган топилмаларга ўхшаш бўлиб, улар тадқиқотчилар томонидан мил. авв. V-IV асрларга тааллуқли эканлиги айтиб ўтилган. Бундан кўриниб турибдики, қадимги даврларда бу ерда истиқомат қилган аҳоли билан қўшни ҳудуддаги жамоалар ўртасида маданий алоқалар фаол кечиб, манзилгоҳнинг «шоҳ йўли» фаолиятда бўлган даврда мавжуд бўлганлигини кўрсатади[3], кейинги манбада Араб сайёҳи, Абул-Қосим Муҳаммад ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Уструшонада обод ва кўркам шаҳарлар кўп бўлган. ”... унга қуйидаги шаҳарлар қарашли: Арсубоникат, Куркат, Ғазак, Фағкат, Собот, Зомин, Дизак, Нужкат, Харқона. Булар Уструшонанинг шаҳарларидир [4], ушбу шаҳарнинг бошқа ўлкалар билан савдо-иқтисодий алоқалари кўплаб мамлакатларнинг ривожига катта таъсир кўрсатган. Яна бир шаҳарларидан бири Зомин ҳисобланиб, у бош шаҳар Бунжикатдан кейин иккинчи бўлиб тилга олинади [5], Зомин шу рустоқнинг бош шаҳри бўлиб, у Фарғона билан Сўғдни боғловчи катта карвон йўли ёқасида, тоғ олди ўлкасида жойлашган.

Бу ҳақида ибн Ҳавқал “У Фарғонадан ас-Сўғдга олиб борувчи йўлда жойлашган унинг бошқа номи Савсанда. У ерда эски шаҳар ҳам бор, лекин у хароба ҳолатида. Бозорлар, жоме масжиди ва аҳолисининг ҳаммаси Савсандага кўчирилган. Бу янги шахар атрофида девор йўқ. У Бутун ас-Сўғддан Фарғонага кетаётган йўловчиларнинг тўхтов еридир. Унда оқар сувлар, боғлар, токзорлар ва экинзорлар бор” [6] деб маълумот беради . Зоминга кўплаб сайёҳ ва савдогарлар тўхтаган. Улар Хитойдан то, ажам ва араб мамлакатларигача бўлган ўлкалардан бўлиб, турли хил товар, молу-матоҳ ва зироварлар олиб келишган. Зоминда оқар сув, боғ, узумзор, буғдойзорлар ва чорва моллари кўп бўлган. IX асрда яшаб ўтган ал – Ёқубийнинг ёзишича, “Зомин ва унинг атрофида кўплаб работлар фаолият кўрсатган”. Ибн Хурдодбех эса, бошқа замондошлари каби фақатгина Зомин шаҳри ва унга тегишли масофаларни эмас, балки, Зоминнннинг географик хусусиятлари, шаҳар тарихи ҳақида ҳам қисман бўлсада маълумот беришга ҳаракат қилган. Унинг ёзишича “Зомин аш-Шош, Фарғона ва турклар ўлкасида олиб борувчи йўллар кесишган чоррахада жойлашган [7], деган маълумотлар келтирилган.

Уструшонанинг яна бир шаҳри, Дизакнинг тарихий ҳудуди ҳозирги маъмурий бўлинишлар бўйича, тахминан Жиззах шаҳри ва тумани ҳудудига тўғри келади. У шимоли-ғарбий Уструшонанинг энг чеккасида, кўчманчилар дашти билан чегарада жойлашган. Дизак аҳолиси зич жойлашган шаҳар бўлиб, кўп сонли уйлари, бозорлари, боғлари, мусофир ва савдогарлар учун карвонсаройлари билан машҳур бўлган. Ўрта аср тарихчи – географлари

Ибн Ҳавқал, ал- Истаҳрий, ал- Муқаддасийларнинг ёзишларича, – “Дизак текисликда (жойлашган) шаҳар.Унинг ёнида Фанкон номли рустоқи бор. Уруш вақтида унда Самарқанд аҳолиси тўпланади. Унда кўп сонли одамларни сиғдирадиган работлар бор... Дизакда оқар сувлар ва боғлар бор. У ҳосилдор шаҳар” [8] бўлиб, Фанкон рустоқи ерларини суғоришда Сангзор дарёсидан қазиб чиқарилган каналдан фойдаланишган. Дизакликлар жун ва тивитдан кийим кечак тикишга, гилам тўқиш ва намат босиш ишларига ниҳоятда уста бўлганлар, манбаларда жиззахликлар деҳқончилик борасида ҳам моҳир бўлганлиги таъкидланади. Бу ўлкада мевалар шу қадар кўп етиштирилганки, ҳатто, мевалар билан уй ҳайвонлари боқилган. Шаҳарда ҳунарманчилик, шаҳар атрофида зироаткор – деҳқончилик тараққий этган.

IX-X асрларда Дизак шаҳри муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга ҳам эга бўлган. Дизак бу даврда даштдан кириб келувчи чўлликларнинг талончилик юришларига қарши зарба берувчи ислом лашкари “ғозийлар” қароргоҳига айланган. Шу сабабли Дизакда нафақат уструшоналикларни балки самарқандликларни хусусий рабодлари қад кўтарган [9], эҳтимол шунинг учун хам яна бир ўрта аср муаллифи Аҳмад ал-Котиб Уструшона ҳақида “бу улкан ва муҳим аҳамиятга эга мамлакат, унда 400-та қаъла ва бир қанча йирик шаҳарлар мавжуд” [10],- деб таъкидлаган.

Харқона (Харакана) мамлакатнинг Сўғд билан туташ чегарасида – Самарқанддан 8 фарсах масофада [11], Сўғд-Шош карвон йўли ёқасида (ҳозирги Ғаллаорол тумани, Сарибозор қишлоги атрофида) жойлашган. Ал-Истаҳрий, ибн Ҳавқал ва ал-Нуқаддасийларнинг “Харқона Уструшона шаҳарларидандир” деб ёзишларига қараганда рустоқ ва унинг бой шаҳри ягона ном билан аталган, ҳамда работи бўлган. Уструшона шаҳарлари орасидаги масофалар ўлчамини бераётган муаллифлар аксарият ҳолларда Харқона рустоқини бошлама ҳаракат йўналишлари меъзони қилиб олишган, Хусусан, ал-Истаҳрийни ёзишича, Ҳараканадан Жиззахгача 5 фарсах, Хараканадан Зомингача эса 9 фарсах, Зоминдан Сабатгача 3 фарсах, Зоминдан Куркетгача 13 фарсах, Уструшона ва Сабот оралиғидаги масофа 3 фарсах, Нуж кет ва Харакан оралиғидаги масофа 2 фарсах. Фарғона билан чегарадош Арсаникет Уструшонадан 9 фарсах узоқликда жойлашган [12], каби маълумотлар келтириб ўтилган.

Буюк ипак йўлидаги рустоқлардан бири Нужкат хусусида ёзма манбалар жуда қисқа маълумотлар билан чегараланиб қолган. Бунжикат дарвозаларидан бири шу ном билан аталган. “Нужкат” сўзининг луғавий маъноси, сўғдча “янги қишлоқ” маъносини беради [13], Н.Негматов Нужкатни ҳозирги Бахмал туманидаги Мўғол ва Бахмал қишлоқлари орасида бўлган деб тахмин қилади [14], А.Э. Бердимуродов бу масалага янада ойдинлик киритиб, “... Нужкат, бу ҳозирги Сангзор дарёсини юқори оқимидаги Нужкет қишлоғида жойлашган IX-XI асрларга оид ёдгорлик ўрнида бўлган” деб таъкидлайди[15], Нужкатнинг шаҳар эканлиги айтилсада, унинг хусусиятлари, қайси рустоқ таркибида эканлиги, географик ўрни ҳақида маълумотлар берилмаган.

Бурнамад, Фекнон ва Харканадан жануб ва жануби-шарқда, Самарқанддан Зоминга борадиган катта йўл ёқасида, Сўғднинг Яркат рустоқи билан чегарадош ҳудудда жойлашган [16], Рустоқнинг ғарбий томони тоғлик, шарқи чўлликдан иборат бўлган. Истахри ва ал-Муқаддасийлар, Бурнамат катта бўлмаган қишлоқ бўлиб, аҳолиси ҳам кўп эмас деган маълумотни, Ибн Ҳавқал эса, аксинча, Бурнамадда кўплаб қишлоқлар борлиги ҳақида ёзади. Бу ерда X асрда мачит ҳам, ерни суғорадиган дарё ҳам бўлмаган. Деҳқончилик учун булоқ сувлари ва қор ва ёмғирдан фойдаланишган. Бурнамад Баркатдан 9 фарсах, Зоминдан эса 4 фарсах масофада жойлашган. Н.Н.Негматов Бурнамад рустоқини, Пшағар, Қўрпа ва Тайлан қишлоқлари атрофида жойлашган [17] - деб, ҳисоблайди. А.А. Грицина эса Бурнамадни, Равотсой ҳавзасидаги ҳозирги Поймард қишлоғи ўрнида бўлган [18] деган фикрни беради.

Уструшона шаҳарларидан деб эътироф этилган Собот, Сўғдни Шош билан боғловчи карвон йўлида, Самарқанддан 20 фарсах масофада жойлашган. Ибн Хўрдодбеҳнинг ёзишича Собот билан Зомин орасидаги масофа 2 фарсах, Истахрийнинг ёзишича 3 фарсах бўлган [19],

Араб географларининг баъзилари (Истахри, ибн Ҳавқал, Ёқут кабилар) Соботни Уструшона шаҳарларидан деса, бошқалари (ал-Муқаддасий ва Қудама) катта қишлоқ деб таърифлашган. Араб муаррихлари Соботни карвон йўлидаги муҳим бекат деб таърифлашдан ташқари, унда оқар сув бўлиб, боғлар билан ўралганлиги, усти айвон шаклида ёпилган бозорлар мавжуд бўлганлигини ҳам ёзишган [20], А.А. Грицинанинг ёзишича, унинг харобалари Эски Сават қишлоғидан 3 ёки 4 км жануби-ғарбда Хўжамушкентсой бўйида жойлашган, ҳозирги Культепа шаҳар ёдгорлиги ўрнида бўлган [21], Собот сўзининг маъноси ҳақида ягона фикр йўқ, айрим манбаларда у арабча "усти ёпиқ йўл", ёки суғдча "чап томон", маъносини бериши [22], ёки Себат, яъни "уч карвонсарой" маъносини англатиши [23] ҳақида ёзилган.

Уструшонанинг юқорида санаб ўтилган шаҳарлари халқаро аҳамиятга эга транзит йўллари билан биргаликда, кўплаб аҳоли пунктларини боғлаб турувчи ички йўллар тармоғига эга бўлган. Бу йўллар, ўз навбатида, Ўрта Осиё савдо йўлларининг таркибий қисми сифатида хам ахамиятга эга эди. Уструшонадан шимолга томон йўналган йўллар Чирчиқ водийсига икки йўналишда ўтган бўлиб, биринчиси Ховос оркали, иккинчиси Чирчиқ орқали ўтарди. Уструшона шахарларидан бўлган Саботдан Аркенд ёки Рукунд оркали Ҳўжандга ўтиш мумкин бўлган. Асосий йўлларда доимий турар жойлар, карвонсаройлар, сув ичиш қудуқлари бўлган. Бу йўлларда ривожланган ҳунармандчилик марказлари ва савдо пунктлари ҳисобланган шаҳарлар жойлашган.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси**

Уструшонанинг иктисодий хаётида ички ва ташқи савдо муҳим ўрин тутган бўлиб, ички савдонинг қанчалик ривожланганлиги ҳакида бу ҳудудда сакланиб колган бозорлардан ҳам билиш мумкин. IX асрнинг биринчи чорагида Дизакдан бир фарсах узоқликда, Уструшона ҳукмдори Ковуснинг ўгли Ҳайдар саъй ҳаракати билан бунёд этилган Худайсар рабодининг овозаси узоқ элларга қадар маълум бўлган. Ибн Ҳавқалнинг маьлумотига кўра "Унинг худудидаги энг диққатга сазовор бўлган работ Худайсар работи бўлиб у шаҳар (Дизак Ф.Т.) дан икки фарсаҳ масофада жойлашган. Бу Моварауннаҳрдаги энг машҳур работлардан бири бўлиб уни ал-Афшин қурдирган" [24],унинг кўриниши шундай маҳобатли бўлганки, ҳатто уни Ёқут "Мовароуннҳр сарҳадидаги шаҳар" деб эьтироф этган [25], номаълум муаллиф томонидан ёзилган "Ҳудуд ул- Олам" асарида ёзилишича, "Дизак оқар сув яқинидаги унча катта бўлмаган шаҳар. Унинг ёнида Марасманд деган жой бор, ҳар йили у ерда бир марта ярмарка бўлади ва айтишларича бир кунлик савдо муомаласи 100000 динордан ошади" [26], шу билан бирга ташқи савдо ҳам жуда яхши ривожланган. Қўшни ҳудудларга кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва зироварлар олиб чиқиб кетилган. Уструшонага эса тери, жун, гиламлар, Бухородан ва Сўгддан пахта маҳсулотлари, Хитойдан эса ипак маҳсулотлари олиб келинган.

Уструшона ўрганилган ёдгорликларда ўз сифатини йўқотмаган темирдан ясалган ўткир тиғли қуроллар кўплаб қайд қилинган. Орадан икки минг йилдан ортиқ вақт ўтишига қарамай, бу жанг қуроллари ўзининг сифати ва асл ҳолатини маълум миқдорда сақлаб қолган. Бу эса, антик даврда Уструшонада ҳунармандчиликнинг металлсозлик соҳаси ҳам юксак даражада тараққий этганлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, чорвадорлар ҳарбий тадбирлар муваффақиятини белгиловчи темир қуроллар ишлаб чиқаришда моҳир уста бўлишган. "Сакларда айниқса тилладан ясалган буюмлардан фойдаланиш биринчи ўринда турган" [27], каби маълумотлар берилган.

Тарихий манбаларда уструшоналикларнинг асосий ғурури бўлган Минк рустоқи ва Марсманд шаҳарларида тайёрланадиган темир қурол-аслаҳалар ҳақида маълумотлар берилган. Айтишларича, бу қурол-аслаҳалар билан "бутун Хуросон таъминланган ва Бағдоддан то Ироққа қадар кўплаб жангчилар қуролланишган" [28], Уструшоналиклар томонидан тайёрланган қурол-аслаҳаларнинг бундай кенг тарқалиши шубҳасиз, унинг сифати ва нархининг оммага мос бўлишидир. Бу албатта хом-ашё билан боғлиқ бўлган. Шу ўринда айтиш мумкинки, ўлканинг тоғли ҳудудларида темир, олтин, мис, кумуш, купорос, ақиқнинг йўл-йўл тури ҳамда туз конлари ишлаб турган. Бу буюмлардан Уструшона халқларида зеб-зийнат ясаш ва улардан кенг фойдаланиш урф бўлганлиги кўринади.

**3. Тадқиқот натижалари**

Воҳада савдо-сотикнинг ривожланиши карвон йўлларидан узокда жойлашган шаҳарлар ўртасида мол алмашинувининг амалга оширилишига ҳам таъсир кўрсатди. Уструшонадан жанубга томон йўл икки йўналиш орқали, Жиззах – Илонўтти дараси билан Зарафшон воҳасига, Жиззах Нурота орқали Бухоро ва Карманага томон йўл олишган [29], бундан ташқари яна бир йўл Равот қишлоғидан Моргузор тоғининг Кўрпа дараси шарқий ёнбағри орқали Сангзор водийсига чиққан. Кейинги пайтларда ёзма манбаларда акс этмаган йўллар ҳам аниқланган. Ана шундай йўллардан бири Бухородан шимолий-шаркқа - Нуротага, у ердан тоғлар бўйлаб бурилиб, Шимолий Уструшонага, сўнгра эса Сирдарё воҳасига, Шошга ёки Шимолий Ўтрорга олиб борган. Ана шу йўллар бўйлаб бир неча карвонсарой, работ ва қалъалар аниқланган. Улар тоғдан шарқ томонда чўлда топилган бўлиб, уларнинг айримлари ёнида қудуқлар ёки сардобалар бўлган. Ана шундай карвонсаройлардан бири Уструшонада, эски Форишдан 9 км. шимолий-гарбдаги Ухумсойда жойлашган Қўштепада очилган. Иккинчиси, ундан шимолий-шаркда жойлашган Узунқудуқ бўлиб, унинг шарқ томонида, Тузкон кўлидан 15 км узоқликда, Илончисойдаги Калтепада жойлашган [30],шу билан бирга бу воҳани кесиб ўтган йўллар ҳакида араб муаллифлари кўплаб маълумот қолдирганлар.

Самарканддан Шошгача бўлган оралиқ масофа 42 фарсах бўлган. Ю.Ф.Буряков ёзма манбалар ва археологик тадқиқот натижаларига таянган ҳолда Суғддан Чочга элтувчи савдо йўли йўналишига бирмунча аниқлик киритади [31], унга кўра, Суғддан Чочга икки йўналиш бўйлаб бориш мумкин бўлган. Биринчиси яқин, аммо қийин йўл бўлиб, у Жиззах орқали тўппа-тўғри шарққа, аҳён-аҳёнда учрайдиган карвон сарой ва бошқа йўл бўйи иншоотлари бўлган жазирама Мирзачўл орқали ўтган. Бу йўл Сирдарё этагида, Чирчиқ куйилишидан унча узоқ бўлмаган ўтиш жойига келиб анча гавжум бўлган. Шундан сўнг, карвон Чирчиқ бўйлаб Тошкентга йўл олган. Иккинчи йўл эса узоқ бўлсада, хавфсиз ва серқатнов бўлган. Бу йўл Жиззах-Зомин, Ховос йўналишида бўлиб, Ховосда йўл жанубга бурилиб, Охангарон дарёсининг Сирдарё билан қўшиладиган жойидан юқорирокдаги кечувга чиқарди. Сирдарёдан ўтилгач, Тошкентга етиб келиш учун Оҳангорон ва Чирчиқ дарёлари ирмоқларидан ўтиб яна шимол томон юриш керак бўлган.

**4. Хулосалар:**

Антик ва ўрта арларда Ғарб ва Шарқни бир-бири билан боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг аҳамияти Уструшона халқлари иқтисоди ва маданияти, жумладан хўжалик маданиятига катта ижобий таъсир кўрсатган. Энг серқатнов карвон йўли Боғдод – Табриз – Кошон – Марв – Чоржуй – Бухоро – Самарқанд – Харакана – Дизак йўналиши бўлиб, Дизакдан сўнг йўл иккига, ҳатто учга бўлиниб кетган ва барча ҳолатларда ҳам араб ва ажам мамлакатларини Мовароуннаҳр ва Хитой билан боғлаган. Бу эса, Уструшонада бир томондан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши, иккинчи томондан воҳа атрофининг чорвадорлар билан гавжумлашгани ва улар ўртасидаги фаол муносабатлар ҳудуд бўйлаб ўтган Буюк ипак йўли тармоқларининг энг гавжум ва обод бўлишига сабаб бўлган. Ички ва ташқи савдонинг ривожи, ишлаб чиқариш ҳамда товар пул муносабатларини жадаллашуви, ҳамда обод шаҳарлар сонининг ортишига сабаб бўлган.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Mavlonov O., Makhkamova D. Cultural communications and trade routes. Toshkeng, "Academy", 2004. p.4.
2. K. Rahimov. Old Havos is a city at the crossroads of the Great Silk Road. Ustrushona on the Great Silk Road, its role in the development of interregional political, economic and cultural ties (in antiquity and the Middle Ages) "Gulistan, 2016. p. 105
3. K. Rahimov. Old Havos is a city at the crossroads of the Great Silk Road. Ustrushona on the Great Silk Road, its role in the development of interregional political, economic and cultural ties (in antiquity and the Middle Ages)" Gulistan, 2016. p. 106.

4. Ibn Haukal. Kitab Surat al-ard (author of translation and commentary from Arabic Sh.S. Kamoliddin). Tashkent: State Scientific Publishing House "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2011. p. 68.
5. Ibn Hawqal. Take a picture of the book ... p. 69.
6. Ibn Hawqal. Take a picture of the book ... p. 69.
7. Ibn Khordadbek. "Ways and Countries" ... p. 86.
8. Ibn Hawkal. Take a picture of the book ...p. 69.
9. Betger E.K. Excerpts from the book "Ways and Countries" by Abu-l-Qasim ibn Hawkal ... p. 21.
10. Gritsina A.A. The Ustrushanskie were ... p. 33.
11. Ibn Hawkal. Take a picture of the book ... p. 226.
12. Istaksri. Kitab masalik al-mamalik // Materials on the history of Kyrgyzstan and Kyrgyzstan. - M.: 1973. №. 1 .
13. Ibn Hawkal. Take a picture of the book ... p. 226.
14. Negmatov N.N. Usrushannya in antiquity and the early Middle Ages // Proceedings of the IIAE AN TadzhSSR. T. 55. Stalinabad: 1957. p. 40.
15. Berdimurodov A.E. Early medieval archaeological sites of the Jizzakh oasis (North-West Uetrushany V-X centuries) .: Author's abstract of thesis .. Candidate of Historical Sciences- M.: 1985. p. 12.
16. Negmatov N.N. Historical and geographical outline of Usrushana from ancient times to the 10th century AD ... p. 247.
17. Negmatov N.N. Historical and geographical outline of Usrushana from ancient times to the 10th century AD ... p. 247.
18. Gritsina A.A. The Ustrushanskie were ... p. 152.
19. Ibn Khordadbek. The book "Ways and countries" / Per. from Arabic. comment. and issled. decree. and postcards by N. Veliksanova. - Baku: Elm, 1986.p 65, Istakhri. Kitab masalik al-mamalik ... p.21.
20. Gritsina A.A. Archaeological monuments of the Syrdarya region. - Tashkent: Fan, 1992. p. 29
21. Gritsina AA, Sverchkov LM Archaeological research in the Syrdarya region. // IMKU Issue. Tashkent, 1990, p. 119.
22. Ibn Haukal. Take a picture of the book ... p. 225.
23. Mukhammadzhonov A.R. To the etymology of the toponyms "Sabat" and "Rabat" // To the study of rabat on trade routes. Thesis. Urgench 1991. - P.63.
24. Ibn Hawkal. Take a picture of the book ...– B: 69
25. N.N. Negmatov Historical and geographical sketch Usrushana from ancient times to the 10th century AD ... p. 246.
26. Sverchkov L.M. Settlement Myk - a source on the history of medieval Ustrushana: Abstract of the thesis. ... Candidate of Historical Sciences. - Samarkand, 1991. p.15.
27. Khodjaev A. Reference on the history of Fergana ... - P.208

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

# LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000